



Ўзбек ёзувчилар союзининг олд сўзи

Ойлик адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий журнал

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи



51-йил чиқиши

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

МУНДАРИЖА

Шароф РАШИДОВ. Шарқнинг ёрқин юлдузи 3

ЯНГИ ШЕЪРЛАР

Ҳалима Худойбердиева. Учинчи дўст 8
Шукур Холмирзаев. Қил кўприк. Роман 17
Азиз Абдуразоқ. Тўрт оғайни ботирлар. Шеърлар 65
Абдуқаҳҳор Иброҳимов. Бу замон ўғлони. Пьеса 69

ЎЗБЕКИСТОНДА КУП МИЛЛАТЛИ СОВЕТ

АДАБИЁТИ ФЕСТИВАЛИ

Олим Кешоков. Юлдузим 100
Римма Казакова. Табассум 101
Мустай Карим. Нон, Ватан, Муҳаббат 102
Фариза Унгарсинова. Сахро соғинчи 102
Геворг Эмин. Севаман 103
Тўлепберген Қаипбергенов. Кўз қорачиғи. Роман. Охири 104

ЯНГИ ШЕЪРЛАР

Ҳамид Ғулом. Ленин ҳақиқати 140
Раҳим Бекниёз. Дўстлик шарофати 146
Усмон Азимов. Че Гевара сўзи 148
Собит Мадалиев. Синган пиёла товуши 150
Исмоил Тўлаков. Шабнам 153
Усмонжон Шукуров. Тортиш кучи 153
Шукур Содиков. Илтижо 154

Тоҳир Малик. Чорраҳада қолган одамлар. Фантастик қисса.
Давоми. 156

ЯНГИ ТАРЖИМАЛАР

Фолькер Браун. Томоша. Шеърлар. 183
Эрих Арендт. Кариб тунни. Шеърлар. 186
Александр Удалов. «Звезда Востока» 50 ёшда 189

ЮБИЛЯРЛАРИМИЗ

Адлдир нарочан қарағайлари 191
Максим Танк. Ҳамма ишнинг боиси игна. 192
Шариф Юсупов. Умр кўркамлиги 193

БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ

Муҳаммадали Қўшмоқов. Эл жарчиси. 197
Комил Яшин. Едимда у ҳамиша шундай. 198
Сергей Баруздин. «Менинг адашим...» 200

ГУЛҚАЙЧИ

Конвертларни қайчилаганда 202
Исо Абдурахмонов. Елим 203
Турсунбой Адашбоев. Пародиялар 204
Маданий ҳаёт 206
«Звезда Востока» журнали сентябрь ойида 207

ШАРҚНИНГ ЁРҚИН ЮЛДУЗИ

Қадрли ўртоқлар!

Хурматли дўстлар!

Мамлакатимизда хўжалик ва маданий қурилиш, меҳнаткашларни тарбиялаш соҳасида эришилган катта муваффақиятларни мукофотлар билан нишонлашдек яхши анъана расм бўлиб қолди. Шаҳарлар, областлар ва бутун-бутун республикалар мукофотландилар, барчанинг саодати учун шонли меҳнат қилган одамлар ва коллективлар мукофотландилар.

Бугун «Шарқ юлдузи» журналининг коллективи олий мукофот — Халқлар дўстлиги орденини олмоқда. Журнал совет адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари ва меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашдаги фаол иштироки учун шу тантанали тақдирлаш билан нишонланмоқда.

Ўзбекистон Компартияси, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан «Шарқ юлдузи» журнали аҳил коллективи ва авторлар активини Ватанимизнинг юксак мукофоти билан қизғин ва самимий табриклашга рухсат бергайсизлар.

Адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий журналимиз «Шарқ юлдузи»нинг биз бу залда байрам қилаётган ярим асрлик юбилеи — республикамиз маданий ҳаётида катта воқеадир. Бу тўйни минг-минглаб мухлислар муҳаббат ва чуқур миннатдорчилик туйғуси билан нишонламоқдалар. Журналга Москва, Ленинград ва иттифоқдош республикаларимизнинг пойтахтларидан қардошлик қутловларини йўлламоқдалар.

Журналнинг кенг миқёсда машҳурлиги унинг шаънига мутлақо муносибдир. Бу «Шарқ юлдузи»нинг янги, социалистик маданиятни қуришдек буюк ишда, Ленин партияси ғояларини тарғиб этишда, оммани совет ватанпарварлиги ҳамда социалистик интернационализм руҳида, халқларимизнинг муқаддас дўстлиги ва қардошлиги руҳида актив тарбиялашда кўрсатган зўр хизматларининг яққол гувоҳидир.

Журнал босиб ўтган 50 йиллик йўл совет матбуоти, кўпмиллатли совет адабиёти муваффақиятлари ҳамда ижодий парвозларининг бош манбаи — КПСС Марказий Комитетининг раҳбарлиги, мунтазам диққат-эътибори эканлигини ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолажигини тўла-тўқис намоиш этмоқда. «Шарқ юлдузи» худди ана шу оталарча мунтазам ғамхўрлик ва буюк эътибор туфайли вужудга келган.

¹ 1982 йил 16 июлда «Шарқ юлдузи» журналининг 50 йиллиги ва унга Халқлар дўстлиги ордени топширилишига бағишлаб ўтказилган тантанали мажлисда сўзланган нутқ.

Юбилей куни биз журналнинг барпо этилиши ВКП(б) Марказий Комитетининг 1932 йил 23 апрелда «Адабий-бадий ташкилотларни қайта қуриш ҳақида»ги қарори билан тўғридан-тўғри ва бевосита боғлиқ эканлигини эсламаслигимиз мумкин эмас. КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги қарорлари ва кўрсатмалари ҳам журналнинг ҳаётида, унинг бош йўлини белгилашда шу қадар зўр аҳамиятга эга бўлди.

Партия адабиётимизнинг ҳаёт билан алоқасини кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлашга, ёзувчиларимизни замонанинг энг муҳим муаммоларини ҳал этишга сафарбар қилиб келмоқда. Партияимизнинг бу талаби журналнинг ярим асрлик ривожланиш йўлидаги барча босқичларида дастуриламал бўлди.

Худди шунинг учун ҳам биз бугун «Шарқ юлдузи»нинг вақт ўтиши билан сарғайиб кетган жилдларини варақларканмиз, кўз ўнгимизда республикамиз ҳаётининг ҳаққоний, тўлақонли бадий йилномаси, улуғвор, беқиёс эллик йил мобайнида босиб ўтган каттақон тарихий йўлнинг жонли манзараси намоян бўлганини кўрамиз ва ҳис қиламиз. Кўз ўнгимиздан қаҳрамонона беш йилликларнинг ва индустриалаш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш учун, маданий инқилоб учун курашнинг драматизм ҳамда революцион романтика билан тўлиб-тошган воқеалари бирма-бир ўтади.

Биз она тупроғимизнинг пойма-пойма қай тарзда саховатлироқ, кўркамроқ бўлиб қолганини, меҳнатда ва жангда янги совет кишининг характери қай тарзда шаклланганини кўрамиз. Шеърлар ва поэмалар, ҳикоялар ва повестлар бизга уруш вақтининг нафасини; ўзбек жангчисининг қаҳрамонлиги ва мардлигини, оналар ва етимларнинг фарёдини, ғалабага бўлган иродамиз руҳини олиб келади.

Вақтлар ўзгараркан — мавзулар ҳам ўзгаради. Аммо социалистик Ватанимизга муҳаббат, ленинча партияимизга садоқат, барча совет халқлари ва миллатларининг баҳамжиҳат дўстлиги ҳамда мустаҳкам қардошлиги мавзулари, янги одамнинг, коммунистик ахлоқли ижодкор одамнинг вояга етиши мавзуи абадийлигича, ўзгармаслигича қолади.

Тарихнинг ҳар бир босқичида улар янги, конкрет материал билан, кучли ва ёрқин ҳислар билан тўлиб боради, шеърлар ва романлар, поэмалар, мақолалар, очерклар ва пьесаларда тобора самимий, эҳтиросли, бадий жиҳатдан тўла-тўқис ифодасини топади.

Шунга кўра, айта оламизки, юбилейини ўтказаятган журналимиз республикамиз қайноқ ҳаётининг ойнасиғина эмас, айни бир вақтда ўзбек совет адабиёти ютуқлари ва муваффақиятларининг ҳам ойнасидир.

Энг муҳими ва асосийси шундаки, журналнинг ўзи воқеликка фаоллик билан қизғин кириб боради, жонли адабий жараёнга партиявий позициялардан туриб самарали таъсир кўрсатиб, унга керакли, энг истиқболли йўналиш бахш этади. «Шарқ юлдузи» журналининг ўзбек адабиётида партиявийлик ҳамда халқчиллик принципларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, унда социалистик реализм методини барқарор этишдаги, унинг эстетик савияси ва бадий маҳоратини ошириш учун курашдаги роли ва аҳамияти ана шу билан белгиланади.

Журнал барпо бўлган даврдан бошлаб оммани ғоявий ва маънавий тарбиялашда мактаб, юксак минбар, айни бир вақтда шундай бир ижодий лаборатория бўлиб қолдики, унда истеъдодли ёш прозаиклар ва шоирлар, драматурглар, публицистлар, адабиётшунослар ва танқидчилар шаклландилар, камолга етдилар.

«Шарқ юлдузи» саҳифаларида Ҳамза ва Садриддин Айний, Ғафур Ғулум, Ойбек ва Ҳамид Олимжоннинг кўпгина яхши асарлари илк бор эълон қилиниб, сўнг Иттифоқ ва жаҳон миқёсида машҳур бўлиб кетди. Унинг саҳифалари Шайхзода, Комил Яшин, Михаил Швердин, Уйғун, Назир Сафаров, Зулфия, Миртемир, Александр Удалов, Жўлмирза Оймирзаевнинг асарларини илк бор китобхонларга етказди.

Сарвар Азимов ва Асқад Мухтор, Мирмуҳсин ва Ҳамид Ғулом, Шукрулло ва Саид Аҳмад, Рамз Бобожон ва Туроб Тўла, Раҳмат Файзий ва Иброҳим Раҳим, Пиримқул Қодиров ва Одил Ёқубов, Ибройим Юсупов ва Тўлепберген Қаипбергенов, Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов, Муҳаммад Али ва Омон Матжон, Гулчеҳра Жўраева ва Гулчеҳра Нуруллаева, Эътибор Охунова ва Ҳалима Худойбердиева ҳамда кўплаб бошқа ёзувчиларнинг истеъдодини кашф қилиб бергани учун биз журналдан миннатдормиз.

Журналнинг ижодкор ўринбосарларини тарбиялаш борасидаги доимий ғамхўрлиги, унинг ёш адибларга мураббийларча меҳрибон муносабати мақтовга сазовордир.

Кўп миллатли совет адабиётининг фаол тарғиботчиси сифатида журнал ўқувчиларининг маънавий оламини рус классик ва совет адабиётининг, қардош халқлар ёзувчилари ва шоирларининг, ажнабий Шарқ ва Ғарб замонавий тараққийпарвар адибларининг энг яхши асарлари билан муттасил бойитиб борди. Шу тариқа журнал саҳифаларида Пушкин ва Толстой, Шекспир ва Данте, Шевченко ва Горький, Низомий ва Шота Руставелининг ўлмас асарлари, Михаил Шолохов, Константин Симонов, Георгий Марков, Александр Чаковскийнинг асарлари кўплаб совет халқлари ва миллатлари ёзувчиларининг шеърлари, поэмалари ва повестлари пайдо бўлди.

Шу нарсани мамнуният билан қайд этамизки, журнал Ўзбекистонда яшаб ижод этаётган рус, қорақалпоқ, татар, уйғур, корейс авторлар билан самарали ҳамкорлик қилмоқда. Бу билан журнал ўзининг интернационал характерини, халқлар дўстлиги ва қардошлигининг ленинча принципларига содиқ эканлигини тасдиқламоқда.

Журнал саҳифаларида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» ва «Эсдаликлар» китобларининг эълон қилиниши журналхонлар сафини кенгайтиргани — унинг тиражи 200 минг нусхадан ортиқ — сўнгги вақтдаги катта воқеалардан бирига айланди. Бу ажойиб асарларнинг ҳар бири — совет халқи тарихида бутун бошли даврдир. Уларнинг ҳаммаси тўлалигича — партиявийлик ва гражданликнинг олий мактабидир, социалистик Ватанимизга, тараққиёт ва тинчлик ишига мислсиз хизмат қилишнинг ёрқин намунаси дир.

Журнал ўзининг ярим асрлик юбилейига ижодий куч-қувватга тўлган, ҳар томонлама тажриба билан бойиган ҳолда келди. Бу эса КПССнинг тарихий XXVI съезди матбуотимиз, маданият ходимларимиз олдида қўйган зўр вазифалар муносабати билан яна ҳам муҳимдир.

«Совет кишиларининг санъатга иштиёқи зўр, — деган эди Леонид Ильич Брежнев съездда. — Санъатга бўлган ана шу эҳтиром, ана шу меҳр-муҳаббат эса санъаткорнинг ўз халқи олдидаги буюк масъулиятини ҳам тақозо этади. Халқ манфаатлари билан яшаш, унинг қувонч ва қайғуларини биргаликда баҳам кўриш, ҳаёт ҳақиқатини, гуманистик идеалларимизни барқарор этиш, коммунистик қурилишнинг фаол иштирокчиси бўлиш — санъатнинг чинакам халқчиллиги, чинакам партиявийлиги ана шундан иборатдир».

Партиямиз ва давлатимиз раҳбарининг бу сўзлари бус-бутун бир программадирки, журнал унга қатъий амал қилар экан, бугунги куннинг вазифалари ва талабларига муносиб, янада юксак, янги босқичга кўтарилиш имкониятига эга бўлади.

Республикамиз олдида турган ана шу вазифалар ва талаблар, муаммолар ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасига учинчи Ленин орденини топшириш муносабати билан ўтказилган тантаналарда сўзлаган нутқида, Ўзбекистоннинг раҳбарлари билан бўлган суҳбатларида аниқ белгилаб берилган эди. Улар

ШАРҲНИНГ ЁРҚИН ЮЛДУЗИ
Ш. РАШИДОВ

ни амалий адо этиш — саноат ва капитал қурилиши ходимлари, пахтакорлар, олимлар ва инженерлар, чорвадорлар ва ирригаторлар, партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик ходимларининг шарафли ишидир.

Бу идеология фронтининг илғор жангчилари, ленинчи партиямизнинг содиқ ёрдамчилари — адабиётимиз ва санъатимиз арбобларига ҳам бевосита дахлдордир. Уларни ана шу вазифаларни амалга оширишга илҳомлантириш ва сафарбар этиш, барча адибларимизнинг интилишлари ва ижодий ниятларини ўн биринчи беш йиллик режаларини адо этиш учун курашдаги энг олдинги участкаларга йўналтириш — республикамиз матбуотининг, жумладан бугунги юбиляримиз «Шарқ юлдузи» журналининг бош вазифаси ана шундан иборатдир.

Партиямиз аграр сиёсатини изчиллик билан амалга ошира бориб, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича улкан ишлар қилди. КПСС Марказий Комитетининг СССР Озиқ-овқат программасини ишлаб чиққан ва маъқуллаган 1982 йил май Пленуми бу йўлда янги босқичга айланди. Уртоқ Л. И. Брежневнинг ташаббуси билан қабул қилинган бу Програма партиямиз ҳозирги ўн йилликдаги иқтисодий стратегиясининг муҳим узвий қисми бўлиб қолди.

Меҳнатлари аллақачоноқ умумпартиявий, умумхалқ ишимизнинг ажралмас қисмига айланган республикамиз ёзувчилари ва шоирлари сўнгги йилларда ҳозирги замон ўзбек қишлоғи ҳаётига бағишланган кўпгина чуқур, етук асарлар яратдилар. Уларда қишлоқ заҳматкашининг ижтимоий ва маънавий қиёфаси ҳар томонлама тадқиқ этилади. Бу асарлар маълум ва машҳур, муносиб диққат-эътибор қозонган, шунинг учун мен уларни ҳозир санаб ўтирмайман.

Аммо, шу билан бирга очиғини айтиш керакки. Озиқ-овқат программаси адабий фронт ходимларига алоҳида, юксак талаблар қўяди. Уртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети май Пленумидаги докладидан, Озиқ-овқат программасидан келиб чиқадиган вазифаларни ёрқин, жўшқин сўзлар воситасида ҳар томонлама ва кенг тарғиб қилиш, уларнинг бажарилишини акс эттириш, қишлоқ меҳнаткашларининг илғор тажрибаларини кенг ёйиш зарур.

Адиб, қандай жанрда қалам тебратмасин, ўзини қишлоққа ёрдам бериш учун сафарбар этилган деб ҳисоблаш, илғор, онгли меҳнаткаш аҳлини тўла-тўқис кўрсатиши, илмий-техника революциясининг таъсири остида қишлоқда рўй бераётган самарали ижтимоий силжишларни ишонарли шаклда очиб бериши керак.

Ана шу ишни ташкил этиш ва йўналтириш — Ёзувчилар союзи ва унга қарашли барча матбуот органларининг бевосита вазифаси. Уйлаймизки, юбиляр журнал бу муҳим ишда яхши намуна кўрсатади.

«Шарқ юлдузи»нинг обрў-эътибори янада мустаҳкамланиши учун журнал коллективи эълон қилинаётган асарларнинг сифатига, ёзувчилар маҳоратини оширишга алоҳида эътибор бериши, ёш истеъдод эгаларига эҳтиётлик билан муносабатда бўлиши, чинакам бадий асарлар яратиш борасида муттасил ғамхўрлик қилиши, ижодий жараёнга самарали таъсир кўрсатиши лозим. Журнал саҳифаларида қаҳрамонлари ахлоқий камолоти, софлиги ва маънавий бойлиги билан ажралиб турадиган асарлар кўпроқ босилса экан, деб тилак билдирамыз.

Бугун биз «Шарқ юлдузи» журналининг 50 йиллигини байрам қиларканмиз, ҳақли равишда айта оламизки, у ўзининг ҳар бир янги сони ва шонли тарихи билан юлдуз деб, Шарқнинг ёрқин, жозибадор юлдузи деб аталиш ҳуқуқига молик эканлигини исботлади. Бу юлдуз ҳамма томондан кўриниб туради, Осиё ва Африканинг кўплаб тараққийпарвар адiblари унга қараб йўлларини белгиладилар. Журналнинг кўплаб ажнабий китобхонлар орасидаги обрў-эътибори улкан ва мустаҳкамдир.

Шуниси муҳимки, бу юлдуз таратаётган ёғду ҳамisha Ленин ҳақиқатининг ёғдуси, тинчлик, тараққиёт ва социализмнинг ёғдуси бўлсин. Бу ҳозирги мураккаб халқаро вазиятда, айниқса муҳимдир.

ҚПСС ва Совет ҳукумати тинчликсевар ташқи сиёсатининг жўшқин, фаол тарғиботчиси бўлиш, янги уруш оловини ёқувчиларини фош этиш ва лаънатлаш — адабий-бадий, ижтимоий-сиёсий журналимиз «Шарқ юлдузи»нинг хилма-хил ва кўп томонлама фаолиятининг муҳим жиҳатларидан яна бири шудир.

Қадрли ўртоқлар!

«Шарқ юлдузи» журнали редакцион коллегияси ҳамда редакция аппаратини 50 йиллиги ва Ватанимизнинг юксак мукофоти билан қизғин табриклар, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати фахрли, гоёта масъулиятли ишингизда сизларга янгидан-янги, улкан муваффақиятлар тилайдилар.

Биз республикамизнинг пойтахти — тинчлик ва дўстлик шаҳри Тошкентнинг 2000 йиллик байрамига тайёргарлик кўришда сизларнинг фаол ижодий иштирокларингизга қатъий умид боғлаймиз. Биз ишонамизки, 1984 йилнинг октябрида нишонланадиган Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги тантанали кунларига ҳам ўзларингизнинг хайрли, қимматли ҳиссаларингизни қўшажасизлар. Санъаткорларимиз сеҳрли сўзларининг янги чўққиларини кўришдек беқиёс қувонччи бахш этажасизлар.

(Ўртоқ Ш. Р. Рашидов СССР Олий Совети Президиумининг «Шарқ юлдузи» журналининг Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги фармонини ўқиб эшиттирди, залдагиларнинг гулдурос қарсақлари остида журнал байроғига Халқлар дўстлиги орденини қадаб қўйди).

Ўртоқлар!

Бу залда ҳозир бўлганларнинг ҳаммаларини олий мукофот билан яна бир марта табриклашга, «Шарқ юлдузи» журнали редакцияси коллективига, унинг кўп сонли авторлар активига бундан буён ҳам ижодий ютуқларга эришгайсизлар, умумхалқ байрами — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи тузилганлигига 60 йил тўлишини янги муваффақиятлар билан кутиб олгайсизлар, деб тилак билдиришга рухсат бергайсизлар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ишонадики, орденли журнал коллективи яна ҳам яхшироқ, яна ҳам самаралироқ ишлайди, совет адабиётининг ривожлантиришга қўшаётган ҳиссасини янада кўпайтиради. Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда бундан буён ҳам партияимизнинг содиқ ёрдамчиси бўлиб қолади.

Биз сизларга, қадрли ўртоқлар, мардона сиҳат-саломатлик, ажойиб кайфият, чексиз шоду хуррамлик, бахт-саодат ва омонлик тилаймиз.



Ҳалима Худойбердиева

УЧИНЧИ ДЎСТ

Суянч тоғим

Мен, коммунист дейилганда, қалбан қалқдим оёққа,
Мен, коммунист дейилганда, сафда турдим собит, мард.
Коммунистик партияни ўхшатдим суянч тоққа,
Шу тоғ боис яшайпман ҳаётимга юқмай гард.

Одамзоднинг кўкси аро тоғ яшаса шу янглиғ,
Ўзга майда туйғуларга чалғимайдир, эҳтимол:
Кўкракка шу тоғ жойлашгач, сиғмай унга тор-танглик,
Шундан унда меҳр шайдир, шафқат шайдир, эҳтимол.

Гарчанд замин-замон юкин кетмоқдамиз кўтариб,
Баҳол-қудрат тушуняпмиз яшамоқнинг сирини,
Аммо ҳаёт ҳамиша ҳам бамисоли кўлкари,
Чавандозлар от қўядир бири суриб бирини.

Йўқ, коммунист атамасман, атамасман ҳеч қачон,
Бу курашда босиб-янчиб олдга ўтиб олганни.
Мен коммунист деб атайман шондан кечиб, ўртаб жон,
Қўлтиғига кирганларни аро йўлдан толганнинг.

Ўтган яхши-ёмон кунда шундоқ бўлган, ҳаққи рост,
Балки шундан ортимизда қолган фақат қутлуғ из.
Биз Берлинни олар чоғ ҳам, кўксимизда ўч-қасос,
Елкамизда ўқ еган дўст, шундоқ кириб борганмиз.

Шундоқ кириб бормоқдамиз ҳар жабҳа, ҳар уммонга,
Шу туйғусиз бошда тожим, дилда қуёш, ойим йўқ.
Шундан бизнинг партиямиз суянч тоғ ҳар инсонга,
Шундан унинг сафларидан ўзга жойда жойим йўқ.

* * *

Фикримча, жавоҳир тўла бир сандиқ
Юрагим тубига қўйилган кўмиб.
Аммо калити йўқ, куймай-ёнмай тек,
Ярим умрим, мана, ўйларга чўмиб,—

Шу калитни излаб ўтди бемаъни,
Қолган умрим етармикин топмоққа?
Қўп армон бўлади, шу сандиқчани
Ўзим билан олиб кетсам тупроққа.

Дардин айтолсайди мендаги бу тил,
Ном-нишонсиз кетмай жавоҳирларим,
Тафаккурлар аро муродим ҳосил,
Жаранглаб ёнарди инжу-шеърларим.

* * *

Эмишки бир хонадонга ўт кетса бутун,
Қарға бир чўп ташлаганмиш, ёнсин деб такрор.
Қалдирғоч бир томчи ёшин тўккан эмиш хун
Қиёқ тилли бу оловга қилмаса ҳам кор.

Ватанлар бор, ёнар ўтга қиёс қиламан:
Унга ҳар ким борин бериб, кўнгил ёради.
Қайлардандир қарғалар ҳам борар, биламан,
Биздан унга фақат қалдирғочлар боради.

* * *

Метин ақл, метин тартиб... айландингми метинга,
Ҳароратли муҳаббатинг етишмай қолди менга.
Дилинг қаттиқ, қўлинг қаттиқ, уларда сир, титроқ йўқ,
Кўзинг қаттиқ, сўзинг қаттиқ, нақ мўлжалга тегар ўқ.
Гарчанд севмоғинг ҳам қаттиқ, жон-жонингдан суясан,
Аммо бу кўз, бу сўз билан бир кун отиб қўясан.

* * *

Эй, сен бўйин эгмас ғурур боласи,
Ким тўқдирди кўздан ишқинг жоласин?
Бўйнингга ўрадинг сочим толасин,
Сенинг мендан ўзга бўлмас яқининг.

Тоғлардан гап очма, тоғ сенга йироқ,
Боғлар ҳам, гарчандки, гулга кирган оқ,
Улар сенинг кўнглинг гуллатмас бироқ,
Сенинг мендан ўзга бўлмас яқининг.

Умрингга бахт келсин атир уфуриб,
Ё ғам келсин қора кийимда кириб,
Мен борман, сен ғамда қолмассан қуриб,
Сенинг мендан ўзга бўлмас яқининг.

Ёнингдаман ризқ-рўз ортиқ-камда ҳам,
Танҳо ё дўст-ёрон жамул жамда ҳам.
Бу дунёга видо айтар дамда ҳам
Сенинг мендан ўзга бўлмас яқининг.

Олдин кетсам, руҳим бошинг тутадир,
Ортада қолсам кўнглим сен-ла кетадир.
Ҳар икки дунёга ишқим етадир—
Сенинг мендан ўзга бўлмас яқининг.

Қизини узатаётган она ўйлари

Мен сени Ер-қўкка ишонармидим,
Қизинг чин бахти бу, тақдир иши бу.
Майли, юрагингга кирган мардингнинг
Бошга қўнган, кетмас хумо қуши бўл.

Не дейин, не дейин, мен не ҳам дейин,
Қизим остонадан оёқ узар чоқ.
Хонадон ҳувиллаб қолгандан кейин,
Қушини учираиб юбораркан боғ.

Хатодай туюлар менга ушбу хат,
Ушбу тақдир, қалбга санчма тиғингни.
Мен ҳеч ўйлабмидим шундай оз фурсат,
Қизим, ўз онангга меҳмонлигингни?!

Ёшлигинг ўтдими шўх, хандон отиб,
Мурғак юраккинанг озор чекмайин?
Олмадай бировга узатаётиб,
Не учун кўзимдан ёшлар тўкмайин!

Ўйларинг йўқмиди мендан яширин,
Туйғуларинг ғамдан ёнмаганмиди,
Тушунтира олмай менга гоҳ сиригинг,
Естиққа кўз ёшинг томмаганмиди?

Бўлмаганми, айтгин, Сен норизо пайт
Бағримизда кечган қувонч, мунглардан.
Сен айт, болажоним, розимисан, айт,
Отанг уйидаги ўтган кунлардан?

Тинаётган кўзим сенга тикаман,
Қучоғимдан сени олди-ку тақдир.
Бу тақдирга қандоқ мен кўникаман,
Билмам, куним сенсиз қандоқ ўтадир.

Майли, сен борар боғ энди кўрмай кам,
Толе менинг меҳрим шу боққа солсин.
Мен ола билдимми кўнглингни, болам,
Болам, борар жойинг кўнглингни олсин.

Мен Сени ер-қўкка ишонардимми...

Узатилаётган қиз ўйлари

Хуш қол, райҳон мисол илк ёзганим барг,
Илк очиб ёпганим эшик, яхши қол.
Тарк этиб кетяпман, этолмасдан тарк,
Онам бағридаги бешик, яхши қол.

Жовдирашлар қандоқ тинч қўйсин мени,
Гўдак сингилларим, чиннигулларим.
Волидам қўлидан ипни, игнани
Сиз қачон олурсиз, чучук тилларим.

Акалар, тўфонни тўсган тоғларим,
Нур тушсин десангиз менинг роҳимга,
Юмшагайсиз, Сизга умид боғладим,
Озор бермагайсиз қиблагоҳимга.

Ҳаёт бу—гоҳ хазон, гоҳо кўкариб;
Яшаб кетгайсизми бут қилиб камни,
Кетолармикинсиз бошда кўтариб,
Кекса, гўдак бўлиб қолган отамни?

Яна онам, яшаш, уй ташвишлари
Узи эгик қаддин қўймасми эгиб?
Чақнаб юргаймикин мунглардан нари,
Тетик қадамлари қувончга тегиб?

Қизга ота йўли — энг қисқа йўлдир,
Мен-ку ҳол сўрмоққа учгайман ҳар вақт,
Тунлар дуодай ёд тилагим шулдир:
Ота уйим, сендан юз бурмасин бахт.

Келин тушган оқшомда қайнона ўйлари

Боғимда бировни булбулгинаси,
Боғимда чорлаган дўсту ёр жами.
Кўзимнинг устига узри, гинаси,
Кўзимнинг устига пойи қадами.

Бировнинг булбулин дийдаси ёшли,
Уксинманг, дийдангиз артарман, болам.
Қайнона эшигин демангиз «тошли»,
Мунғайсангиз, маъюс тортарман, болам.

Менда ҳам «оч кўзда кўрган» бир булбул,
Мен уни топганман қанча ёш тўкиб.
Шод кўрсам, бир қарич ўсган куним шул,
Йиғлаган кунингиз қолгайман чўкиб.

Ёлғизим қўш бўлди, менинг бағрим бут,
Кўксим тоғ, тенгига қўшдим деб тенгни.
Уғлим, жуфт-ҳалолнинг кўнглин овлаб ўт,
Келин овлаб ўтсин сенинг кўнглингни.

Мен эсам ўртада куюнчак бир жон,
Мен учун ҳам сеving бир-бирингизни.
Кўзимга тўлмасин десангиз армон,
Кўздай авайлангиз ишқ, сирингизни.

Ўстирдим, бургутдай авж учар чоғда,
Сизга бердим. Дарду ғам солмасин чанг.
Мен-ку асрагайман сизни қароғда,
Жон келин, сиз менинг кўзимни асранг.

Учинчи дўст

Билмадим, мен сени севган лаҳзадан
Бошимга не бахту балолар тушди.
Ҳеч кимга бўй бермай, бермадим мен тан,
Гарчанд шеъримга қон, лолалар тушди.

Билмадим, сен мени севганинг ондан
Ҳаётингга қай тур чаманлар тушди.
Тўйганинг йўқ эди ахир ёш жондан,
Жонга қасд таранг ёй, камонлар тушди.

Билмадик, чунки биз ҳеч қолмадик тоқ,
Туриб бердик Сен, Мен, Муҳаббат иноқ.

Чунки иккимизни қутқарган офтоб
Ишқ берди биз учун бор жазога тоб.

Шундан учинчи дўст — ишқимизни биз
Севамиз, жондан-да ортиқ севамиз.

Бир хонадонда

«Хатарли ёш» фильмини кўриб

Эркак маъюс эшикдан кирар,
Аёл чиқиб кетади маъюс.
Ташқарида кўклам қулф урар,
Хонадоннинг ичкарисси—куз.

Эркак ўзи билан андармон,
Аёл ўз иши билан шошар.
Бунда гўдак—бир бегуноҳ жон—
Иккисига талпиниб яшар.

Не иккисин кўкрагида доғ,
Бу ишқдаги не тур сағирлик?
Икки нураб бораётган тоғ,
Бир гўдакка қилар оғирлик.

Бунда бойлик, давлат қатма-қат,
Жондан бошқа топилар, сўз йўқ.
Иккисини боғлаган фақат
Ишқ—ўртада—учинчи дўст йўқ.

Гўдак бир вақт ўша дўст сабаб
Бунга келган, севилган жондан.
Кейин билмас—ўтди нима гап,
У дўст кетди бу хонадондан.

Эркак-аёл шукуҳсиз кун-тун,
Йироқ экан унинг ўтидан,
Гўдак кетар эртами-индин
Шу — учинчи дўстнинг кетидан.

Йўқ, бир ўзи беролмайди тоб,
Ишқ қайдадир яшаса сағир.
Ахир икки нураётган тоғ
Бир гўдакка оғир, кўп оғир.

Ёлғиз аёл хати

Сен севиб бахтимга бўлгандинг зомин,
Сен севиб бахтимни кетгандинг юлиб.
Айтгил, ёлғизликнинг аччиқ аламин
Икков баб-баробар олдикми бўлиб?

Эшигингни, балки учиб худди ўқ,
Бахт очар, бағрингда тўлғонар сочлар.
Менинг эшигимни—гезарган, совуқ—
Бир-бир босиб келиб, ёлғизлик очар.

Сен эшикдан кирсанг ёниб, дил билан,
Балки бахт отилар қучоғингга тик.
Мен эшикдан кирсам, муздай қўл билан
Белларимдан маҳкам қучар ёлғизлик.

Бахт сени жон билан севар бетоқат,
Кўзингда ҳис этиб ишқ зарбларини.
Менинг ҳам кўзимга севиб, ютоқиб,
Ёлғизлик босади муз лабларини.

Тушда висолларга кетдим кўникиб,
Тушдаги тонгларим чарақлаб отар.
Тошдай ёстигимнинг ярми меники,
Ярмида ёлғизлик бош қўйиб ётар.

Фақат, тонг отлансам қололмас ушлаб,
Ярим тун қайтсам ҳам рашк, ғазаб йўқ шан.
Барин ичга ютиб, кўксимга муштлаб,
Мен ёниб кетяпман, ёниб кетяпман.

Суйиб, балки куйиб, мендек, худди шам
Яшаяпсан, фарқ йўқ қандай ўтдинг сен.
Фақат айт, ўз қўлинг билан қандоқ ҳам
Мени ёлғизликка қўшиб кетдинг сен.

Садоқат

Отани маҳзун ғам, хасталик ютди,
Фарзанд юксак-юксак авж учар фасли
Учмай, ташвишларга кўмилиб ўтди,
Бу отага юксак садоқат асли.

Майли ишқ ҳақида чекмаса ҳам оҳ,
Балки бу ҳам сўзсиз ишқ тоқатидир.
Аммо ўзин унга санарми паноҳ—
Бу эрнинг аёлга садоқатидир.

Юраги ҳақида очиб юрманг фол,
Буни текширмасдан ҳис этган маъқул.
Силаб, қўйлагига урдими дазмол,
Аёлнинг эркакка садоқати шул.

Бошга кўтарингиз тортмасдан ҳадик,
Чидаб танбеҳларин кўпу озига.

Келин боқолмасми кўзларига тик,
Садоқати шулдир қайнонасига.

Шундай, садоқатга ўлчов борми, бас,
Инсонни ҳам инсон қилган шу ҳис, куч.
Инон, бахт қушининг қаноти синмас,
Шу хил белгиларга келиб турсак дуч.

Оналар ҳақида

— Энажон, учайми Сизга худди ўқ,
Энажон, йўл қараб кўзларим толди.
— Гўдагим, шаҳарга боролмайман, йўқ,
Тоғаннинг хотини қўзилаб қолди.

Уғлиму онамнинг ёзган хатларин
Ногоҳ ўқиб қолиб, ёндим, қизардим.
Бу бизнинг айбимиз— турган тахланиб,
Бу—менинг ҳеч кимга айтмаган дардим.

Умр-ку ўтди, босиб уруш деган тоғ,
Ҳануз ўртар бевақт ҳижрон солган из.
Нечун шу кексалик чоғлари ҳатто
Унга беташвиш бахт беролмаймиз биз.

Сўзда-ку юксакдан юксакка олиб,
Чиқариб қўямиз аршга улуғлаб.
Аҳвол танг келганда, биз четда қолиб,
Энг мушкул ҳолларда нега улар даф?

Беллари букилиб кўтараркан даст,
Эзгу умидларга йўғрилган чоқда
Мунаввар келажак ота-онамас,
Бувилар қўлида йўлга кирмоқда.

Майлига
ва лекин, дўстларим,
Толғин чехраларга қуйилсин нурлар,
Гўдаклар бир нафас Сизларга ўтсин,

Бир лаҳза бор кир-чир, супур-сидирлар
Таманно келинлар, қизларга ўтсин.

Бизлар ҳам тўхтатиб пойгани, отни,
Уни авайлайлик бир ғанимат он.
Бор умрини бизга бахш этган зотни,
Бир лаҳза севмоққа топайлик имкон.

Бир лаҳза «чоп-чоп»у «қув-қув»дан бўшаб,
Эрк берайлик беҳол шавқ, оҳимизга.
Бир лаҳза яшайлик фарзандга ўхшаб,
Онамизни олиб паноҳимизга.

Йўқса, бу нораства нидо қўймас, йўқ:
«Энажон, учайми сизга худди ўқ...»

Аввал ўқигандим ушбу китобни,
Бу тун тағин унга эгилдим суйиб,
Сатрлар қуварди кўзимдан хобни,
Сатрлар ортидан борардим куйиб.

Ногаҳон бошимга урилади қон:
Китоб варақлари олинган йиртиб.
Бўғилиб бўғзимга келаётир жон,
Бахт эди, бу бахтни кетдилар кертиб.

Ногаҳон кўксимда бир тундлик туйдим,
Кутганим—хушбахт он бўлмади насиб.
Мен ахир хўб тўйиб йиғламоқчийдим,
Ушал варақларни кўксимга босиб.

О, кўнглим, ўзингдан бер менга хабар:
Асрасам ҳам кўзим қароқларидай,
Кирмадими Сенга фаҳми кўру кар,
Йиртмадими китоб варақларидай.

Тушмадими бирор жароҳатли из?
Тун бўйи бағримга бўйлаб қолдим мен.
Йўқолган шу китоб варағи боис,
Кўнглим бутунмикин... ўйлаб қолдим мен.

Бобир

Урушдан ҳеч ким ҳеч нарса ютолмаган ҳеч қачон,
Ютқазгани кўп бўлгандир аммо унда инсоннинг.
Битта мисол—Бобиршоҳ авж гуллаган чоқ, беомон
Қўшин тортиб, босиб олди, дейлик, ярим жаҳонни.

Жанггоҳлардан, курашлардан топса умрбоқий шон,
Кезмас эди вужудан шоҳ, қалбан парчин-ер бўлиб.
Машварату маишатлар забт этганда бегумон,
Устивор қалб қайтгач маҳзун, тўкилмасди шеър бўлиб:

«Толе йўқи жонима балолиғ бўлди,
Не ишники айладим, хатолиғ бўлди.
Ўз юртни қўйиб, ҳинд сори юзландим,
Ераб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.»

Гарчанд суюк буюк инсон, гарчанд собит ирода,
Ўз юрти деб ўртанмаган бирор они бўлмади.
Бу ҳолатни қайси тақдир ортиқ қилур ифода:
Ярим кўнгил ҳатто ярим жаҳон билан тўлмади.

Тожу тахтлар қутқармади қийноқдан митти жонни,
Ўз кўнглида туйиб ўтди жаҳоннинг бор фиरोғин,
Гарча ақли ёритса ҳам ярим рўйи жаҳонни,
Ёқолмасдан ўтган каби ўз кулбаси чироғин.

Ҳисоб-китоб ҳақида

Баъзан мен, тунлари ишлаган кезде,
Ўй суриб кетаман, унутиб шеърим.
Баъзи саволларни сўрайман Сиздан,
Тахминан бўлса ҳам ҳисоблаб беринг.

Дейлик, бир бут дилга сачраб кетди қон,
Бир кўнгил ўтларда қоврилар, тутар.
Айтинг, малҳам қайда, келар у қачон,
Бир кўнгил яраси қанчада битар?
Менга мана шунинг ҳисоби керак,
Тагин изи қолмай битарми юрак?

Диққат қилинг, кузги хазон, дилхаста,
Ҳар лаҳза сезилмай сарғайиб борар.
Дарахт тўкилади аста ва аста,
Бирдан тўкилса-чи, юракни ёрар.
Дарахт қанча вақтда сарғайди, ёнди,
Қайғу қанча вақтда тўкар инсонни?!


Ишқли кўнгиллар-ку пардан енгилдай,
Ишқсиз қалбга қанча тош тўлди, айтинг?
Лаҳза—ишқ туғилди қанча кўнгилда,
Лаҳза—қанча дилда ишқ ўлди, айтинг?
Ҳисобин чиқариб беринг-чи, қани,
Ўлгани ортиқми ё туғилгани?!

Номард голиб келса, мард дилтангу зор,
Бош эгиб турганда қанча куч сарфлар?
«Айрилиқ» сўзини қанчада ёзар,
Майишиб, чаплашиб кетмасдан ҳарфлар?
Айтинг, яна неча аср солиб из,
Бу дўзахий сўздан куяр тилимиз?!

Сиз, эй, бу дунёнинг ҳисобдонлари,
Тахминан бўлса ҳам, қилингиз ҳисоб:
Қанчалик умри бор сунъий шонларнинг,
Сунъий кўрк қанчада бўлғуси хароб?
Қанча даволангач паст тушиб, ҳар кас
Ўзин алломаи замон санамас?!

Усиз ҳам чўт ташлаб ишчан, гоҳ карахт,
Тинмайсиз миллионни миллионга уриб.
Бир лаҳза шуларга ажратинг Сиз вақт,
Шуларнинг ҳисобин қилинг ўй суриб.

Тополсак шуларга кетар вақтни биз,
Чуқурроқ туярдик балки бахтни биз.





Шукур Холмирзаев



РОМАН

Эл нетиб топгай мениким,
Мен ўзимни топмасам.
Алишер Навоий.

1

Бўкда паға-паға булутлар муаллақ турипти. Қуёш илиқ-милиқ нур сочади. Вақф боғининг яланғоч дарахтлари қорға соя ташлаган. Йўнғичқапояда юққа қор тагидан яшил кўкатлар кўринади. Боғда саъвалар кўп. Дарахтлардан дарахтларга кўчади. Пўстлоқларга ёпишиб, алланималарни чўқиб ейди.

Жарликдан чиққан Қурбон устини бир қават шишадек муз қоплаган кўлмакларни ғижирлатиб-қирсиллатиб босиб келар эди. Рамазонбойнинг уч пахсалик девори ортидаги, аскар йигитларнинг ерўчоғидан бериоқдаги тепа шохлари аллақачон синиб тушиб, ичи кавак бўлиб

¹ Журнал варианты.

қолган ёнғоқ дарахти тагига етди. Шунда дарахт шохларидан саъвалар чий-чийлаб учди-ю, бир ҳовуч қор йигитнинг бошига тушди. Гимнастёркаси ёқасидан ичига кирди. Қурбон энгашиб, қорни қоқиб туширди. Олға босганди, расо бир одам энкайиб кирса бўладиган кавакдан кимдир тикилиб турганини ҳис этди.

Чиндан ҳам у ерда олмағули шолрўмол ўраган, юзи оппоқ, ингичка қошлари чимирилган қиз йигитга хаёлчан қараб турарди.

«Ким бўлди бу?»

Йигит тўхтади.

Қиз чўчиб тисланди. Сўнг оёғи остида ётган тутантириқлар устидан ҳатлаб, ташқарига чиқди. Дарахтнинг у ёғига ўтди.

Қурбон ҳам жилди. Учоқбошига етганда, яна тўхтади. Қиз худди шуни кутгандек:

— Ўтинг. Кетаверинг!— деди.

— Афв этасиз. Билмапмиз,— Қурбон шитоб билан одим отди.

Девор кемтигига етди.

Бу кемтик яқинда очилган. Олимжон Арслоновнинг: «Ҳовлида кўп уймалашмаслик керак. Бойнинг хотини, қизи бор. Кўнглига олиши мумкин», деган гапидан кейин аскар йигитлар деворни бузиб, боққа эшикча очишган. Яхши бўлди. Жангчилар бари бир бадантарбия машқларидан тортиб, отиш-тутиш машқларигача бу ёқда — вақф боғида ўтказишар, кўча орқали айланиб келишар эди. Кейин қозон-ўчоқларини ҳам бу томонга кўчиришди.

Қурбон кемтик эшикдан ўтиб, ҳовлига чиқди. Рўпарада — оғилда турган отлар орасидан ўзининг тўриғи бошини буриб, кишнаб қўйди. Қурбон ҳам отга нимадир демоқчи бўлиб ишшайди. Унга — туякашларнинг собиқ хонаси, ҳозир аскарлар ётиб-турадиган ётоққа кирди.

Зах ерга бўйра устидан палос ёзилган, аскарларнинг похол тикилган тўшаги девор тагида ўроғлиқ ётарди.

Қурбон эшикни ёпиб, этигини еча бошлади-ю, биратўла бет-қўлини ювиб келмаганига ачинди. Дарвоқе, этикни ҳам тозалаш керак. Фашланиб шартта тўрга ўтди. Апил-тапил ечиниб, қуруқ гимнастёрка билан галифе шимини кийди. Яна боққа ўтди-ю, ҳали қиз турган жойга кўз отди. У ҳамон ёнғоқ остида, елкасини дарахтга тираб, милтиқ отилаётган жарлик томонга қараб турарди.

«Бировни кутяптими?— деб ўйлади. Айтмоқчи, Рамазонбойнинг қизи эмасми бу? Уша!.. Ҳа, ўша бўлса, ўша-да».

Қурбон икки оёғини ариқнинг икки лабига қўйиб, муз парчаларни ва чирик япроқлар оралаб оқаётган муздек сувга юз-қўлини ювди. Ҳовучида сув олиб, этикни тозалади.

Кўча лойи эриган. Отли, эшакли, пиёдалар. Бири ўртадан юриб келади, бири четдан. Бири чўчинқираб, бири фахрланиб Қурбонга салом беради. Сўнг унинг орқасидан қараб қолишади. Нигоҳларида шу маъно:

«Бу йигит ўзимиздан! Чори косибнинг ўғли! Эшони Судур ҳазрат уни мадрасага олган эди. Зеҳни тез экан, тез орада мулла бўлиб, ҳазратнинг шогирди деб танилди. Сўнг ҳазрат уни Бухорога олиб кетган эди.

Бир йилдирки, ҳазрат ҳам йўқ, бундан ҳам дарак йўқ эди. Утган ҳафта бу йигит қизил аскарларнинг олдига тушиб, йўл кўрсатувчи бўлиб Бойсунга келди!

Беклик тугатилгани, Шўро ўрнатилгани, қочган бойларнинг ва бекнинг мол-мулки, ер-суви, тегирмону обжувозигача халқники, деб бозорда эълон қилинганда ҳам бу йигит катталарнинг қошида турганди!..»

Қурбон Пойгабоши адирларига туташ кўча билан қўрғонга етди. Баҳайбат пахсадеворлар бети илма-тешик. Иркит чумчуқлар чуғурлашиб кириб чиқади. Намиққан жойлардан ҳовур кўтарилади.

Четдаги юксак минора тепасида қизил байроқ. Унинг тагида, айвончада қуролли соқчи.

Қурбон дарвоза оғзини тўлдирган дўппили, саллали, телпақли: ишли, бекорчи томошабинлар орасидан тўриғини етаклаб, дарвозанинг икки ёнига ўрнатилган мисранг замбараклар қошида турган соқчилар олдидан ўтди. Чапга бурилиб отхонага кирди. Тўриқни боғлаб чиқди. Қори куралиб, тагидаги мусулмони ғиштлар сирпанчиқ бўлиб қолган саҳнда тўп-тўп бўлиб турган аскарларни четлаб ўтиб, штабга йўл олди.

Хона оғзида турган аскар йигит:

— Қурбан, к товарищу Арсланову!— деди.

Олимжон Арслонов — жойларда Шўро ҳукуматини ўрнатиш, кўмиталар ташкил этиш ва халққа Шўро ғояларини ташвиқ қилиш бўйича мухтор вакил. Айни чоғда Бухоро Халқ Шўролар Жумҳурияти Ижроия кўмитаси ва Нозирлар кенгашининг қўшма қарорига биноан ташкил этилган Фавқулодда Диктаторлик комиссия аъзоларидан биридирки, Бойсунда кўниб турган қизил кўшин ҳам у кишига бўйсунди.

Олимжон Арслонов ўймакор миз қошидаги курсида ўтирар эди. Эғнида банорас чопон, бошида кўкиш қоракўл чўққи телпак. Қўлида муқоваси юпқа китоб. Рўпарасидаги кумуш шамдонда бир жуфт шам ёниб турипти.

— Салом алайкум, Олимжон ака!— Қурбон нақши-нигор эшикдан кириб, у кишига йўналди.

Арслонов унинг қўлини олди.

— Алайкум... Кўча совуқми?

— Унчалик эмас.

Қурбон Олимжон Арслонов билан эркин гаплашади. Рост, Бухорода танишган пайтларида у кишини бир ерда кўргандек бўлиб гумонсираб юрар эди. Кейинчалик Арслоновнинг содда, самимийлиги, Шўро манфаатидан ташқари манфаати йўқлиги ва катталикни билмаслигини кузатиб, у кишини обхонада кўрганини эслди: Усмон деган бойвачча билан Анвар пошшо ҳақида, «ёш бухороликлар» жамиятининг тор-мор бўлгани ва Тошкентга қочиш ҳақида гаплашишганди. Кейин уларни зиндонбон тунда чиқариб юборганди. Бир маҳбус: «Усмонхўжа қоракўлчи бойлардан. Зиндонбегига пора берган», деганди.

«Ҳисор корпуси» изидан юриб Бухородан чиқишгач, йўлда Қурбон Арслоновга обхонани эслатган, Олимжон ака кулиб: «Рост», деб қўйган, кейин Қурбоннинг бошидан кечирганларини қайта сўзлатиб эшитганди.

Кейин Арслонов Қурбонга ўз оиласи ҳақида ҳам сўзлаб берган: «Колесов воқеаси»¹дан кейин амир кўшинлари Қогонда одамларни қийратганда, Олимжон Арслоновнинг ҳам хотини ва бир қизини уйга қамаб, ўт қўйиб юборишган экан.

Арслонов китобни ёпиб:

— Лагафетнинг асари,— деди.— Бухоро ҳақида ёзилган. «Страна бесправие». Ҳуқуқсиз мамлакат! Чор Россияси одами ёзган,— у китоб устига кафтини қўйди.— Хўш, бой ғиш-ғиша қилмаяптими?

— Ғиш-ғиша қилгани билан қўлидан нима келарди,— деди Қурбон.— Лекин салом берсак, алик олмайди.

Арслонов:

— Ҳа-а,— дея жилмайди,— унинг аҳволини тушунса бўлади.

— Мени йўқлаган экансиз?

— Сендан бир киши ҳақида сўрайман. Тағин ҳар хил хаёлга борма... Қелишдикми?

— Хўп.

Арслонов унга кўз тикди.

¹ «Колесов воқеаси» 1918 йилда содир бўлди. Бухоролик «ёш инқилобчилар» Самарқанд қизил кўшин бошлиғи Колесовга «амирликни йиқитишга ёрдам беринг, Бухоро халқи инқилобга тайёр», деб нома битишади. Колесов номага ишониб йўлга чиққанда, воқеадан хабар топган амир кўшинлари уларга Қогон ва Қизилтепада кўп бадкорликлар қилишади.

— Эшони Судур ҳақида.

Қурбон оқаринқиради:

— Бемалол.

У Гузорда кечган суҳбатда Олимжон Арслоновга отаси ўлганда фотиҳага келган ҳазрат уни ўз ҳимоясига олгани, эргаштириб Бухорога олиб боргани, сўнг Кўкалдош мадрасасига жойлаштирганини айтиб берган. Олимжон Арслонов у одамга қизиқиб суриштира бошлаган, Қурбон олдин тайсаллаб, кейин ғашланиб, Эшони Судур ҳақида бошқа гапларни ҳам айтиб ташлаган эди: кези келганда бекниям аямасди... Лекин ноҳақ ишларгаям фатво бериб юборарди. Баъзан бой-камбағал деганда, «иккиси ҳам бир гўр» дерди-ю, яна: «Инсон қаноатли бўлиши керак», деб хулоса чиқарарди. Бу тўғрида ҳазратнинг яхши кўрган ҳикояти ҳам бор эди: «Мадамин гулчи деган бир йигит бўларкан. Бўзга гул чекаркан. Бой унинг дўконига ҳар кунни бир арава бўз жўнатаркан. Мадамин гул солаётганда: «Чик, чик, чик», дер экан. Бир кунни подшо бозорга кириб, Мадаминнинг ишини кузатади. Сўнг: «Эй йигит, нега нуқул чик-чик дейсан?» деб сўрайди. Гулчи кўрган тушини айтиб беради: бир иморат қаршисида турганмиш. Иморатнинг на эшиги, на тешиги бормиш. Томида тарновлар. «Э, танграм,— деган эмиш шунда гулчи,— бу нима сир бўлди?» Тангридан жавоб кепти: «Тарновдан чакиллаб томаётган томчиларни кўрдингми? Шунинг биттаси — сенинг ризқинг. Шундан кейин Мадамин гулчи тақдирга тан бериб: «Чик, чик», деб юрадиган бўлган экан. Подшо ҳикояни эшитиб, қаттиқ таъсирланипти. Уйига келиб: «Менда беҳисоб бойлик бор. шу камбағалга бир оз берсам, савоби тегади-ку!» депти-да, битта ғозни пиширтириб ва ичини тиллага тўлдириб, мулозимни орқали гулчига юборипти. Мадамин дастурхонга ўралган ғозни олиб хурсанд бўлиб кетипти. «Буни бойга обориб берман. Бой бир эмас, икки арава бўз юборади», деб ўйлапти. Ғозни бойга элтиб берипти. Бой зийрак. Оғиргина ғозни тезда пайпаслаб кўрса, ичи тўла тилла. Ҳаяжонланиб кетипти: бу бойлик билан бир умр оёқни узатиб яшаса бўлади. Дарҳол уй-жойини йиғиштириб, бошқа шаҳарга жўнаб қолипти. Мадамин гулчи икки арава бўз келишини кутиб ўтираверипти. Бўз келмасмиш. Охири бойнинг кетганини эшитиб, ҳайрон бўлипти. Кунлардан бирида подшо мулозимини чақириб: «Бориб кўр-чи, гулчининг аҳволи нечук?» депти. Мулозим келиб, Мадаминдан ғозни сўрапти. Мадамин ғозни бойга обориб бергани, бой эса негадир кетиб қолганини айтипти. Мулозим бу гапни подшога етказипти. Подшо қаттиқ ўйга толиб: «Э, танграм! Ўзинг унга ризқ белгилаб қўйган эдинг. Мен уни бузмоқчи бўлдим, ўзинг кечир», деб қирқ кун тиллага тушиб ўтирган экан... Хуллас, ҳазрат Шўро йўлига тўғри келмайдиган одам... Яна: инқилоб арафасида Афғонистонга кетипти, дейишди. Мени сўраганмиш... Ушанда мен калтариб қолган кийимим¹ важидан обхонага тушгандим... Яна: Кўкалдошда бир йигит у кишини «ёш бухороликлар» билан алоқаси бор деганди. Бўлиши мумкин: у киши ҳар қандай янгиликка қизиқар эди... Бойсунда сархуш бўлиб: «О, Турон! Соҳибқироним, қайдасан?» деб нола чекарди...»

Улар орасида Эшони Судур ҳақида мана шу тарзда суҳбат бўлган эди.

— Кўктошда лашкари ислом тузилганидан хабаринг бордир?

— Албатта.

— Бизга янги маълумотлар келди... Термиздан. У ерда Еттинчи Туркистон ўқчи полки бор. Русиянинг генерал консули Нагорний ҳам

¹ «Ёш бухороликлар» жамияти аъзолари амирга илтимоснома битиб, мамлакат идора усулларига ислоҳ киритиш, яъни қозиларни ҳам сайлаш, усули жаҳид мактаблари очиш, газеталар чоп этиш ва ободончилик, маърифат йўриқларида ёрдам қилишни сўрашганда, амир «хўп» дегани ҳолда ҳуфия фармон чиқарган. Унда: «Кимки калта камзул кийган бўлса, саллани кичкина ўраган бўлса, ё кичкина мўрт қўйган бўлса, ҳибсга олинсин — у жаҳид!» деб ёзилган эди.

ўша ерда. Ўшалардан келди...— Арслонов Қурбонга беозор боқди.— Лашкари исломнинг сардори ким?

Қурбон қаддини ростлади.

— Билмайман, Олимжон ака.

— Иброҳимбек тўқсоба.

«Иброҳимбек!..» Қурбонга бу ном таниш.

— У Қўктошданми? Лақайлардан?

— Ҳа.

Қурбон ҳаяжонланиб кетди.

— Эшитганман!.. Кўп жоҳил одам. Шафқатсиз! Бир замонлар унинг оёғи Бойсунга ҳам етган!.. Ана, Ариқусти қишлоғида солиқ жўнидан гулу кўтарганда, бекнинг кучи етмаган. Ўшанда Иброҳимбек йигитлари билан етиб келган... Кечаси келган. Кўп уйларга ермойи сепиб, ўт қўйиб кетган. Эртаси овоза бўлган эди. Иброҳимбек келди, лақайлар келди деб... Кейин Эшони Судур: «Уни бек чақиртирган. Иброҳимбек — амирликнинг шарқий Бухородаги қўйбоқар кўппағи», деган эди... Рост, Олимжон ака.

— Оқсоқол Салим Дўстмурод ҳам Иброҳимбекнинг Бойсунга келганини айтган эди. Бойсунда лақайлар яшамайди-я?

— Йўқ. Фақат қўнғирот ўзбеклари билан чигатоӣ турклари яшайди. Бойсунсойнинг у бетида тожиклар ҳам бор.

— Биладан.

— Олимжон ака, Эшони Судур ҳақида гап очган эдингиз...

— Ҳозир...— Арслонов халтачадан қийқим қоғоз олиб, унга тамаки тўқди. Шошилмай ўрай бошлади.— Кейин, ҳазрат ҳақида бошқа гап эшитмадингми?

— Нима гап ўзи?

— Ҳозир билиб оласан. Ҳайрон қоларсан,— Арслонов ўраган «найча»сини лабига қистириб, шамда тутатди. Қурбон шамни олиб тутмоқчи эди. Азбаройи асаби бузилаётганидан тек қолди.

— Ўзлари,— деб тўнғиллади,— кўп ҳайрон қолдиран эди...

— Бу гал лол қоласан.— Арслонов тамакини сўриб тортиб, пуфлади,— Эшони Судур лашкари исломга, Иброҳимбекка бош маслаҳатчи эмиш!

Қурбон қотиб қолди.

— Наҳотки?— У лабларини қимтиб, ўзини босди.— У киши амирнинг шарқий Бухородаги энг ишончли кишиси — диний назорат йўлбошчиси эди. Лекин...— Қурбон шикаста табассум қилди,— ғалати-ку?!

— Ана шундай.

— Афғонистондан Қўктошга кептими?

— У ёғи бизга қоронғи.

— Иброҳимбекка нима маслаҳат берар экан?

— Иброҳимбек ўзига яраша ҳарбий одам. У нима қилишни яхши биледи. Лекин Эшони Судурдек шариаат пешвоси, ўрни келганда, Иброҳимбекнинг қўлидан бир умрда келмайдиган ишларни ҳам қила олади...— Арслонов унга бурилиб ўтирди.— Халққа ташвиқот юргизишни ол. Халқ ҳозир бутунича биз тарафга ўтди деб бўлади-ми? Айниқса, бу ёқда. Шарқий Бухорода? У ҳозир кимнинг сўзига кўпроқ қулоқ солади? Рухонийларнинг. Биринчи галда Эшони Судурнинг!.. У бизга кўп зиён етказиши мумкин, Қурбон!..

Қурбоннинг юраги бирдан сиқилиб кетди.

— Олимжон ака, узр... Нимага ўтирибмиз бу ерда? Аскарлар дам олиб бўлди! Жўнайлик!

Олимжон Арслонов тамаки чўғига тикилди.

— Бойсундаги куч билан кўп иш қилолмаймиз, Қурбон... Улар энди бор куч-қудратини ишга солади. Улар учун охирги жанг бу! Иккинчидан,— у хўрсиниб эшикка қаради,— жумҳурият тепасидаги баъзи ўртоқлар... бу гапни бировга оғзингдан чиқарма...

— Хўп!

— Баъзи ўртоқлар Қизил Армия қисмларини Русияга қайтара бошлаган экан. Ҳозир бу иш тўхтатилди. Бундан Ижроқўм раиси Усмоиҳўжа Пўлатхўжаев ҳам хижолатда: сираси, ўша кишининг гапи билан аскарый қисмлар қайтарилган. Энди у кишининг ўзи «Бухоро отряди» билан йўлга чиқипти... У киши Бойсунга етиб келгач, ялли хужумга ўтамиз: Термиз томондан еттинчи полк, биз бу ёқдан. Мен Бухорога телеграмма юбордим. Файзулла Хўжаев Туркфронт штаби билан гаплашади. Улар РСФСР Халқ Комиссарлар Совети билан келишади. Русияга жўнатилган қисмлар ҳам қайтарилади.

— Ўзимиздан кўнгиллилар ҳам чиқаяпти.

— Ревком раиси Ибодулла Ҳатам билан гаплашдик. Шаҳарда милиция ҳам ташкил қиламиз.

Улар бир муддат жим қолишди. Қурбоннинг назарида, Олимжон Арслонов ҳамон ундан ниманидир яшироқда эди.

— Олимжон ака, менга нима топшириқ бор?

Арслонов кулимсиради.

— Топшириқ бор. Лекин сен рози бўлармикансан? Рози бўлсанг, эплай олишинг ҳам бир муаммо.

— Билолмадим.

— Бироқ бу иш фақат сенинг қўлингдан келиши мумкин.

— Ундай бўлса, айтинг!

Арслонов қўйин чўнтагидан япалоқ соат олди, ёнидаги тугмачани босиб қопқоғини очди. Тикилди.

— Қурбон, мен ҳозир бошқа одамлар билан учрашаман. Сени, — у киши ўрнидан турди, — Кўктошга, лашкари ислом ичига юборсак... у ерда Эшони Судур билан бурунгидай тил топишиб кета оласанми?

Қурбон анграйиб қолди.

— Рости биланми?

— Ўйлаб кўр.

— Хўп.

— Кўктошнинг йўлини биласан-а?

— Дашт йўли-да!

— Йўқ! Бошқа йўлдан боришинг керак... Ҳали яна гаплашамиз. Нима иш қилишинг ҳақидаям келишамиз.

— Хўп.

Арслонов унга қўл узатди.

— Ташқаридаги болаларга айт, Григорий Трофимович кирсин. Бой билан қаттиқ-қурум гапга борманглар.

— Албатта.

2

Қурбон дарвозадан кириб, отдан тушди. Энди унинг ҳаракатларида илгари қўрилмаган бир жиддият ва ўзига ишонч сезилар, зеро, ўзини бутун халқнинг ва армиянинг қисмати боғлиқ ишга бевосита дахлдор киши сифатида ҳис қилар, шу ҳис унинг хатти-ҳаракатларида беихтиёр акс этар эди.

Отнинг эгарини устун айрисига қўйди. Емтўрвани олиб, отхона четига туташ омборга борди. Илгакни тушираётган эди, уч-тўрт қадам нарида, бойнинг жанубга қараб тушган иморати айвонида устунга суяниб турган қизни кўрди.

«Во, ажаб! Яна ўша-ку!»

Қиз унга елкаси оша кўз ташлади-да, бир нимадан энсаси қотгандек қадалиб тураверди. Қурбоннинг кўнглидан ҳар хил ўйлар ўтди: «Бизни ёмон кўради. Бойвучча! Отасининг икки юз туяси қўлдан кетди. Суюн Пинхосбойнинг ҳовлисида озуқачилар ишлаяпти... Алам қилади уларга!»

— Хоним, ижозат берсалар, отга ем олсам, — деди.

Қиз бир зум яна шу кўйи турди-да, индамай юзини ўгирди.

«Писанд қилмайди. Бир оғиз сўзгаям арзимади!» Қурбон занжирни шарақ-шуруқ туширди. Қийшайиб қолган эшикни зарб билан очиб, нимқоронғи омборхонага кирди. Арпа уйиб қўйилган, емтўрвани тўлатиб ташқарига чиққанида яна ўша қизга дуч келди:

— Биров гап сўраганда жавоб берсалар бўларди!— деди. Қиз аста бурилди.— Ҳа!— таъкидлади Қурбон.— Биз ҳам одам ато авлодиданмиз.

— Сиз-а!— Қизнинг кенг пешонаси хиёл тиришди.— Қаранг: мен билмапман.

— Ҳа-ҳа!— мийғида кулди Қурбон.— Қойил!— У қизнинг тиниқ, қордек юзи, ўткир, аммо ғамгин кўзларини ичида қайд этгани ҳолда, давом этди:— Уйларингда Эшони Судур ҳазрат билан бўлганмиз. Балки каминага кўзингиз тушгандир? Узимни яна-да яхшироқ таништиришим мумкин: Чори косибнинг ўғлиман!

Қиз бир зум тек турди-да, тагин боғ томонга ўгирилиб олди.

Қурбоннинг тишлари гижирлаб кетди: «Шу билан гаплашиб ўтирибман-а!» У илдамлаб отхонага қайтди. Бироқ энди унинг бир алами ўн бўлган эди: ўзи хушомад қилиб, қанчалик сўз отмасин, қиз яна жавоб қайтармади.

Қурбон емтўрвани тўриқнинг бошига илиб, пешонасига тушган кокили, ёлини силар, бармоқларини ёзиб асабий тарар экан, қизнинг муомаласи ҳақида ўйлар ва ўйлагани сари ўзини ҳақоратланган сезар эди.

Йўқ... Уйлаши керак... Боғда айланиши лозим. Дарвоқе, эртаиндин бу ердан кетади. Бу аниқ...

Қурбон анча енгил тортиб, эшикка, ундан боққа чиқди.

«Вей, бунча чиройли, бу эски боғ!»

Паст-баланд дарахтларнинг, шип-шийдам шохлари аста силкинади: қандайдир сирли бир ўзгаришдан хабар бераётгандек. Шохларнинг айрилари, таглари, дарахтлар танасидаги ғурраларда тўп-тўп қор. Йўнғичқапоянинг қори кетган жойлари — кўллаб турган сувларда дов-дарахтлар акс этади. Чигир-чигир қилиб учаётган қизилтўш саъвалар!.. Ариқ. Унда зилол сув ўзи билмас томонга шилдираб оқиб кетаяпти. Сув остида — хас-чўпларга илашиб қолган қизғиш-қора, чирик япроқлар. Ариқ ёқалаб ўсган тоғтераклар. Уларнинг кўкка интилган шохлари, бутоқлари орасида жажжи қападек бўлиб турган қуш инлари.

Қурбон боққа боқар, қалби шошқин завқдан ёқимли тўлғонар, бутун вужуди эрир эди.

— Ҳой, йигит!

Овоз Қурбонга ғойибдан келгандек туюлди. Бир сония тек қотди-да, ўгирилиб, деворга қаради. Деворга туташ айвон бўғоти тагидан... ўша қараб турар эди. Қурбон унга еб қўйгудек бўлиб тикилди: «Мени чақирди шекилли», дея ўйлади.

— Қулоғим сизда!— деди Қурбон.

— Мен...— энди қизнинг юпқа, лабларида истеҳзо ўйнади,— мен сизни танийман, мулла ака! Ҳа, Эшони Судур ҳазратларининг суюкли шогирди эдингиз!

— Хўш,— деди Қурбон.— Энди мени бу аҳволда кўриб ҳайрон қоляпсизми?

— Ҳайрон қолиш ҳам гапми?

— Исмлари нимади?

— Уни қизиги йўқ... бу ерда кўп турасизларми?

— Анча!..

— Сизга бу кийим-бош ярашмас экан,— унинг бирдан ранги ўчди.— Уялмайсиз, а, шундай юришга?.. Кимсан фалон одамнинг назари тушган киши! Сиз кирган уйга кўрпачалар ёзиларди. Кофирлар орасида сизга нима бор?

Қурбон лабини қимтиб, ўзини босди.

— Сиз мана шу уй, атлас кўрпачалар солинган дим меҳмонхона-ю, айвондан бўлак... оламни кўрмагансиз! Сиз, ҳаёт — шу, деб билгансиз!.. Дунё ўзгармас эди-а, сизнингча? Шундайми?

Қиз синиқ жилмайди.

— Гапираверинг... Лекин ўзингизни оқламанг.

— Сиз пайғамбар ҳам, ҳакам ҳам эмассиз, хоним, қаршингизда ўзимни оқласам! Киши ўзини оқламоғи учун олдин қандайдир қора ишлар қилган бўлуви керак... Тўғрими?

— Сизларнинг бу ишларинг, ағдар-тўнтарлар, одамларни камситишлар, талашлар оқ иш бўлдими ҳали?

— Сиз кўп нарсани адаштириб-аралаштириб юбордингиз, бекам! Авваламбор, биз ҳеч кимни талаганимиз йўқ... Иккинчидан, Шўро ўзи инсоннинг инсон томонидан камситилишига қарши! Бировларни камситган одамлар Шўро олдида жазо олади!.. Сиз яҳудидан жирканасиз, биламан! Шўро эса яҳудийни камситганни қоралайди. Инсон инсонга тенг дейди... Инчунун, бой ила камбағал ҳам тенг бўлуви керак, дейди. Уқдиларми? Ана шу тенглик жорий қилиняпти! Шунинг учун отангизнинг туялари олинди...

— Бу уйни, ичкаридаги нарсаларни қачон оласизлар?

— Агар отангиз, жумладан, ўзларинг бу ердан қочиб, дейлик, Кўктошга... кетсаларинг, албатта, уйларинг ҳам мусодара қилинади. Хоним, замон ўзгарди. У ўзгариши керак эди! Ўзгарди... Энди уни изига қайтариб бўлмайди. Бунга йўл қўймаймиз!

Қиз кулимсиради.

— Худди биров бошларингизда ёнғоқ чақамиз деяётгандай гапиряпсиз.

— Ундайлар бор... Тайёргарлик кўришяпти. Э, катта жангга тайёргарлик кўришяпти.

Қиз Қурбонга тикилди.

— Кимлар? Қаерда?

— Жойини айтсам, борадиларми?

— У ёғини ўзимга қўйиб беринг.

— Йўғасам у ёқниям ўзингиз излаб топасиз!

Қизнинг кўзлари алланечук совуқ йилтиради. Лаблари титради ва бу ҳолатда кўринишни истамагандек ёнғашди.

Қурбон лойга ботмаслик учун ариқ жиягидан ётоқ охирига томон жилди: у аламдан чиққан эди.

«Аммо жуда кўҳли экан. Шундай қиз-а!»

Музи эриб улгурмаган қатқалоқ ғижир-ғижир этади. Офтоб теккан ер бети ялтирайди. Соя тушиб турган жойлар қора. Баъзи жойлар шишадек дарз кетяпти: яна музлаяпти.

Қурбон таққа тўхтади: «У ёқда ким билади ҳали...»

Бирпасдан кейин у Тузбозор гузари кўчасида кетиб борарди. Дуч келган йўловчига зимдан қараб кўярди. Қалби тубида кимдир унинг олдини тўсиб, «Қурбонжон!» дея эски тўн зўрға ёпиб турган бағрини босишини истайди. Бироқ илгари ҳам уни бағрига босадиган кишилар кам эди...

Тўғри, бир қаричлигида шу кўчада лой сачратиб, тупроқ чанги-тиб юрган маҳалларида тенг-тўшлари, танишлари кўп эди. Отаси қазосидан кейин Катта мадрасага борди-ю, дўсти ҳам, таниши ҳам Эшони Судур бўлиб қолди. У кишининг ёнида кўрганлар беихтиёр ўзларини четга тортишар, ҳазратга қўшиб унга ҳам салом беришар эди.

Қурбон илдамлаб кетаркан, халта кўчага бурилиш жой кўринди: у ердан худди биров чиқадигандек! Йўқ. Чикмади. Қурбон кўчага кирди. Ана, майдонча. У ерда Шоди аканинг араваси турарди.

Мана, ўзларининг дарвозаси!

Ҳалқа. Силлиқ бўлиб кетган ҳалқа. Қурбон унга қўл узатди-ю, эшикнинг ичкаридан тамбалаганини ҳис этди. Аравакашнинг эшигига қаради... Э! Ўзи-ку?!

Деворга тақаб қўйилган қийшиқ устун панасида турган кўкраги кенг, бўйи паст, эчки соқол киши:

— Оғажон?— деди.

Қурбон хўрсинди.

Шоди ака шошиб қолди. Кела солиб қўлини узатди-ю, қучоқлашиб кўришишга ҳайиқиб тўхтади. Қурбон қучоқ очди. Сўнг негадир ёмон фикрга борди: «Кийим-бошим бунга ёқмаса!» Бунгача аравакаш уни қучиб олган эди. Қурбон титраб кетди: таниш ҳидлар. Ниҳоят, уни бағридан бўшатди.

— Қалайсиз энди? Бола-чақалар омонми?

Шоди ака пиқиллаб фотиҳага қўлини очди. Қурбон ҳам ҳозирланди. Аравакаш кими оламдан ўтганини айтмади, Қурбон ҳам сўрамади. Фотиҳа ўқишди.

— Ҳовлини кўргани келиб эдим...

— Ит-пит, саёқ-паёқ кирмасин, деб ичкаридан тамбалаб қўйдим.

Лекин томларнинг мазаси қочган.

— Ҳа, энди, эгасиз бўлгандан кейин... Қўрғонда кўринмадингиз?

— Сиз пайқамадингиз-да!— тайлоқланиб деди Шоди ака. — Бозор-жойдаям сизни кўрдим. Турган экансиз шўрочилар билан! — Сўнг кўзлари киртайиб кетди. — Ҳазрат... — шивирлади, — у киши йўқ?

— У киши бўлмайди, — деди Қурбон. — Замоннинг зайли... У киши кечаги куннинг одами.

Шоди аканинг кўзларида яна қувонч порлади.

— Қизиқ бўлди-ку бу ишлар, а? Э, Қурбонжон, амирнинг қочганиниям кўрдик!

— Қандай бўлди шу?

— Ичкарига...

— Ишим зарил.

— Ҳе-е, кузакда... Сахарлаб қўрғон атрофида навкарларниям, ясовулларниям қадам олиши бошқача бўлиб қолди. Гап ётмайди-да, оғажон! Эшитган эдик: Саид Олимхон Бухородан қувиляпти, қизиллар тахтни олипти, деб эшитиб эдик. Чошгоҳларда денг, Кўчар жарчи миршаб билан бозор кезиб жар солди: «Тушдан кейин Чорчинорга ўтабе-ер! Амиримиз Саид Олимхон шаҳримизга ташриф буюрди-и! Элга худойи оши берадилар!» Усмон косиб икковимиз ҳам ивирсиб Чинорга жўнадик. Одам қайнаб кетган экан... Қўйлар сўйилган. Қозонлар осилган. Яккачинор остида сатта каллали-саллали одамлар! Саидахмад бек ҳам қилтиллаб турипти. Ҳа, худойи бўлса ермиз, деб бир чеккага ўтирдик... Бир палла худди Сакратманинг устидан бир нарса тариллаб қолди-я! Пулумот экан! Ўтсочар дейишди. Қизиллар! Амирни қоралаб келишган экан! Чинорда ўтирганини дурбиндан кўриб, ўққа тутишаётган экан!.. Лекин ҳеч кимга зарар қилмади. Фўқарони ҳисобга олиб, безараридан отишган экан. Бирда-ан тало-тўп бўлиб, ит эгасини танимай қолди! Отларга ирғиб-ирғиб миниб жўнаб қолишди! На хайр-хўш, на бир гап... Ана шу Дийдоркамдан ошиб кетишди!.. Газадан берида бир чапани бор-ку? Мулла Имом! Шу денг томда турган экан. Амир ўта берса, у: «Ҳой, Олимхон, номард экансан-ку, энағар! Шу кунингдан ўлганинг авло эмасми?» депти. Шундай депти! Амир унга бир қараб қўйипти. Шундай гаплар ҳам бўлди... Чинордан қайтдик. Э, Чинордаям баъзи олғирлар бир нимали бўлиб қолишди: кигиз-гилам борми, кўрпа-кўрпача борми, гўшт борми... торта-торт қип талаб кетишди.

— Кейин?

— Кейин... биз шаҳарга эниб, кўчага чиқишга қўрқиб туриб эдик, Суюн жугут чақириб қолди. «Хуррият!» дейди. Биз ҳам чиқдик. Қўрғон биқинида одам кўп экан: мана шу Салим оқсоқол, хўш, Ғаффор пасурхи, Салим теримчи, мулла Жалол, яна Хўжамурод полвон... «Э, бизни ўлдириб нима топади?» дейишди. Яланғоч одам сувдан қўрқмас экан!.. Шундай қилиб, тўртови бир бўз қийиқни хала-

чўпга илиб, сойга эниб кетишди. Шунда қизиллардан ҳам тўрт киши сойнинг у бетига келиб туришган экан. Кўприкда учрашишди...

Қурбон воқеанинг бу ёғини Салим Дўстмуроддан эшитган эди: қизил элчилар қўрғонга келишади. Бек бу ердаям зиёфат ҳозирлатган экан. Бари қозонлардаги овқатни тўктиришади: захарлаб кетган бўлиши мумкин. Сўнг: «Биз тезда қайтамиз!» деб яна Сакратма довонга қайтиб кетишади. Ва...

...Олимжон аканинг айтишича, улар — Ҳисор корпусидан ажралган битта илғор отряд бўлиб, амирни ортиқ қувишга отлари ярамай қолгани ва ўзлари озчилик бўлгани учун қайтишган экан...

— Шундай гаплар, оғажон... Сиз энди каттасиз-а?

— Қизил аскар бўлиш кичкина гапмас.

— Ҳа-а, кичкина гапмас. Лекин бизниям сафга қўшилишлар де-йишяпти.

— Қўшилиш керак, Шоди ака! Аравангиз бутунми? Қўрғонга бо-ринг. Озиқачи бўласиз.

3

Қурбон катта кўчага чиқиб, ҳайрон қолди: озиқачилардан Тўра қашшоқ билан Эшнӣёз полвон бошини эгиб ҳорғин одимларди. Улар орқасида қопларда дон ортилган от-арава. Унда устига шинель ёпиб қўйилган иккита аскар бола чалқанча ётипти, этикдаги оёқлари беҳол лиқиллайди. Атрофда ўн чоғли қуролли отлиқ қизил аскар хомуш келарди.

Қурбон қоп устидагиларга боқиб, уларнинг жонсиз эканини дар-ҳол фаҳмлади.

Қурбон озиқачилар ўртасига кириб олиб, Тўра акадан сўради:

— Нима бўлди?

Тўра ака малла салла ўраган бошини чайқаб:

— Э, сўраманг,— деди.

Қурбон Эшнӣёзга ўгирилди:

— Ялангтоғдан келяпсизларми?

— Бўлмасам гўрданми?— тўнғиллади Эшнӣёз ва атрофга ҳеч кимни писанд қилмайдиган назар билан аланглаб, вайсай кетди:— Ҳамма ёқ тинч эди. Урадан ғаллани чиқардик. Қоплаб аробага ор-тик. Ҳамма ёқ тинч эди. Энди жойимиздан қўзғалганда, тоғнинг ўр-қачидан бирданига милтиқлар отилса бўлама! Товба, улар ким бўлди, дейман. Ҳаммамиз ҳайрон. Узингиз у жойларни кўргансиз, домилла. Қиш маҳалида, айниқса, бундай қор маҳалида Ялангтовнинг чўққиси-га кийик ҳам чиқолмайди. Товнинг ортидан ҳам чўққига чиқиш маҳол шу пайтда: кўрган бўлсангиз, қатқолоқдек торс-торс ёрилган бет... Ҳалиям худо пошшо экан... Арча борма, тош борма—панасига ётиб олдик. Биз ҳам тўхта сен, деб ўқ узабердик. Қайда! Чўққидагилар ғо-йиб бўп қолишди.

— Кейин қайта бердиларинг?

— Нима қил дейсиз?

— Тоғни айланиб ўтиш мумкин-ку ?

— Домилла, гапирасиз-да!— Эшнӣёз зарда қилди.— Тоғни айла-ниб боргунча бир кун ўтади!.. Мана энди, насиб бўлса, борамиз-да! Улар одам зотидан бўлса, топамиз! Турган гап, улар Чўнтоқ қишло-ғидан чиқишган. Лекин қандай қилиб чиқишган? Буни чўнтоқдагилар билади!

Олимжон Арслонов ўликларни кўрди. Сўнг ҳовуз бўйида озиқачи-ларни сўроқ қилди. Ялангтоғ пастида ўрага дон кўмилганини келиб айтган йигит Суюн Пинхосбойнинг уйига, шам олиб келгани кетган экан.

Арслонов тезда икки аскар болани унга юборди: «Олиб келинглар!»

Қурбон гарангсиз турар эди. Иттифоқо Эшони Судур билан ўша Чўнтоқ қишлоғи яқинидан ўтганларини эслаб қолди: яшилгина қиш-

лоқ; Бойсунда ўриқлар сарғайгади, у ерда эса данаги қотмаган гўра эди.

Қурбон ҳар хил хаёлга борди: Яланғоғ Бойсунга яқин! Босмачилар шунчалик яқин келиб қолдимикан? Разведкага чиқиб қайтганларнинг гапи бошқача эди-ку?..

Ўлиқлар йўл бўйига кўмилди. Кўмиш маросимида Олимжон ака нутқ сўзлади.

Қош қорайди. Олимжон Арслонов штабга ўз яқинларини тўплади: ҳарбий комиссар, қўшин кўмондони, полк командирлари, озиқ-овқат, молия, нақлиёт (транспорт) кўмитаси бошлиқлари, Ғузордан бугун етиб келган (бурнини совуқ ургани учун у ерда қолганди) Бойсун инқилобий кўмитасининг раиси Ибодулла Ҳатам (у Бухородан бу лавозимга тайинланган), тилмочлардан — Мулла Ғаффор ва Озод Абдуллин, 306-полк комсомол ташкилоти секретари Виктор Вениченко, Қурбон...

Эрталабоқ Чўнтоққа «учқур отряд» жўнатилиши ва кимлар боришини эълон қилди. Сўнг Қурбонни олиб қолди.

— Қурбон, сафарга тайёрмисан?

— Чўнтоққа борасан дедингиз-ку?

— Борасан. Шунақаси Кўктошга кетасан. Уйлашимча, ҳар қандай босмачи тўдасининг ҳам борадиган манзили — Кўктош. Айниқса, ҳозирги пайтда. Йўлда тўқнашсанглар, отряд изига қайтади. Сен бўлсанг, уларнинг изи билан кетасан!..

— Бориш керак бўлса, нима қилишим кераклигини айтнинг!

Арслонов қўлидаги тамакисини тортди-да, папахини кийди.

— Эшони Судурни орқа қилиб, қизил қўшин сафидан қочган бўласан. Энг муҳими — ишончини қозон. Ҳазратга азалгидек шогирд тушиб оласан...

— Олимжон ака, у киши билан орамиздан ҳеч гап ўтмаган.

— Шунга билганим учун айтяпман.

— Хўп.

— У одам Бош маслаҳатчи. Иброҳимбек билан ҳаммиша бирга. Нима иш қилишса, бирга келишиб қилишади. Демак, Эшони Судурга яқин бўлиш билан Иброҳимбекка ҳам яқинлашасан.

— Ҳм.

— Шундай қилиб, уларнинг режаларини билиб олишинг мумкин. Хўш, уларга кимлар ёрдам беради? Бизга қарши, қандай йўл тутишмоқчи?

— Тушундим.

— Улар даврасида бўлсанг, ўзинг тушуниб оласан. Кейин, яна бир гап бор.

— Хўш?

— Ҳозир... Уларнинг лашкари қанча? Тахминан бўлсаям. Қандай қуролланган? Яна қандай қуролланмоқчи?

— Ҳа.

— Ундан кейин... Уларнинг бошқа музофотлар билан яқинлиги. Уқдингми? Амир Олимхон Кобулга ўтишидан олдин Фарғона, Самарқанд босмачилари бошлиқларига, ҳатто Хоразмга — Жунайидхонга ҳам мактуб йўллаб, барчасининг Иброҳимбек қўли остида тўпланишини сўраган...

— Ҳ-ў!

— Хўш, бу нарсалар тўғрисида бир нима билдингми, бизга етказишга ҳаракат қил!

— Қандай қилиб?

— Орқангдан одам жўнатамиз. Бошқаларнинг сенинчалик имконияти йўқ. Лекин лашкари исломга навқар бўлиб кира олади. Бу қийин эмас.

— Уларни қандай танийман?

— Танийдиганларингдан Қарим Раҳмон боради...

Қарим Раҳмон... Ҳа, Тузбозор гузаридан. От ўғриси Раҳмон жал-



В. Будаев расмлари.

лобнинг ўғли. Отаси ўлгандан кейин Карим Мирусмонбойда йилқибо-қарлик қилган... «Ўрисияда оқпошшо йиқитилипти», деган овозлар бўлганда, амирликдан навкар тўплаш ҳақида Бойсун бегига ҳам фармон қелган, бек ҳар гузарга бу борада «солиқ» солганда, Мирусмонбой ўз ўғлининг ўрнига Каримни ёллаб юборган, деган гап бўлган эди. Одатда, навкарликка кетганлар фавқулодда қутулиб келмаса, бир умрга навкар бўлиб қолади. Карим бўлса олти ой деганда қайтиб келиб, тўрт кундан кейин яна гойиб бўлган, ўшандан кейин Қурбон «Карим Термизда — Амударё портида ўрис рабобчилар билан ишлаётганмиш» деган гапни эшитган эди.

Қурбон қизил қисмлар билан Ғузордан берида — Деҳқон қишлоғида уни кўриб қолди. Каримнинг ўзи таниб кўришди. У иккита отни етаклаб олган эди. Қурбоннинг ориқлаб кетган отини кўрсатиб: «Бу чигирткани қўяберинг, мулла. Мана бу тулпорни мининг. Сал асовроқ, ўргатиб олсангиз, бошқа бировни миндирмайди», деб Қурбоннинг ҳозирги оти — тўриқнинг чилвирини тутганди.

Шундан кейин Олимжон Қурбонга у тўғрида майинлик билан шуларни айтиб берган эди: инқилоб арафасида Термизда ташкил бўлган илк «фирқалар шуъбаси»¹га Карим Раҳмон аъзо бўлиб кирган экан. Ташкилотнинг топшириқларини бекам-кўст адо этган. Бухорога, Чоржўга қатнаб, инқилобий варақалар тарқатган. Ушанда Муваққат ҳукумат аъзоси Олимжон Арслонов билан танишган экан...

Карим Раҳмон ҳозир қўрғонда отларга қарар, эғнида яғри чиқиб кетган қора тўн, оёғида ағдарма этик, белини учта қийиқ билан боғлаб ва соқолини иягининг остидан туркманларга ўхшаб ўстириб юрар эди. Танимаганлар уни «чапани», таниганлар: «Ўғрининг боласи, қизилларнинг ҳам отини ўғирлаб қочади-ёв», деб гумон қиларди.

— Биладан, — деди Қурбон. — Уста одам!

— Ушани жўнатамиз. — Арслонов тамакини бир сўрди, чўғи бармоғига етди. Сўнг уни шам ёнида турган сопол тақсимчага босиб эздида: — Энг муҳим нарса — уларнинг бошлиқлари орасидаги муносабатлар, — деди.

— Муносабатлар...

— У ёқда ёлғиз бўласан. Ҳамма нарсани фақат ўзинг ҳал қилишинг керак бўлади. — Олимжон Арслонов гавдасини орқага ташлаб оғзини очмасдан эснади. — Бу, албатта, қийин иш. Кўп ақл, идрок, эҳтиёткорлик талаб этилади сендан. Сенда бу соҳада тажриба йўқлигини қўшсак, қийинчилик икки карра ошади. Лекин... — у ночорликни англа-тадиган нигоҳ билан Қурбонга тикилди. — Шунга мажбурмиз, Қурбон... Бунинг устига бу уруш — оддий ёвларнинг уруши эмас. Ёв бўлган мамлакатлар бир-бири билан битим тузиши мумкин. Ярашиши мумкин. Бизнинг курашимизда яраш йўқ, битим ҳам бўлиши мумкин эмас! — Арслонов ўридан туриб, эшик томонга юрди. — Русиядаги инқилоб натижалари бизга шундан сабоқ беради!... — Арслонов яна миз қошига қайтди.

— Чарчадим бугун. Киши қаттиқ чарчаганда, уйқуси келмайди. Шунинг учун уйқу олдидан очиқ ҳавода юриш керак... Дарвоқе, сен ҳам дам олишинг керак!

— Ташқарига чиқамизми?

— Ҳали гапимиз тугамади... Қаерга келиб эдик? Хуллас, бизнинг бу ишимизга ҳам хориж аралаша бошлади! Ҳа. Бунга исбот керак десанг, исбот бор!... — Арслонов дам у-дам бу чўнтагини кавлади. Ниҳоят, чопон остидаги қалами кастюм тагидан кийган ичикчаси чўнтагидан ғижимланган тасма қоғоз олди. Уни мизга қўйиб ёзди, кафти билан текислаб, кўз тикди. — Сен Анвар пошшо деганини эшитганмисан?

— Ҳа, — деди Қурбон. — Обхонада. Ундан олдин ҳам...

¹ Бухорода тор-мор этилган «Еш бухороликлар» жамияти аъзолари ўз ташкилотларини Тошкентда тиклагач, Термизда ҳам ячейкаларини тузишган эди.

— Хўш, хўш?

...Обхонага тушишдан олдин «Доруломон» кутубхонасида эшитган эди. Кутубхона мутасаддиси — чувак чолга Қурбон умри бино бўлиб газета деган нарсани кўрмагани, ammo бу сўзни кўп эшитаётганини айтганда, чол бирдан ҳовлиқиб: «Бачам, эшитмадингизми, «Туғилиш» газетини ўқиган тўрт навжувонни Чоржўга тириклай кўмпитилар!» деб қолди. Қурбон ҳайрон. «Нега?» Чол тушунтиришга ҳаракат қилмади-ю, аввал чиққан газеталардан «Турон»ни кўп мақтади. Унда баъзи мутаассиб руҳонийлар ҳам ҳажв қилинар экан. Уни асли «ёш бухороликлар» Когонда Левий деган яҳудийнинг ёрдами билан чиқаришган. Газетанинг муштарийлари кўпайиб кетган. Саҳифаларида ўзга мамлакатларда кечаётган воқеалар ҳам шарҳлана бошланган. Жумладан, улуг давлатлар ўртасида бораётган Жаҳон муҳорабаси тўғрисида ҳам маълумотлар берилган. «Ўшанда Шулька жаноблари газетчиларга: «Русия ила Туркия урушмоқда. Бул газет эса Туркияга ён босмоқда», деб айб қўйган. Илло газета Бухорода пахтани кўпайтириш ишига ҳисса қўшамиз, деган ваъда билан чиқарилган экан. Чол шу маънода кўп гапиргандан кейин Туркия тўғрисида сўз очганди: «ёш бухороликлар»нинг аксари Истамбулда сабоқ олиб келган, шу асно Туркиянинг зўр одамларидан бири ёшларнинг тилидан тушмай қолган экан. Номини — Анвар пошшо...

— Қулоғимга чалинган,— деди Қурбон. У одамни сиз яхши билсангиз керак, «ёш бухороликлар» ўртасида анча машҳур бўлган экан-ку?

Арслонов тасма қоғоз устида кафтини босиб, Қурбонга термилди.

— Нима, сен ҳам «ёшлар»га аралашармидинг?

— Тешик қулоқ эшитади-да, Олимжон ака!.. Мадрасада Садриддинхўжа деган йигит билан қўшни эдим...

Арслонов сергак тортиб:

— У мабодо шеър ёзмасмиди?— деди.

— Балки ёзарди... Менга кўрсатмасди.

— Ўзи қанақа йигит эди?

4

Қурбон Лабиҳовуз бўйида, балх тут шохига қурилган хас қападек инда туриб «так-так» овоз чиқараётган лайлакни томоша қилар, хаёли Бойсун томонларда кезар экан, эғнида калта қалами камзул, бошида кичкина салла, оёғида кавуш — Садриддинхўжа рўпарадаги Мирааб мадрасасининг мармар зинасидан тушиб кела бошлади.

— Ассалом алайкум!— Қурбон Садриддинхўжанинг қаршисига чиқди.

— Ваалайкум,— Садриддинхўжа унга қараб қўйиб ўтиб кетмоқчи бўлди. Сўнг ўйланиб:— Эшони Судур ҳазратлари кўринмай қолдилар?— деди.

— Ҳа, тақсир!..

— Бухорода у зотнинг ганишлари бисёр. Суриштиринг. Ўрдага бориб йўқланг.

— Сўрамаган одамим қолмади,— деди Қурбон гапни чўзиш учун.

Садриддинхўжа елкасини учирди. Қурбон унинг жилмоқчи бўлганини сездди.

— Тақсир, сизга бир гапим бор эди!

У ўйланди, атрофга зимдан кўз солди-да:

— Юринг. Хонада сўзлашамиз,— деди.

Садриддинхўжанинг ҳужраси дарвозадан кирган ерда. Унг қўлдаги биринчи ошиён. Қурбон ичкарига кирди... Ўзга ҳужралардан фарқсиз. Бироқ ораста. Ярим газ кўтарилган тахта кат устида кичкина хонтахта. Унда сариқ мис баркаш, чойнак, пиёла. Хонтахта атрофига пахта гулли чит кўрпачалар солинган. Ён девордаги токчада чарм жилд-

ли китоблар, довот, қалам. Хонанинг тўрида кўчага очиладиган дарча ҳам бор.

Садриддинхўжа энгили билан кавушини ечди ва Қурбонга «сиз ҳам пойабзални ечинг» дегандай қараб, ғишт пиллапоядан катга кўтарилди.

Қурбон нима қилишни яхши биларди: кўрпача четини қайтариб, қоқ палосга ўтирди.

Уй хўжаси:

— Омин, биз келдук, бадниятлар келмасун!— деб фотиҳа ўқиди. Сўнг улар ўртасида шундай суҳбат бўлди.

— Исмингиз мулло Қурбон?... Туркмисиз, тожик?

— Тақсир, бизнинг тоғлар орасидаги ўлкамизда ҳануз уруғ сўраш одати бор. Падаримизни тортувли¹дан дейишар эди. Онамиз чигатойдан.

— Ҳа, тортувли.

— Унинг шохлари кўп. «Олти уруғ тортувли» ҳам деб аташади.

— Мисол учун, қандай шохлари бор?

— Обоқли, иргоқли, қанжиғали, чайратим, тамғали, тўғиз, ўр, кўса, қорақасмоқ. Биз қорақасмоқ тўпидан. Чигатойнинг ҳам шохи кўп: қўлбурун, қатаған, тоғчи, турк, дўрмон, юрчи, қатар...

— Шундо-оқ... Қайси тилларни биласиз? Турк тилига тишингиз ўтадими?

— Йўқ, тақсир. Тожикчани оз-моз тушунаман. Аммо гапиришга қийналаман.

— Бойсунда неча мадраса бор?

— Иккита.

— Масжидлар?

— Қирқдан ошиқ.

— Бойсун — тоғли ўлка?

— Ҳа, тақсир.

— Бойсуннинг тоғли ўлка экани, унда зўр авчилар бўлуви тўғрисида Аҳмади Дониш асарида ўқиганмиз. «Наводир-ул вақое»да.

— Сизда борми ўша китоб?

— Топилади.

— Тақсир, сиз, менимча, таги бухороликсиз,— деб мақсадга кўчди Қурбон.— Мен бир мусофир... Мана, мени бу ерга олиб келиб қўйган валинеъматим Эшони Судур ҳазратларидан ҳам айри тушиб қолдим. Шаҳарда ҳар нав гаплар... Адашганининг кўчаси кўп дегандек, менга ўхшаган омининг қалтис қадам босиб жувонмарг бўлиб кетиши ҳеч гапмас экан. Шунинг учун сизнинг тушунтирувингизга, маслаҳатингизга муҳтож эдим. Илтифот қилиб, оз-моз...

Садриддинхўжа хаёлкашлик билан Қурбонга боқиб турди-да:

— Мунда кечаётган воқеалар мағзини чақишга камина ҳам ожиз,— деди паст овозда.— Ҳали... ўткунчилардан эшитдим: «ёш бухороликлар» деган жамият аъзолари амиримиз Саид Олимхон ҳазрати олийларига бир илтимоснома битишган эмуш. Унда Бухоро мамлакати идора усулларига даҳлдор мулоҳазалар бор эмуш. Яъни, ким амирлик идора усулларига ислоҳ киритиш, хазинадаги маблағдан ободончилик йўриқларда сарфлаш, усули жадид мактабларини очиш, газет ҳам журналлар чоп этиш, фуқарони маърифатдан баҳраманд қилиш ва ҳоказо йўриқларда талабу илтимослар битилган эмуш у номада... Афу этасиз, мабодо одамларнинг ўзаро тенглиги... хусусида гап-пап йўқми?

— Бу қандоқа савол?

— Маъзур тутасиз. Ҳазратим билан бу мавзуда кўп гаплашардик...

— Узи бу... сўзлашса арзигулик мавзу,— деди.— Бу тўғрида Аҳмади Дониш ҳам ёзганлар.— Садриддинхўжа бурилиб, деворга ўйил-

¹ Узбек-қўнғирот уруғининг бир шажараси.

ган тоқчадан дастурхон олди.— Саҳв этмасам, Эшони Судур ҳазратлари ҳам ёшларнинг фикрларидан хабардор эмушлар.

— Тақсир, у киши мендан сир бекитмас эдилар-ку?

— Иним, замон шундоқ,— Садриддинхўжа тўрдаги дарчага кўз ташлаб олди,— ота болага, бола отага инонмай қолаётир...

Қурбон сўзсиз тан берди:

— Рост. Мен ҳам шуни сезиб юрибман... Лекин ҳазратнинг «ёш бухороликлар» жамиятидан хабардор эканлари мен учун янгилик.

— Менимча, жамият битта эмас. Ҳазрат эса, улуғлар жамиятига борар эмушлар... Маъзур тутасиз, сизда чой борми?

— Ҳозир.

...Уларнинг илк учрашуви шу тариқа бўлган эди. Орадан икки ой чамаси вақт ўтгач, туш маҳали икки миршаб билан бир ясовул мадраса ҳовлисига кириб келиб, тўғри Садриддинхўжанинг ҳужрасига бурилишди. Уни судраб олиб чиқиб кетишди. Бир неча кундан кейин Қурбон арк майдонида Садриддинхўжанинг етмиш беш дарра урилишининг гувоҳи бўлди.

У киши ўзи «ёш бухороликлар» жамиятининг фаол аъзоларидан, Бухородаги аҳвол ва идора усулларидан қаноатланмай, унинг обод, маърифатли бўлувини орзу қилган ёшлардан экан...

Бу тафсилотни Садриддинхўжанинг дўстларидан бири — Қилич исмли қотма йигит кечаси Қурбоннинг ҳужрасига келиб айтиб берган эди.

— Уша!— деди Олимжон Арслонов — Шоир у киши. «Турон»нинг фаол муаллифларидан. Газета ёпилганда, «Турон» деб шеър ҳам битганди... Омадли экансан, Қурбон! Қилич деганинг эса, ҳозир Бухоро ЧКсида ишляпти.

Улар бир нафас жим қолишди.

— Рост,— деди кейин Арслонов.— Анвар пошшонинг номи бизга ўхшаган ёшларнинг орасида машҳур эди!.. У шундай зотки, ўзининг қайнотаси Абдулҳамидни ўлдирганлардан бири. Туркия султонини! Анвар ўзи «Ёш турклар партияси»дан чиққан. Ушанда уларнинг платформаси бошқача бўлган!.. Эсимда бор, орамизда: «Ана, Туркия султонини ўлдириб, давлатни қўлга олди «Ёш турклар». Биз ҳам Саид Олимхонни ўлдиришимиз керак», деган гаплар ҳам тарқалган. Шунинг учун Анварни баъзи ёшлар бошга кўтарарди. Кейинча унинг оддий авантюрист экани маълум бўлди.

— Нима?

— Маккор одам экани. Ҳокимиятга интилиб юрган чоғларида, ҳокимиятни қўлга олгандан кейин ҳам турк халқига озодлик, ўзаро тенглик, мамлакат бойликларини талон-тарож қилдирмаслик, мамлакат мустақиллигини таъминлаш тўғрисида ваъдалар беришарди «Ёш турклар». Хуллас, «Ёш турклар» давлатни қўлга олганда Туркиянинг ўзида аҳвол чатоқ, у камбағаллашиб қолганди. Собиқ турк империяси инқирозга учраганди.

— Гапиринг, Олимжон ака.

— Сен бу нарсаларни ҳам билиб қўйсанг, зарар қилмайди. Чунки... Кўктошда Анвар пошшо билан ҳам учрашиб қолишинг мумкин.

— Ҳа,— Арслонов олдида «тортилиб» чуваланиб қолган тасма қоғозларга ишора қилди.— Кеча келди бу телеграмма. Мана: «Анвар пошшо юзга яқин турк офицери ва афғон сипоҳлари билан Шарқий Бухорога йўл олипти».— Арслонов бошини кўтарди, кўзойнагини олди.— Шарқий Бухоро!.. Демак, бизга? Кўктошга?

— Энди...

— Шундай!.. У кейинги вақтда Германияда яшагани билан Англиянинг одами сифатида танила бошлаган эди. Англиянинг Бухорога муносабати аён. Билмайсанми?.. Русияда Октябрь инқилоби ғалаба қилгач, айниқса, Саид Олимхон Англия билан яқинлаша бошлаган эди... У Русиядаги инқилоб ғоялари Бухорога киришидан қўрқар эди. Чунки у инқилоб ўз моҳияти билан амирликка, демак, эзувчиларга

зид эди... Амирлик шоша-пиша ўзига ўхшаган давлатлар билан алоқани зўрайтирди. Жумладан, Англия билан дўст бўлиб олди. Русиядаги янги тузумни Англия ҳам кўролмайди! Ҳали айтганимдек, шундай қилиб, бу иккиси апоқ-чапоқ бўлиб қолган эди... Эшитган бўлсанг, амир кўшинларининг бош кўмондони ҳам инглиз эди: Штеннель деган полковник эди!.. Энди, Англиянинг дўсти, гумаштаси Анвар пошшо Шарқий Бухорода пайдо бўлипти, бу яхшиликдан нишонами?

— Йўқ.

— Шубҳасиз, у амир билан ҳам боғланган...

— Олимжон ака, у нима ишлар қилиши мумкин?

— У кичкина одам эмас! Вақтида Туркия қуроли кучлари нозир эди! Жаҳон муҳорабасида иштирок этган. Баъзи жангларда ғалаба қозонган ҳам. Унинг қўлидан кўп бадкорликлар кела олади!.. Анвар пошшо — турк. Бу тупроқда асосан ўзбеклар яшайди. Демак, Анвар шу ерликлар билан бемалол тил топади, деб ҳам ўйлашади.

— Кимлар?

— Душманлар... Бизнинг тузумимизга душман бўлганлар!..

Ушанда Туркия мағлубиятга учради. Унинг давлат сифатида бўлиниб кетишига оз қолган эди. «Еш турклар»нинг тараққийпарвар қанотидан чиққан Мустафо Камол бу йўлда иш кўрсатди! Биласанми, Туркияни мустақил давлат сифатида биринчи бўлиб Ишчи-деҳқон Русияси, Владимир Ильич раҳнамолигида Русия тан олган эди! Бу нарса Туркиянинг мустақиллигини сақлаб қолишида жуда қўл келди... Ана шундан кейин мамлакатни урушга олиб кирган, уни ҳалокат ёқасига бошлаган, турк халқининг бошига кулфатлар солган кишилар, жумладан, Анвар пошшо Туркиядан бадарға қилинган эди.

— Бадарға қилинган денг!

Арслонов тагин тамакни халтасини чиқарди-ю, очмади.

— Анвар пошшо ҳақида бир оз бўлсаям тасаввурга эга бўлдингми?

— Албатта.

— Шундай гаплар, мулла Қурбон. Энди яна нима ишлар қилишинг ҳақида ўйлайлик! Бироқ бу соҳада биз ҳам тажрибасизмиз.

«Биз ҳам тажрибасизмиз. Рост. Ҳақиқатан ҳам тўғри гап. Шўро ҳам янги...»

— Эшони Судур авом орасида Шўрони ёмонлаб ташвиқот қилаётганда, сен қараб турасан-да.

— Агар сиз...

— Йўқ-йўқ. Тагин қизиққонлик қилма. Шунақа шароит туғилган-да ҳам... Оқибатини биласанку?

— Биладан.

— Оғир бўл! Бари бир ҳақиқат биз томонда... Бизнинг ғояларимиз жуда катта ташвиқотга муҳтож эмас! Бироқ уни бузадилар!.. Ҳамма гап шунда! Оддий халқ руҳонийларга, эшонларга ишонади. Демак, унда биз тўғримизда хато тасаввур туғилади. Ана шуниси ёмон! Бу ёққа жўнашдан олдин Куйбишев билан поездда гаплашиб қолдик. У: «Босмачиларни йўқотиш оғир иш эмас! Лекин халққа ўзимизнинг кимлигимизни, ғояларимизни тушунтира олишимиз анча қийин», деди. Жуда оқилона гап! Сирасини айтганда, ҳозирги гап-сўзларимиз айни чоғда халқ қисмати ҳақида кетяпти... Чарчадингми?

— Йўқ. Айтаберинг.

— Дарвоқе, у ерда иккиланиб юрган одамлар бўлиши мумкин. Норози одамлар ҳамма ерда учрайди. Ушандақаларни кузатиб, билиб, битта-ярмини ёнингга тортсанг ёмон бўлмайди. Шунда ҳам етти ўлчаб, бир кесиш керак!

— Ҳўп. Лекин мен анча-мунча нарсани тушундим. Ҳали чиқиб, ичимда такрорлаб оламан.

— Шундай қил... Яна бир гап қопти: уларнинг раҳнамолари ҳам-масининг фикри бир деб ўйлайсанми?

— Энди, душман бўлгандан кейин, мақсадлари аниқ-ку?

— Аниқликка аниқ. Аммо улар табиатан қандай одамлар? Ўйлаб кўрганмисан?

Қурбон қовоғини солди.

5

Соқчи йигитлар дарвозанинг икки ёнида шаҳарга қаратиб ўрнатилган замбараклар қошида депсиниб туришарди.

— Холодно, а?— деди Қурбон.— Ничего.

Улар кулимсираб қўйишди.

Қурбон ўтган уч-тўрт ой давомида, айниқса, Бухорода қизил аскарлар орасида бўлгани икки ойда русчага тили анча-мунча югурик бўлиб қолган, лекин баайни рус сўзларини ишлатиб ўзбекча гапирар эди. У ҳам аскарларга илжайиб қўйди. Пойгабоши кўчасига тушди-ю, Рамазонбой қизининг ёнғоқ дарахти қавагидан қараб тургани кўз олдидан ўтди. «У ерда нима бор экан унга?— ўйлади.— Ё бизларни томоша қилишга ўнғай деб танладими?» Шунда ўзининг болаликда тол қаваги борми, девор ёриғи борми — қўл суқиб, тимирскиланиб юрган пайтлари эсига тушди.

Қурбонларнинг уйларидан юқорироқда ҳам бир вақф боғи бўларди. Мева-чеваси масжидларга кетарди. Қодир сўпи деган чўлоқ киши мутасаддилик қиларди. Боғнинг дарахтдан ҳоли ерларини ҳашар йўли билан чопиб йўнғичқа экишган. Этак томони чакалакзор бўлиб кетган. У ерда, айниқса, сариқ раъно гули кўп. У гуллаганда Қурбоннинг кўзлари ўйнаб кетарди: «Тагида илон бор... Ўлдириш керак!» деб ўйларди. Шунда ҳар гал яқинлашиб борарди-ю, барқ уриб очилган бутоққа чангал урар, узса — узар, узолмаса, гулбаргларини тўкканча, қўлига кирган тиканлар азобидан «иҳ-иҳ»лаганча қочиб қоларди.

Қурбон тўғри отхонага бориб тўриққа қаради. Суғорди. Охурга беда солди.

Етоққа мўралади. Негадир ичкари киргиси келмади. Эшикни аста ёпди. Кемтиклан боққа ўтди. Ёнғоқ остида, ерўчоқ атрофида тўрт-бешта аскар болалар қур тутиб ўтиришар, ўртада гангир-гунгур суҳбат борарди. Виктор ҳам ўша ерда экан:

— Энди кевотсанми?— деди.

У таги Петербургдан. Кичиклигида Тошкентга кўчиб келишган. Ўзбеклар орасида яшаб, ўзбек болалари билан ўйнаб ўсган. Шунинг учун Тошкент лаҳжасида гапирарди.

— Энди!— деди Қурбон. Сўнг аскарлар орасига суқилди. Қозон тагидан тортиб қўйилган қўрда қўлини иситди-да, ирғиб туриб, қопқоқни кўтарди. Юзига хушбўй буғ урилди. Қимдир чўмич тутқазди, кимдир заранг коса. У қозон тагида қолган овқатни қиртишлаб олди. Серёг, ошқовоқ солинган шўрва! Қурбон, одатда, бировлар олдида овқатни чапиллатиб туширишдан уяларди.

Ҳозир эса бирпасда ичиб қўйди. Ошқовоғи билан гўштини ҳам икки луқма қилди. Одатдагидай, идиш-товоқни ҳар ким ўзи ювади. Бу ишларни ҳам саранжомлагач қўр атрофида ўтирган аскарларга бориб кўшилди.

Виктор ён соатини чўғга тутиб:

— Отбой!— деди-да, ўрнидан турди.— Ётийла, болала.

— Виктор,— деди Қурбон.— Мабодо сенга Олимжон Арслонов мен тўғримда бирон нарса демадимми?

— Нима дейишлари керак эди?

— Йўқ... ўзим шундай.

«Ахир сафар ҳақида Олимжон ака билан ҳозир келишдик-ку!» дея ўйлаб, Қурбон хижолат чекди.

— Бугун жа-а хапа бўлдик-де. Сан у ёқларда бўлгандирсан?

— Ҳа,— деди Қурбон.— Ҳар қалай ўша қишлоқнинг яқинидан ўтганман...— Сўнг бирдан мунгланди: бу йигит таъзияли-ку? Иккита дўсти, сафдоши ўлди... Тавба! Улар йўқ! Энди шу ерда қолади. Аба-

дий! Ғалати-я?— Менга қара,— деди у Викторга яқинлашиб. Уша болаларни яхши танирмидинг?

— Бўлмасам-чи. Тўққиз ойдан буён биргамиз. Биттасининг ёлғиз опаси бор. Шунақа дер эди. Адаси, ойисини оқлар қиймалаб кетишган.

— Оқларки... сизларнинг босмачиларинг-да!

— Ҳа-де! Қурбон, ман пайқаб турибман, ҳали катта жанглар бўлади.

— Рост.

— Енгишга енгамиз-у, анақа... қурбон берамиз-де.

— Эҳтимол, мениям биттаси пақ этиб...

— Э, гапирма!

— Бошга тушганини кўз кўради!— Қурбон яна аллақандай бўлиб кетди. Аскар болаларнинг ўлими унга қандайдир чуқур рамзий бир маъно касб этгандай туюлди.— Виктор, қисматимиз бир... Мана, қабристонимиз ҳам бир бўляпти. Тўғри, улар йўл ёқасига кўмилди. Кўриниб турсин учун. Сизларни деб жон берди булар, деган фикрда шундай қилинди. Олимжон ака шундай деди...

— Бўпти. Ман ётаман. Ҳали замон катта келиб хавар олади.— У ўрнидан турди.— Азонлаб йўлга чиқамиз.

Виктор бир қадам босди-ю, елкасидан оғган шинелини тўғрилаб, девор бошига қаради.

— Бугун анўтдан битта жонон кўп қаради. Бойнинг қизи бўлса керак. Хизматкориям биззи кўп кузатди. Мабодо сани излашмаво-тими?

Қурбоннинг юраги гуп-гуп уриб кетди.

— Қўйсанг-чи.

— Хўп бўлмасам.

— Мен ҳам ҳозир бораман.

Виктор ариқдан ҳатлаб, беихтиёр энгашган кўйи «эшик»дан ўтиб кетди. Қурбон бир муддат атрофга гарангсиб қараб турди. Сўнг аста деворга юз бурганди, кимдир бошини кескин пасайтиргандек бўлди. Қурбон ерни ҳам авайлагандек босиб, жойига ўтди. Ғўлага ўтирди.

Совуқ. Боғдаги дарахтларни қаттиқ шалдиратиб шамол эсди. Қўр бетини қоплаган кул тўзиди. Қурбон хўрсинди. Сўнг: «Шундай чўққа исиниб ўтириш қандай яхши!» деб қўйди ичида.

Шунда девор бошига яна қараб олди. Кейин «Нега қараяпман?— деб сўради ўзидан.— Нима фойдаси бор? У— у, мен— мен...— Шу сўзлар тилида, ғалати бўлиб кетди.— Айтмоқчи, мен ҳам бирон қизни яхши кўришим керак-ку? Шу пайтгача...»

«Ахир, шундай бўлиши керак-ку?— деди ўзига ўзи.— Шўро даврида қизлар ҳам мактабларда ўқир экан... Эҳ-ҳе! Ҳамма тенг... Аёлларни камситиш ҳам йўқ бўлди... Фуқаро боласи бўлатуриб, вақтида ман-ман деган бой ўтганнинг қизига уйланиши ҳам мумкин!.. Шошма, нега мен у қизни «бекам» деяпман? Қанақасига хоним, бойвучча у? Ўзимиз қатори бўлиб қолди-ку? Лекин бунга тан олмайди, ўжар... Рост, одамларнинг ўзгариши қийин! Лекин ўзгаради!.. Оҳ! Шу қизча бизнинг йўлни тутсамиди! Бу тарбияга бўй бермайди... Жуда мағрур! Лекин қандайдир гамгин. Рост... Наҳот у мени яна кўрмоқчи бўлса?»

— Мулла ака.

Қурбон ўрнидан туриб кетди. Аланглади. Бузилган девор ёнида дарахт соясидек бўлиб узун чопон кийган йигит турарди.

— Кимсан?— Қурбон елкасида милтиғи бордек кафтини пайпаслади.

Узун чопонли икки қадам олдинга босди. Қурбон таниди: Рамазонбойнинг хотинчалиш хизматкори.

— Ме-ен, мулла ака.

— Нима бор сенга?

— Мени, мени...— у яна олдинга босди,— бекам юбориб эдилар.

— Бериоқ ке. Афтингни бир кўрай.

У яқинроқ келди.

Қўлини чўзиб, девор ёқалаб кетган ариқнинг адоғини кўрсатди:

— Хув анов ерда бир туп олича бор. Йиқилиб ётипти. Шунинг олдига бориб турар экансиз. Бекам чиқар эканлар. Шуни айтгали келиб эдим.

— Ўзинг ҳам хийлагина ўликгап бўлсанг керак...— Қурбон у кўрсатган ёққа қаради. Сўнг ўз-ўзидан қандайдир хижолат бўлди.— Лекин менга қара, алдаётган бўлсанг, бутингни йириб, мана бу деворга ёпаман.

— Вой ўлай. Ёмон экансиз-ку.

— Шунақаман. Нима демоқчи экан беканг? Беканг... бой отанинг қизими?

— Бўлмаса ким.

— Оти нима у кишининг?

— Ойпарча. Ойпарчаой!

— Билиб қўй... Агар бирон фитнани ўйлаган бўлсанг, ҳалиги гапим!

— Худо урсин агар.

— Бўпти. Кетавер. Мушукдек юрасан-а, келганингни сезмапман.

Қурбон ғўлага ўтирди. Юрагида тўфон қўпган эди: куйдирар даражада иссиқ-олов туйғулар ғулу қилар, энтикиб нафас олар ва фикрининг аллақаерида Олимжон Арслоновнинг топшириғи айланар эди: «Ҳовлида кўп уймалашманглар... Биродарлар, ерли халқнинг урф-одатларини ҳурмат қилиш бурчимиздир!» Рамазонбойнинг хўмрайиб юриши кўз олдига келди-ю, миясига бир ўй чақмоқдек урилди: «Бу учрашув чиндан ҳам ҳийла, шу йўл билан қизил аскарларни ёмон отли қилишни ўйлашган бўлса-чи!»

«Сендаям тил-забон бор... Айтасан-да, гап қўзғалса, шундай-шундай деб!»

У дадил қўзғалиб, ариқ ёқалаб кетди. Ер қотиб қопти. Қадам товуши эшитилмайди. Бир жойда оёғи тойиб, ариққа тушиб кетаёзди. Икки жойда ариқ бўйидаги қандайдир дарахтнинг шохи юзига урилиб кетди.

Қурбон олдинга боқди: қани йиқилган олча? Неча кундирки, шу боғдан юради. Йиқилган олчага кўзи тушмаган экан.

6

Қурбон орқадан биров бир мушт ургандай чайқалиб тўхтади. Тусмоллаб шарпа келган ёққа — ариқнинг у бетига қаради. Чиндан ҳам бир дарахт ерга «тирсаклаб» ётар, ёнида одам қораси кўринди.

Қурбон нафас олмай унга тикилди. Бойнинг ҳовлиси шу ерда тулган, девор ҳам шу ердан бурилиб, нари кетган эди.

Қурбон қоматини ростлади. Таваккал қилиб нариги бетга сакради. Оёғи текис жойга тушди. Бундан мамнун бўлиб, қизнинг рўпарасига ўтди.

— Келдим.— У бу гапни бемалол айтгандек эди. Лекин овози қалтираб чиқди.

Ойпарча қандайдир зарда билан хўрсинди.

— Кечирасиз... Ҳар турли хаёлга борманг,— деди ўктам овоз билан.— Мен бир томонга кетяпман. Қачон қайтиб келишим номаълум. Шунинг учун сиздан бир-икки гапни сўрамоқчи эдим.— Унинг овозида энди алам сезилди.— Фақат рост гапиринг!

— Хўп,— деди Қурбон.

— Айтинг-чи, кечаги кунимизни нима учун ёмон кўрасиз?

— Кечаги кунни... Бу ер унақа гапларни гапиришга ноқулай эмасми?

— Нима қил дейсиз?

Қурбон келган томонига қаради.

— У ёққа борайлик. Иссиққина... Ҳеч ким кўрмайди. Бехавотир бўлинг. Хоҳласангиз... Ёнғоқнинг қаваги бор-ку?

— Қизил аскарлар чиқиб қолади.

— Ҳаммаси ётишди.

— Сиз олдинроқ боринг бўлмасам.

Қурбон бурилиб, яна ариқдан ҳатлади. Оёғи тойиб кетиб, ариқ пуштасига ўтириб қолди. Қўзғалганди, яна нарироққа тойиб, чалқанча бўлаёзди.

Ёнғоқ. Қурбон ариқ лабига бориб, ҳовлига кўз солди. Қайтиб ғўлага ўтирди-да, тура солиб ёнғоқ остига ўтди. Ёнғоқ ўчоқдан анча нарида. Гаплари бир-бирига эшитилиши учун бақариброқ сўзлашлари лозим... Деворга орқа ўгириб ғўлага ўтирса-чи? У тура солиб, ғўлани сурди.

Шип-шип қадам товушлари. Ойпарча ёнғоқнинг ўчоққа қараган томонига ўтди.

— Келинг.— Қурбон жойидан ирғиб турди.— Мана бу ёққа қараб ўтирсангиз, бас.

Қиз девор ёққа кўз ташлади-да, Қурбон айтган ерга аста ўтирди. Қурбон шарт чўнқайиб, қўрни кавлади. Сўнг пуфлади, қўрнинг кули кўтарилди. Чўғ яшнаб кетди. Қурбон кулимсираб қизга боқди.

— Яхшими?

Ойпарча ярим ачиниш, ярим мамнунлик билан жилмайган бўлди. Қурбон унинг лаблари-ю, хиёл қисинқираган кўзларини кўрди. Шунда... юрагини бир нарса қаттиқ ғижимлади. Бу ёқимли, ҳаяжонли, эҳтирос тўла ғижимланиш эди.

— Ут ёқсам янаям зўр бўларди!— Қурбон шундай деди-ю, ўз-ўзидан уялиб кетди: мунча суюлмаса! У қиз ахир душман-ку! Ҳали нима ни сўради? Ҳа-я ўтмишни.— Саволингизга жавоб бераверайми?

— Ҳа.

Қурбон яна жиддийлашди (бояғи ҳолат, эҳтирос, азобли завқ ғойиб бўлди).

— Нима учун ёмон кўраман кечаги кунни?

— Шу.

— Биласизми, мен истиқболни, Шўрони нима учун яхши кўраман? Шунга айтсам, сизга жавоб бўлмасми?

— Айтинг-чи.

Шунда: «Эрта йўл юрасан-ку?» деган фикр миясига урилди-ю, уни қайтармоқ учун ўзига уқтирди: «Бу суҳбат ҳам муҳим. Мен мана шу кичкина ёвни ўзимга бўйсундирилмасам, унда...» Шунга баробар ўз ақидаларини қизга сингдириш учун тонггача ўтиришга ўзини шай сезди.— Исмингиз Ойпарча-я?

— Жонон айтдимиз?

— Ҳа. Билганим учун хафа бўлманг.

— Менга бари бир.

— Раҳмат! Гап шундаки, хўш, Шўро инсониятнинг эзгу орзулари рўёбга чиқишини истайди. Эзгу орзулар нима? Инсоннинг эрки! Ҳамманинг бир-бири ила тенг ҳуқуқли бўлуви! Ешликда сиз ҳам эртақ эшитгансиз: золим подшонинг ўрнига камбағал йигит ўтирганини...

— Эшитганман.

— Ўша нарсанинг рўёбга чиқишига қаршимисиз?

— Нега энди. Агар ўша камбағал подшо бўлишга арзиса...

— Арзийди, бекам. Кечирасиз, Ойпарча... Арзийди! Камбағал деб кишиларни камситганлар. Мен кимларни назарда тутаётганимни биласиз.

— Ҳа!

— Масалан, мен ўзим ҳам бир фақир косибнинг ўғли эдим...

— Ким бўлдингиз?

— Ойпарча, ўйлаб қарасам, барча саргузаштларим орқасида инсоннинг инсонларча яшаши учун, инсоннинг эрки учун, хўш, мана шу тупроғимизнинг обод бўлиши, халқимизнинг маърифатли бўлиши

учун... курашчига айланипман! Бундан ортиқ мавқе, амал борми? Яна: қирқталаб қизни ҳарамда сақлаб, кўнгли тусагани билан айш қилган, ўша бечораларнинг кўз ёшларни кўрмаган... Бухородек мамлакатни отамдан мерос қолган, деб истаган йўлига бошлаган, халқни жаҳолатда тутишни ўзига мақсад қилган амиру унинг ювиндихўрларига қарши курашчига айланипман!— Қурбон завқи тошиб, ўтмиши, Бухородаги дарбадарликлар, обхона, маҳбуслар, Садриддинхўжа, инқилоб кунлари Қилич билан ҳовлиқиб чопишлари, арк устидаги байроқ кўз олдидан зув-зув ўтганча:— Энди сизга савол: лашкари ислом ҳозир нима учун тайёргарлик кўряпти?— деди.

— Нима учун?

— Бир сўз билан айтганда, ўша ўтмишни... ўша амирни, ўша бузуқчилик, порахўрлик, ноҳақликни... ўша инсон шаънини ерга урадиган шариатни қайта тиклаш учун тайёргарлик кўряпти!.. У, эшони Судар ҳам! Аттанг... Ҳолбуки ўтмишнинг ўшандоқ эканини ҳазратим билмасмиди? Жуда-а билар эдилар! Пирим уста эдилар! Отангизни доно деб, саҳий деб кейин у кишининг устидан кулар эдилар ҳам.

— Ёлгон!

— Тобут воқеаси эсингиздами?

...Рамазонбой саводхон, мулла одамларни иззат қилар, вақт-бевақт уларни хос меҳмонхонасига чақириб, зиёфат берарди. Масжид, мадрасаларга турли туҳфалар ҳам қилиб турарди.

Бир гал туяларига аллақайси бойнинг молини ортиб, Ғузорга борганида, бозорда бир тобутга кўзи тушади. Тобут... Лекин четларига бешик қуббаларига ўхшаган қуббалар ўрнатилган, ён-вери турли-туман рангдор бўёқлар билан бўялган. Бойнинг унга ҳаваси келади. «Ариқусти масжидига совға қиламан», деб уни харид қилади. Алоҳида бир туяга ортиб, Бойсунга кириб келади. Сўнг ўша масжидга олиб боради. Масжиднинг мутаваллиси Қосим қоқшол тобутни мамнуният билан қабул қилиб олиб, атрофидан уч тўрт марта айланади-да: «Жаноб бой, шундоқ гўзал тобут олиб келибсизки, ичига кириб ётгим келаяпти!» дейди. Рамазонбой мутаваллининг киноясини тушунмай, вақтихушлик билан уйга кетади.

Орадан сал вақт ўтмасдан бу гап шаҳарда овоза бўлиб кетган эди. Бойни давраларда аския қилишган...

Ниҳоят, Рамазонбойнинг қулоғига етгач, у қаттиқ ғазабланиб: «Ғузорга борсам, ўша тобутфурушни топиб, туяга бостираман», деб аҳд қилади. Бироқ Ғузордан уни тополмайди. Суриштириб билса, у бир наشاءанд — банги экан...

— Шунақа, ўша кулгиларни ҳазратим бошлаб берган эдилар.

— Ўзи кулгили иш бўлган.

— Хуллас, гап шу. Лекин...

— Лашкари исломнинг овора бўлгани қолади. Бизни анча ташвишга қўяди, холос...

Қурбон қизнинг қунишганини сезди. Чўпни олиб, қўрни нарибери қўзғади, пуфлади. Юраги орзиқиб, худди боягидек — Ойпарчанинг лабида табассум кўрадиган каби унга илкис қаради.

Чўғ шуъласида қизнинг ўйчан юзи, қошларининг чети кўтариб тургани кўринди. «Э, тавба. Шу туришиям чиройли-ку? Чимирилиш ҳам одамга ярашадими!»

— Сиз ўзгариб қопсиз, Қурбон ака.

— Ҳа,— деди Қурбон.— Мен аминман, сиз ҳам ўзгарасиз!

— Мени қўйинг!.. Лашкари ислом қаерда дедингиз?

— Балки у ерга чиндан ҳам боришни истарсиз?

— Борсам нима қипти?

— Жуда соз бўлади!— деди Қурбон.— Душман бўлгандан кейин тузук-тўруғли душман бўлиши керак-да, киши! Даҳанаки жанг билан ҳеч нарса исботланмайди, хоним.

— Сиз мени «хоним» деб кесатасиз. Менга шундай дейишлари ёқади!

Қурбон туйқус ичида иқрор бўлди: «Хоним яхши-ку? Ҳамма хотин-қизлар ҳам бу атама ила аталишга ҳақли!»

— Хўп... Мабодо Кобулда турган аъло ҳазратнинг ҳам кайфиятига қизиқарсиз?

— Бачкана бўлманг!

— Узр.

— Уёғини сўрасангиз унинг ўлимини истар эдим.

— А?

— Кенагас бегим қиссасини биласизми?

...Кенагас бегим қиссаси! Ким эшитмаган у қиссани?

Кенагас бегим Шаҳрисабзда яшаган. Беклар бегининг ёлғиз қизи бўлган. Таърифга сиғмас даражада гўзал, ҳам оқила.

Ушанда Бухорода амир Насрулло ҳукмронлик қилган. (У Саид Олимхоннинг боболаридан.) Шаҳрисабзда яшаган кенагас эли тез-тез исёнлар кўтариб турар экан. Гоҳ солиқлар оғирлиги жўнидан исён кўтаришса, гоҳ мустақил беклик бўлиш учун ғулу бошлашаркан. Ҳар икки ҳолда ҳам қўзғолончилар бошида беклар тургани учун Бухоро амирлари Шаҳрисабзга алоҳида сипоҳлар юбориб, исённи бостиришар экан. Утган ўттиз йил мобайнида Шаҳрисабз кенагаслари ўттиз маротаба бош кўтаришган ва қўзғолонлари ўттиз маротаба шафқатсизлик билан бостирилган. Ниҳоят, охирги тўқнашув қонли бўлипти ва кенагаслар бошига мислсиз кулфатлар солипти. Амир Насрулло Қўқон хонлигини кунпаякун қилиб, Нодирабегимни ҳам қиймалаб Бухорога қайтганида, Шаҳрисабзда яна исён кўпганини эшитган-у, мунтазам кўшинини бошлаб борган. Шунда амир мулозимларидан бири Насруллога маслаҳат солади: «Кенагаснинг беклар бегида бир соҳибжамол қиз бор. Уни никоҳингизга олсангиз, кенагасларга куёв бўлар эдингиз. Инчунун, бу исёнлар бир умр тинчирмиди». Таклиф амир Насруллога иттифоқо маъқул тушиб, Шаҳрисабзга чопарлар йўллайди. Нима дейсанки, Бухоро амири Насрулло Шаҳрисабзнинг беклар беги қизига ошиқ. Бек қизини амирга берса — берди, бермаса — шаҳри таламон, халқи аламон бўлади. Бу хабарни эшитган беклар беги ҳайратда қолади. Мулозимларни йиғиб, кенгаш қилади. Беклар ўзларини қаттиқ ҳақоратланган санаб: «Сўнгги жангга кирамиз!» деб онт ичишади. Кенгаш мазмунидан хабардор бўлган Кенагас бегим ўртага чиқади. «Мени амир-Насруллога беринглар. Унга хотин бўлишга розиман!» дейди. Ота ҳайрон, беклар лол. Амирнинг чопари ҳам бу гапни эшитиб турган экан. Оқибат, беклар беги амир Насруллога «тасдиқ жавоби»ни юборишга мажбур бўлади. Натижада шаҳар устида айланган қонли булутлар тарқаб, ўлим ҳиди анқиб турган шаҳарда қўшиқ садолари янграйди. Дабдабали тўй бўлиб, амир Насрулло Кенагас бегимни Бухорога олиб кетади. Албатта, у ерда ҳам тўй беради. Сўнгра, расм бўйича, келин-куёв ҳарамга киришади. Лекин эртаси ёлғиз келин чиқади. Кўрсалар, амир Насруллонинг қулоғига симоб қуйиб ўлдирилган экан. «Амирни мен ўлдирдим!» деб бўйнига олади Кенагас бегим. Уни қирқ бўлакка бўлиб, Бухоро чеккасидаги Чилдухтарон қудуғига ташлашади. Кенагас бегим қиссаси шу.

Жазо бу билан чекланмайди.

Тахтга ўтирган ёш амир кенагасларга «қатли ом»ни эълон қилиб, у томонга қўшин тортади. Қўшинга оқпошонинг шафқатсиз «жазо отряд»ларидан ҳам жалб этилади. Қўктошдан лақай уруғининг бийи Чақабой мирохўр (Иброҳимбекнинг отаси) ҳам ўз навкарлари билан Шаҳрисабз устига етиб келади. Шаҳар қўлга олиниб, кенагасман деган борки, ушлаб сўйила бошланади.

Шунда шўрлик элнинг тирик қолганлари узоқ-узоқ ўлкаларга бош олиб кетади. Шаҳрисабзда кенагаслар авлодидан санокли кишилар қолади...

Қурбон мутаассирлик билан:

— У қиссани биламан!— деди.— Нега сўрадингиз?

— Биз таги кенагасларданмиз.
 Қурбон кўзларини катта очди.
 — Наҳот? Бойсунда кенагаслар йўқ-ку?
 — Айлангариларни биласизми?
 — Ҳа. Ана, Қоровултепа билан Ариқусти орасида...
 — Нимага уларни айлангари дейишади?
 — Ким билади.
 — Ана ўшалар Шаҳрисабздан анави тоғлар оша келиб қолишган...— Ойпарчанинг овози заифланди.— Кейин шўрликлар кенагаслар эканларини айтишмаган. Одамлар уларни «айланиб келган — айлангари» деб юборишган.
 Ойпарча чаппа қаради.
 — Ой, Ойпарча... Ҳим. Бунни қаранг-а! Мен эсам, Бойсунда кенагас йўқ, деб юрибман!..
 Ойпарча хўрсинди. Бошидаги рўмолини ечиб қайта ўради.
 — Шўро даврида Шаҳрисабз мустақил бўладими?
 — Нега мустақил бўлиши керак?
 — Ахир ҳамма ўзига хон, ўзига бек бўлади, деяпсиз-ку?
 — Албатта, лекин... Одамларнинг бир-бирига тенг бўлиши ҳали уларнинг ўзига хон, ўзига бек бўлишини кўрсатмаса керак. Шошилманг-да! Бу ғалати гап...
 — Ғалатими, йўқми — Шаҳрисабз мустақил беки бўлиши мумкинми, йўқми?
 — Ҳим... Ойпарча, бизда, умуман, бекликлар тугатилди! Ҳа,— осойишталик билан деди Қурбон.— Беклик идора усуллари бекор бўлди.
 Ойпарча қимирлади.
 — Ой, узр... Қаерга кетасиз?
 — Худо билади. Ишқилиб, бу номаҳрамлардан пана бўлгин дейишяпти.
 — Ҳа-а... Бизлардан?
 — Сизлардан!
 — Ойпарча! Нима қарорга келдик? Сиз мен билан гаплашмоқчи эдингиз...
 — Гаплашдим.
 — Бойсунда бўласизми?
 — Йўқ.
 — Лекин мен сизни бари бир топаман!
 Ойпарча кулимсиради. Сўнг шу ерда қолинг дегандай ерга тикилди-да, четга чиқди. Ариқдан ҳатлади. Кемтик-эшик оғзидан ҳовлига зеҳн солди. Сўнг бошини эгиб, юриб кетди.
 Қурбон қаққайганча қолди.
 Қизиқ... Тоғлар оша келишган! Бояқишлар! Улар энди бойсунлик бўлиб қолишди-ку? Наҳот ўша ёқни... ўзи кўрмаган ўлкани?.. Қизиқ экан-да дунё! Лекин бу қиз ҳар қалай ноҳақликни ёмон кўради!.. Юрт учун ўзини қурбон қилишгаям тайёр?..
 Эшони Судур ҳам халқни, ватанни ўйлар эди. Тавба. Ватанниям ҳар ким ҳар хил севар экан-да! Аммо булар кечаги куннинг одамлари! Мен эсам...»
 Қурбон ғўлага ўтирди. Ўчоққа тикилиб, ҳали бу ерда гурунглашгани қизил аскарларни, Викторни эслади...
 Боғ адоқларига қарай бошлади. Атроф совиб, нафас олаётган ҳавоси ҳам музлаб бораётгандай эди.

7

Азонда отряд энди ўйғонаётган шаҳардан чиқди. Осмонни бўлут буркаб турар, нимадир ёғадигандек эди. Ер муз қотган. Отлар йўл ёқасидан қорни тўзгитиб боради.
 Қоровултепага етганда, Эшниёз Тўра қашшоқ билан гаплашди-да, Қурбонга маслаҳат солди:

— Пастга энмай, шу тепанинг усти билан Қўштегирмонга борсак. Ундан чағат¹ оша кетардик.

— Бўпти, полвон.

Тепа ўрқачидан кетдилар. Унга — қишлоқ, уйлар, дарахтлар, қор. Сойнинг лопиллаб турган кўпригидан ўтиб, Дийдоркам довоғига кўтарилгач, тўғрига — Паданг қишлоғига тушмай, чағирли бетга ўрлашди.

Чағатнинг орқасида — соя бетда қор қалин экан. Кўп жойларда отлар қўйруғи билан ўтириб, сирғалиб тушди. Пастлик — равон дашт. Унда-бунда тикан, буталар қордан чиқиб туради. Отряд сочилиб, ҳар ким ўзига йўл топиб, олға жилади.

Ўрбулоқдан кейин даранинг соҳилидан тизилиб кўтарила бошладилар. Чап қўлда — якка-ярим, паст-паст арчалар. Улардан нарида ва олдинда ўсганлари баланд, шамшоддек.

Қуён кўп. Ғуж арчалар тагидан қочади. Айланиб, отлиқларга йўлиқади яна. Виктор саралаб иккита семизини тўппончада отди. Эшнӣез қари, чипор отидан энгашиб, уларни ердан олди. Какликлар, у ёқдан-бу ёққа дув-дув учади. Йироқларда сийрак туман. Кўкдаги булутлар оппоқ. Улар яғринида оқ аланга порлайди: қуёш. Сокинлик.

— Бўтлардан одам юрганми? — сўради Виктор Тўра акадан.

— Ҳозир одам юрадим, Виктор ака! — жавоб берди Эшнӣез. — Уйда ётади-да, бутини кўтариб!.. Хў, у томонларда қор қалин, одамни кўмади. Шундай қишлоқлар борки, қиш бўлди — тамом, Бойсунга тушмайди одами. Йўлларни қор босиб қолади... Мана, домиллаям тоғда кўп юрган.

Қурбон Катта мадраса²да мукаррар³ бўлиб турганида, Эшнӣезнинг отаси Юсуп обкаш Падангдан келиб, Эшони Судур ва мутавваллига совға-салом бериб, боласини мактабга қўйган эди. Эшнӣез уқувсиз чиқди. Сабоқ кунлари ҳам қаерда тўй бўлса, ўша ерга кетиб қолади: кურаш тушади. Кўпкарига-ку суюғи-йўқ: бировнинг отини миниб ҳам майдонга отилади. Баҳорга чиқмай, «ўқиш менга тўғри келмас экан, домилла», деб Падангга жўнаб юборган эди.

Қурбонга унинг «домилла» деб мурожаат қилиши ёқмади: нимаси домилла ҳозир? У — қизил аскар.

— Ҳа. Бир вақтлар Эшони Судур ҳазратларига эргашиб юриб, бу тоғларнинг тошини санаганмиз! — деди Қурбон. — Лекин сенчалик билмайман, полвон... Адашмай бороламизми?

— Кўнгилни тўқ қилинг! — Остимдаги шу тулпор омон бўлса, армон йўқ! Мана шу Тирсактошдан ошамиз. Кейин ёнғоқзор келади. Кейин...

«Ёнғоқзор» сўзи Қурбонга вақф боғидаги ёнғоқни эслатди. Каваги... Учоқ бошида, ғўлада ўтиргандек туйди ўзини. Юраги увишиб кетди... «Яхши ўтирдик, — деди ўзига-ўзи. Тавба, мунча сулув бўлмаса, қурғур!.. Ақли. Айтмоқчи, қаерга опкетишар экан уни? Қачон?.. Ўзиям билмаса керак».

Эшнӣез олдиндан бақирди:

— Улла агар, қоплонди изи, Тўра ака! Қаранг-кўринг. Э, кўз деб пўстакни йиртиғини кўтариб юрасиз-да!

Тўра ака хиринглаб кулди.

— Омон бўлгур, мен қоплоннинг терисиниям кўрмаган бўлсам!

Виктор Вениченко отини тўхтатиб изларга қаради. Кейин:

— Кетдук, — деди. — Уям бизага ўхшаб юргандир-де!

Эшнӣез унга қаради.

— Бизнинг ўзбекчани қаердан биласиз?

¹ Тошлоқ бағир.

² Бойсунда иккита мадраса бор эди. Катта мадраса — унда фуқаро фарзандларидан кучи етгани ўқирди. Кичик мадраса — кўрғонда, унда аслзодалар сабоқ оларди.

³ Қурбон Катта мадрасада икки йил сабоқ олгач, бош мударрис уни кичик муаллим — мукаррар қилиб тайинлаган эди.

— Тошканда эски шаҳарда яшаганбиз,— деди Виктор.

— Худо бир, ака, ўйлар эдим-да, ҳамма одамлар ўзбакча сўйласа керак деб! Бошқа тилда сўйлашганни кўрсам, нуқул ҳайрон бўлар эдим.

— Сиздақа ўйлайдиганлар русларнинг орасидаям йўқ эмас.

— Ҳа-ҳа-ҳа! Яшанг!.. Насиб бўлса, Бойсунга қайтайлик, сизни уйга айтаман. Бир чибич бор, сўйиб еймиз. Ҳе, бизнинг отаям хурсанд бўлади. Борасизми?

— Бир оғиз сўзииз.

— Домилла!

— Сен гапга овуниб қоляпсан,— деди Қурбон.

— Хўп!.. Қани, отларни қичаброқ ҳайданглар! Чух, тулпорим! Ҳа, ёлларингдан! Шу туришида бўри-мўри еб қўймаса, кўп ҳунар кўрсатади бу!

Қурбон Эшнӣёзга зимдан тикилиб қаради: бу ўзи яқинда озиқачиликка ўтган. Салим Дўстмуроднинг тавсияси билан Олимжон ака уни «иш»га олган. Қурбон Тўра аканинг дарҳол Шўро хизматига ўтиши, жумладан, Эшнӣёзнинг ўтишига ҳам ҳайрон қолмаганди. Энди йигитнинг «домилла» деяётгани ғашига тега бошлаганигами, кўнглида уни синаш истаги уйғонди.

— Эшнӣёзбой, Шўрога дарров ўта қолдинг-а? Бу фикр каллангга қачон келди?

— Ўтган бозор!— деди Эшнӣёз.— Бозорга кириб қолсам, Олимжон ака мезана айвонида беш-ўн одамга ваъз айтиб ётган экан. Бой билан камбағал тенг бўлади дейди. Менга, домилла, айниқса шу гаплари ёқиб кетди. Ўзингиз ўйланг, Мемережеб бойнинг арзанда улларидан нима кам? Олишда¹— урсам, кўпкарига эшак миниб киргандаям шуларнинг қўлидан улоқни олиб кетсам. Мерганликдан ҳам худо қисмаган... Э, денг, шўлар бизни камситиб юришар эди-да! Ёнимда Азим сўпи бор эди. Ҳей, яхши ашулла айтгани учун сўпи деймиз-ку, Қоровултепадан. Шунга: «Жўра, бўлди! Шўрога ўтамиз!» дедим. Уям жон деб турган экан. Тўғри қўрғонга бориб оқсоқолга учрадик. Шуйтиб, шўрочи бўп қолдик!

Ёнғоқзор. Баъзи дарахт шоҳлари пастлаб ўсиб, ер бағирлаб кетган. Уларнинг тагида ҳам, устида ҳам қор. Унда-бунда қора уйдек харсанглар думалаб ётади. Бир-иккисининг биқинида чордевор қолдиқлари. Қизилдарадан ошганда йилтиллаб чиққан қуёш ҳамон нур сочаяпти. Ёнғоқларнинг узун-қисқа, бир-бирини кесишган соялари оппоқ қор устига ётган, кунчиқарга қараб чўзилган. Кунчиқар томонда — малларанг тоғ хўмрайиб турипти. Унинг тик бағридан совуқ уфуради.

Отряд икки четида тошқалама деворлардан йирик-йирик нурамалар қолган йўлда кетиб борарди. Йўлда аҳён-аҳёнда қордан дўппайиб чиқиб турган тошлар кўриниб қолади. Отлар оёғини кўтариб-кўтариб босади.

Чўнтоқ! Чўнтоқ қишлоғи!

Қурбон Виктордан дурбинни олиб, қишлоққа қаради. Сой. Четларида қор. Ола сигир сув ичяпти. Қирғоқда қора ит думини тагига босганича чўнқайиб ўтирипти. Чап тарафда — пастак деворлар, қор босган қўралар... Қор, қор... Яйдоқ боғ. Пешайвонли кулбалар. Бостирмалар.

Қурбон қишлоқнинг тоққа туташ жойига тикилди: Ҳа, Эшони Судур билан ўша ердаги йўлда ўтишган.

Қурбон дурбинни яна сойга, сўнг ўзлари турган ўрқач тепанинг у бошига, ўнг томонда ястанган оппоқ сайҳонликка ва сайҳонлик туташ тоққа қаратди.

— Эшнӣёз, Ялангтоғ-а, шу?

— Шу-да!— деди Эшнӣёз.— Ана, чўққиси булутга тегай деб ту-

¹ Кураш.

рипти. У ҳаромилар қандай қилиб чиқишган экан? Шу бетдан чиқишган, шу бетдан, домилла!

— Бўпти. Жим тур...— Қурбон дурбин орқали сирли бетга тикилди. Анча ётиқ, қор қоплаган. — Бундан эшаклиям қийналмай чиқиб кетади-ку? Юринглар, остигача бораёлик.

— Домилла, нима бўлгандаям олдин қишлоқдагилар билан гаплашиш керак.

— Менимча, аввал бир-икки киши тушиб чиқсак тузук бўлади,— деди Тўра ака.

Қурбоннинг миясига келган ўйлар биратўла тилидан сўз бўлиб чиқди:

— Бўлган иш бўлди. Бизни аллақачон кўриб бўлишди. Неча киши эканимизгача билиб олишди.—«Кимни кўзда тутяпман?— ўзидан сўради. Қурбон.— Наҳот ғаламислар ҳамон қишлоқда бизни кутиб ётишган бўлса? Бўлмаган гап...»— Виктор, биз янги ҳукуматнинг одамларимиз-а? Чўнтоқ — Шўроники! Тўғри, бу ерга биздан вакил келмаган... На чора. Мана, биз вакил бўлиб келдик!.. Тўғрими? Ҳайданглар! Тушиб борамиз!.. Эшниёз, тўғри айтдинг!

— Йўқ,— деди Виктор.— Тўра ака тўғри айтдилар. Икки киши разведкага бориб келади.

— Мен бораман!— деди Эшниёз.

Унга Тўра ака ҳам қўшилди.

Қурбон яна дурбинни олди. Сирларга сабаб бўлган Ялангтоққа қараганди, тоғ остидаги кенг сайҳонликдаги қорамтир нарсаларга кўзи тушди.

— Виктор! У ерда нимадир бор!

Яқин бориб қарашса, кигиз парчаси, чилвир экан. Лекин талай ернинг қори топталган, от тугёи ва одам оёғи — пойабзал изларига тўла... Шунда Қурбон ёнбағирдаги ўзга изларга кўзи тушди: худди бир махлуқ тепадан думалаб тушгандек!

8

Эшниёз билан Тўра ака қишлоқдан кампирдаҳан, ёши элликларга бориб қолган кишини бошлаб келишди.

— Ким бўласиз?

Кимса чўчинқиради. «Мундай уст-бошдаги киши ҳам ўзбекча сўйлайдимиз?» дегандай Қурбонга тикилди.

— Биз... ҳеч ким,— деди.— Қишлоқда ёшимиз улуғ, холос.

— Сиздан бошқа ёши улуғ йўқми?

— Бору-у, кўпи ўрнидан қўзғалолмайди. Қасал. Бизда сил қасал кўп.

Қурбон тоғда бундай қишлоқлар борлигини эшитган: «Наҳот Чўнтоқдаям аҳвол шундай бўлса?..»

— Ўзингиз соғми?

— Худога шукр.

— Хўш, бизнинг бу ерга нима учун келганимизни мана шу кишилар айтишгандир. Гапнинг бўларини гапиринг: мана бу Ялангтоққа чиққан одамлар кимлар? Қаёқдан келишди? Мақсади? Тоққа қандай қилиб чиқишди?

«Ёши улуғ» ҳозиржавоблик билан айтиб берди:

— Қоратоғдан ошиб келишди. У тоғ Шаҳрисабз тизмаси билан уланиб кетади. Ўзлари ўша ёқнинг одами бўлса керак. Ўттиз чоғли йигит. Тағларида зўр-зўр отлар. Биз, бойваччалар бўлса керак, овга чиқишган, деб эдик. Улар биздан: «Ҳисорга яқин йўл борми?» деб сўрашди. Биз: «Ана, ёнғоқзордан ўтиб, Бойсунга энинглар. Тоғнинг бағридан кетасизлар. Ёки бўлмаса, орқага қайтиш керак», дедик. Тулки телпак кийган бир каттаси бор экан. Баджаҳл. «Яқин йўлни кўрсатинглар!» деди. «Яқин йўл йўқ. Мана шу Ялангтоғнинг ўрқачи орқали борса бўлади, лекин бу бетдан чиқолмайсизлар», дедик. Чиқиб

бўлмайди-да! Уйиқлари кўп. Ҳозир қор қоплаб билинмай туришти. Кейин тулки телпакли иккита йигитни бу ёқа чоптирди. Унда мана бу ёна бет кўчмаган эди. Кеча саҳарга яқин кўчди. Узи бу ерларнинг тулроғи бўш, баҳордаям, қишдаям кўча беради. Сув емиради. Қишда ёри-либ кетади... Кейин у йигитлар қайтиб келишди. Тулки телпакли одамларни йиғдириб: «Ҳамманг уйингга бор! Гилямнинг борми, кигизинг борми, олиб чиқ!» деб буюрди. Биз ҳайрон. Бир-икки бола тайсаллаган эди, қамчилаб кетишди. Сўнг ҳаммамиз уй-уйимизга жўнадик. Тахмондаги кигиз-гилямларимизгача олиб чиқдик. Телпакли уларни бизга кўтартириб, мана шу ерга опкелтирди. Кейин, тавбангдан кетай, тўшанглар, деб буюрди. Ана, изини кўриб турибсиз. Улар кўрсатгандай қилиб ёна бетга тўшаб чиқиб бора бердик. Улар отларини тўшак устидан етаклаб кела беришди. Қорга тўшанчи тўшаб, устидан улов юргизса, ботмас экан!.. Кўп уста йигитлар экан. Ҳе, чўққигача тўшаб чиқдик. Мунча йўлга кигиз, гилям егишадими дейсиз. Орқада қолганларини олдинга ўтказиб тўшаб бора бердик. Шуйтиб, чўққига етиб олдик. У ерда қор қалин бўлгани билан, музлаган. Улар бизни қолдириб, беш-ўн қадам олдинга ўтишди. Биз худо деб турибмиз. Кетса—кетсин, даф бўлсин...

Салдан кейин улар у бетга қараб тасир-тусир ўқ узишди-да: «Бўлинглар!» Пастга энамиз!— дейишди. Қишлоққа тушишгач, телпакли қутуриб кетди. Кимда от бор? Олиб чиқинглар, деб буюрди. Яна қамчилашди. Қишлоқда ўттиз чоғли от бор эди. Барини йиғиб олишди-да, ўзларининг отларига матаб, Сойбўйи томонга ҳайдаб кетишди!

— Сойбўйи?

— Ана. Шу сой бориб Гўрдарага киради. Кейин Сойбўйи келади. Улар уста йигитлар экан. Шундай ҳунар билан Осмонўпардан ҳам ўтиб кетишади!

— Ўтиб қаерга боришади?

— Ҳисорга дейишди-ку.

«Ҳисорга?.. Ҳа, демак. Кўктошга боришади. Ана, гап қаерда!.. Олимжон ака билади».

Сойнинг адоғида Гўрдаранинг оғзи хиёл қорайиб кўринар, унинг орти оппоқ — совуқ ва сирли эди.

Қурбоннинг қалби тубида бир хотира ғимирлади: Эшони Судурлар билан Чўнтоқнинг у четидан қиялаб ўтиб, ўша дарага киришганди. Рост, ўшанда қош қорайиб қолган. Дарада отларнинг туёқ товушлари тарақлар, сув шарилларди. Хуфтондан ўтганда, икки сув қўшилган жойга—қишлоққа кириб боришганди.

— Агар гапим ёлғон бўлса, олти боламга оталик қилмай, аскар ака.

— Гап мундай,— деди Қурбон Викторга маъноли қараб олиб.— Қишлоқда ёши улуг сиз экансиз!.. Биз сизни Чўнтоққа оқсоқол қилиб кетамиз...— Қурбон бир он тин олди: «Бундай қилишга ҳаққим борми, ўзи? Нима қилай, ахир?! Лекин уларга нимадир дейиш керак-ку? Улар бизни кўриб туришипти.Балки бизга маҳтал. Майли... Ҳали қайтишда яна қишлоққа кирамиз-ку! Э, мен...— Ҳим, вақтинча бўлса-да, оқсоқолсиз. Агар яхши ишласангиз, ўзингиз оқсоқол бўлиб қола бера-сиз... Қишлоқда Шўрога зид иш содир бўлса, аввало сиздан сўраймиз.

— Тақсир, мен нима иш қиламан?

— Иш кўп! Қишлоқни ўғри, талончилардан ҳимоя қилиш керак! Милтиқ борми?

— Бор.

— Уқ-дори-чи?

— Топилади. Узимиз қўлда ясаймиз.

— Олам гулистон!.. Энди бизга ҳозир Сойбўйига борадиган яқин йўлни кўрсатинг!

— Ҳўп.

— Сойбўйига бориш учун қишлоққа тушиш керакми?

— Мана шу қат-камар тўғри сойга эниб боради. У ёғи — Гўрдара.

— Бошланг бўлмаса!

Оқсоқол олдинга тушди. Эғнида тирсагидан пахтаси оққан чопон, бошидаги ярғоқ телпак қулоғини шалпанг қилиб қўйган. Қурбон унинг гарданига тикилиб: «Нимага сил касали кўп экан-а?—деб ўйлади.— Емишнинг мазаси йўқми? Ё сувида бир иллат борми?!»

— Аскар ака, йигитлардан қуроллантириб, изларингдан юборайми? Ҳарна-да?..

— Яхши бўларди.

Камар — бамисоли узун айвон. Шифти — тақа-тақ тош. Айрим жойлардаги ёриқларидан мингбўғиннинг қоққуруқ илдизлари осилиб туради. Отларнинг туёқ товуши гурсиллаб, ҳар ёқдан акс садо беради. Рўпарадан эсаётган елвизак у сасларни деворларга уриб, баттар кучайтиради. Бурилишдан кейин шамол ғойиб бўлди. Бу ёқда — камарга унча-мунча қиламиқ қор тушган. Катта элакдан майда унни бир бор элагандек. Бироқ қум ушоқларидек шовдираб турипти. Отлар туёғи тагидан «чангиб» ҳар ёнга учади.

Ниҳоят, сой бўйига етиб, Гўрдара томон кетган отлиқларнинг изларини қўришди. Қурбон изларни санамоқчи бўлди: беҳисоб!

— Оқсоқол, ҳар қалай бояғи таклифингиз маъқул,— деди.— Иложи бўлса, беш-ўнта йигитларни орқамиздан юборинг!.. Улар Соиб бўйига қўнган деб ўйлайсизми?

— Қайдам. Йўллари Ҳисорга эди. Отлари ҳам икки ҳисса кўпайди. Чарчаганини ташлаб, бошқасини миниб кетаверишса...

— Бу ёқларда қоронғи тез тушади.

— Биз Соиб бўйига етиб олишимиз керак.

— Кечга қолсанглар, камар-памарда тунайсизлар.

— Кўрамиз.. Уларнинг изини қор босиб қолмасмикан?

— Қор ёғса босади-да.

— Ёғармикан?

— Энди бир ҳисобда катта қор дегани ёғиб бўлди. Мана, чўл осмониям очиқ. Қор ёғмас.

— Хўш бўлмасам.

— Эшнӣез, оқсоқол ёлғон гапирмадимми?

— Қишлоқда биз учраган одамлар ҳам шу гапни айтишди.

Сойни ёқалаб жилдилар.

Тўриқ жиловини қаттиқ-қаттиқ тортгандан кейин Қурбон парво қилди: от қордан чиқиб турган юлғун бутоқларига оғиз урар эди. «Очиққан. Аскарлар ҳам бўлганича бўпти. Тағин булар — меҳмонлар!..»

— Виктор, қорин қалай?

— Пиёзнинг лўсти,— кулимсиради у.

— Эшнӣез, бу жойлар сенинг Паданг қишлоғингга яқин-у, бўлганмисан бу ерларда?

— Ҳе, кўп йил олдин бир марта ўтганман,— деди у калта қошларини чимириб.— Камар керак бўлса, топилади.

Қош қорая бошлаганда, ўнг қўлда кенгина камар чиқди. Отлар ҳам шу ерда дам олиб, ем ейишларини билгандек, қуруқ ерга туёқларини қарс-қурс уриб пишқиришди. Камарнинг тўрида от боғласа бўлар, ёриқлардан тоштоклар осилиб турар, ўртада анча-мунча тош уйими ётар, шифт қорайиб кетган, бу ерга йўловчилар кўп марта қўниб ўтгани аниқ эди.

— Мана, худди ўзи-да, домилла! Қаранг, бурчакда қуруққина таппиям бор! Э, бу зўр камар!.. Ҳали қизиқ нарсалар тонамиз бундан!

У тоғ-тошда кўп юрган бўлса-да, камарда ётмаган, шундай эсада, гап-гурунгларида йўловчилар тунаб ўтадиган ғалати камарлар бўлишини эшитган эди, худди ўшандай экан бу: ўртада уйиб қўйилган тошлар тагидан декча билан қорнини қурум босган чойдиш чиқди. Эшнӣез тўрдаги девор қавакларини тимирскилаб, туз, қалампир, қотган нон топди. Сўнг Тўра ака билан иккиси камарнинг бу сирини айтиб беришди: декча билан чойдишни ким қўйиб кетгани номаълум. Бироқ

инсофли бир киши қолдиргани аниқ. Кимки камарга қўнса, буларни олиб ишлатар, кетар чоғида тозалаб, ҳайвонлар тегмасин учун яна оғир тошлар тагига кўмиб кетишар экан. Тағин бир жиҳати: кимки бу ерга қўниб, бор ўтинни ёқса, кетар пайти унинг ҳам ўрнини тўлдириб кетиши лозим.

Виктор:

— Россия ўрмонларида ҳам шунақа одат бор,— деди.— Избалар бўлади-де!..

Қурбон таъсирланиб кетди.

— Қара!.. Халқлар аслида бир-бирларига жуда яқин-а! А? Э!.. Орзу-ўйлардаям... Шу, фикримча, ҳокимларнинг турли ташвиқотлари халқларни бузади, тўғрими? Ҳатто бир-бирига қарши қилиб қўяди.

Виктор унга меҳр билан термилиб, бош ирғади.

— Маниям кўнглимга ҳозир шу гап келувди.

Ўртага бир тилсим каби ажабтовур иноқлик ҳисси қўшилди: уларнинг ҳар бири ҳам ўзларининг яқинлигини исботловчи янги бир кашфиёт очгандай эди.

9

Сойбўйи.

Устида арча ўсган тоғ тумшуғи остидаги қишлоқча. Пешайвонли уйлар бир-бирига қалашгандек ёнбағирга ўрлаган. Бирининг томи бирига супа.

Қишлоқ этаги — ўрикзор. Унинг ўнг тарафи ҳам, сўл тарафи ҳам — дара. Улардан биттадан сершовқин сой оқиб чиқиб, ўрикзор тугаган ерда бир-бири билан қўшилади. Шунинг учун қишлоқ бамисоли ярим оролда жойлашганга ўхшайди.

Қурбон бу қишлоқда бўлган. Тепароқда масжид бор. Ана, узун пешайвони бу ёққа қараб турипти. Бўм-бўш. Қурбон ўша айвонда Эшони Судурнинг ортида туриб намоз ўқиган. Ўша ерда туриб пасти томоша қилган. Ушанда ўрикзор ям-яшил эди. Яқин атрофда чинор ҳам бўлиши керак. Қурбон теваракка боқди. Лекин қишлоқ жимжит. Одамлар ҳам қишки уйқуга кетишгандек. Одамлари кўчиб кетишган, ҳувиллаб ётган қишлоқ табиатнинг бир сокин гўшасига айланиб қолгандек.

Чамаси отряд командири Виктор ҳам ҳайрон.

— Нима қилдик?— деди Қурбон.— Нега тўхтаб турибмиз, Виктор?

— Ҳайданглар-э!— деди Эшниёз.— Нимадан қўрқамиз?

Қурбон мамнун бўлиб, атрофга ишонч ва бир қадар хотиржамлик билан қараб олди-ю, лоп этиб бу қишлоқ хусусида Эшони Судурдан эшитган бир воқеа эсига тушди.

Барча мамлакатларда аҳолининг, демак, қишлоқларнинг ҳам ҳисоби бўлади. Бироқ Бухоро амирлигидаги анча-мунча қишлоқлар, демак, ундаги аҳоли ҳам рўйхатга кирмай қолар экан. Нечук? Беклар атайин шундай қилишаркан. Масалан, мана шу қишлоқ. Бойсун беклигига қарайди. Бироқ ҳисобда йўқ. Чунки бу қишлоқ бек ва унинг яқинлари, айниқса, ушбу қишлоқ билан алоқадор одамлари учун бамисоли «соғин сигир» ҳуфия посира экан. Рўйхатга киритилса, қишлоқдан ундирилган солиқнинг бир ҳиссаси, шубҳасиз, амирлик хазинасига жўнатилиши керак. Ҳар икки ҳолда ҳам солиқ ундиргувчи закотчи, ясовул, ҳатто навкарлар ҳам қуруқ қолмайди. (Улар ҳеч қачон қуруқ қолмаган. Ўзга қишлоқлардан олинган даромаднинг ҳам бир қисмини йўлдаёқ ўмариб қолишган ҳамма вақт.)

Дарё кўпириб шовиллайди. Қирғоқлари музлаган. Пастдан сачраган томчилар уларга ёпишиб, сумалакларга айланган.

Қишлоқнинг ўнг томонидаги сой устига ой шаклида тушган кўп-рикка яқинлашганлари сари қордаги излар кўпайди.

Отлар бирдан тўхташди. Икки оғоч кўндаланг ташланган, калта-калта харилар ва устидан шох-шабба, тош-тупроқ босиб қурилган кўп-рик.

Қурбон тўриғига шарақлатиб қамчи босди. Жонивор кўприкнинг ўртасига етганда, пишқириб, қулоқларини чимирди-да, тўхтади. Яғрини дир-дир титрар эди.

Агар яна қамчи еса тўриқ ўзини сойга отиши мумкин. Буни сезган Қурбон эркалагандай:

— Чу, чуҳ, жонивор,— деди.

От бўйнини гажак қилганча муз қоплаган тошлоққа ўтди.

Қурбон енгил нафас олди ва милтиғи қўлида йўқлигига ҳайрон бўлди. Шошиб биқинини пайпаслади. «Нишонга олишаётган бўлишса-я!»— юраги шув этди.

Бироқ жимжитлик. Бу орада бутун отряд кўприкдан ўтишга улгурса эди.

Тошлоқ кўча. Нотекис. Тийғончиқ. Қўлмаклар музлаган. Туёқ тушса, муз синиб, остидаги сув юқорига отилади. Унгда ҳам, сўлда ҳам тутах ҳовлилар. Бўғотлардан чиққан қамиш ва шох-бутоқлар учидан узун-қисқа сумалаклар.

Қишлоқ жимжит. Ит ҳам ҳурмайди. Ана, масжид. Олди кенг майдон. Қор босилган. Демак, яқинда бу ерда одамлар бўлган. Нега ҳеч ким кўринмайди? Тирик жон борми бу ерда? Масжид олдида турганигами пешин намозини ўқиш ёдига тушиб, бирдан андак кўнгли кўтарилди. Уст-бошни алмаштирса бўлармиди?.. Ҳе-е! Тавба, нега жимжит?!

Қурбон оёғини узангидан чиқарганча:

— Эшнӣез! Овоз бер! Уйқуда бўлса, уйғот одамларни!

Эшнӣез отини буриб:

— Ҳей! Одамлар!— деб бақирди. Сўнг жарчига ўхшаб, ҳар ёққа қараб чақира бошлади:— Ҳой, одамлар! Боғда битган бодомлар!.. Нимага сасинг чиқмайди бирингиниям!.. Ҳой, мусулмонлар! Қишлоғингга келган меҳмонга қарамайсанми? Ол-а! Чиксанг чиқ, чиқмасанг, эшигингни қоқаман ҳозир!.. Э, қизиқ экансанлар-ку?— у Қурбонга қаради.— Кар бўл қолганга ўхшайди!

— Бир гап бўлган буларга,— деб қўйди Виктор.

«Ҳа, одамлар чиқмаяптими, бас, уларга қизиллар ҳақида ёмон гап айтишган. Қўрққанидан чиқмаяпти.— Шунда хаёлига келган янги ўйдан чўчиб тушди:— Наҳотки кўчиб кетишган бўлишса?! Йўғ-э!»

У шу тобда ўзларининг Бойсунга кириб келаётганида халқдан аллақанчаси қўлига илинган нарсаси ва бола-чақаси билан тоғларга қочиб кетгани ҳақида эшитганларини эслади. Бу хусусда Олимжон Арслонов бозорда бўлган мажлисда сўз айтиб: «Қочиб кетган қариндош-уруғларингизга одам юбориб айтинглар, келишсин. Совуқ қишда қийналиб қолишмасин!.. Шўро ҳукумати — уларнинг ҳукумати! Улар Шўронинг мақсадини тушунмай қочганлар! Афви умумий эълон қиламиз!» деган эди. Беш-олти кундан бери яқин қишлоқларга қочган талай оила қайтиб келмоқда эди.

— Ҳой, мусулмонлар! Қойил бўлдим-э! Юрак ҳам бор экан-да!— Эшнӣез бақира-чақира очиқ майдон адоғидаги ер баравари «супа»га яқинлашди.

Шунда чапроқдаги баланд иморатнинг пастак деворига ўрнатилган бир табақали эшикча шарақ этиб очилди.

Чопоннинг этаги, кимнингдир оёқ-қўли кўринди. Сўнг у ерда нимадир бўлди ва ниҳоят, тик чопонининг этаклари ерга судралган, кўкиш салласи қийшайиб қолган бир чол ҳассага таяниб кўчага чиқди. Унгрини қоқиб:

— Кимсилар?— деди ва ҳассасини қимирлатиб:— Нима ишларинг бор бизга? Дунёни опсилар-ку? Шу қишлоққа ҳам кўз тикдингларми?— деди. Қурбон от жилловини Викторга бериб, чолга йўналди. Қария тисланди-да, келувчини ҳасса билан урадигандек шайланди.

— Ассалом алайкум!— деди Қурбон тўхтаб.— Нимадир деяпсиз? Қизиллардан нима жабр кўрдинглар? Мунча ҳовлиқасиз!

— Ҳовлиқаётганим йўқ!— мўйсафид шанғиллади.— Отанг тенги одамман!.. Мусулмонмисан?

— Алҳамдулилло, мусулмонман,— деди Қурбон ва ҳозир лозим бўлса, мусулмонлигини исботлаш учун калиман шаҳодатни ўқишга чоғланди.— Ўзлари, аммо-лекин, чин мусулмоннинг ишини қилмаяптилар, отахон! Ҳе йўқ-бе йўқ, дунёни олдинлар, энди бизга кўз олайтирасизларми, дейсиз?

Чол Қурбонга тикилганча жим қолди. Унинг кўзларидан нур кета бошлаган: филтиллади, бироқ таранг юзида ҳали куч-қувватдан дарак берувчи нишонлар бор, бурни узун ҳам қийшиқ.

Чол узун енг ичида қолиб кетган қўлини пашша ҳайдагандек силкитди.

— Муддаоларинг нима?

— Муддаомиз... Ҳозир бизнинг муддаомиз битта,— кескир оҳангда деди Қурбон.— Этакдаги Чўнтоқ қишлоғига босмачилар оралаб, халққа азоб берипти! Отларини олиб, бу ёққа жўнашипти. Ушаларнинг изини олиб келяпмиз!.. Шўро ҳукумати халққа зулм ўтказганларни жазосиз қолдирмайди!

Чол лаби чўччайиб, ўйланди. Сўнг овозини яна кўтарди:

— Ундай бўлса орқасидан боринглар!— ҳассаси билан шимол томондаги қор босган Тумшуктоғни кўрсатди.— Кетишди!

— Сизларгаям азоб беришдими?

— Азоб бериш ҳам гапми! Қон қақшатиб кетди-ку у ҳаромилар. Уларга яйловни кенг қилиб қўйибсизлар! Халоскорлардан ўргилдим.

— Афв этасиз, отахон, ҳали бизни босқинчи деётган эдингиз. Энди халоскор, деяпсиз... Қайси бири рост?

— Э, мен айниб қолган чолман,— у қовоғини солди.— Яхши билан ёмоннинг фарқига бормай қолганман!

— Сиз ҳамма нарсанинг фарқига етасиз,— деди Қурбон.— Фақат ҳозир жаҳл устидасиз... Қишлоқда сиздан бошқаям одам борми? Ҳеч сас чиқмайди?

— Бор!— Чол яна шанғиллай кетди.— Ин-инига кириб ўтирипти-да! Бари писиб қолган. Анавилар,— чол яна Тумшуктоққа ишора қилди,— барининг юрагини опқўйди!

— Оқсоқол қишлоқда борми?

— Оқсоқол қолдими!— у қишлоқ этагига юз бурди.— Бари кетди халқни ташлаб... Энди бўлса, гумашталари талаб кетаяпти! У яна бақирди:— Биздаям от қолмади! Барини тортиб олишди, уккағарлар! Ҳаммани чўлоқ қилиб... Осмонўлардан ошолмасин, илоҳим! Бўрилар еб кетсин!— Чолнинг овози тагин кўтарилди:— Ахир, айтди-ку улар, қизиллар келса, жонларингни суғуриб олади, деб?

— Рости биланми?

— Масжидниям бузар эмишсизлар! Отхона қилар эмишсизлар!

— Алҳазар!

Мўйсафид Қурбонга қараб қолди.

— Мулла йигит, бу ерда илгари бўлмаганмидингиз, кўргандайман...

— Бўлганман,— деди Қурбон. Энди Эшони Судурнинг шогирди бўлгани ўртада мураса ўрнатишга қўл келишини фаҳмлади.— Эшони Судур ҳазратлари билан келганман. Бунга анча йил бўлди.

— Эшони Судур ҳазратлари билан...

— Ҳа! Лекин мен сизни эслолмаяпман, отахон... Ўшанда кўп одамлар билан мулоқот қилгандик. Кечаси бир чинор тагида ўтиргандик. Ҳали қишлоққа қираётиб қарадим, кўринмади...

Қариянинг хира кўзларига қувонч инди. Масжиднинг биқинига ҳассасини чўзиб:

— Ҳе, Бўстонбоғнинг шаппати¹да эди,— деди.— Қултой додҳо кес-тириб юборди.

¹ Қаршисида.

— Қултой додҳо? Қачонги гап бу?

— Ҳе, кўп бўлди... Кийик овига чиққан эканлар, оқшом ўша ерга қўндилар. Базм вақти чинордан дасторларига чумчуқ қўсган экан. Жаҳллари чиқиб: «Буни кесинглар» дедилар. Кесиб ташладик. Ёқилиб кули кўкка соврилди.— У Қурбонга бақрайди:— Ҳали сиз ўшанда ҳазрат билан келган йигитми?

— Ҳа!.. Хўш, ота, қишлоқнинг одамлари чиқадиими?

Чол унинг сўроғини гўё эшитмади.

— Ундай бўлса, бу нима юриш, отам? Эшони Судур ҳазратлари ҳозир қаерда, нима иш қилаётганларини биласизми?

«Демак, у ёқдаги гаплар бу ерларга ҳам етиб келган», дилидан ўтказди Қурбон.

— Биламан,— деди Қурбон.— Фалакнинг гардиши билан шунақа бўлди, отахон... Сиз ҳазратни жуда иззат қиласиз шекилли.

— У киши авлиё!

— Мен ҳам ҳурмат қиламан. Лекин, у киши тутган йўл—бизнинг йўлимиз эмас.

— Сизларники,— қария масжид олдида саф тортиб, буларга қараб турган қизил аскарларга имо қилди,— буларнинг йўлида?

— Отахон, бировни ёмон дейиш учун олдин унинг ёмонлиги нимада эканини билмоқ керак.

— Биламиз!.. Соқолни бекорга оқартирмаганмиз!

— Мана бу масжид ҳужрасидан чиқмай туриб ҳам соқолни оқартириш мумкин.

— Муддаоларинг нима ўзи? Ушаларни топишми?

— Топиш!

— Илоҳим, бари отдан йиқилиб, бўйни қонжиға бўлсин!

— Ота, сизнинг гапларингизни яна тушунолмаяман. Дам бизни халоскор дейсиз, дам босқинчи... Мана, Эшони Судур ҳазратлари ҳақида ихлос билан гапирасиз. У киши тутган йўл сизга маъқулга ўхшайди... Тағин анави босқинчиларни сўкасиз!

Чолнинг кўзлари киртайди.

— Шунақа.

— Бошқалар ҳам шу фикрдами?.. Хўп, одамлар чиқадиими? Гаплашамизми?

— Чақиринг, чиқар!

Қурбон Эшниёзга бурюди:

— Эшикларни қоқ! Айтмоқчи, пешин намози қазо бўлмасин. Кейин чақирасан.— У чолга масжидни кўрсатди.— Қулфлаб қўйипсизлар, мусулмончиликни унутдингларми?

— Менга иддао қилманг, мулла! Жуда тушунмайдиган, берч одам бўб қолганимда бу ерга чиқмас эдим! Тузукми? Ана, неварам. Уғлон, чиқманг, деб торта-торт қилиб, белқарс'имни олиб қолди. Сиз нима дейсиз мени!.. Мен бор гапни гапираётирман-ку?—У масжидга тикилди.— Масжидга келсак, анави баттаринларнинг гапи билан қулф уриб қўйдик!..

— Улар сизнинг ҳам, бизнинг ҳам душманамиз.

— Яна қайтиб келамиз, дейишди... Қизилларга яхши гапиргани тириклай култепага кўмишар экан. Халқ шунинг учун чуйка тушиб² ётипти...

— Мана шундай очиқ-очиқ сўзланг-да. Намоз вақти бўлди!— У Тўра акага ишора қилди. Тўра ака айвон ёққа қайрилиб кетди.— Айтинг халққа, чиқсин! Очиқ гаплашиб олайлик... Ким дўст, ким душман, ажрим қиламиз.

Қария кўчага кўз тикди. Этакдан шошиб, тойиб-тойиб бир аёл киши чиқиб келар, бошида куртаси³ бор.

¹ Белбоғ.

² Кулала бўлиб.

³ Камзулга ўхшаган кийим. Хотинлар паранжи ўрнида ҳам ёпинишади.

— Юришидан Иқлимага ўхшайди, шу заифаниям қон қоқшатиб кетишди, нокаслар! На бойни биледи, на камбағални!

— Бу аёл бойбичами?

— Э! Бойбича бўлиб ҳам!..— Чол ҳассасини кўтариб қўйди.— Рўй-хотир қилса бўларди, демоқчиман-да. Шўрликкина... Ўзи эридан ажралиб ўтирган эди. Жиянидан ҳам айрилди.

— Тушунолмадим?

— Эрини олиб кетишган. Лашкари исломнинг одамлари... Уларга навкар керак, навкарларга милтиқ отишни ўргатиш керак экан. Бояқишнинг эри мерган эди. Турсун мерган деб эшитганмисиз? Учар қушни урар эди. Опкетишди Кўктошга! Бир ойлар бўп қолди. Кеча бўлса... хаҳ, оғзингдан қонинг келгурлар!

— Нима бўлди?! Ҳалигилар ҳам лашкари исломнинг одамлари эканми?

— Йўғ-э. Кўктошдан келгувчилар одамга ўхшар эди. Булар...— Чол яна аёлга тикилиб қаради. У шошиб келар, куртанинг енги билан тўсган юзи очилиб-очилиб кетар эди.— Иқлима... Ҳозир келсин, ўзи айтиб беради.

— Отахон, бойниям, камбағалниям аямади дедингиз. Қишлоқда бойлар борми?

— Э, ҳали нима дедим сизга, мулла! Бари қочиб кетди жонини қутқариб!.. Бу келинчакнинг тоғаси — бойсунлик Рамазонбой!— Чол аёлга бақириб юборди:— Ке-да, тезроқ! Қўз ёшингни арт! Мана буларга айтиб бер! Бойсундан келишипти! Уларнинг жаззасини берамиз дейишяпти!..

Аскарлар ёнидан каловланиб ўтган аёл чолга бирпас синовчан қараб турди-да, Қурбонга фавқулодда интиқлик билан боқди.

— Бойсундан келдингизми? Қизил аскармисиз?— Унинг қовоғи шишиб кетган, овози хириллаб қолган эди.

— Ҳа, опа. Бизлар — қизил аскарлармиз!

Аёл бирдан қорга тиз чўкиб, Қурбонга интилди. Этагини кўзига суртмоқчи бўлди, шекилли. Қурбон тикланди.

— Туринг, опа,— деди.— Дардингизни айтинг...— Шундай деб қалбида ғулу турди: «Рамазонбойнинг жияни!..»

10

Аёл тиззасига ёпишган қорни қоқиб туширган бўлди, куртасининг енги билан кўзини артди. Сўнг ер баравари томга бир он тикилиб, қоғтиб турди-да:

— Айтишга тилим бормаиди! Мен ўла-ай!— деб жим бўлди. Кейин совуқ бир хотиржамлик билан давом этди:— Оқшом Ойпарчаой келиб эди. Тоғамнинг қизи...

Қурбон юраги тўхтагандек нафас ололмай қолди. Ранги оқариб кетмасин учун муздек кафти билан юзини қаттиқ ишқади.

— Шошилманг, опа; тоғангизнинг қизи келган эди...

— Ўзлари олиб келдилар. Икки ҳамройлариям бор эди. «Шу ер тинч, бежавотир», дедилар. Ҳа, боримни дастурхонга қўйдим. Чой ичдилар. Бир пиёва қилаётган эдим, пишиб қолган эди, устига ярим чойнак обжўш қўйдим. У ёқ-бу ёқдан гап бўлди, ҳе-е, ҳуфтондан ошганда: «Жиян, энди биз йўлга чиқайлик. Вақтлроқ Бойсунга етмасак, гап бўлади. Рамазонбой босмачиларга қўшилиб кетди, дейишади. Ойпарчани сенга топширдим, сени худога», дедилар. «Тоғажон, ўзимни сен деб, жиянгинамни сиз деб олиб ўтираман. Бежавотир бўлинг», дедим. Рост-да, бизнинг Сойбўйи қадимдан тинч қишлоқ. Уруш-жанжал деган нарсга бизда йўқ. Рост, кейинги вақтда ўқтасинда¹ Кўктош тарафдан одамлар пайдо бўлиб қолади. Кимлар биландир гаплашади. Мен шўр шуларга эътибор бериб ўтирибманми,— у пиқ-пиқ этиб яна йиғлади.—

¹ Уқтин-ўқтин.

Мана, бойимиз¹ни олиб кетиб эдилар. У киши: «Келаман!» деганлар. Худо хоҳласа, қайтиб келадилар. Шунгаям кўниккан эдим... Упкам тўлиб кетаяпти, оғажон! Кеча ўзимни осиб қўйишимга оз қолди... Шундай қилиб, бу гапларни тоғамга кўп ҳам баён бериб ўтирмадим, кўнгиллари алағда бўлмасин, дедим. У кишиям чўкиб қолган эканлар. Уғиллари йўқ-да. Тилаб олганлари шу — бир қиз...

Чол тўнғиллади:

— Буларини айт.

— Вей худойим!— Иқлима кўрсаткич бармоғини чаккасига тақаб, бошини лиқиллатди.— Қаллам ошқади² бўлиб қолди, оғажон... Шундай қилиб, улар қоронғида қайтиб кетишди.

Муҳсин чол Гўрдаранинг кун чиқар тарафини кўрсатди.

— Келган йўллари билан кетишди. Даранинг сиртидан.

— У ёқдан Бойсунга йўл борми?

— Йўлнинг яқини шу ёқда-да. Чилламас³да бўри-мўри учрайди демаса, бу ёқ текис...

— Хўш, опажон, давом этинг.

— Бўри тўранинг уйига меҳмон кепти, деб эшитган эдим. Ҳа, меҳмон келса, келгандир, ўзига тўқ одам, дўст-ёри кўп, деб қўйиб эдим.

Чол пўнғиллади:

— Уям қочиб кетди ўшаларга қўшилиб. Қишлоқда бардам одамлардан шу қолган эди.

— Хўш, қулоғим сизда, опа!

— Шундан кейин. Ойпарчаой билан сандалга кириб ўтирдик. Бир очилган, бир очилган! Қулса, гуллар очилади. Икки юзи нақш олма! Э, художон!..

— Бас энди!— дўқ қилди Муҳсин чол.— Аёллигинга борасан-да. Кейин йиғларсан.

— Юраккинам ёниб кетяпти-да, отажон. Оҳ, айланай... Шундай қилиб, яхшигина гаплашиб ўтириб эдик, бўйнинг узилгур Бўри тўранинг Оқбой баччаси кириб келди. У бир бизникига эмас, бошқаларнинг уйигаям бепўшт кириб бора беради. «Ҳа, нима гап?» дедим. «Меҳмонлардан бири отдан йиқилган экан, қўли чиққан. Пича мўмиё берар экансиз, Бўри тўрам айтдилар», деди. Мен ҳам: «Ҳа, майли. Мошдек мўмиё қаердан келиб, қаерга кетмайди. Бизда бор экан, сўрапти», деб сандиқни очдим. Бойимиз мерган эмасми, Қуйгантоққача бориб келардилар. Уқтин-ўқтин шунча-шунча мўмиё ҳам опкелардилар. Сандиқдан чиқариб, лўвиядан каттароқ узиб бердим. Оқбой олиб кетди. Биз яна Ойпарчаой билан гурунг қилиб ўтира бердик. Боёқиш жиянгинам: «Мен сизни бир қаричлигимда кўрганман», дейди. Рост-да! Кейин одам ўзидан ортмай қолар экан. Бойсунга энолмаган эдим. Тоғамнинг ҳам қўли бўшаб, бу ёққа чиқмаган эдилар. Бойимиз кўкламда бир эшак — икки эшак чуқури⁴ оптушиб, Бойсунда сотиб қайтар эдилар. Шунда: «Тоғангни кўрдим. Эсон-омон юрипти. Сени сўрадилар» деб келар эди. Биз у кишидан бир нарса тама қилмас эдик,— у Муҳсин бобога ўғирилди.— Ана ўша баччадан гап қочган дейман-да, ота? Шу ер юткур бориб, Иқлима холанинг уйида бир паризод ўтирипти, демаса, улар қаердан билар эди!

— Сен бу ёққа гапир,— деди чол.

— Кейин?

Иқлима яна пиқиллаб йиғламоққа тутинди. Шу йўсин гоҳ узуқ-юлуқ қилиб, гоҳ ортиқча тафсилотлар билан воқеанинг давомини айтиб берди.

Оқбой югурдак мўмиёни олиб чиқиб кетгандан кейин бир оз вақт

¹ Эрим маъносига.

² Ошқовоқ.

³ Қиш чилласи. Чиллада бўрилар маст бўлар эмиш.

⁴ Равоч.

ўтиб, дарвозани Бўри тўранинг ўзи тақиллатиб келади. Иқлимани чақриб: «Уйдаги қиз ким?» деб сўрайди. Иқлима ўзининг жияни эканини, «Бойсунда номаҳрамлар борлиги» учун тоғаси олиб келиб қолдириб кетганини айтади. Бўри тўра ҳам қайтиб кетади-да, сал ўтмай дарвоза яна тақиллайди.

Иқлима чиқса, Бўри тўра уч отлиқ билан турган эмиш. Бир отдаги бароқ телпак кийган йигит: «Уйингдаги қиз кенагасларданми?» деб сўрайди. Иқлима: «Кенагаслигимиз қолдимиз, бек ака. Айлангари бўли кетганмиз... Мени афв этингизлар, уйда эркагим йўқ», дейди. «Чиқсин бу ёққа!» Иқлима ҳанг-манг бўлиб: «У ёш нарса, кечаси чиқмайди!» дейди. «Уни бир кўраман!» Иқлима йиғлайди-сиқтайди. Бўри тўрага ялинишлари ҳам бекор кетади. Уйга кириб, Ойпарчага гап шундай, деб айтади. Ойпарча: «Чиқиб айтинг. Қим бўлсаям эрта гаплашсин мен билан. Ҳозир уйга бостириб кирса, отаман», дейди. Уйда бир эмас, иккита милтиқ бор: бири — Турсун мерганники, бирини Рамазонбой «одам ходис» деб ташлаб кетган экан. Иқлима ташқарига чиқиб, уларга: «Саҳар кўринаман деяпти», дейди. Шунда телпаги катта йигит: «Аввал кўрмасам ҳам, энди кўраман!» дейди.

Шундан кейин Бўри тўра дарвозани ланг очади. Отлиқлар гусур-гусур қилиб ҳовлига киришади. Иқлима айвонга чопиб чиқиб, устунга ўрнатилган машъални ёқади. Қараса, Ойпарча турганмиш! У супа лабига келиб, дангал сўрабди. «Сизларга нима керак?» Телпаги катта отини супа пастига ҳайдаб келибди. Ойпарчага тикилиб: «Сен керак эдинг, бекам. Сени кўп йилдан бери қидириб юриб эдим!» дебди. Шундай дебди. Ойпарча: «Мен сизни танитайман!» деб жавоб берибди. Бойвачча: «Мени Жаббор кенагас дейдилар. Шуни билсанг, бас!» дебди. Тулки телпакли шундай деб, дарвозага бурилибди. Ҳаммаси чиқиб кетибди.

Хола-жиян яна кириб, сандалга ўтирибди. Азонда ҳовли тўс-тўполон бўлиб қолибди. Иқлима билан Ойпарча тўшакдан туришга улгурмай, ичкарига учта барваста йигит отилиб кирибди. Милтиқларни ўқталиб: «Овоз чиқарманглар, ўласанлар? Сен устингга кий!» деб буюрибди Ойпарчага. Шунда йигитларнинг бири қоziқдан тўн, чакмон олиб, қизнинг устига ташлабди. Ойпарча ўтираверибди. Ҳовлида ғалағовур товушлар. Йигитлар яна зулмга ўтишибди: «Жиянингга айт, бўлсин тезроқ! Бўлмасам, лорсиллаган тўшингдан ўқ ейсан!» Иқлиманинг айтишича, Ойпарча шундан кейин ҳам миқ этмабди. «Бўлмасам Жабборбекнинг ўзи келиб, сочингдан судраб чиқади!»

Ниҳоят, Ойпарча: «Кийиниб олай бўлмасам», дебди. Йигитлар даҳлизга чиқишибди. Иқлима «Нима қилмоқчисан?» деб Ойпарчанинг оёғига ташланибди. Ойпарча: «Холажон, туш кўриб эдим. Менинг қисматим бу. Туринг ўрнингиздан. Йиғламанг. Фойдаси йўқ», дебди. Иқлиманинг тирсагидан кўтариб турғизибди. «Холажон, шу қишлоққа қизил аскарлар келса, Қурбон деган йигитни сўранг. Шунга бир оғиз: «Ойпарчани босмачилар олиб кетди, дейишсин», дебди.

Кейин Иқлима билан қучоқлашиб хўшлашибди...

— Бўлди,— деди Қурбон.

Бу орада масжид биқини, ер баравари том усти, кўча муюлишин ва четдаги култепа ёни одамга тўлиб қолган, ёш болалар, ўсмирлар, беш олти йигит, учта ўрта яшар киши ҳам бор эди.

— Бўлди, оғажон, бўлди,— деди Иқлима.

Шунда Муҳсин чол бақариб юборди:

— Ҳей, нодон хотин жиянинг айтган аскар бола мана шу йигит! Тўғрими, мулла?

Қурбон:

— Мен. Менман,— деди.— Бизнинг қисм, опа, тоғангизнинг уйига қўнган...— У аёлнинг катта очилиб кетган кўзлари, учаётган лабларига қарамай давом этди.— Ойпарча жиянингиз мени танир эди...

Аёл бирдан энкайиб Қурбонга яна интилди. Тиз чўкди, илгариларди. Қурбон харчанд тисланмасин, унинг этагидан ушлаб, кўзига суртди.

— Худойимдан айланай, ҳалиёқ кўнглимдан кечган эди-я!

— Туринг!— Қурбон энди аёлга буюрди.— Гап шундаки, вақтида пирим Эшони Судур ҳазратлари билан тоғангизнинг уйларида кўп бўлганмиз. Шунинг учун жиянингиз бизга суянган... Биз ҳаммамиз бир-биримизга суянишимиз керак!

— Тилларингизга садқа бўлай, оғажон!.. Худойимга шукр, сизни етказганига шукр! Энди...

Қурбон атрофга қаради.

— Яқинроқ келинлар, мусулмонлар! Бу ердаги гапларни эшитиб олдингларми? Бу ерда сизларнинг кеча қўлсиз-оёқсиз, кар-гунг бўлиб ўтирганларинг ҳақида ҳам гап кетяпти!.. Кучларинг йиғига, дод-фарёд қилишга етадиган бўлиб қолмагандир фақат?— Қурбон чолга тикилди. «Айвонга чиқайлик» мазмунида у ёққа қўлини чўзди.— Қани, жиндай гаплашиб олайлик халқ билан!

Чол хўмрайиб ва халқнинг кўзи олдида жуда улуг одам бўлиб қолгандек ўзига ишонч билан ҳассасини қору музга ғарч-ғарч санчиб, айвонга йўналди.

Виктор билан Эшнӣез ҳам супага чиқишди. Иқлима тўсиндан мусича ахлати тўкилган супа лабига ўтириб қолди.

— Биродарлар!— деди Қурбон.— Аҳли Сойбўйи! Уша қашқирлар яна нима бадкорликлар қилди?

Масжид биқинида турганлардан паст бўйли, бир нарсадан зерикканга ўхшаган йигит:

— Энди нима фойдаси бор? Улар кетиб бўлишди,— деди.— Шу маҳал Осмонўпардан ҳам ошиб кетишди.

Қурбон беихтиёр осмонга қаради.

— Бари бир!— деди ўжарлик билан.— У тоғдан биз ҳам ошиб ўтоламиз.

— Муҳсин бобо айтмадимми?— деди авжи паст йигит.

— Айтдим-эй— қўлини пахса қилди чол.— Мен билганимни айтдим! Бу ердан ҳам ўн чоғли отни олиб кетишди... Эгалари чиқсин!— У атрофга аланглади.— Писиб ётишипти! Ҳе, отсиз қолгурлар!..

Қурбон қўлини ҳавога кўтарди.

— Биродарлар! Ростини айтсам, улар сизларни бошлапти!.. Мана, лашкари исломнинг овозаси бу ергаям етиб келган экан! Баъзи йигитларни олиб кетишган экан... Қолганларингни ҳам ҳайдаб кетишни мўлжаллаб турипти улар! Хўш, сизлар нима қилишларинг керак? Яна мерганлар эмиш — булар!

— Ака, кесатманг! Ўзингизни таништиринг аввал.

Қурбон у йигитга совуқ қаради.

— Менинг кимлигимни кўриб-билиб турибсиз! Қолганини кейин эшитасиз... Нега ўзингизни четга олиб гапирасиз? Отини олдириб, чўлда қолганларга ачинмайсизми? Мана бу опага-чи? Жиянини олиб кетишти!.. Сизнинг шаъниниғизга тегмайдими бу ҳақорат?! Ахир эртамас бурси кун сизнинг синглингизиям олиб кетишлари ҳеч гап эмас.

— Тегиб кўришсин,— деди у кўзлари қисилиб.— Кекирдагини узиб ташларман тишим билан!

— Битта ўзингиз-а?.. Йўқ биродарлар!— хитоб қилди Қурбон.— Ҳаммаларинг бир ёқадан бош чиқаришларинг керак!.. Сизларнинг орқангизда Шўро ҳукумати турипти! Яъни ўзларингни ҳукуматларинг турипти!.. Қишлоқни қўриқлаш ўз қўлларингизда-ку?.. Бунда Шўро ўрнатилмаган бўлса, мен ҳозир... эълон қиламан: Сойбўйи — Шўро қишлоғи! Энди бу ерга оқсоқол сайлаш керак! Шўро ҳукуматининг тартиби шундай: халқ кимни ўзига бош бўлсин, деб кўрсатса, ўша бош бўлади!.. Хўш, кимни кўрсатасизлар?

Қурбон атрофга кўз югуртирди. Одамлар кўпайиб борар эди. Лекин барида ҳадиксираш бор эди.

Шунда Муҳсин чол:

— Ҳой, Хуррам калта, ўзинг оқсоқол бўла қолмайсанми?— деди бояги йигитга.— Тилинг бир қарич! Гапга устасан!

— Мен оқсоқол бўлсам, сизни қишлоқдан бадарға қиламан,— деди у.— Ҳозир буларни кўриб кекирдагингизни чўзясиз!.. Уялмаган! Гапим ёлғонми? Бугун саҳарда ҳаммаи чирқиллатиб кетишаётганда, сиз қаерда эдингиз? Писиб ётган эдингиз! Ёв қочса — ботир кўпаяди! Гапирманг! Тилингиз йўқ!

— Астағфирулло,— Муҳсин чол ёқасини ушлади. Кейин Қурбонга юзланди.— Мулла, ҳазратнинг чин шогирди бўлсангиз, бу паканани амалга асло яқинлаштирманг! Паканадан яхшилик чиқмайди. Қаранг, қошиям қўшилган бу хумсанинг!

Қурбон дам чолга, дам Хуррамга қаради. Одамларга зеҳн солиб, улар қиёфасида чолдан кулимсираш, Хуррамга хайрихоҳлик ифодасини ўқиди.

У бир қарорга келди:

— Мусулмонлар! Мен Шўро номидан мана шу паст бўйли йигит — Хуррам акани Сойбўйи қишлоғига оқсоқол бўлсин, дейман! Ким рози бўлса, қўлини кўтарсин!.. Лекин яна ўзларинг биласизлар.

Хуррам:

— Бу ёғи қизиқ бўлди-ку?— деди.

— Сиз жим турунг.

— Бўлсин-э! Шу бўлсин!— овозлар чиқди.— Пакана бўсаям бутун одам! Ўлсаям шу ўлсин, билинмайди!..

Кейин беўхшов ҳаракатлар билан қўллар кўтарила бошлади.

— Менинг бекор қолган қўлим йўқ!— деди Муҳсин чол.

Қурбон қарияга эътибор қилмади.

— Кўпчилик рози. Бўлди!.. Хуррам ака, бу ёққа чиқинг. Бугундан бошлаб сиз Сойбўйининг қаттаси ҳисобланасиз! Биз бу гапни Бойсунга етказамиз!.. Мана, бу йигит — Виктор Винеченко. Отрядимиз командири. Ҳаммамизнинг раҳбаримиз. Қолган гапни кейин гаплашаверамиз!.. Энди бизга йўл кўрсатасизлар!

— Оғажон, менга бир қаранг.

Қурбон Иқлимани унутган экан. Жилмайди... Ва юрагида оғриқ турди: «Ойпарча!..— шу бир сўз унинг тилини эмас, бутун вужудини куйдирди. Негадир унинг олдида ўзини айбдор сезди.— Ажаб! Олиб кетилганини менга айтиб қўйишни холасига бекорга тайинламаган!.. Дарвоқе, Жабборбек унинг ўз уруғидан-ку? Кенагас. Балки унинг қалбидаям Ойпарчанинг дарди бор? Албатта. Акс ҳолда, унга қизиқмаган бўлармиди. Ойпарча буни англадими? Аммо зўрлаб олиб кетиш — Ойпарча учун қанчалик ҳақорат!.. Шошма! Лашкари исломга ҳам қизиқар эди-ку?»

Қурбон Иқлиманинг ўзига маҳтал бўлиб турганини кўриб:

— Кўз ёшини бас қилинг, опа!— деди.— Мен... қўлимдан келган ишни қиламан!..

— Жон оғажон!.. Ҳали рост айтдингиз. Мана бу одамларнинг танида жони бўлиб, улар кетаётганда: «Тўхта! Дунё бедарвозами!» деб чиққанда, улар нима қиларди? Кўпчилик бир тошдан урса — ўлдиради, бир бурдадан берса — тўйдиради... Булардаям қурол бор, бари овчи...

— Энди ундай бебошликка йўл қўйилмайди!— Қурбон атрофга қаради. Виктор Хуррам оқсоқол билан гаплашар, баъзи кишилар бўйинларини чўзиб уларнинг сўзини тинглар, кўпчилик рус аскарларини томоша қиларди. Муҳсин ота ҳассаси билан қорга йўл-йўл чизиқ тортмоқда.— Ота, бизга фотиҳа берасиз энди!.. Оқсоқол, бизга қўшиладиган йигитлар бўлса, чиқсин! Ҳечқурса уларнинг қайси тоғдан ошиб, қаёққа кетишганини билайлик!..

— Хўроз, баққа чиқ!— бақириб юборди Хуррам.

Эгнига қора эчки терисидан калта ағдарма пўстинча кийган, новча, бурни алифдек, юзида зарра ифода йўқ, сўррайган йигит олдинга чиқди. Оёғида чориқ. Бошида қулоқлари гарданига қайтариб боғланган ярғоқ телпак.

— Менинг иним!— таништирди Хуррам оқсоқол.— У дунёга десангиз ҳам боради!

Қурбон йигитни «томоша» қилар экан, хаёли Жабборбеклар тўпига оғди-ю, дафъатан кўнглига шу фикр келди: «Уларга қўшилмайман!.. Фақат изидан қоралаб боравераман! Кўктошга етсам, бас! Энг муҳими — вазифани адо этиш. Қўшилсам-у, қизга муносабатим билиниб қолса, бошим кетиши аниқ... Ойпарчага дуч келиш хавфли... Ишониб ҳам бўлмайди: унинг холасига тайинлаган гапи — Қурбон орқамдан борсин деган маънони англатмайди, албатта. У лашкари исломга интилар эди. Балки шу пайт...»

Қурбон йигитчанинг қиёфасию ифодасиз чеҳрасини ёқтириб қолди.

— Елғиз шу йигит бизга ҳамроҳ бўлсаям майли!— деди.

— Хўроз тоғни беш қўлдай билади!

— Қани, пешин намозини ўқиб олайлик!

Тўра ака масжид айвонида ётган бўйраларни қоқиб, қайта тўшаб қўйган эди. Қурбон одамларнинг диққатини тортмайдиган енгил ҳаракат билан шинелини ечиб ёзди. Этигини бўйрага суркаб, жойнамоз четига босди, қоматини ростлади.

— Оллоҳу акбар, акбар оллоҳу акбар!..

Тиз чўкар экан: «Динниям сунистеъмол қиляпман,— деб кўнглидан кечирди.— Умуман, кўп нарсани ошириб юборяпман! Ўзбошимчалик!.. Чўнтоққаям оқсоқол сайладим. Бу ерда ҳам... Менинг ишим эмас-ку бу?— Унинг жаҳли чиқиб, сурани эсдан чиқарди. Кейин тилига келганини такрорлаб, хаёлан кимгадир уқтирди:— Айтаман-да уларга!.. Мана, Виктор бориб айтади! Ахир, ҳар бир қизил аскар — айни чоғда Шўронинг ташвиқотчиси, деб ўзлари айтган-ку! Бошқа нима иш қилишим керак эди».

Муҳсин чол, Хуррам оқсоқол ва яна беш-олти киши Қурбоннинг орқасида: бири белбоғини, бири чопонини ёзиб намоз ўқимоқда.

— Омин!..— Қурбон овозини баралла қўйиб, дуо қилди:— Золиmlар зулмидан, сув ва ўт балосидан, бемаҳал ўлим, қуруқ туҳматдан асра! Камбағалларнинг пушти-паноҳи бўлган Шўронинг йўлини очик қил! Унга қасд қилганлар паст бўлсин! Ҳамма мурод-мақсадига етсин!.. Омин!

— Омин!

Орқада тиз чўкканлар ҳам ҳаяжон ва ҳадик билан юзларига фотиҳа тортишди. Сўнг тўшалган кийим, белбоғларнинг учидан ушлаб, ўринларидан туришди. Ҳамманинг кайфияти кўтарилган, кўнгилларда қаноат пайдо бўлгандек эди.

11

Отряд келган йўли билан кўприкдан ўтди. Сувни ёқалаб бир оз юргач, олдинда бораётган Норхўрознинг кетидан олхўри буталари ўсиб ётган майдонга чиқди. Уч-тўрт туп туғдана тагидан ўтиб, дарё оқиб чиқаётган дарага рўпара бўлди.

Даранинг қирғоқлари пасайиб, қандайдир маҳлуқнинг тумшуғидек ерга тиралиб тўхтаган, уларнинг кўриниши бир-бири билан сузишмоқчи бўлиб бошларини эгиб яқинлашганда тўхтаб қолган оқ қўчқорларга ўхшарди. Қўчқорнинг терисида ирим учун, жунининг қанча ўсганини билиш учун ҳам бир тутам жун қолдирилади. Бу қўчқорсимон тоғларнинг ҳам устида «жун»— буталар бор эди.

Қурбон бу тоғлар ичига кирмагани учунми ёки буларнинг кўринишида «метин»дек бепарволик намоен эканиданми, сал ғалати манзарага ҳам эътибор қилар, у ҳақда ўзича хаёл суриб борар эди.

Дара. Рўпарадан изғирин эсади: даранинг елвизаги. Унга пастда шарқираб оқаётган сувнинг шабадаси ҳам қўшилади.

Бу даранинг Гўрдарадан фарқи кам: ён-деворларида ёввойи тоқнинг узун занглари осилган. Уларга чирмовиқлар ўралган ҳолда япроқларини тўккан. Қирғоқ четларида сумалаклар: ғудда-ғудда новвот бурамалари.

Муюлишдан қалин туман сузиб кела бошлади. Қурбон тепага қаради. Осмон очиқ. Жуда баландда булутлар муаллақ. Қирғоқларнинг ҳайбатли қоялари ҳам баралла кўриниб турипти. Туман етиб келди. Майин ва ёқимли. «Буғ» муюлиш ортидаги чашмадан чиқаётган экан.

— Отларни суғорайлик!

Олдинда бораётган Норхўроз шуни илгарироқ ўйлаб қўйгандек, булоқнинг у четига ўтиб тўхтади. Чашма ичида нилуфарсимон яшил ўтлар.

Яна муз, қор қаърига кирдилар. Дара аста-секин қирғоқлари ёйила бошлади. Отряд ялангликка чиқди.

Улуғ бир дарёнинг ясси ўзанига ўхшарди бу яланглик. Оппоқ қор ётипти. Унда-бунда тўп-тўп юлғунлар, сариқ толлар. Бари шип-шийдан, фақат айриларида қор бор.

Сув шу яланглик ўртасидан, дарахтлар ва қоялар тагидан илангбиланг бўлиб оқиб келарди.

Ўнг тарафида ҳам — йироқда, чап тарафида ҳам — олисда — ўша улуғ дарёнинг қирғоқларидек тоғлар.

Отряд қорда муҳрланиб қолган отлар изидан юриб, ўнг томондаги тоққа яқинлаша бошлади.

— ...Бу ерларга қор бир марта тушади...

— ...Жабборбек бу ёқнинг йўлини билмас экан-ку, Норхўроз?

— Бўри тўра билади.

— Ўртоқ командир!

— Гапир.

— Олимжон ака сенга...

— Биладан...

— Сени севган қизинг борми?

— Бор эди...

— Норхўроз, Осмонўпар шу тоғми?

— Шундан норман.¹

— Ўша тоғдан ўтишади-да улар?

— Кўктошга борар бўлса, ўшандан... йўқ. Тумшуғидан айланиб ўтишади.

— Тўғри чиқиб бўлмайdimи?

— Йўқ.

— Сен Душанбега борганмисан ҳеч?

— Яқинига, Керагатоқча борганман.

Рўпарадаги тоғ бағридан икки нуқта узилиб кела бошлади. Улар бир жуфт баҳайбат ғажир-тасқара эди. Аста-секин ўнг томонга бурила ва пасая бошлади. Кейин тоғ ортига кескин шўнғиб кетди.

— Шу ёқда бир нима ўлган!

Қурбон тўриқни илдамлатди. Йўлбошловчига яқинлашиб борди.

— Хўрозбой, уларнинг изидан биронтамиз бормоқчи бўлсак... ўша Керагатоқча... кузатиб қўясанми?

— Нима десаларинг — шу.

— Ундай бўлса, биздан албатта бир киши ўша тоққача боради! Улар билан қорама-қора боради! — деди Виктор гапга аралашиб.

Қурбон Викторга термилди-да:

— Раҳмат, — деб қўйди. Сўнг бошқа овозда сўради: — Балки менга рухсат этарсан?

Эшнӣёз гапга аралашди:

— А, биз нима деб юрибмиз?

— Вақти келса, сан ҳам борасан, — деди Виктор. — Бу гал навбат Қурбонга.

Қурбон вақтдан фойдаланиб, камп-кўстини тўлдириб олишга киришди.

— Тўра ака, саллангиздан чиқиб турган қулоқни берасиз. Эшнӣёзбой, сен тўрвангдаги арпани берасан. Анави пичоқ билан чақмоқтош-

¹ Наридо.

ням берсанг, мингга кир, деб дуо қиламан. Бизнинг дуо ижобатга ўтади!

Ниҳоят, осмон бўйи юксалиб турган Осмонўпарга рўпара бўлдилар. Табиатнинг мўъжизаси эди у: бамисоли бир кўзгу. Хиёл ётқизиб қўйилгандай. Унинг юзи шундай текис, силлиққи, қарасанг, аксинг кўринади; балки бу муз тоғидир? Чўққисида юпқа булутлар сузади.

Тоққа яқинлашган сари унинг янги ажойиботлари очила бошлади: пастида — қори пайҳон бўлган жойда қандайдир саман от чўзилиб ётибди. Атрофида ғажирлар. Баҳайбат қанотларини чўққайтириб кўтарганча ўлимтикни юлқиб-юлиб ейишяпти. «Қийиқ-чийиқ» этган ингичка овозлари таралади.

Биттаси отлиқларни кўрди-ю, дик-дик сакраб четга чиқди. Иккитаси отлиқларга бурилди ва човут соладиган каби қанотларини баландроқ кўтариб, бошларини ичига тортишди.

Ниҳоят, улар сакраб-сакраб ҳар тарафга чекинишди.

Норхўроз қорга тикилиб, нари-бери юрди-да, тоғ бетига тикилиб қолди. Қурбон ҳам бетга қаради-ю, ғалати бўлиб кетди: қачондир бир қалин қор тушган-у, тақа-тақ муз қотган. Унда антиқа излар: худди кимлардир теша билан чопиб ясаган токчаларига оёқ қўйиб, ўркакча чиқиб кетгандек!

Қурбон Ялангтоғ пастида тургандек юрагига ваҳима тушиб:

- Жабборбекнинг ишими буям?— деди.
- Ҳа. Шу ердан тепага ўрлаб кетишган,— деди Норхўроз.
- Отлари билан-а?
- Отлари билан чиқиб кетишган.
- Бемаъни гапни қўй!

— Отнинг думидан ушлаб ураверса, от бундай бетларга чиқиб кетади. Мана, кўриниб турипти... Уларнинг изи шу ерда тамом бўлган.

Қурбон ўнгу сўлга қаради. Чиндан ҳам отлар изи шу ерда тугаган. Давоми... Қурбон яна тоққа қаради.

Ўзини ожиз сезди: мунча бало бўлмаса улар! Бу бетга отнинг думидан ушлаб, сағрисига савалаб чиқиш! Балки мана бу ўлиб ётган от сирғалиб тушиб кетгандир?

Қурбон ақл бовар қилмаса-да, тўриқни ниқтаб, ёнбағирга тақаб олиб борди. Аммо ўзини кузатиб турганлар кулмасин учун тепага қараган кишидек изларга тикилди.

Виктор гап нимада эканини аскарларга русчалаб тушунтирди. Норхўроз хотиржам. Эшнӣёз ёқасини тутамлаб турарди. Тўра ака бўз отининг ёлидан ушлаб сўмрайиб қолган. Отлар қон ҳидидан безовта.

— Хўш, тепага чиқишгач, нима қилади? Тоғнинг у тарафи текисликми?

— Тоғнинг у тарафи ҳам шундай бет,— деди Норхўроз.— Лекин у ёқ кунгай, қори музламаган. Тепага чиқишгандан кейин отларни ётқизиб кулуклайди. Кейин сирпантириб юборади. Ўзлари ҳам сирпаниб тушади. Кейин отларни ечиб, миниб кетаверишади.

- Тавба!
- Отни кулукламай думаласа, ҳамма ёғи синиб кетади.
- Сен ўзинг отда ўшалардай чиқаоласанми?
- Мен пиёда юриб ўрганганман...
- Ҳалиги қизни қандай қилиб олиб чиқишдийкин?
- Билмайман.

— Бўпти... Шароит мажбур қилса, ҳамма ўрганади! Улар — қувғинга учраган бўрилар! Эшитганман: ит қувган кўрқоқ одам учма зовдан ҳам сакраб ўтиб кетган!

- Мен ҳам эшитганман.
- Нима қилдик энди?
- Нима қилардик,— деди Виктор.— Энди... биз қайтамыз.

Қурбон синиқ жилмайди. Отини буриб, сой бўйига қайтди. Ёввойи тол қошида Викторнинг командаси билан аскарлар ҳам отлардан тушди.

Қурбон қоя орқасига ўтиб, бирпасдан кейин дарвиш қиёфасида қайтиб келди. Унинг ички кийимлари ўзгармаган эди. У чакмон ўнги-рини очиб, Викторга кўрсатди.

— Қўлга тушсам, шу шим билан гимнастёрка қутқаради мени.— Қизил аскарлар нчидан қочганимга шу кийимлар гувоҳлик беради.

Виктор бош ирғади.

— Норхўроз! Энди биз Осмонўпарнинг тумшуғидан айланиб ўта-миз-да?— Ҳа.

— Кейин, уларнинг изига тушамизми?

— Албатта.

Хайрлашиш пайти келди. «Эсмон-омон кўришармикинмиз?» Қурбон Викторга талпинди. Уни бағрига босиб кўзи ёшга тўлаётганини сезиб: «Йигитмисан ўзинг?» деди ўзига-ўзи.

Кўзидаги ёш дарҳол қуриди. У аскар болалар билан ҳам қучоқ-лашиб хайрлашди.

— Эшнӣёз, энди отрядга ўзинг йўлбошчисан. Қайтишда Чўнтоққа қўнганларинг маъқул. Менинг қолганимни қишлоқдагиларга билдир-манглар.

Виктор команда берди:

— По коням!

Қурбон узоқлашаётган отряд кетидан қараб «...дийдор кўришай-лик», дея пичирлади, ичи узилгандек бўлиб. Шунда тўриқ бошини қаттиқ силкитиб, кишнаб юборди. Қурбон титраб кетди: «Бу жонивор ҳам «ўзиники»лардан ажралаётганини сезди».

12

Сув чап томонда қола бошлади. Норхўроз ўнгдаги Осмонўпар билан рўпарада қўндаланг тушган адирлар орасига йўл тортиб борар эди. У чаққон. Чориғи қорга ботмайди. Қурбоннинг этиги эса...

— Ука, бу юришда мен қолиб кетаман.

— Пичоқни беринг.

Қурбон Эшнӣёздан олган пичоғини чиқариб узатди. Норхўроз пил-та милтиғини Қурбонга берди-да, сув бўйига тушиб кетди. Толлар гуж бўлиб ўсган ерга борди. Уларнинг қордан чиқиб турган навдаларини бир-бир уришда кесиб ола бошлади. Бир қўлтиқ қилиб, қайтиб келди. Сўнг новдаларни қорга ёзиб, устига яна бир қатор қўндаланг терди-да, бордон тўқиётганга ўхшаб, бир зумда иккита ясси сават ясади.

— Оёқни қўйинг.— Қурбоннинг бир оёғини «сават»га жойлашти-риб, четида қолдирилган нам новдалар учини қайириб, унинг тўпиғи орқасига ўтказиб боғлади.— Унисини қўйинг.— Қурбож бўш «сават»га иккинчи оёғини босди. Норхўроз ўша усулда бунинг ҳам четидан чиқ-қан новдалар учини қайириб боғлади.

Қурбон бир оёғини кўтарди. Қорга босди... Юмшоқ, қалин тўшак устига чиққандек бўлди. Кейин у оёғини кўтарди. Босди.

— Сен ҳам бало экансан, ука! Қаёқдан биласан-а, бунақа нарса-ларни?

— Тоғда ҳамма билади.— Норхўроз чўнқайиб ўтирганича қўли қўлига тегмай ўзига ҳам шу «пойафзал» дан ясар эди.— Ғазвон дейди-лар бун.

Қурбон оралиқ-ўнгирдан кўтарилгунча ғазвонда ўзини анча но-қулай сезди: қаёққа оғирлиги кўп тушса, ўша ёққа оғиб кетади. Бунинг устига оёқни кериб босиш керак.

Лекин от жониворга жабр бўлди. Айрим жойларда кўкрагигача қорга ботиб кетади. Сакрай-сакрай зўрға чиқиб олади. Қурбон унга ачинади. Тилсиз жонивор ўзига тобе экани, уни хоҳлаган йўлига бош-лай олиши ва у бўйин товламаслигини ўйлайди.

Хаёл уни Карим Раҳмонга олиб кетади. «Кимнинг оти экан бу? Қаерда учрашар эканмиз?.. Умуман, ҳуфия бўлиб бориш, бировларни алдаш, чап бериш — номардлик эмасми?.. Лекин урушда шундай касб

эгаларига ҳурмат билан қарашади-я? Бир ҳисобда тўғри: улар жонини гаровга қўйиб, душман ичига боришади... Майли, улар менинг бу ишимни номардлик десин!.. Узлари мардми? Гап шунда: ё улар, ё биз! Ҳар икки тараф ҳам ҳарбий ҳйллалар ишлатишга ҳақли! Урушнинг таомили... Қизиқ! Уруш дегани ўз-ўзидан алдамчилик, ёлғончиликни — хийлакорликни келтириб чиқарар экан-а?— Қурбон ҳушёр тортиб, ўз ўйидан ҳижолат тортди. Едига «ёш бухороликлар»нинг яширин суҳбатлари, Когондану Тошкентдан амирликни йиқитишга даъват этувчи варақаларнинг хилват йўллар билан олиб келиб тарқатилишлари тушди. Навкарлар, қоровуллардан қочиш...— Ҳа! Шундай қилишга мажбур эдилар! Шундай қилишмаса, нима бўларди?.. Ҳа-ҳа, Мулла Қурбон, адолат, ҳақиқат тантанаси учун бўлди у ишлар! Энди инқилоб ғалабасини сақлаб қолиш керак!.. Ажабо, уларнинг бизга юборган айфоқчилари қандай ўйларкан? Эгалари қандай ўйласа, улар ҳам шундай ўйлайди!.. Биз ҳақиқат юзага чиқсин учун урушамиз! Демак, уруша билиш ҳам керак. Сен енгмасанг — улар енгади!»

Унғирдан кучсиз шамол эсиб, қипиқдек қор доналарини учира бошлади. Бетни қиялаб қирга кўтарилганда, қор чувалаб қолиб кетди. Қир усти тинч. Теваракка қараб тургинг келади. Ўзингни бу сокинлик оламига сингиб кетаётгандек туясан.

— Оббо, кун ботяпти дейман?

— Ҳа.

— Уларнинг изини топамизми?

— Топамиз.

— Биласанми, сени бир кўргандан ёқтирган эдим...

Қурбон пишқириб, чимирилиб ҳар томонга тикилаётган тўриғига қараб, унга ачиниб кетди. Бурун катаklarидан паға-паға ҳовур таралади. Тулки тумшуклари ҳўл. Кўзларида важоҳат. Тиззадан қорга ботиб, думи ҳам қорга тегиб жилади.

— Бу ёқ — эниш. Отни мениб олинг энди. Ғазвонни ечинг.

— Қулоқларини буччайтиряпти¹. Бўри-мўрининг исини олдимикан?

Қурбон ўзига азиз бўлиб қолган ғазвонни ечди. Оёқлари қорга ботиб кетди. Эгар қошидан ушлаб, узангига оёқ қўйди. Эгарга ўтиргач отнинг баттар қорга ботганини ҳис этди.

Хўроз олдинга тушди.

— Ҳайданг!

Тўриқ чавандози устига ўтиргани учун ўзини текисликка тушгандек туйдим, ростмана юриши кераклигини ҳис этдим, пишқириб олдинга босди.

Улар тепаликни қиялаб қуйига энишарди. Бу ёқда қор қалин эмас экан. Ен томонда арча кўп. Аксари одам бўйи бўлиб ўсган. Танаси ер остида-ю, ундан талай шохлар ғуж бўлиб кўтарилгандек. Ҳар туп арчанинг орқасида нимадир бордек, пойлаб тургандек туюлади.

Орқадан қорни ялаб яна шамол эса бошлади. Қурбон от туёқларининг тошларга тегаётганини пайқаб, енгил тортди. Шунга бўла энди тери қота бошлагани учунми, совуқнинг таъсири ўта бошлади.

Қош қораймаган. Чап тарафда кафтдек текис сайҳонликда гўё тонг отмоқда.

Улар Осмонўпар тагидан этакка қараб кетишар экан, ўнг қўлдаги арча ёнбағирдан тўзиб учаётган қор уст-бошларига қўнар, қандайдир куч билан итарар эди.

«Чиғ-пат-пат» этиб каклик учди.

— Милтиғингизни бериб туринг.

Қурбон жиловини тортиб, милтиқни елкасидан оларкан, кулоҳи тушиб кетди. У кулимсираб, кулоҳда юришни ҳам унутиб қўйганини ўйлади.

— Уқланганми?

¹ Чимирияпти маъносига.

— Ҳа.

Норхўроз ўзининг пилта милтиғини эгар қошига илди-да, олдинга чопди. Қурбон кулоҳни тушиб олсамми, энгашиб ололмайманми, деб ўйларкан, бирдан сергакланди: «Улар шу атрофда бўлса-чи? Ҳозироқ овозини эшитса!.. Норхўрозга мақсадни айтишим керак, шекилли?.. Керага тоққача бирга борамиз. Йўлда кимлар учрамайди!.. Оғзидан гуллаб қўйса, ҳамма иш бир пул? Ойпарча қандай аҳволда экан? Бу тоғлардан ошиш!.. Даҳшат! Мўъжазгина қиз... Жабборбек мард бўлса, унга яхши қарашади! Номард бўлса... Йўқ! Улар ҳар қалай тил топишса керак. Иккови ҳам кенагас. Лекин Ойпарча ундай жоҳилга...»

«Қар!» Тўриқ чўчиб, бошини кўтарди. Шунда Қурбон бошининг музлаб кетганини пайқаб, пастга энгашди. Яна энгашди, яна!.. «Кўп-қарида қандай қилишади одамлар? Йўқ! Оламан!»

Чап оёғи эгарга текканда, қўли ҳам кулоҳга тегди. «Энди ўзингни ўнглаб ол! Йиқилиб тушсам — ҳеч нарсага ярамаганим!— Шунда от юриб кетди-ю, Қурбон ваҳима билан эгарга интилди. Чап оёғи беихтиёр узангига етди.— Мана бу бошқа гап!.. Сен ҳам қолишмайсан бировлардан! Одам қилган ишни одам қилади! Сен эса одамзод биринчи марта қилаётган ишдасан! Ёв кучли!.. Ундан ҳам кучли бўлиш керак!»

Норхўроз оппоқ бир нарсани ёнида осилтириб келди. «Нарса»нинг силкинаётган қулоқларидан қуён эканини билди.

— Менга бер-чи,— Қурбон бирдан атрофга аланглаб қолди.— Бошқа... шарпа эшитилмадимми?

— Ўзи бир жуфт экан. Йўлдоши қочиб кетди.

— Э, йўқ. Ҳа, майли... Милтиқ ўзингда турсин. Қурбон қуённинг жуфт қилиб узатилган оёқларидан ушлади. Юмшоқ жун ҳиди, илиқ кон ҳиди келди. Кафтига ҳарорат ўтди.— Хўроз экансан... Хўроз! Одамгаям отганмисан?

— Йўқ.

— Ҳим... Ҳа, майли... Камар борми?

— Кўп.

Норхўроз бирдан ерга тикилди. Сўнг ёнбағирга боқди. Қурбон ҳам у ёққа кўз ташлади. У бетнинг қори силжиб тушганини, талай арчалар қордан холи — қоп-қора бўлиб турганини кўрди.

— Нима гап?

Норхўроз қорга тикилганича нарига кетди. Қайтиб келиб:

— Ушалар,— деди.— Ўтиб кетишипти. Шу бетдан силжиб тушишти.

Қурбон ўйланиб туриб тайинлади:

— Хўроз, Керагатоғдан кейин, сен қайтасан.

— Ихтиёрингиз.

— Менинг бу сафарим Шўро учун керак!.. Ҳар бир топшириқ — биз учун қонун...— Шунда Норхўрозга қандайдир илиқ сўзлар айтгиси келди-ю, унинг Шўрога муносабатини билишга қизиқиб қолди: «Ҳали сўрайман,— деди Қурбон ичида.— Буям иш! Шўро йўлига садоқат билан битта киши ўтсаям яхши-да! Бу йигит шунчаки амакисининг гапи билан бизга йўлбошловчи бўлди... Агар Шўродан топшириқ олса!..»

— Яқин қолдикми камарга?

— Ҳа.

— Сен нимани яхши кўрасан?

— Раҳматли отамиз, аввало рост гапни яхши кўр, дер эди. Одамлар ёлғонни кўп гапирарди...

Қурбон энтикиб кетди: йигитнинг оғзидан чиққан сўзлар ўзига қанчалар яқин!.. Тўғри, падари бузруквори унга рост гапни севиш ҳақида кўп насиҳат қилмаган. Лекин унинг ўзи чин ҳақ сўзга зор эди.

— Менинг қишлоқда айтган сўзларим сенга маъқулми?

— Еқди... Қаерга борасиз?

— Кўктошга!— деди Қурбон.— Боришим керак экан!..

— Ўзим ҳам шундай деб ўйлаб эдим... Рост гапирганингиз учун раҳмат.

Қурбон хурсанд бўлди: рост гап қандай яхши! Ҳа, одамларга нуқул тўғри гапирсанг, рост сўзласанг! «Э, қани, қаердасан, Жаббор кенасан? Сен-чи, Ойпарча?»

Шамол... Камар... Гулхан...

Қорда жуда кўп туёқ излари кўринди.

— Хўроз, милтиқ менга халақит берар-а?

— Милтиқсиз юриш хавfli.

— Бўри учрармиди?

— Босмачи...

— Ўзим ўшаларнинг ичига боряпман-ку?—«Тортиб олқўяди. Милтиқсиз борганим тузук».

Ўнгириларидан буғ кўтарилиб ётган Керагатог.

— Хўрозбой, сенга азоб бердим, ука.

— Йў-ге, ака.

— Биз ҳали учрашамиз. Эртанги кунни кўрамиз... Қўлингни бер. Энди сен Шўронинг одами бўлдинг ҳисоб. Шўрога садоқатли бўлсанг, бас... Бу милтиқ мenden сенга хотира.

13

Қурбон ёғ сурилгандай ялтироқ, қат-қат қояли зов остидан кетиб борарди. Ўнг қўлдаги жарлик буралиб жанубга кетган. Жарлик бетидан арча кам. Аксари бодом, ўрик. Жар тубида сув йилтирайди. Тепада гала-гала зағчалар чағ-чуғ этиб учишади. Уларнинг шовқини бу кимсасиз, хилват маъвога мос таралади.

Қурбон бурилишдан ўтиб, оппоқ туман ичига кирди. Ҳаяжонга тушиб отни жадаллатди. Хайрият! Бир оздан кейин туман кўтарилди.

Рўпарада катта яланглик тўшалиб ётарди. Чап тарафдаги ўрқач тепалар орасидан... бир тўп отлиқ чиқиб қолди. «Ўшаларми? Йўқ... Жабборбеклар тўғрига кетган!»

Тўпнинг олдида зулукдек қорабайирда жигарранг почапўстинли киши ўтирарди. Бошқа отлиқлар унинг икки тарафида ва орқасида. Уларнинг отлари қорабайирга ўхшамас, қорабайир бамисоли туя бўлса, бошқа отлар хачирлар эди.

Тўриқ кишнаганда ўша тўпдаги отлардан ҳам бир нечаси кишнаб, «жавоб қилишди». Суворилар Қурбонга қарашди. Қорабайирдаги киши ҳам бошини кўтарди. «Уларнинг каттаси», деб ўйлади Қурбон. Эгнидаги пўстин тагидан чиқиб турган оёқларида ўкчали этик. Бошидаги симоби салла ичида қора бахмал кулоҳ. Отининг безаклари ҳам антиқа: кумуш юган, манглайда тасма, кўксига ўмилдириқ, сувлиғнинг икки ёнида ҳам кумуш қуббалар.

«Катта»нинг қиёфаси ҳам улуғвор: ранги хиёл сариқ, қушбурун, юзи чўзиқ, ияги тўртбурчак — қўрқинч ва тобелик туғдиришга қодир бир вазминлик бор.

Қурбон қўлини кўксига қўйганча энгашди.

— Ассалом алайкўм!

— Ва-алекум ассалом,— деди катта. Унинг овози паст, тўла эди.

— Мен, бир йўловчиман,— деди Қурбон.— Кўктошга бораётиб эдим... Сизларни кўриб қолдим.

— Шуми бор гапинг?

— Шу, бегим.

— Биз ҳам Кўктошга боряпмиз.

— Сизлар билан борсам.

Йигитоға вазмин бош ирғади.

Қурбон жиловни тортиб, отни четлантирганди, йигитоғанинг кўзи унинг этигига тушди. Сўнг унгури остидан кўриниб турган баргранг шимиға, гимнастёркасиға тикилди.

— Қаердан келяпсан? Кўктошга нима учун боряпсан?

— Бегим, кечаға қадар қизиллар орасида эдим,— деди Қурбон.— Ана, Осмонўпар тоғининг орқасиға келдим... Жабборбек деган йигит

Бойсун яқинидаги қишлоқни талаган экан. Ушанинг изидан келдик. Шу ерга етганда мен қочдим...

— Нима учун?

— Менинг пирим... Эшони Судур ҳазратлари Иброҳимбек жаноб олийларига Бош маслаҳатчи эканлар! Уша кишига интиляпман, бегим. Тўпдагилар бир-бирига қараб қўйишди. Қурбон Эшони Судурни булар яхши билишини пайқади.

— У киши пиринг бўладими?

— Ҳа!— ҳозиржавоблик билан деди Қурбон.— Валинеъматим... Мени ўғил қатори тутиб, мадрасада — Бойсун мадрасасида ўқитган эдилар...

— Гапир, гапир.

— Сўнгра Бухорои шарифга олиб кетдилар. У ерда айри тушдик... Мен Кўкалдошда қолдим. Кейин эшитсам, пирим...

— Кўктошда экан.

— Йўқ, Афғонистонда...

Йигитоға отининг қорнига ниқтади. Қорабайир жилди. Тўп қўзгалди. Қурбон бир фурсат иккиланиб, кейин йигитоғага ёндош бўлди.

— Тақсир гапираверайми?

— Гапиравер.

— Ишонмай юардим. Нега Афғонистонга ўтар эканлар деб...— «Бу гапнинг нима кераги бор».— Шу, у киши... Юртни жуда яхши кўрардилар!..— Йигитоға унга қараб қўйди. Қурбон дадилланди.— Юрт учун жуда қайғурадиган инсон-да у киши!..

Йигитоға тумшайиб, олдинга — соя бетда қор кўтариб мудраб ётган арчаларга тикилди.

— Ватанни жуда яхши кўрадилар, де?

— Худди шундай, бегим...

— Бу кийимларни ечиб ташла!

— Иложи бўлмади. Фақат шинелни ташладим... Бу чопон билан саллани битта номарддан тортиб олдим... Кўктошга етай, йўқ қиламан. Ўзимам, тақсир, чўчиб келаётган эдим. Кўктошда бу кўйлак билан шимда мени кўрган киши ўрис деб...

— Ўзинг таги бойсунликми?

— Бойсунликман!

У туя жунидан икки қават чакмон кийган, гўлабир, кўса йигитга қия боқиб:

— Қоракамарга қўниб ўтамиз,— деди.

Кўса қамчи тутган қўлини олдинга чўзди.

— Муртоз! Камарга жўна!

Отнинг тақасидек мўйлови лабининг икки ёнидан пастга осилган, қисик кўзли йигит:

— Хўп бўлади!— деди.

У отларига тарақи¹ хуржун ортилган икки отлиқ билан олдинга ўтиб кетди. Йигитоға улар изидан тикилиб кўсага гап отди:

— Гўппон, шу йигитларга яхши-я? Буюрсанг, бас. Салла десанг, калла олади.

Кўса табассум қилди.

— Лекин ҳамманинг ҳам гапига кирмайди улар.

Йигитоға Қурбонга фавқулодда шўхчан нигоҳ билан боқди.

— Ватанни яхши кўрадилар, де? Сен ўзинг-чи?.. Ватан дегани нима? Ё Аҳмад Донишнинг айтганими?

Қурбон ёнида чакана одам бормаётганига иқрор бўлди. Аҳмад Дониш! Бухоро ўлкасининг сўнги донишмандларидан бўлган у зотнинг «Наводир ул воқо» асарини Садриддинхўжадан олишга улгуролмаган эса-да, обхонадан чиқиб, таниш саройбоннинг уйига келгач, ҳужраларни йиғиштираётиб токчадан топган ва ўқиб чиққан эди. Аҳ-

¹ Қулфли хуржун.

мад Дониш халқ орасида машҳур бўлган бир нақлни китобга ўзгартиришсиз киритган, Қурбон уни уялиб ўқиганди.

— Қайси фикрларини айтасиз, тақсир?

— Ушани-да. Ватан-ватан, чиқди...— У ичида мунгли кулди. Гўлпонбой ҳам унга «жўр» бўлди.

Қурбон хўрсинди: «Бу одам-ку алам билан кулди. Анави нодон нега кулади?»

Йигитоға Қурбонга ўқрайди.

— Нега кулмайсан?

— Тақсир, афв этасиз... китобдан ўша гапни ўқиганда ҳам кулолмаган эдим.

Йигитоға тек қолди.

— Тузуксан.

— Сизнинг ҳам қай маънода кулганингизни тушуна олмадим...

— Бу оламда ҳеч ким ҳеч нарсани тушунмайди!— У қорабайирнинг қўймучига бирдан қамчи босди. От сапчиб кетиб, орқа оёқлари



орқага, олдингилари олдинга сирганиб, зўрға ўзини ўнглаб олди ва ҳаш-паш дегунча тулпор қорни тўзитаб, тўпдан узоқлашиб кетди.

Тўрт отлиқ унинг кетидан от қўйди. Қурбон ҳам отни ниқтамоқчи бўлганида, кўса унинг енгидан тортиб қолди. Қурбон беихтиёр унга ёнма-ён бўлди.

— Эшони Судурнинг шогирдимисиз?.. У киши валий одам!

Қурбон унинг гап оҳангидан қандайдир хушомадни уқди. Шунга бўла Эшони Судурнинг Кўктошда обрўси баланд эканига иқрор бўлди. Бироқ бу кўсанинг юзида бир тама тамғаси бор эдики, уни (ушбу вазиятда ҳам) ўзига яқин ола олмади.

— Бунга ҳеч ким шубҳа қилмайди, тўрам,— деди Қурбон.— Бутун Шарқий Бухоро халқи сажда қилади ҳазратимга.

— Аста айтасизми?— Кўса Қурбондан ҳам ошиб тушди.— Аъло ҳазрат ҳам. Бўлмаса у кишига шунчалик улуғ мансабни бериб қўймасди! Умрлари узун бўлсин...

— Илоҳо.

— Қани, чуқ денг! Баҳодирдан ортда қолмайлик. У кишининг кимлигини билдингизми?

— Йўғ-а,— деди Қурбон.— Лекин улуғ бир зот бўлсалар керак.

— Тўғайсари баҳодир шу киши бўлади... Иброҳимбекнинг ўнг қўли.

Қурбон лабини қимтиб қолди. «Ё, тавба! Наҳотки? Бирданига!.. Бу омадми?»

— Афв этасиз, бу ёқдан келяпсизлар?

— Бир иш билан бориб эдик.

— Баҳодирнинг кайфиятлари йўққа ўхшайди?

— Ҳар кимнинг феъли...

— Пиримни кўрмаганимга анча бўлди. У кишининг кайфиятлари... қандай экан?

— Аъло!

— Ташаккур.

— Қизил аскарларни ғафлатда қолдирибсиз-да?

— Шундай бўлди.

— Уларни сезгир дейишарди.

— Тўрам, афандининг оёғи енгил хотини ҳақидаги латифани эшитгансиз...

— Бошинг меники...

— Ҳа.

— Шунда-ай,— жиддий тортди Гўппонбой.— Эшони Судурнинг шогирди эканингизга ишондим. Иш билгандан кўра гап бил, деганлари рост.

— Лашкари ислом учун бир иш қилай деб боряпман...

— Бу, Жабборбек деган... икки қишлоқни талади дедингизми?

— Ҳа, тўрам.

— Вой, энағар-е!.. Қаерда экан ҳозир?

— Кўктошга кетипти.

— Ҳа-а... нималарни олган экан?

— Отларни.

— Маъқул... Лекин ҳазрат эшитса, ранжийди. Талончилик қилгани ёмон кўради у киши. Чиндан ҳам шаънимизга доғ-да бу?.. Уям Кўктошга кетди денг?

— Узим кўрмадим.

«Айёр чол... Олимжон ака ҳақ гапни айтди-я. Халқни ўзимизга қаратишимиз керак!— Шунда у Чўнтоқ билан Сойбўйи қишлоғида қилган ишларидан мамнун бўлиб кетди. Сўнг ўзи бораётган манзилда талай халқ борлиги, улар, шубҳасиз, Эшони Судур ва унинг яқинлари таъсирида эканини ўйлади.— Ушаларгаям Шўро тўғрисида гапириш мумкин бўлса... Йўқ. Менинг вазифам бўлак!»

Давоми бор.

Азиз Абдураззоқ



ТУРТ ОҒАЙНИ БОТИРЛАР

Соз

Дўстларнинг гурунги соз ила создир,
Нозанин рафтори ноз ила создир.
Боғларда ёз кезар, янграб сўзу соз,
Бу ҳаёт айниқса ёз ила создир.

Турналар

Учиб ўтар турналар қатор,
Учиб ўтар ҳар йил икки бор.
Бахт изласа ерда одамлар,
Турналарнинг манзили баҳор.

Ҳар сафар

Баҳорни кутаман ҳар сафар.
У менга нималар келтирар?
Билмайман ва лекин шом, саҳар
Баҳорни кутаман ҳар сафар.

Усталар

Болалар афсона тўқишга уста,
Саволга жавобни сўқишга уста.
Тўқилган афсона-орзуларидир,
Буни билмаганлар сўқишга уста.

Кулар юз

Ҳар қандоқ кулар юз-на дўст, на ошно,
Баъзан юз кулар-у, дил тўла иғво,
Ялтироқ юзу сўз шаклига учма,
Қилич ҳам ялтираб кулар доимо.

Донолар билан

Доноларга дўст бўлиб, доvonлардан ошибман,
Не-не голиб эр йигит—полvonлардан ошибман.
Рухим шундоқ енгилки, доvonлару полvon не,
Не-не ажиб тариху замонлардан ошибман.

Ақл

Икки кўзидамиш бўйдоқнинг ақли,
Тилнинг ўзидамиш тўмтоқнинг ақли.
Олис қариндошдай бўйдоқ ва тўмтоқ,
Зарурдир донишманд ўртоқнинг ақли.

Жононлар

Сочимнинг оқини кўрманг, жононлар,
Қариб қолдингми, деб сўрманг, жононлар.
Ошиқнинг қадрини маъшуқа билар,
Ёшимни ёримдан сўранг, жононлар.

Ялпизлар

Ариқлар лабида боғ ялпизлари
Ниш уриб чиқмоқда бу гал эртароқ.
Эртароқ уйғонган жануб қизлари
Сингари сал дуркун, маъсум, эркарроқ.

Муқаддас

—Юрагинг қандоқ?—деб сўрадинг ногоҳ,
Дедимки:—Юрагим муқаддас даргоҳ.
Муқаддас деганим сенсан, дилбарим,
Қалбимдан мангуга топмишсан паноҳ.

Тинлани, ёшлар

Бу умрнинг кўпи кетиб, ози қолди
Кузу қишдан ортиб, бироз ёзи қолди.
Ёз ёнида баҳори бор, у ҳам озроқ,
Хуллас ёшлик ўзи кетиб, нози қолди.

Навбахор айёмида

Отлар кўпдир, тулпорлар қани?
Меҳмон кўпдир, дўст-ёрлар қани?
Юз-кўзлари кулган улфат кўп,
Кўзи ёшлик хуморлар қани?

Қари ва ёш

Қари билганни пари билмас,
Ёш қилганни қари қилмас:
Ёшдан хато ўтар бўлса,
Уз болам дер, нари қилмас.

Бутоқлар

Дарахтнинг сербутағи қушларга ошёнди,
Қушлар базми авж олса, демак замон-замондир.
Қанча сенинг бутағинг, қанча менинг бутағим—
Менинг боғбон ўртоғим ва боғларга аёнди.

Кексайган дарахтлар

Шамолдан шақиллаб қурук шоҳлари,
Кексайган дарахтлар бошлар йиғини—
Кексайган одамдай оҳу воҳлари:
Оғриқдан зирқираб бўғин-бўғини.

Бахтимнинг ёрлиги

Хурсанд бўлиб ҳар замон бахтимнинг ёрлигидан,
Хафа бўлмай қўяман уйимнинг торлигидан.
Баъзан бахтим чала-ю, кўнглимда чала эмас,
Зумда олам кезгувчи хаёлим борлигидан.

Умидлар

Туя бўйнини чўзади янтоқнинг умидида,
Саробга ҳам чопади булоқнинг умидида.
Менинг емак, ичмакдан камлигим йўқдир асло,
Кўзим тўртдир қадрдон ўртоқнинг умидида.

Юрак~шиша

Дерлар: «Юрак худди шиша бўлади,
Парчаланса кимлар бутун қилади?»
Босиб ўтма парчаланган юракни,
Синган шиша оёғингни тилади.

Тоғ лоласи

Тоғ лоласи, тоғда туриб мақтана кўрма,
Тоғдан баланд эканман, деб тантана кўрма,
Паст бўлардинг тоғ бўлмаса бахтингга агар,
Тоғ кўксига оёқ тираб талтая кўрма.

Ўз феълдан...

У қўй боқди, чўпон бўлолмади,
Туя миниб кўрди, қарвон бўлолмади.
Охир экин экди, деҳқон бўлолмади.
Феъли ёмон эди, инсон бўлолмади.

Замонлар

Бир замонлар куйдирарди отимнинг ориқлиги,
Сени эса куйдирарди отимнинг ориқлиги.
Энди отим ориқ эмас, тулпордир,
Энди сени куйдиради бетимнинг ёруғлиги.

Табиатдан бир лавҳа

Шамол туриб топтамоқда табиатнинг ҳурмати,
Минг оҳангда синамоқда дарахтларнинг қуввати.
У ён-булут, бу ён-булут, у ён-тўзон, бу ён-тўзон,
Қуёш ҳалак чизолмасдан ўз боласин сувратини.

Арслоннинг қаҳри

Арслон ўкиради, ларзада олам,
Ўзгариб кетади лаҳзада олам.
Арслоннинг қаҳрини келтирма, гофил,
Эзилиб ўлмасин панжада олам...

Йўқлик

Товуқ тухумининг қоши йўқ экан,
Бир ерда тоғ кўрдим, тоши йўқ экан.
Булар ҳам майлига, бир бошлиқ кўрдим,
«Мен!»—деган бурни бор, боши йўқ экан.

Базиларга

Зигирдек жонинг бордир,
Қопдек ҳамёнинг бордир.
Наҳот минг йил умринг бор,
Минг жиғилдонинг бордир?

Ишсиз дўст

Ишсиз дўстим ишдан қолдирди,
Зериктирди, роса толдирди.
Бор вақтимнинг ярмини еди
Ва ярмини елга олдириди.

Қинғир киши

Илон каби жилпанглайди қинғир киши,
Илон изи каби доим қинғир иши.
Қинғирлигин пардалайди кулиб-кулиб,
Пардалари қатор-қатор оппоқ тиши.

Қозон ва коса

Битта қозон сиғдираркан ўн косани,
Ажратмасдан чинни ёки жўн косани.
Бир қозонни сиғдирилмас ўн коса ҳеч,
Энди, коса, ўзинг чиқар хулосани.

Қари арслон

Арслон қариб қолибди, ўрнидан кўзғолмайди,
Енгаман деб ҳеч қачон оғзига сўз олмайди.
Энди оҳу қайдадир? Қайдадир қон ичмоқлик?
Оч мушукдай сичқоннинг инидан кўз олмайди...

У дунёнинг эпчили

Қиличингни қайратмагин душман кетиб бўлганда,
Булбул бўлиб сайрамагин қизил гуллар сўлганда.
Душмандан сўнг қилич қайраб, гул сўлганда сайрасанг,
Ботир, бахши бўлажаксан қиёматда-ўлганда.



Абдуқаҳҳор Иброҳимов

БУ ЗАМОН ЎҒЛОНИ

ИККИ ПАРДАЛИ ДРАМА

ҚАТНАШУВЧИЛАР:

(ИШТИРОК ЭТИШ ТАРТИБИ БУЙИЧА)

ОЛҚИШ — 18 ёшда.

КЎКЛАМ.

ХОЛБОЙ — унинг дўстлари, 17—18 ёшда.

САРИМСОҒ — Олқишнинг отаси, 59 ёшда.

УРХОН — капитан, 36 ёшда.

БАРЧИН — Олқишнинг онаси, 38 ёшда.

СУНБУЛА — Кўкламнинг онаси, 36 ёшда.

ҚУВОНЧ — Олқишнинг амакиси, 50 ёшда.

ТУЙҒУН — Саримсоқнинг улфати, ёшини аниқ айтиш қийин.

АЁЗ — Кўкламнинг отаси, 41 ёшда.

Воқеа шу кунларда ёз фаслида уч кун ичида бир жойда — Саримсоқнинг ҳовлисида кечади.

БИРИНЧИ ПАРДА

Парда очилганда юлдузли осмон кўринади. Саҳна аста ёришади. Саримсоқнинг ҳовлиси. Қарши томонда девор, деворнинг ўртасида дарвоза. Девор оша осмон кўринади. Унг томонда данғиллама иморат, унга икки устуни бор соябонли баланд зинадан кирилади. Чап томонда икки хона, бир айвондан иборат яна уй бор, унга соябонли пастак зинадан кирилади. Учоқбоши ҳам шу томонда. (Саҳнада фақат зиналарни кўрсатиш билан чекланиб, иморатларни эса тасаввурда тутиш ҳам мумкин.) Ҳовлида битта стол ва бирнеча стул. Стол устида машинка, бир даста қоғоз ва портфель бор. Чизимчаларга кир ёйиб қўйилган.

Олқиш, Кўклам ва Холбой қўлларидаги қоғозга қараб, ниманидир ёд олишяпти.

О л қ и ш. Қани, дўстлар, бошладик!

Учови қўлидаги қоғозларни столга қўйиб, ёддан ўқишади.

О л қ и ш, К ў к л а м, Х о л б о й (*тантанавор*). Биз шаҳримиздаги ўн саккизинчи мактабнинг олтмиш нафар битирувчиси, етуклик аттестати олган кунимизда бизларга берган таълим-тарбиянгиз учун сиз — азиз устозларимизга ва меҳрибон ота-оналаримизга чин юракдан чуқур миннатдорчилик билдирамиз ва шу залда ҳозир бўлганлар шоҳидлигида қалбимиз амри билан қасамёд қиламиз!..

О л қ и ш. Эл-юрт иши учун, партия иши учун фидойи бўлинг, деб бизга таълим бердингиз.

У ч о в и. Фидойи бўламиз.

Х о л б о й. Она-Ватани ҳимоя қилиш олий бурч, деб ўргатдингиз.

У ч о в и. Биз керак бўлса қонимизни ҳам, жонимизни ҳам она-Ватанимизга фидо қиламиз.

К ў к л а м. Куч бирликда, дўстликда, ҳамжиҳатликда, деб бизга таълим бердингиз.

Учови. Халқлар дўстлигини янада мустаҳкамлашни бурчимиз деб биламиз!

Олқиш. Улуғ Ленин тили, халқлар дўстлиги тили бўлган рус тилини чуқур ўрганинг, деб бизга таълим бердингиз.

Учови. Жаҳон илм-фани, маданияти ютуқлари билан яқиндан таниша боришда рус тили буюк қурулди, деб биламиз.

Холбой. Ижтимоий фойдали фаолият кўрсатиш керак, дедингиз!

Учови. Ҳалол меҳнат қиламиз!

Кўклам. Совет Давлати олтмиш йиллик тараққиётининг умумий якуни бўлмиш янги Конституциямизга, Совет қонунларига амал қилинг, деб насиҳат қилдингиз.

Учови. Турмушимизда, ишимизда шу қонунларга оғишмай амал қиламиз.

Олқиш. Ноқонуний ишларга мурасасиз бўлинг, адолатпарвар, ҳақиқатгўй бўлинг, деб доимо даъват қилиб келдингиз.

Учови. Қалбимиз даъвати ҳам шундай.

Холбой. Кимда-ким хато қилса ёки ноҳақ бўлса, кимлигидан қатъий назар, уларни тайқид қилишдан чекинманг, тўғри йўлга бошланг, деб бизга таълим бердингиз.

Учови. Бизлар худди шундай иш тутамиз.

Кўклам. Сизлар бизларга меҳрибонсизлар.

Учови. Бизлар ҳам сизларга меҳрибон бўламиз.

Олқиш. Ибрат кўрсатинг, илғор бўлинг, бошқаларни ўзингизга эргаштиринг, деб тарбия бердингиз.

Учови. Бизлар шундай бўлишга астойдил интиламиз, сизлар бошлаб берган эзгу ишларни давом эттирамиз ва булар бизнинг ҳаёт йўлимизни бир умр бошқариб борадиган имон-эътиқодимиз бўлиб қолади... Сўзимиз билан ишимиз бир!

П а у з а .

Олқиш. Яхши... Репетиция тамом. Ед олиб бўлибмиз. (*Столдаги қоғозларга ишора қилиб.*) Мана бу текстларни эса ўртоқларга тарқатамиз. Улар текстга қараб қасамёд қилишса, биз ёддан айтамыз. (*Текстларни портфелга солиб, столга қўяди.*)

Холбой. Ўғил бола гап шуки, Олқиш, қасамёдни бошлаб ёзибсан. Қойил!

Олқиш. Бир ўзим ёзганим йўқ, Холбой... Коллектив бўлиб кеча ёздик. Комсомол комитетимизнинг иши бу. Мактабимиз партия ташкилоти бизларга ёрдам берди, йўл-йўриқ кўрсатди. Оққа кўчириш, нусха кўпайтириш менинг зиммамга тушди-да. Тўғри, кўчираётиб баъзи жумлаларни таҳрир қилдим.

Холбой. Текстда сенинг қўлинг шундоққина сезилиб турибди. Ҳа, сен ҳақиқий комсомолсан!

Кўклам (*қўшимча киритиб*). Мактаб комсомол комитетининг секретари...

Олқиш (*гапни давом эттириб*). ... бўлиб келдим.

Холбой. Ҳа, ўғил бола гап шуки, Олқиш, мактабимиз мактаб бўлиб, сендек комсомол етакчисини кўрмаган бўлса керак.

Олқиш. Лекин ҳаёт давом этаверади. Бизлар бугун мактаб билан ҳайрлашсак, ўрнимизга укаларимиз, сингилларимиз келишади.

Холбой. Лекин сенинг ўрнинг бошқа-да.

Олқиш. Ҳамманинг ўрни бошқа-бошқа бўлиши керак. Йўғида ўрни билинмаса, яшашдан нима маъно?

Кўклам. Ҳа, ҳозир бизлар учун ҳам қувончли, ҳам ташвишли дамлар. Янги, катта ҳаётга қадам қўяпмиз. Бизни нималар кўтаяти — билмаймиз.

Холбой. Бизни нима кутарди, ўз тақдиримиз билан учрашамиз-да.

О л қ и ш. «Тақдирин қўл билан яратар одам, ғойбдан келажак бахт бир афсона...»

Х о л б о й. Тўхта, тўхта!.. Оғирроқ бўл, оғайни. Бу шеърни мен ҳам ёддан биладан. Лекин китоб бошқа, ҳаёт бошқа. Тақдирни яратиш фақат ўзимизга боғлиқ эмас.

К ў к л а м. Ота-оналарга ҳам боғлиқ, буни аниқ биладан. (Олқишга маъноли қариб олгач, қўшиб қўяди.) Дўстларга ҳам боғлиқ.

О л қ и ш. Лекин, асосийси, кишининг ўзига боғлиқ. Ҳаракат қилиш керак, ҳаракат! Юксак орзуларни, катта ниятларни кўзлаш керак...

К ў к л а м. Булар учунам шароит, имконият керак-да.

Х о л б о й. Тўғри. Ҳар ким ўз кўрпасига қараб оёқ узатсин. Беҳуда уринишдан фойда йўқ. Мен кўзим етган нарсани орзу қиламан. Хомхаёлларга тобим йўқ.

О л қ и ш. Лекин, афсуски, баъзилар ўз имкониятини тўғри баҳолай олмайди, ўзиниям яхши билмайди.

Х о л б о й. Ўзимни сендан кўра яхшироқ билсам керак.

О л қ и ш. Балки... Холбой, оғайни, сен мени тушунгин. Сен физика факультетига кириб ўқишинг керак. Сендан катта физик чиқиши турган гап. Ахир, физикани севасан, яхши биласан.

К ў к л а м. Тўғри.

Х о л б о й. Яна беш йил ўқиб юриш учун менда шароит йўқ. Аслида саккизни битирибоқ ишга кириб кетаверишим керак эди. Яхшиямки, мактабимизда шоферликка ҳам ўқитишди, правалик бўлиб қолдик. Эртадан бошлаб уйсозлик комбинатида ишламоқчиман. Машина ҳайдайман. Пул тўплайман, қурилиш материаллари йиғаман. Дўстларни ҳашарга чақириб, ўзимга алоҳида уй қуриб оламан.

К ў к л а м. Шуми орзуинг, Холбой?

О л қ и ш. Уйланиш учунми?

Х о л б о й. Яшаш учун ҳам, уйланиш учун ҳам. Биласан, мен оилада тўнғич ўғилман, етита укам, иккита синглим бор. Мен энди ўз аравамни ўзим тортишим, ота-онамга юк бўлмаслигим керак. Кўп болали оилада дунёга келишининг, айниқса тўнғич ўғил бўлишининг мана шунақа ташвишлари ҳам бор. Лекин қувончи ҳам кўп. Мабодо биримиз оғриб қолсак, бошқаларимиз парвона бўламиз. Буни сен ҳам, Кўклам ҳам тасаввур қилолмайсанлар, чунки оилада ёлғиз фарзандсанлар.

К ў к л а м. Сингилларим, укаларим бўлишини истардим...

О л қ и ш. Демак, ҳозирдан бошлаб уйланиш ташвиши экан-да, Холбой?

Х о л б о й. Ҳа. Сенинг эса йўригинг бошқа. Уй-жойинг тахт, бадавлат даданг бор... Мен ўз келажакимни ўйлашим керак.

О л қ и ш. Лекин узоқни кўзлаш ҳам керак. Холбой. Сенга дўстона маслаҳатим шу, оғайни.

Х о л б о й. Ўқиш сенга ярашади. Мен...

О л қ и ш. Демак, ҳозирги ҳузурни кўзлайсан, келажак билан эса ишинг йўқ.

К ў к л а м. Шунақами?

Х о л б о й. Нега энди? Ўзимга яраша меним орзу-умидларим бор, лекин булар Олқишникидан фарқ қилади. Мен «отец-молодец» бўлмоқчиман, яъни камиди ўн фарзанднинг отаси! (Ҳазилга буриб.) Олқиш, сен генерал бўласан, мен сенга солдат кадрлар етиштириб бераман. Биласанми, олимлар ҳисоблаб кўришибди, ўзбеклар ўттиз йилдан кейин ўттиз миллион бўларкан. Мен бунга муносиб ҳисса қўшаман. Ахир, мен ҳам ота ўғлиман-да, болажонли.

О л қ и ш. Буям керак. Бир социолог олим бундай деган экан: «Келажакка икки томонлама ҳам инсоний, ҳам маънавий ҳозирлик кўра бориш керак. Серфарзандлик, болажонлилик халқнинг жисмонан абадийлигига замин бўлса, маданиятни ривожлантира бориш, ҳар томонлама жаҳон тараққиёти билан қадам ташлаш эса халқнинг маънавий мангулигига омилдир». Қара, қандай зўр гап-а!

Холбой. Бўлди ташвиқотни қўй. Бари бир мени аҳдидан қай-
тара олмайсан...

Кўклам. Мажлисга кечикмайлик.

Олқиш. Мен ҳозир отланаман... Айтгандай, ҳали уйимизга меҳ-
мон келаркан, бундай турса бўлмас. (*Машинкани кўтариб уйга киради.*)

Холбой ва Кўклам чизимчалардаги кирларни йиғиштиришади.
Олқиш уйдан гул солинган гулдон кўтариб чиқади.

Холбой. Вей, Олқиш, шуларнинг ҳаммасини ўзинг ювдингми-а?
Олқиш. Бўлмаса, ким юварди. (*Гулдонни столга қўяди.*)

Холбой (*ўсмоқчилаб*). Кўклам ёрдам бермапти-да? Ахир у ён
қўшнинг-ку!

Олқиш. Бўям бўлиб қолар. (*Холбой ва Кўклам йиғиштирган
кирларни кўтариб уйга кириб кетади.*)

Холбой (*бир оздан кейин*). Менга қара, Кўклам. Намунча
Олқишга суйкалмасанг? Қачон қарасам шу ердасан.

Кўклам. Мен билан ишинг бўлмасин.

Холбой. Ишим бўлади! Чунки мен сени... Шуни яхши билиб
қўйки, Олқиш баланд дорда юради, «бурч» деган баландпарвоз гапга
ҳамма нарсаниям қурбон қилиб юборади.

Кўклам. Орқасидан гапирма!

Холбой. Бари бир Олқиш сени севмайди. Агар севса, сени таш-
лаб узоққа боришни ўйламасди.

Кўклам. Мен хоҳласам, шу ерда қолади.

Холбой. Бўпти, келишдик: Олқиш қолса уникисан, бўлмаса
меникисан.

Кўклам. Юрак ишига шарт қўйиб бўларканми... (*Стулга ўти-
ради.*)

Холбой (*ўйланиб тургач*). Гап тамом!

Оқ костюм кийган Олқиш уйдан чиқади.

Олқиш. Мен тайёр.

Холбой. У-ў, костюм муборак!

Олқиш. Қуллуқ. Мактабни битиришимга дадам совға қилдилар.

Холбой. Зап даданг борлар-да!

Олқиш. Қани, кетдик, дўстлар. (*Портфелни қўлига олади.*)

Кўклам стулда ўтираверади.

Холбой. Мен секин бораверман. Етиб оларсанлар. (*Чиқади.*)

Олқиш. Тинчликми?.. Еки бошинг оғриб қолдими? (*Меҳр билан
Кўкламнинг пешонасини ушлайди.*) Йўқ, иситманг йўқ... Ҳа, Холбой...
Ўзим ҳам анчадан буён сезиб юрибман. Сенга бирор нима дедими?

Кўклам. Сен ҳамма нарсани бурчга қурбон қилиб юборар
эмишсан.

Олқиш. Ўзинг нима дединг?

Кўклам. Мен, Олқиш шу ерда қолади, дедим. Қоласан-а?..

Олқиш. Мени тушунсанг-чи, ахир!

Кўклам. Истамайман! Қизлар ҳам айтишувди-я. Сенга шон-
шуҳрат бўлса бас. Мен билан сира ишинг йўқ. Мени ҳеч ўйламайсан.
Мени...

Олқиш. Сени доимо ўйлайман. Лекин ҳарбий учувчи бўлиш аҳ-
дидан қайтмайман.

Кўклам (*жон куйдириб*). Учувчилик қалтис иш.

Олқиш. Чўчиш йўқ... Тўхта, умуман, бугун сен хафарақ кўрина-
сан-а?

Кўклам. Ойим аттестат олиб келишимни уйда кутиб ўтириб-
дилар.

Олқиш. Кутадилар-да. Бугун ота-оналаримиз учун ҳам байрам.

Кўклам (*хўрсиниб*). Бугун ҳамманикида байрам бўлар. Лекин
бизникида... Мен учун... мусибат бўлиши мумкин. Ҳаммасидан хаба-

ринг бор-кү. Ойим дадам билан ажрашмоқчилар. Аттестат олиб келишимни кутиб ўтирибдилар.

О л қ и ш. Қизиқ. Аттестатнинг ажралишга нима алоқаси бор экан?

К ў к л а м. Аттестат олсам, вояга етган ҳисобланар эканман. «Даданнинг пианисталиги жонимга тегиб кетди. Ортиқ тоқатим қолмади. Аттестат олиб келган кунинг судга бориб яна учрашаман», деганларда, ойим.

О л қ и ш. Даданг ичкиликни ташласалар...

К ў к л а м. Айтган билан бўлмас экан-да. Даданг ҳам неча марта айтганлар.

О л қ и ш. Бўлди, бугун бу гапларни қўя турайлик. Ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Қани юр, кетдик. (Чиқадилар.)

Чироқ ўчади. Музыка.

Чироқ ёнганда Саримсоқ ва ҳарбий форма кийган капитан Урхонни ясағлик стол атрофида суҳбатлашиб ўтирган ҳолда кўрамир. Чекадаги стул устига янги тўн ташлаб қўйилган.

С а р и м с о қ. (Урхонга пиёлада чой узатади). Бу бошимиз нималарни кўрмади дейсиз, иним Урхонбек. Эл кездик, кўрмаган шахримиз, учратмаган элатимиз қолмади ҳисоб. Яқинда БАМ томонларда бўлиб қайтдик. Қасбимиз тақозоси билан ярим умримиз сафарда ўтади. Хўш, қисқаси, иш билан бўлиб кетиб, ёшимиз қирққа яқинлашганда уйландик. Раҳматли рафиқамиз... исмлари Барчиной эди... биздан йигирма ёш кичик эдилар, лекин жуда тотув яшадик... (Бир хўрсиниб олади). Тақдир экан, Барчиной бундан бир йилча аввал бевақт оламдан ўтдилар, ўттиз саккиз ёшларида, тўлроқ пайтида, туғуруқхонада жон бердилар, гўдак ҳам нобуд бўлди, қиз экан. Э, воҳ, бу фожиага Барчинойнинг ўзлари сабабчи бўлдилар. Уларга туғиш мумкин эмасди-да. Бўлмаса, ўғлимиз Олқиш дунёга келгандаёқ врачлар: «Сизга бошқа фарзанд кўриш мумкинмас, ҳаётингиз учун хавфли», деб рафиқамизни огоҳлантиришганди. Лекин меҳрибонимиз бизга бўла фарзандимиз жуфт бўлсин дедилар-у, ҳалок бўлиб кетдилар... Шундан бери ёлғиз ўғлимиз Олқишга суяниб қолдик. У бўлса, ҳарбий учувчи бўламан, космонавт бўламан, деб юрибди.

У р х о н. (пиёлани қайтаради). Қариндош-уруғлардан борми?

С а р и м с о қ. Серуруғмиз. Лекин орадан оқибат кўтарилди. Муҳтарама рафиқамиз вафотларидан кейин, фақат Қувонч деган ошпаз укамиздан бошқа барча қариндошлар билан юз кўрмас бўлиб кетдик.

У р х о н. Нечун?

С а р и м с о қ. Бир жонажон улфатимиз деб-да. Бирам дилкаш, бирам билимдон, бирам тадбиркорки, асти қўяверасиз.

У р х о н. Ким у?

С а р и м с о қ. Туйғун Турсунов! Юрист-консулт. Ҳамманинг ҳожатини чиқариб юради. Шаҳримизда жуда таниқли одам. Балки сизам уни танирсиз?

У р х о н. Танайман.

С а р и м с о қ. Ҳа, сиз кўп йиллар шахримизда бўлмагансиз-да... Туйғунбой нариги маҳаллада туради, илгари бир-икки кўзимиз тушганди. Муҳтарама рафиқамиз вафот этган кун Туйғунбой бирдан яқин олиб, биздек мотамсародан кўнгил сўради. Мозорбошидан қайтгач, ўттиз йиллик, қирқ йиллик қадрдонларимиз, ҳатто укамиз Қувонч ҳам уй-уйига тарқалди-ю, лекин Туйғунбой ёнимизда қолди. Барча маъракаларда ёнимизда турди. Шу-шу Туйғунбой билан улфатмиз. Кунда, кунора мулоқотдамиз. Бугун оқшом ҳам келиши керак. Келгани яхшида. Бизни юпатиб ўтиради. Бир дақиқа бўлсаям, қайғумиз унутилади.

У р х о н. Кечирасиз, Саримсоқ ака, мен бу ердан чиқиб яна бошқа жойга боришим керак. Энди муддаога ўтсангиз?

С а р и м с о қ. Муддао шуки, ука, Олқиш ҳарбий ўқишга лаёқат-

сиз, деб топилса, яъни ўғлимиз номига военкоматдан учувчилар билим юртига берилган тавсиянома бекор қилинса. Ундан кейин ўғлимизнинг ҳарбий хизматга доир делоси делоларнинг остига тушиб кетса, лоақал бир йилгача юзага чиқмай турса? Доймо хизматда, дуода бўламиз. Ахир, ойликка қараган одамсиз... (*Чўнтагидан кичкина қутича олиб, столга қўяди*).

Урхон. Нима?! Мени ким деб ўйлаяпсиз? (*Урнидан туриб кетади.*)

Саримсоқ (*тутилиб*). Сиз... капитансиз... (*Қутичани тезда чўнтагига солади*).

Урхон. Қани, менга айтинг-чи, бу қилиқ кимдан чиқди?!

Саримсоқ. Кечирасиз. (*Чеккадаги стул устида турган тўнни кияди.*) Этим увишгандай бўлди.

Тўн Саримсоққа калта ва тор. Урхон ҳам буни яққол сезиб туради. Лекин Саримсоқ ўзини билмаганликка солади — гўё бу тўнни кўпдан бери кийиб келаётгандек тутати ўзини.

Урхон. Э, содда экансиз, Саримсоқ ака. Бировнинг гапига лаққа тушманг-да, оқибати ёмон бўлиши мумкин. Тўнни ечиб қўйинг... Саримсоқ ака, мен ўғлингизни танийман. Мерганлик мусобақаларида бирга қатнашганмиз. У ҳарбий ишга жуда лаёқатли. Соғлом, жисмонан бақувват, эпчил, жасур, билими пухта. Ундан яхши ҳарбий мутахассис чиқади. Ватанимиз учун пахтакор ёки олим қанчалик зарур бўлса, ҳарбий мутахассислар ҳам шунчалик зарур.

Саримсоқ (*тўнни ечиб, стулга ташлайди*). Ҳозир тинчлик замони-ку, иним. Илму фан, маданият ривожланса бўлди-да.

Урхон. Ҳарбий мутахассис — халқнинг ҳарбий руҳи демак. Халқ учун ундаги меҳнаткашлик, маданийлик каби фазилатлар қаторида ҳарбий руҳ ҳам керак. Чунки ер юзида ҳали баъзи урушқоқ тўдалар бор, уруш хавфи бутунлай йўқолган эмас... Саримсоқ ака, Олқишни йўлдан уриб нима қиласиз?! Қўйинг, бораверсин.

Саримсоқ. Раҳматли онаси ҳаёт бўлганларида бошқа гап эди. Ўғлимиз — суянчиғимиз. Биз учун ёлғиз қолишлик — ўлим, бизни тушунинг, иним Урхонбек. Агар бу ҳовлида ёлғиз қолсакми?..

Саримсоқ кўзини юмади. Чироқ ўчади, кейин саҳна ғира-шира ёришади. Саримсоқ ҳовлида ёлғиз. Барчин пайдо бўлади, эгнида оқ кўйлак, оёғида баланд пошна туфли, қўлида оқ сумка, уни кўриб Саримсоқ чўчиб тушади.

Саримсоқ. Барчиной!!

Барчиной. Ҳа, мен. Нима, мени бу кийимда танитай қолдингизми?.. Мен тайёр, қани кетдик театрга!

Саримсоқ. Йўқ, йўқ, сиз вафот этгансиз, сиз билан энди ҳеч қачон театрга боролмаймиз. Мени тинч қўйинг.

Барчин. Ўзингиз мени йўқладингиз-ку!

Саримсоқ. Сизни унута олмаймиз-да, ойиси. Ёлғиз қолдикми, фақат сизни ўйлаймиз.

Барчин. Ўғлимизни ҳам ўйланг.

Саримсоқ. Албатта... (*Кўзини юмади.*)

Чироқ ўчади, кейин саҳна ёруғлашади.

Саримсоқ ва Урхонни бояги ҳолатда кўраемиз.

Саримсоқ. Уйда ёлғиз қолдикми, аҳвол шу: Барчиной кўзимизга кўриनावерадилар. Шунинг учун ҳам ёлғиз қолишдан юрагимиз безиллайди.

Урхон. Бўлмаса, уйланинг-қўйинг. Ахир, аёлсиз уй-уй эмас-ку! (*Кетишга отланади.*)

Саримсоқ. Кўнчилик шундай деяпти. Улфатимиз ҳам аллақачон бир жувонни бизга тавсия қилган. Лекин... ўйлаб кўриш керак... Тўхтап, иним, энди аризамиз натижаси нима бўлади?

Урхон. Менимча, аризангиз оқибатсиз қолади.

Саримсоқ. Нима, учувчилар билим юртига бориш мажбурийми?

Урхон. Уқиш ихтиёрий. Лекин ҳарбий хизматни ўташ мажбурий. Менга қолса, Олқиш учувчилар билим юртида ўқиши керак.

Шу пайт Аёз билан Сунбуланинг бақириқ-чақириғи эшитилади. Саримсоқ билан Урхон жим қолади.

Аёзнинг овози. Ҳой, падарлаънати, нега совғамни олмайсан?! Ол дейман сенга! Ол!!

Сунбуланинг овози. Олмайман дедим, олмайман! Ичмай келинг, шунинг ўзи менга катта совга!

Аёзнинг овози. Топганм шу! Ол!! Ол!!!

Сунбуланинг овози. Войдод, войдод, пиянистанинг дастидан дод!!

Атлас кўйлагининг кўкрак қисми йиртилган Сунбула дарвозани шахт очиб, оёқяланг югуриб ҳовлига киради. Остонада Аёз кўринади.

Сунбула (югуриб келаётиб). Илоё, нчган ичкилигинг билан кўшмозор бўл!!

Аёз (остонада). Тўхта дейман, тўхта!!

Сунбула Саримсоқни кўриб, шартта тўхтайти, чуқур нафас олади, Аёз эса орқасига тезда қайтиб кетади.

Саримсоқ. Ҳой, қизларинг бўй етганда уятмасми?! Меҳмоннинг олдида уятга қўйдинлар-ку! Қачон одам бўласанлар!! Қачон сенларга ақл киради? Уяг! Уят! (Урхонга.) Ҳар кун шу аҳвол. Эрхотин донмо ит-мушук, жанжаллашгани жанжаллашган. Айтган билан бўлмас экан. Биз ҳам, бошқалар ҳам кўп орага тушиб кўрдик, лекин натижа чиқмаяпти. Қайтанга дилимиз оғригани қоляпти. (Сунбула томон юриди). Ҳеч тинчимадинглар-тинчимадинглар-да. (Кўкрагига кўзи тушиб, четга қарайди.) Бундай турма-э!

Сунбула кўйлагининг йиртилганини сезади, кўрагини енги билан яширади, дарвоза томон бир неча қадам юради, бирданига эри мастлиги эсига тушиб, шахтдан қайтади ва чап томондаги уйга кириб кетади.

Урхон. Қизиқ...

Саримсоқ. Ажабланманг, иним Урхонбек. Сунбула илгаритдан оиламизнинг қадрони. Эри билан ҳеч муросаси тўғри келмаяпти, лекин ўзи яхши аёл. Одамгарчиликни билади. Бошимизга мусибат тушганда, кунимизга шу яради. Рафиқамизниг барча маъракаларида бош-қош бўлиб турди...

Урхон. Мен сизга тушуниб турибман, Саримсоқ ака. Лекин сиз ҳам мени тўғри тушунинг. Мен бекорга жон куйдираётганим йўқ: учувчилар билим юртига унча-мунча йиғит тавсия қилинмайди. Конкурс катта. Олқиш эса ана шу конкурсдан ўтолган. Тўғри, у сизнинг ўглингиз, лекин айни пайтда эл-юрт ўғлони у. Буни унутмайлик. Бу асосийси... (Бир хўрсиниб қўяди.) Қолаверса, мен ўзим етолмаган орзуга бошқалар етсин дейман, шунга интиламан: Хайр. (Кетади.)

Саримсоқ. (орқасидан). Хуш кўрдик. (Ўзича) Худо бизни бир асради-я...

Сунбула Барчиннинг оқ кремплин кўйлагига уйдан зинага чиқади, оёғига уй туфлиси, ўз кўйлагини эса билагига ташлаб олган, зинада туриб нинга ип ўтқазади. Саримсоқ Сунбулага ялт этиб қарайди: ундан кўз узолмайди.

Сунбула. Анавн киши ким? Нимага кепти?

Саримсоқ. Ё тавба, шу туришда раҳматли кеннойингни худди ўзисан-а!

Сунбула (ўнғайсизланиб). Шуниси юзaroқда экан. Кўйлагимни ямаб олгунча кийиб турайн.

Саримсоқ. Қиявер. Сен қувонсанг, раҳматли кеннойингнинг руҳи шод бўлади. Жуда қадрдон дугоналар эдингиз. Бир хилда кийиниб кўчага чиққанларингизда кўрган одам сизларни Фотимаю Зухро деярди.

Сунбула. Ҳа, дугонаминг умри қисқа экан.

Саримсоқ. Бояқиш бу кўйлакни бир-икки кийган эди, холос.

Сунбула. Уринтирмайман. Кўйлагимни ямаб олай, ечиб қўяман.
Саримсоқ. Киявер. Сенга жуда ярашибди. Одамга либос-да,
ёшариб кетибсан, Сунбула.

Сунбула. Энди ўттиз олтига чиқдим-да... Бугун туғилган куним.

Саримсоқ. Ия, ия, шунақа дегин! Табриклаймиз! (*Гулдондаги гулдан олиб Сунбулага беради.*)

Сунбула. Раҳмат.

Саримсоқ. Ҳозир кўрган одам сени ўттизда ҳам демайди. Ҳатто Аёз ҳам танимай қолади.

Сунбула. Қўйинг. Ушандан гапирманг. Бугун ҳам ғирт маст. Оёқда туролмайди.

Саримсоқ. Совғасини ола қолмайсанми?

Сунбула. Ичмасин.

Саримсоқ. Лекин уни эшитсак: у ҳақ, сенга қулоқ солсак, сен ҳақсан. Шу кетишларинг бўлса, охири нима бўлади?

Сунбула. Нима бўларди, ажрим бўлади.

Саримсоқ. Калта ўйлама! Кўз очиб кўрганинг билан қўша қариб юр.

Сунбула. Кўзим етмайди.

Саримсоқ. Уйлаб гапир.

Сунбула. Кўп ўйладим. Бўлмайди. Бугун учинчи марта судга ариза бериб келдим. Суддагилар ҳам: «Сизларни ҳеч мурасага келтириб бўлмаяпти. Энди ажрим қилиб юборишдан бошқа чорамиз қолмади, шекилли», дейишди.

Саримсоқ. Ахир, ўрталарингда фарзанд бор.

Сунбула. Қизим балоғатга етди.

Саримсоқ. Ҳа, сенга оғир.

Сунбула. Фақат шу ерда жоним беҳадик бўлади. Бошқа қўшни-никига кирсам, кетимдан қувлаб бостириб киради. Фақат сиздан ҳайиқади.

Саримсоқ. Майли, шу ерда бўла қол, қизинг мактабдан келгач, чиқарсан. Аёз шу баттоллигига қизига ҳеч озор бермайди. Яхши.

Сунбула. Жонидан ҳам ортиқ кўради қизини.

Саримсоқ. Фарзанди-да! Биз ҳам Олқишни жонимиздан ортиқ кўраимиз.

Сунбула. Сиз бошқа. Афсус...

Саримсоқ. Бугун оқшом меҳмон келади...

Сунбула. Туйғун амакими?.. У ҳеч уйда ҳам овқатланадими ўзи?

Саримсоқ. Укамиз Қувонч ҳам келади. Бугун Олқиш етуклик аттестати оладиган кун! Буниям, сенинг туғилган кунингни ҳам бир йўла нишонлаймиз... Командировка ҳисоботига оид озгина ёзув-чизувимиз қолган эди. (*Уйга киради.*)

Сунбула (*стулга ўтириб, кўйлагини тика бошлайди*). Эр деган мана шундай бўлса! Сўзини ўтказса, чўрткесар бўлса. Уй-жойига қараса, рўзгорни бут қилиб қўйса, ўзи хуфиёна ичмай, вақти-вақти билан меҳмон чақириб турса, хотинини мана бундай кийинтириб, меҳмондорчиликларга олиб борса... Ёши ўтган бўлсаям, ҳали тетик, бақувват. Пияниста эримдан ёш кўринади-я!

Аттестат кўтариб Олқиш киради. Сунбулани онаси кийимида кўриб, қотиб қолади.

Олқиш (*сукутдан сўнг*). Сизмисиз. Сунбула опа? Ойимни кўйлагини нега киясиз?

Сунбула. Ҳа, мен, Олқишжон. Кўйлагимни ямаб олгунча кийишга мажбур бўлдим-да. Бу ҳам бўлса амакиннинг қилмиши. Кўк-лам қани?

Олқиш. Бувисига аттестатини кўрсатгани кетди. (*Қўлидаги аттестатни столга қўяди.*)

Сунбула. Ҳа, айтмоқчи, аттестатингни кўрсам майлими?

Олқиш. Марҳамат.

Сунбула (*аттестатни қўлига олиб, кўради*). Вой-бў ҳаммаси беш-ку! Мактабни олтин медаль билан тугатибсан. Табриклайман!

Олқиш. Раҳмат.

Сунбула. Медалинг қани?

Олқиш. Мана. (*Чўнтагидан қутича олиб, Сунбулага бериди.*)

Сунбула (*қутичани очиб, медални олади*). Олтин медаль. Муборак бўлсин. (*Медални қутига солиб, столга қўяди.*)

Олқиш (*тўсатдан*). Ҳамма айб сизда!

Сунбула. Нима?

Олқиш. Аёз акада айб йўқ.

Сунбула. Ичадиган у бўлса, тўполон қиладиган ҳам у бўлса, нима учун айб менда бўлар экан, оповси?

Олқиш. Аёз аканинг агрономлигини била туриб унга турмушга чиққансиз.... Шундайми?

Сунбула. Ҳа, шундай. Ўн саккизда эдим.

Олқиш. Тўйдан кейин қишлоққа бормайман, деб оёқ тираб олгансиз. Аёз ака эса шаҳарда касби бўйича иш тополмай пивочи бўлиб кетган. Сиз эрингизнинг йўлига тўғаноқ бўлгансиз.

Сунбула. Нима, қишлоқда менга пишириб қўйибдими?!

Олқиш. Қишлоқда ҳам яшайдилар-ку!

Сунбула. Қишлоқда қишлоқилар яшайди. Мендек шаҳарликка нима бор?

Олқиш. Бу гапингиз маҳаллийчилик, Сунбула опа. Маҳаллийчилик миллатчиликдан ҳам ёмон. Бири феодализм қолдиги, иккинчиси капитализм иллоти. Бу эскилик сарқитлари бизлар учун ёт бўлиши керак. Ахир, космос асрида яшаяпмиз, коммунизм томон боряпмиз. Асримиз дўстлик асри ҳам... Мен шундай дегим келади, шундай бўлишини истайман. Ҳозир одамга қарда, қайси оилада туғилганига, қайси жойда яшаётганига қараб баҳо бериб бўлмайди, бунинг учун айбдор ҳам эмас, ҳар бир одамнинг феълига, қилган ишига қараб баҳо бериш керак. Эй, Сунбула опа-ей, сиз турмушдан орқада қоляпсиз. Сизни шаҳарлик деб ҳам, қишлоқи деб ҳам бўлмайди. Касб-корингиз йўқ.

Сунбула. Касб-кор дейсан? Ахир, ўн йиллик маълумотим бор.

Олқиш. Бу йигирма йиллик гап.

Сунбула. Етуклик аттестати олганимга бугун ўн саккиз йил тўлди.

Олқиш (*кулиб юборади*). Бари бир эмасми. Сиз бўлсангиз, берсанг ейман, урсанг ўламан деб ўтирибсиз.

Аёз (*девор тепасидан қараб, чапак чалиб*). Яшшавор, ота ўғли!

Олқиш ва Сунбула девор томонга ялт этиб қарашади, Аёз кўксига уриб, Олқишга куллук қилади, миннатдорчилик билдиради.

Олқиш. Гап пойлаш йигит кишининг иши эмас, Аёз ака.

Аёз. Фойдали гапни тинглаш айб эмас, ука. (*Кўздан ғойиб бўлиди.*)

Сунбула. Ўлгудай кунчи-да, шунинг учун гап пойлаган. Шу пайтгача фақат дадангдан рашк қилмасди. Мана энди...

Олқиш. Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди. Мана, оймнинг қўйлагини кийиб олибсиз.

Сунбула. Кийишга мажбур бўлдим-да. Ҳозир ечиб қўяман. Мана, ўзимники бут-бутун бўлди.

Олқиш (*киноя билан*). Кияверинг. Балки менга ойи бўлиб қоларсиз.

Сунбула. Маҳмадона!

Олқиш. Яхшиси, ишга киринг.

Сунбула. Юзимга солмаган бир сен қолган эдинг. (*Тез-тез юриб ўнг томондаги уйга кириб кетади*).

Саримсоқ чап томондаги уйдан чиқади.

Олқиш. Ассалому алайкум, дада.

С а р и м с о қ. Ваалайкум ассалом. (Стол томон келади.) Аттестатингни беришдими, ўғлим?

О л қ и ш. Беришди. Мана, кўринг. (Аттестат ва олтин медални дадасига тутқасади.)

С а р и м с о қ. Баракалла, ўғлим, баракалла! У-хў, ҳаммаси бешку! (Аттестат ва медални кўздан кечиради.) Офарин, офарин. Қутлуг бўлсин. (Медалдаги ёзувни ўқийди.) «Аъло ютуқлари ва намунали хулқи учун... Ўзбекистон ССР...». Яша, ўғлим! (Ўғлининг елкасига қоқиб қўяди.)

О л қ и ш. Сизга ҳам раҳмат, дада. Сиз яхши ўқишим учун шаронт яратиб бердингиз. Ҳаммаси сиз туфайли.

С а р и м с о қ. Бу бизнинг оталик бурчимиз. Аввало сенга билим берган устозларингга раҳмат. Биз сендан жуда хурсандмиз, ўғлим. Кўнглимиз тоғдай ўсди. Ўғлим, бир оз кечикдингми?

О л қ и ш. Э-э, дада... Катта кўчада бахтсиз ҳодиса юз берди. Қўшнимиз Зумрад опанинг биринчи синфга борадиган қизи нариги маҳалладаги яслидан укасини олиб келаётган экан, йўл ҳаракати қондасини бузибди шекилли, машина уриб кетибди, устидан чиқиб қолдим.

С а р и м с о қ. Бола омонми?

О л қ и ш. Омон, чап қўли синган. Боши сал шнкастланган. Тезда ўша машинага солиб, касалхонага олиб бордик. Кейин Зумрад опанинг ишхонасига бориб, унга хабар бердим.

С а р и м с о қ. Жони саломат қолибди, бола нарса, суяги тез битиб кетади.

О л қ и ш. Дада, нега энди шундай катта маҳалламизда ясли, боғча йўғ-а? Қиш изғиринида, баҳор ёмғиринида, ёз жазирамасида, куз бўронида, қанча ота-оналар гўдақларини кўтариб нариги маҳаллалардаги ясли, боғчаларга обориб-обкелишади.

С а р и м с о қ. Ҳа, уларни кўрганимизда бизнинг ҳам жонимиз ачийди. Бир пайтлар маҳалламизда мактаб ҳам йўқ эди. Бор мактаб узоқлик қилгани учун сени етти ёшингда ўқишга беролмаганмиз. Бир йил кечикиб мактабга боргансан. Лекин ойинг раҳматли сени уйда ўзи ўқитиб, хат-саводингни чиқариб қўйгандилар.

О л қ и ш. Ҳаммаси эсимда, дада. Лекин бари бир мени иккинчи синфга қабул қилишмай, биринчи синфга олишган. Шунинг учун мактабни бир йил кеч битирдим-а.

С а р и м с о қ. Мана энди маҳалламизда мактаб бор. Ясли ҳам қурилиб қолар, Генпланда бор экан-ку.

О л қ и ш. Дада, бутун маҳалла ҳашар қилиб ясли қурса-чи? Ўзингиз бош-қош бўлсангиз. Ахир, одамлар ўз китобларини кутубхоналарга беришмоқда, ўз уйларида кутубхона очишмоқда. Ҳашар йўли билан Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган жангчилар хотирасига ҳайкал ўрнатишмоқда. Дада, ахир ўзингиз шундай одамларни менга мақтайсиз-ку!

Унг томондаги уйдан ўз кўйлагида Сунбула чиқади.

С а р и м с о қ. Ҳозир ўз ташвишимиз бошимиздан ошиб ётибди. Улфатимизга айтамыз, маҳалла аҳли номидан ариза уюштиради. Ясли давлат томонидан қурилади. (Сунбулага кўзи тушгач.) Ўғлим, Кўклам ҳам сен билан бирга эдимиз?

С у н б у л а (Олқиш учун живоб беради.) Қизим аттестатини олибди-ю, кўрсатиб севинчи олгани бувисиникига кетибди.

С а р и м с о қ. Бола-да. Майли, бувиси ҳам севинсинлар... Ўғлим, сергўшт қилиб бир палов дамласанг. Аттестат, олтин медални ювамиз — ҳали замон меҳмонлар ҳам келиб қолишади.

С у н б у л а. Бўлмаса, мен қарашворай. (Учоқбоши томон кетади.)

О л қ и ш. Дада, биз индинга ўқишга жўнаб кетадиган бўлдик.

С а р и м с о қ (сукутдан сўнг). Бор, қозонга олов ёқ.

О л қ и ш. Хўп... Аввал кийимимни алмаштириб олай. (Унг томонга кириб кетади.)

Саримсоқ (*ўзича*). Еки аттестатни бекитиб қўйсакмикин? Йўқ, бу иш бизга муносиб эмас. Энди нима қилдик-а?..

Чироқ ўчади. Музика. Чироқ ёнади. Стол атрофида Олқиш, Саримсоқ, Қувонч ва Туйғун. Саримсоқ ва Қувонч қўл артишмоқда. Туйғун палов емоқда. Алоҳида турган стулга янги тўн ташлаб қўйилган.

Олқиш. Мен чой дамлаб келай. (*Учоқбоши томон кетади.*)

Қувонч (*кекиради*). Паловдан кўпроқ еб юбордим, шекилли.

Саримсоқ. Ош бўлсин, ука.

Қувонч. Ака, Сунбула пазандаликда менданам ўтар экан. Паловни боплабди. Ака, нега Сунбула бизлар билан ўтирмади?

Туйғун (*Саримсоқ учун жавоб беради*). Бизлар билан ўтиришга ийманади-да. Андишали аёл.

Қувонч. Шуниси яхши... Уйига чиқиб кетдими?

Саримсоқ. Қизи келмагунча уйига кирмайди. Аёз ғирт маст. Сунбула ҳозир кўчада бўлса керак, ёки бирор қўшниникига киргандир.

Қувонч. Э аттанг. Бояқиш жуда азобда қолибди. Уни тезроқ қутқармоқ керак. Ака...

Саримсоқ (*гапни бўлиб*). Сунбулани қўятур, ҳозир...

Туйғун (*гапни бўлиб*). Биродари азиз, сиз шу йил уйланишингиз шарт. Чунки келгуси йили пенсия ёшига етасиз.

Саримсоқ. Эллик тўққизга кирдикми-а. Ёдимиздан кўтариласиз. Сиз биларкансиз.

Туйғун. Биз биламиз. Шаҳримиздаги деярли барча нуфузли кишиларнинг ўзидан тортиб, бола-чақасининг туғилган кунигача биламиз.

Қувонч. Бу сизга ҳунар-да.

Саримсоқ. Лекин биз ҳали тетикмиз, куч-қувватимиз жойида. Яна ўн-ўн беш йил бемалол ишлаб беришимиз мумкин.

Қувонч. Тўғри, акам ҳали тетиклар, кўнгиллари ҳам ҳали ёш.

Туйғун. Биламан, амалда шундай. Лекин бари бир келгуси йилдан бошлаб қоғозда пенсионер ҳисобланасиз. Менданам яхши биласизки, ҳозир қоғоздагиси ҳисоб. Пенсионер экан, деб ўзингизга жисмонан муносиби икки дунёдаям сизга теғмайди. Кунингиз қаёқдаги танглай тишли пенсионер хотинга қолиши мумкин.

Саримсоқ. Ваҳима қилманг, Туйғунбой.

Туйғун. Ваҳима қилаётганим йўқ, бўлиши мумкин гапни айтяпман. Шунни билиб қўйингки, биродари азиз, эллик тўққиз ёш билан олтмиш ёш ўртасида атиги бир йил бор-у, лекин бу бир йил оддий йиллардан эмас. Ҳозирги пайтда эллик тўққиз ёшнинг тарихий аҳамияти катта. Кўп нарсалар худди ана шу ёшда ҳал бўлади. Олтмиш йиллик юбилейнинг қандай нишонланиши, ўз ишида қолиш-қолмаслик, пенсиянинг миқдори, унвонларга тавсия ва ҳоказо ва ҳоказо...

Қувонч. Эл ичида юрасиз-да, Туйғунбой ака, ҳамма гаплардан хабардорсиз.

Туйғун. Қасбимиз шунга тақозо этади... Олтмиш йиллигини юбилей қилмоқчи бўлган эллик тўққиз ёшли кишилар ё ўзлари бизга маслаҳат соладилар, ёки ўзим уларга холис хизматимни тавсия қиламан — йўл-йўриқ кўрсатаман, отни қамчилаб қолишга ундайман. Сўзимга кирган кишилар кам бўлаётганлари йўқ. Эллик тўққиз ёшларида вақтни ғанимат билиб, тезда ўғилларини уйлантириб, қизларини чиқариб олмақдалар, ёр-дўстлари, қариндош-уруғларининг кўнглини овлаб қўймоқдалар, олтмиш йиллик юбилейларига ҳар томонлама тайёргарлик кўрмоқдалар. Ўзларида ҳам яхши томонга ўзгариш катта. Улар энди муомалада ширин сўз, ишда ташаббускор, серғайрат. Улардан ҳатто коллективлари ҳам хурсанд, ўзлари эса мендан хурсанд. Ана шунақ! Энди тушунарли бўлган бўлса керак-а, биродари азиз?

Қувонч. Ҳатто менга ҳам тушунарли. Туйғунбой ака, ёшим олтмишга яқинлашсин, ўзим олдингизга маслаҳат сўраб бораман.

Туйғун. Марҳамат. Ҳуқуқ илми билан кўмаклашишга доимо

гайёрман... Биродари азиз, сизга маслаҳатим шуки, тўйни тезлатайлик. Негаки, инсонпарварлик ҳам Сунбулани ўз ҳимоянгизга олишни тақозо этади...

С а р и м с о қ. Ахир...

Т у й ғ у н. Тўхтаб туринг, мен гапириб бўлай... Мен бу оилани яхши биламан, аллақачон унинг тагига сув кетган, яқин орада мутлақо қулайди, ажрим бўлади. Бунга имоним комил. Чунки Аёз ғирт пияниста, бедаво дардга дучор бўлган, ичмаган кунни йўқ. Сунбулахон ундан мутлақо безиб кетган, сизга эса мойил, чунки сиз ичмайсиз. Меҳрини қўшиб палов дамлашлари ҳам бежиз эмас.

Қ у в о н ч. Э, табриклайман, ака табриклайман.

С а р и м с о қ. Ҳовлиқма, ука. (Туйғунга.) Ахир...

Т у й ғ у н. Тўхтаб туринг, биродари азиз, гапимни охирига етказай. Чамаси: «Ёшларимизда фарқ бор», демоқчисиз шекилли. Йўқ-йўқ, бир-бирингизга жудаям муносибсизлар. Ўзингизни камситманг, мен — дўстингиз хафа бўламан-а...

Қ у в о н ч. Мен — укангиз ҳам.

Т у й ғ у н. Шунни билиб қўйингки, оила учун қоғоздагиси эмас, амалдагиси ҳисоб. Паспортингизда эллик тўққизда деб ёзиб қўйилган бўлсаям, лекин ўзингиз қирчиллама йигитдексиз, куч-қувватингиз жойида, тетиксиз. Бир йилдан буён бир марта иҳ деганингизни билганим йўқ, барча тишларингиз бут-бутун, соч-соқолингиз ҳам қоп-қора.

Қ у в о н ч. Палаги тоза зотданмиз-да, кўнглимиз ҳаммиша ёш.

Т у й ғ у н. Шуниси муҳим, иним, ҳа, гап ёшда эмас, саломатликда, кўнглининг ёшлигида. (Сирли қилиб, Саримсоққа.) Анави Тоштемиров бор-ку, эски дўстларингиздан, ўша ўз секретари билан...

С а р и м с о қ. Бўлди, бас. Кўнгилга қолса, не кўчаларга етакламайди дейсиз. Оталар ақл билан иш тутиб, фарзандларига ибрат бўлишлари керак.

Қ у в о н ч. Ака...

С а р и м с о қ. Ҳозир Олқиш ҳақида гаплашамиз, биз тўғримизда эмас.

Қ у в о н ч. Нима, Олқишни уйлантирмоқчимисиз?

С а р и м с о қ. Йўқ, намуноча ҳовлиқасан, ука. Олқиш анчадан бери учувчи бўламан, космонавт бўламан деб юрарди. Мана энди ўқишга жўнаб кўтмоқчи.

Т у й ғ у н. Капитан Урхонбек келиб-кетдимиз?

С а р и м с о қ (жаҳл билан). Ҳа, келиб кетди. Лекин бирор иш чиқмади. Адашибсиз, Туйғунбой. Капитан сиз ўйлаган одам эмас экан. Худо бизни бир асради.

Т у й ғ у н. Совғалар нима бўлди?

С а р и м с о қ. Соатни ўзимиз тақиб олдик. Мана. Тўн эса турибди. (Тўнга ишора қилиб қўяди.)

Қ у в о н ч. Тушунарли. Ўзингиз эплай олмагансиз. Ҳа, бу борада сираям уқувингиз йўқ.

Т у й ғ у н. Ҳа, майли. Лекин асти ғам еманг, биродари азиз. Мана, биз турибмиз. Капитан йўлимизга юрмаса, майорини топамиз. Ҳа, бу дунёда битмайдиган иш йўқ.

Қ у в о н ч. Доносиз, Туйғунбой ака, доносиз!

Т у й ғ у н. Мен айтаётган майор...

С а р и м с о қ. Йўқ, яна хижолатда қолишга тоқатимиз йўқ. Капитан Урхонбек: «Ҳарбий ўқиш ихтиёрий», деди. Демак, ҳаммаси Олқишнинг ўзига боғлиқ экан.

Т у й ғ у н. Тушунарли. Демак, Олқишга насиҳат қилишимиз, уни ниятидан қайтаришимиз керак. Кун тартиби аниқ.

Қ у в о н ч. Мен Олқишга бас келолмайман. У менга насиҳат қилиб қўяди.

Т у й ғ у н. Ахир, амакисисиз, насиҳат қилишга ҳаққингиз бор!

Қ у в о н ч. Акамнинг ўзлари гапираверсинлар.

Т у й ғ у н. Акангиз гапирсалар, ота-бола орасида гап қочиб қоли-

ши мумкин. Негаки, раҳматли кеннойингизнинг вафотларидан олдин ўзлари ҳам Олқишнинг ниятини маъқуллаган эканлар. Энди эса йўқ дейиш Саримсоқбойга ноқулай.

Олқиш чойнак кўтариб келиб, уни дадасининг олдига қўяди-да, бўшаган лаганны олиб кетмоқчи бўлади.

Қувонч. Уни қўя тур. Қани, ўтир. Жиян, мана ўнинчини ҳам тугатибсан. Уқийсанми, ишлайсанми, бари бир акамнинг ёнида бўлишинг керак. Чунки акам ёлғиз.

Олқиш. Ҳозирча ёлғизлар.

Қувонч. Сенинг йўриғинг бошқа... Хўш, қандай ниятинг бор? Айт, шунга қараб биз маслаҳат берайлик.

Тўйғун. Олқишбек учун отасидек бўлиш, Саримсоқбойдай яшаш энг юксак орзудир...

Олқиш. Дада, тўғри, сиз яхши одамсиз, лекин мен учун идеал эмассиз.

Қувонч. Бу қандай гап? Отагаям шунақа дейдими? Тавба... Психми бу...

Саримсоқ. Йўқ, ука. Олқиш очиқ гапиряпти. Дилидагини айтяпти. Шуниси яхши-да!

Қувонч. Шуям болага тарбия бўптими?

Саримсоқ. Ўзингни бос, ука. Давом эт, ўғлим.

Олқиш. Дада, ахир ўзингиз ўйлаб кўринг...

Қувонч. Уф-ф!

Олқиш. Кишилик тарихини кўз олдингизга келтиринг. Ҳар бир авлоднинг ўз идеали бўлган. Мақсад юксаклигида кейинги авлод идеали аввалгисидан баландроқ бўлган. Болалар оталаридан бир қадам бўлсаям ўзиб кетаверишган. Агар ана шу ўзиб кетишлик бўлмаса, ҳозирги тараққиётга қаёқдан эришардик. Масалан, декабристларни олайлик... Декабристлар ким, биласизларми?

Қувонч. Қулоғимга чалингандай.

Тўйғун. Декабристларни бутун дунё биледи. Ҳаммаси ҳуқуқилмини ҳам билган, ҳуқуқини талаб қилган.

Қувонч. А?

Тўйғун. Лекин ҳаммаси марҳум.

Саримсоқ. Биз ҳайкалларини кўрганмиз... Ўғлим, ўзимиз сенга декабристлар ҳақида ёзилган бир китобни совға қилган эдик, шекилли.

Олқиш. Тўғри, дада... Декабристлардан кейин народниклар. Кейин социал-демократлар. Кейин большевиклар. Декабристлар билан большевикларнинг дунёқарашлари ўртасида қанча фарқ бор. Бу тараққиётми? Тараққиёт! Агар ҳар бир авлодга мансуб йигит-қиз отонасидан лоақал бир қадам илгари силжимаса, бугунги тараққиётга, бугунги турмушга етиб келолмасди. Тўғрим, дада?

Саримсоқ (фахрланиб). Гапиравер, ўғлим, гапиравер.

Қувонч. Тарихни биларкансан, тарихчи бўлмоқчисан шекилли, жиян!

Олқиш. Тарихни тарихчи бўлиш учун эмас, маданий яшаш учун ҳам билиш керак. Тарихни билмаган қаёққа кетаётганини ҳам билмайди.

Тўйғун. Қувончбой, жиянингиз партияга кирганга ўхшайди. Партия тарихини яқинда ўқиган, шунинг учун ҳаммаси эсида.

Қувонч. Халитданоқ партия аъзоси бўлолдингми, жиян! Табриклайман!

Олқиш. Ия, амаки, шуниям билмайсизми, ахир партияга ўн саккиздан қабул қилинади-ку. Ҳозир мен партиянинг резерв аъзосиман, яъни комсомолдаман.

Саримсоқ. Кун тартибидаги асосий масалага қайтинглар.

Олқиш. Дада, сиз ҳам бобомнинг касбини қилсангиз бўлмасмиди? Аравакашлик!

Саримсоқ. Замон ўзгарди-да, ўғлим, шаҳарда аравага ҳам,

аравакашга ҳам ҳожат қолмади. Биз ўзимизга муносиб касб танладик.

Т у й ғ у н. Зўр касб!

Қ у в о н ч. Мен ҳам ўзимга ҳеч ўлмайдиган касб танлаганман. Ошпазлик.

Т у й ғ у н. Ошпазлик ҳам чаккимас. Ҳозир шунга интилиш жуда кучли.

О л қ и ш. Демак, мен ҳам ўзимга муносиб касб танлашим керак.

Т у й ғ у н. Хулоса зўр бўлди-ку. Жиян, гап борасида сизга тан бериш керак. Ака-укани гаширтириб қўйиб, ўз мақсадингизга хизмат қилдирдингиз. Агар қаламингиз бўлса, сиздан келгусида яхшигина публицист чиқади.

О л қ и ш. Оғизда эмас, ҳаётда публицист бўлиш керак.

Қ у в о н ч. Жиян, менимча, ҳеч ўлмайдиган икки касб бор. Бири ошпазлик, иккинчиси магазинчилик. Шу икки касбдан бирини танла-санг, доимо пичогинг мой устида бўлади. Мана, ўзимдан қиёс. Оддий-гина ошпазман. Кам бўлаётганим йўқ. Топишим унча-мунча одамни-кидан қолишмайди.

О л қ и ш. Ўзингиздан келманг, амаки.

Қ у в о н ч. Гапни бўлмай тур. Йил бўйи менинг сезоним.

О л қ и ш. Кечирасиз, амаки, мендан ошпаз чиқмайди.

Қ у в о н ч. Бўлмаса, магазинчи бўл! Магазинчиларга ҳамманинг иши тушади. Ҳеч кимнинг иши тушмайдиган касб — касб эмас.

О л қ и ш. Йўқ, магазинчилик ҳам менга тўғри келмайди.

Т у й ғ у н. Менимча, Саримсоқбой, ўғлингиз ўзимиздаги институт-лардан бирига кириб ўқисин. Даврингизда дипломли бўлиб қолсин.

С а р и м с о қ. Тўғри...

Қ у в о н ч. Бе, ўқиганлар юрт олиб беряптими ёки ошиб-тошиб яшаяптими?!

С а р и м с о қ. Хўш, дўстим, ўғлимиз қайси институтга киргани маъқул?

Т у й ғ у н. Ўғлингиз қаерга кира олса ёки сиз уни қаерга кирита олсангиз, ўшаниси энг маъқул. Хўш, шахримиздаги қайси институтда танишингиз бор?

С а р и м с о қ (*фахрланиб*). Ўғлимиз ҳар қандай ўқишга ўз кучи билан кира олади. Бунга имонимиз комил.

Қ у в о н ч. Керилманг, ака. Бу ердаги гаплардан хабарингиз йўқ-ми, дейман. Ўз кучига ишонганларнинг кўпини кўрдик. Ҳозир ўқишга кириш учун боланинг кучи, отасининг кучаниши керак.

Т у й ғ у н. Ҳақ гап шу! Хўш, жиян, сизни қайси институтга жой-лаб қўйайлик?

О л қ и ш. Бу гапларнинг нима кераги бор, дада? Ниятимни биласиз-ку, ахир! Учувчилар билим юртида ўқимоқчиман.

Т у й ғ у н. Мана, болага эрк беришнинг оқибати! Мен бундай ёшларни яхши биламан. Уларни тушуниш ва ўз вақтида тўғри йўлга бошлаш керак. Жиянимиз ёшидаги айрим йигит-қизларда кибру ҳаво, мағрурлик кучли бўлади, ўзларига ортиқча ишониб юборадилар, гўё қўлларидан ҳамма иш келадигандай. Бу мен учун янгилик эмас. Олқишдақаларнинг кўпини кўрганман. Улар ўн етти-ўн саккиз ёшларида, яъни етуклик аттестати олган кезларида ўзларини осмони фалакда сезадилар, бир пайтлари мен ўзим ҳам шундай бўлгандим. Лекин бу бир ўткинчи ҳол бўлиб, вақти-соати билан ўтиб кетар экан, кейин кишининг кўнгли жойига тушиб қоларкан. Яъни, киши абитуриентлигида еттинчи осмонда парвоз қилса, студент бўлгач, атмосферага тушиб қолади, дипломли бўлиб, иш бошлаган дастлабки кезларда ердан бир оз юқори сезади ўзини. Бора-бора оддий одамга айланади, осмонда эмас, ерда юради. Ўзингизни беҳудага уринтирманг, деймиз-да, жиян.

Қ у в о н ч. Ҳа, жиян, шуҳратга ингилма! Шуҳратпарастларнинг кўпини кўрганман. Ҳаммаси расратага қилиб қўйди, ким ошдига тўй қиламан деб.

Туйғун. Орзуга айб йўқ, иним. Лекин космонавт бўламан, деганлар сон мингта. Сизга йўл бўлсин, жиян.

Олқиш. Орзуга айб йўқ.

Туйғун. Уф-ф!.. Бу бола эмас, Луқмони ҳаким, сопини ўзидан чиқаради-я! Уз ўғлим бўлганда гап қайтаргани учун қулоқ-чаккасига тортиб-тортиб юборардим, ана ўшанда мулла минган эшакдек ювош бўлиб қоларди.

Саримсоқ. Йўқ, биродар, болани қулоқ-чаккасига тортиб-тортиб юборишдан фойда йўқ.

Туйғун. Ё тавба!

Саримсоқ. Болага тушунтириш керак.

Олқиш. Дада, сиз билан умуман, фахрланаман...

Қувонч. «Умуман» дейди-я!

Олқиш. Агар сиз қулоқ-чаккамга тушириб турганингизда борми, ўз фикримни дадил айтолмайдиган эшим қўрқоқ бўлиб қолардим. Раҳмат, дада!

Қувонч. Ҳм, мана энди тушундим: бетга чопар ўғил, унинг ёнини олувчи ота — жуда мос тушибсизлар. Туйғунбой ака, сув бошидан лойқа экан.

Туйғун. Ҳа, иним, сув аллақачон бошидан лойқалатиб қўйилган. Энди тинитиш қийин. (*Саримсоққа қараб қўйиб.*) Лекин бу бизнинг амакилик бурчимиз, вазирамиз.

Қувонч. Одатда ёлғиз фарзандлар сал эрка-тантиқ бўлади, дейишарди. Ака, энди айбга буюрмайсиз...

Олқиш. Дунёда шундай жойлар борки, амаки, оилада асосан битта фарзанд бўлади. Лекин у ерларда ҳам тараққиёт кучли.

Қувонч. Уф-ф... Бундай маҳмадона ўғил билан яшаш жоннинг азоби-ку!

Олқиш. Дада, баъзи бир оталар билан яшаш ҳам оғир.

Қувонч (*ўрнидан сапчиб туриб бақиради*). Бир гапдан қолмайди-я! Яна ўзиникини маъқуллайди-я! Ҳей, эсиз. Қани кетдик, Туйғунбой ака. (*Кетади.*)

Туйғун бир Саримсоққа, бир Олқишга қарайди, уларни зимдан кузатади.

Чироқ ўчади. Музыка. Чироқ ёнади.

Эрталаб. Олқиш ҳовлида гимнастика қилиб юрибди. Сал гандираклаб Аёз киради, кечаги кайфининг карохати ҳамон бор.

Аёз. Олқиш! Ҳой, Олқиш! Шу ердамисан?

Олқиш. Келинг, Аёз ака!

Аёз. Ишга кетаётиб, йўл усти бу ёққа бир кириб ўтай, дедим. Сенга раҳмат айтгани кирдим, ука. Кеча Сунбуланнинг роса адабини бердинг. Яша, ука! (*Олқишнинг елкасига қоқиб қўяди.*) Айбини бўйнига шундай қўйиб қўйдингки, миқ этолмай қолди. Бирам ҳузур қилдим, бирам танам яйрадики... Сунбула бу ёққа танда қўйиб қолди. Бир балоси борми дейман-ов?

Олқиш. Ичкиликни ташланг. Бўлмаса кеннойимдан айрилиб қоласиз.

Аёз. Нима, даданга тегиб олмоқчимиз у?

Олқиш. Дадам бўлмаса, бошқаси топилар. Пияниста одамни ким ҳам ёқтиради.

Аёз. Хотиндан куйганман.

Олқиш. Йўқ, айб ўзингизда.

Аёз. Хотинимда!

Сунбула (*девор тепасидан қараб*). Ҳо, нега энди менда бўлар экан?

Аёз (*ялт этиб Сунбулага қарайди*). Шуниям эшитдингми?

Сунбула. Сиз чиққан шотига мен ҳам чиқдим. (*Девордан ғойиб бўлади*).

Олқиш. Эр-хотиннинг ҳуқуқи тенг. (*Столдаги китобни варақлай бошлайди.*)

Аёз. Э-э... (*Қўл силтаб, пичирлаб қўяди.*)

Сунбула (*кириб келаётиб*). Қани ҳозир айбимни бўйнимга қўйиб беринг! Хўш, ҳам-м!

Аёз. Тилинг чиқиб қоптими?

Сунбула. Уйда бўлса, мушт кўтарасиз, мана шу ерда гапиринг.

Аёз. Сени бир марта ҳам чертмаганман ё гапим ёлғонми? Қўл кўтармасимдан айюҳаннос солиб, ўз кўйлагингни ўзинг йиртиб кўчага югурасан.

Сунбула. Ўзимни ҳимоя қиламан-да!

Аёз. Қасбимдан жудо қилган — сен!

Сунбула. Ҳо-о...

Аёз. Мен билан қишлоққа кетишинг керак эди, бахтимга зомин бўлдинг.

Сунбула. Йўқ, деганимга қарамай, мажбур қилинг эди. Эримсиз, эрдек бўлинг эди.

Аёз. Уламан саттор қишлоққа бормайман, уйимга кетаман, деб мени қўрқитган эдинг-ку!

Сунбула. Сўзингизни ўтказмайсизми, мени тўғри йўлга бошламайсизми? Йўқ, сиз ҳақиқий эр эмассиз, ландавурсиз.

Аёз. Қулоқ-чакканга тортворайми?

Сунбула. Тортиб кўринг-чи?

Аёз. Берироқ кел.

Сунбула. Урадиган одам ўзи келади.

Аёз. Урайми?

Сунбула. Сўраб урадими?

Аёз. Э, ука, буни қара, урмайдиган эр ҳам бундай хотинни уриб юборади. (*Сунбула томон юради.*)

Олқиш. Ҳай-ҳай, Аёз ака! Бари бир асосий айб сизда.

Аёз. Нимага менда бўлар экан?!

Олқиш. Кеннойимнинг оҳ-воҳига қарамай, қишлоққа кетаверингиз керак эди. Ҳалиям кеч эмас.

Аёз. Буни ташлаб-а?

Олқиш. Ҳа.

Аёз. Мен буни яхши кўрардим-да, акаси.

Сунбула. Мен ҳам сизни ёлғиз кетказармидим. Ўша пайтларда сизсиз яшаёлмасдим.

Аёз. Бўлмаса, нега йўлимни тўсгансан?

Сунбула. Нега мени олиб кетолмагансиз? Демак, айб сизда!

Аёз. Йўқ, ўзингда (*Олқишга.*) Сен айт, айб бунда-я?

Сунбула. Лекин холис бўл!

Олқиш. Холис жавоб мана бу китобда ёзилган. «Яна юксак, яна муқаддас бурч чорлайди...» Ўқинг.

Сунбула (*китобни варақлаб*). Ия, бу Некрасовнинг «Рус аёллари»-ку!.. Мактабда ўқиган эдим.

Олқиш. Ишонмайман.

Сунбула. Ўлай агар, ўқиганман. Бир аёл сургун қилинган эри орқасидан Сибиргача боради, тўғрими?

Олқиш. Тўғри, ўқибсиз-у, лекин уқмабсиз.

Аёз. Ана...

Сунбула. Улар ўтмиш аёллари, жасорат кўрсатса кўрсатибди-да.

Олқиш. Жаннатдек обод қишлоқларини ташлаб қўриқ, бўз ерларга ишга кетаётган аёлларнинг жасорати шу кун учун ўша аёллар жасоратидан кам эмас. У пайтларда ундай, ҳозир эса бундай жасорат керак. Китобни ўқиб, қаҳрамонларидан ибрат олиш ҳам керак-да, Сунбула опа!

Сунбула. Мен бундай пияниста одам билан яшаёлмайман... Жавобимни беринг.

Аёз. Бўлди, бас қил!.. Тавба, ўз уйимиз қолиб, бировнинг уйида гаплашамиз-а... (*Чиқиб кетади.*)

Сунбула (орқасидан). Пияниста одам билан ўз уйида гаплашиб бўлармиди.

Олқиш. Сунбула опа, сиз ҳадеб Аёз аканинг жиғига тегаверасиз, у эса ичиб келаверади, ким ҳақ, ким ноҳақ — билиб бўлмайди.

Сунбула чиқиб кетади. Самолёт учиб ўтгани эшитилади. Олқиш осмонни кузатади. Чироқ ўчади. Музыка. Чироқ ёнади. Олқиш ҳовлига сув сепиб, шлангни судраб ўчоқбоши томонга кетади. Аёз киради.

Аёз (сирганиб кетиб, йиқилади). Қани энди, бизнинг ҳовли ҳам сув кўрса. Эшикдан киришим биланоқ Сунбула олдимга югуриб келиб, «Ҳорманг, дадаси!» деб кутиб олса. (Ўрнидан туради.) Олқиш! Ҳой, Олқиш!..

Олқиш (келиб). Ия, Аёз ака, ҳаммаёғингиз лой, яна ичибсиз-да!

Аёз. Ичганим йўқ. Йиқилиб тушдим. Ишонмасанг, ҳидлаб кўр. (Кухлайди).

Олқиш. Бўлди, ишондим. Бир нарса олиб чиқай, артиб олинг.

Аёз. Кераги йўқ. Шошиб турибман. Энди оғизга олиш йўқ. Бир воқеа юз берди. Харидорлардан бири мендан минерал сув сўради-да, афтимга тикилиб туриб: «Аёз, сенмисан, мен Ниёзман», деб юборса бўладими! Собиқ курсдошим Ниёз билан қучоқлашиб кетдик. Ўзиям институтни битиргандан бери кўришмаган эдик. Орадан ўн саккиз йил ўтгач, учрашди-а! Мириқиб суҳбатлашдик. Ниёз чўл қувиб юрар экан. Мирзачўлда ишлабди. Қарши даштида ҳам, ҳатто, ноқоратупроқ ерларда, Иваново областида ҳам бўлибди. Яқинда эса марказий Фарғонада янги тузилган совхозга директор бўлиб келибди. Мен ҳам ҳамма гапни, сенинг гапларингниям айтдим, ҳеч нарсани яширмадим. Курсдошим мени ишга таклиф этди.

Олқиш (ўсмоқчилаб). Пиво дўкони очиб бермоқчимиз?

Аёз. Эсингни едингми, ука? Агрономликка таклиф этди. Бораман! Эртага дўконни топшираман. Сендан илтимос, Сунбулага айт, тушунтир, дипломимни берсин. Мен сўрасам, ўла қолса бермайди. Индинга совхозга кетишим шарт. Ниёзга сўз бердим.

Олқиш. Мана бу бошқа гап. Лекин энди агрономлик қила олармикинсиз?

Аёз. Билим эскирмайди, мияга киргани чиқиб кетмайди. Ахир, мана у ҳовлингдаги олчаларга гилосни пайванд қилган ким? Пивочи Аёз эмас, агроном Аёз! Маҳалладагилар ҳар баҳору кузда пивочи Аёзникига эмас, агроном Аёзникига маслаҳат сўраб келади. Демак, ўрним совхозда.

Олқиш. Сунбула опани ташлаб кетаверасизми?

Аёз. Лекин... оила учун фақат менинг севгим етмас экан. Мана энди тушундим бунини. Мени севган одам касбимни ҳам севиши керак. Севги бир томонлама бўлмас экан. Ёш бўлсанг ҳам, кўп нарсани тўғри тушунасан, ука.

Олқиш. Кўклам нима бўлади?

Аёз. Қизимни кўп ўйлайман. Аслида мени Сунбула билан боғлаб келган ҳам ўша. Мана энди ўнинчини битирди, балоғатга етди. Хоҳласа, мен билан кетади, хоҳламаса, ихтиёр ўзида. Қаерда бўлса, омон бўлсин, дейман-да, бошқа иложим йўқ, ука.

Олқиш (жўрттага). Ўзатиб, қутулиб қўя қолмайсизми?

Аёз. Битта ёш узатилган онасимиз? Берсанг ейман, урсанг ўламан, деб бошимга бало бўлди-ку! Майли, қизим тўқисин, ишласин, ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиб кўрсин, ана ўшанда турмушнинг, оиланинг қадрига етади. Мен энди чиқай. (Йиқилган жойини четлаб ўтади.) Сувни шунақаям қалин сепасанми?..

Олқиш (ўчоқбоши томонга қараб). Сунбула опа! Ҳой Сунбула опа! Бу ёққа келинг.

Сунбула у ёқ-бу ёққа аланглаб Олқишнинг олдига келади.

Сунбула. Алжираб-алжираб кетдимиз? Илоё, қораси ўчгани рост бўлсин. Яна ичибди-я, ер ютгур.

О л қ и ш Ширин гапингиз ҳам борми ўзи? Нуқул қарғайсиз-а...
Бугун Аёз акам ичмаган.

С у н б у л а. Нега ёлғон гапирасан? Куппа-кундуз кунни теп-текис ҳовлида қулаб тушди-ку! Кунда ичиб келади-я, ер ютгур.

О л қ и ш. Унақа деманг. Суюнчи берсангиз арзийди. Ичмаган! Ичмасликка қасам ичибди. Совхозга ишга кетмоқчи. Дипломи керак бўлиб қолибди.

С у н б у л а. Бундай гапларни минг марта эшитганман, ишонма унга.

О л қ и ш. Ишонаман. Бу сафар сиз ҳам ишонинг. Боринг, уйингизга чиқиб, дипломини олиб беринг!

С у н б у л а (*ўпкаси тўлиб*). Мен муштипарни жеркимаган бир сен қолувдинг. Бегонадай гапирасан-а, Олқишжон. Билсанг, мен сени худди ўз фарзандимдай кўраман. Сен бўлсанг...

О л қ и ш. Қаттиқ гапирганим учун кечиринг. Ҳаммаси эсимда. Ойим ишда бўлганларида мен доимо сизлар билан эдим. Лекин бугун Аёз акам ичмаган. Чин комсомол сўзим.

С у н б у л а. Наҳотки?! Йўқ, аввал қизим келсин, кейин чиқаман... Гап билан бўлиб, овқатим кечикяпти. Ҳали замон даданг тушлик қилгани келиб қолади. (*Ўчоқбоши томон кетади.*)

Саримсоқ ва папка қўлтиқлаган Туйғун киришади.

С а р и м с о қ. Зап амакинг борлар-да, ўғлим. Туғишгандан аъло. Улфатимиз Туйғунбойдан яна бир ажойиб фикр чиқди. Мана бу катта иморатни ичидаги жиҳозлари билан бирга сенга хатлаб бердик.

Т у й ғ у н. Муборак бўлсин!

О л қ и ш. Қизиқ...

Т у й ғ у н. Мана шундай уйга эга бўлган йигит ўзини барча орзу-ҳаваслари ушалган деб билса арзийди. (*Папкани узатади.*) Марҳамат, нотариус тасдиқлаган васиқа ва иморатнинг план қоғози. Олинг.

О л қ и ш (*папкани олмай*). Дада, бунинг нима ҳожати бор. Қолаверса, бу уйда менадан бошқа меросхўр йўқ эди шекилли.

Т у й ғ у н (*маъноли қилиб*). Ахир...

О л қ и ш. Йўқ, дада, менга уй-жой керакмас. Айниқса, ҳозир. Эртага ўқишга жўнайман. Меҳрибонлигингиз учун раҳмат, дада.

Т у й ғ у н. Узоқни кўзланг, жиян, узоқни! Биз бир нарсани билмасак, орага тушмаймиз. Бошимиздан минг хил савдолар ўтган-да. Қани, мана бу ҳужжатларни олиб қўйинг.

О л қ и ш. Керакмас.

Т у й ғ у н. Йигит кишига уй-жой ҳамма вақт керак бўлади.

О л қ и ш. Мен беш йилга ўқишга кетяпман. Ундан кейин...

Т у й ғ у н. Космонавтлар ҳам орзу қилса арзигулик уй қонунан сизники. Истасангиз ижарага қўйишингиз ҳам, совға қилиб юборишингиз ҳам мумкин. Олинг.

О л қ и ш (*папкани олиб, ўсмоқчилаб*). Совға қилишим ҳам мумкинми-а?

Т у й ғ у н. Бўлмаса-чи! Ихтиёр сизда, жиян. Ҳатто бу борада дадангиз ҳам иродангизга қарши туrolмайдилар. Қонун сизни ҳимоя қилади. Лекин биламан, сиз дадангиздан пишиқ кўринасиз.

С а р и м с о қ. Ота ўғли-да!

Олқиш папкани кўтариб, ўйланиб уйга кириб кетади.

Т у й ғ у н. Ўғлингизни уй-жой билан боғлаб зап иш қилдик-да, биродари азиз. Энди у шундай уйни ташлаб ҳеч қаёққа кетмайди. Ўғлингиз бағрингизда. Муборак бўлсин!

С а р и м с о қ. Қуллуқ...

Т у й ғ у н. Ия, пиёздоғ иси келяптими? Ҳа-а, Сунбулахон ўчоқбошида бўлсалар керак. Ен қўшним, жон қўшним. (*Жиддий.*) Биродари азиз (*уйни кўрсатиб*), бу жабҳадаги ишларни тугатдик. Энди (*ўчоқбоши томонни кўрсатиб*) у жабҳада ўзим бошлаган ишни ҳам ўзим ниҳоя-

сига етказсам, яъни сизнинг номингиздан Сунбулахон билан очикчасига бир гаплашсам.

Саримсоқ. Ҳозир мавриди эмас.

Туйғун. Айни пайти. Отни тезда қамчилаб қолиш керак. Сунбулахон кўзга яқин жувон. Биттаси лип этиб илади-кетади.

Саримсоқ. Ҳали...

Туйғун (*гап бермай*). Кеча судга учинчи марта ариза ташлаб келди. Узим асосли қилиб ёзиб бердим. Демак, тез орада суд ишлари ҳал бўлади. Ёш нарса, тоқ ўтмайди-ку, бошқа турмуш қуради-да.

Саримсоқ. Бу гапларни қўя туринг. (*Уйга кириб кетади.*)

Туйғун (*орқасидан*). Эзгу ишни орқага суриб бўларканми? (*Учоқбоши томонга қараб.*) Сунбулахон, ҳой Сунбулахон! Бизлар келдик!

Сунбула (*қўлини фартуғига артиб келади*). Чўзма лағмон ҳозир тайёр бўлади.

Туйғун. Яхши. Биз чўзма лағмонни ҳам яхши кўрамыз. Қани бундай ўтирингчи. (*Қироат билан.*) Биз ҳозир дўстимиз Саримсоқ Султоновичнинг илтмосларига кўра, топшириқларига биноан, ваколатлари ила сиз билан очикчасига бир гаплашиб олишимиз керак. Суд ишларингиз узил-кесил ҳал бўлганидан кейин, ҳа, узил-кесил ҳал бўлганидан кейин, Саримсоқ Султоновичга қонунан, ҳа, қонунан, турмушга чиқсангиз. Мендан кўра сиз яхши биласиз, дўстим раҳматли рафиқаларини кафтларида тутар эканлар. Энди сизни ҳам кафтларида кўтармоқчилар. Сиз Саримсоқ Султонович билан бахтли бўлиб кетасиз. Бунга имоним комил.

Сунбула. Ниятим бахтли бўлиш, тинч-тотув яшаш.

Туйғун. Ниятингиз йўлдошингиз бўлади. Бойвучча бўлиб яшайсиз. Мана бу уй-жойлар, ҳамма нарса муҳайё, рўзгорингиз бадастир.

Сунбула. Менга уй-жой эмас, тинч турмуш керак.

Туйғун. Балли, кеннойи! Биласизми, Саримсоқ Султоновичга сизни ким тавсия қилди?

Сунбула (*йўланиб*). Ким бўларди?..

Туйғун. Камина қулингиз. Ҳа, дўстим бир йилдан бери менинг таклифу тавсияларим, фикру мулоҳазаларим бўйича иш тутиб, кам бўлмаптилар. Мана энди... Дарвоқе, сизнинг ҳам Саримсоқ Султоновичга айтадиган гапларингиз бордир? (*Гап бермайди.*) Ҳа, қизингиз сизлар билан бирга бўлади. Дўстимнинг қизлари йўқ, қизингиз бош қизлари бўлади, сизнинг ўғлингиз йўқ, Олқиш сизнинг ҳам бош ўғлингиз бўлади. Сезиб юришимизча, ёшларнинг ҳам бир-бирларига кўнгли бор.

Сунбула. Ҳа, улар бир-бирини севишади.

Туйғун. Бу ҳам айни муддао. Лекин Олқиш бошқа шаҳарга ўқишга кетмоқчи. Кўклам Олқишни ниятидан қайтарсин. Тайинланг-а. Энди ҳамма гап Кўкламга боғлиқ бўлиб қолди. Биргаликда ҳаракат қилиб, Олқишни олиб қололсак, тезда тўйни тўйга улаб юборамиз. Шунни Кўкламга уқтиринг. (*Уй томонга қараб.*) Саримсоқбой! Ҳой, Саримсоқбой! Бу ёққа чиқаверинг.

Саримсоқ уйдан чиқади.

Маслаҳат битди, биродари азиз. (*Сунбула томонга ишора қилиб.*) Муборак бўлсин! Ҳоят шодман. Илоё, қўша қаринглар.

Кўча томондан югуриб Кўклам киради.

Кўклам. Ойи-чи, ойи, суюнчи беринг, ойи! Дадам бугун бир қултум ҳам ичмаптилар. Дипломларини сўраяптилар. Совхозга кетармишлар. Юринг тезроқ! (*Онасининг қўлидан ушлаб, кўча томон бошлайди.*)

Олқиш уйдан чиқади.

Саримсоқ. Майли, чиқа қолинг, Сунбулахон.

Туйғун. «Чиқа қолинг?» Яхши, яхши...

Сунбула (*кетгиси келмай*). Лағмоннинг хамирини қозонга солувдим.

Саримсоқ. Ўғлим, овқатга ўзинг қара.
Туйғун. Тезроқ қаранг, жиян, хамири эзилиб кетмасин.

Олқиш ўчоқбоши томон кетади.

Туйғун. Бояги гапларни тайинлашни унутманг-а, Сунбулахон!
(*Кўклам шошилиб, Сунбула эса оёғи тортмай чиқиб кетадилар.*) Саримсоқбой, иқболи кулган йигит экансиз. Буни қаранг, кеннойимга уй-жойдан сўз очсам, «менга мол-мулк керакмас, тинч турмуш керак» дейдилар-а... Меҳриғиёлари борми дейман-ов, биродари азиз! Демак, муносабатлар самимий, кўнгиллар бир-бирига мойил, аниқроғи, бир-бирини аллақачон забт этган экан.

Саримсоқ. Шу иш тўғри бўлдимикин?

Туйғун. Савоб иш бу. Бунга имоним комил. Ҳа, Сунбулахонни ўз ҳимоянгизга олиб, зўр савоб иш қиляпсиз, бундан кўнглингиз тўқ бўлсин. Энди бояқиш давлатингиз кўланкасида бир яйраб-яшнасин, рўшнолик кўрсин-да!

Саримсоқ. Шу биздан лозиммиди?

ПАРДА.

ИККИНЧИ ПАРДА

Саримсоқнинг ҳовлиси. Тун. Олқиш айланма стулда гир айланиб машқ қиляпти.
Кўклам киради.

Олқиш. Кел, Кўклам.

Кўклам. Ҳалиям машқ қиляпсанми?.. Мен сени ухлаб қолган бўлсанг керак, деб ўйлагандим.

Олқиш (*машқ қилишдан тўхтади*). Бугун уйқу келармиди.
(*Юлдузли осмонга тикилиб қолади.*)

Кўклам. Даданг уйни сенга хатлаб берибдилар. Ойим айтдилар.

Олқиш. Ҳм, ойим айтдилар дегин? Мени табриклагани чиқибсан-да?

Кўклам. Маслаҳат сўраб чиқдим. Дадам совхозга ишга кетмоқчилар. Ойим эса... Бирлари ойим, бирлари дадам. Нима қилай: кетайми, қолайми?

Олқиш. Ўзинг нима қилмоқчисан?

Кўклам. Бошим қотиб қолди, ўзимча бирор қарорга келолмаяпман. Турли хаёлларга боряпман.

Олқиш. Уша хаёлларингни менга айт, агар мумкин бўлса.

Кўклам. Сендан яширадиган гапим йўқ. Агар дадам билан совхозга борай десам, институтга киришим орқага сурилади. Ойим билан шу ерда қолаверай десам, нотаниш жойларда дадамнинг аҳволлари нима кечади? Бошим қотди. Сен ўз фикрингни айт, мен шунга қараб иш қилай. Ойим ҳам, дадам ҳам менинг қароримни кутиб ўтиришибди.

Олқиш. Менимча, сен даданг билан кетишинг керак. Унда, балки ойнинг сизлар билан бўлар. Агар қолсанг, у қолда Сунбула опа дадамга турмушга чиқади. Бу эса Аёз акага катта маънавий зарба бўлади, у яна ичкиликка берилиб кетиши мумкин, чунки даданг ойнингни севади.

Кўклам. Маънавий зарба эмиш! Дадам оймларга шунчалик маънавий зарбалар берганларки...

Олқиш. Демак, сен шу ерда қолмоқчисан!

Кўклам. Билмадим, билмадим... Ахир, сен ҳам мени ташлаб кетяпсан-ку!

Олқиш. Иложим қанча. Ахир, бу ерда учувчилар билим юрти йўқ-ку. Тушунгин, бу менинг орзуим.

Кўклам. Мен-чи?! Мени ҳеч... ўйламайсан? Э, сени қараю.
(*Чиқади.*)

Олқиш (*орқасидан*). Кўклам, Кўклам! (*Бир ўзи.*) Агар қолсам, уй-жой тайёр, қайлиқ ҳам тайёр, тўй-тўйга уланади.

Осмонга тикилганча ўйланиб қолади.
Чироқ ўчади. Музика. Чироқ ёнади.

Кундуз куни. Туйғун кўчадан гапириб киради, у ҳаллослайди. Саримсоқ уйдан ховлига чиқади.

Туйғун. Биродари азиз! Биродари азиз... Ишлар пачава! Маҳмадангиз сиз берган меросни — мана шу уйни ўз ихтиёри-ла ясли учун топширибди.

Саримсоқ. А?! (Стулга бўшашиб ўтиради).

Туйғун. Ҳа. Эшитдим-у, бу ёққа югурдим. Болага эрк берво-ришнинг оқибати мана шу.

Саримсоқ (хўрсиниб). Маҳмадана...

Туйғун. Лекин уйни қайтариб олишнинг йўли бор.

Саримсоқ. Қандай?

Туйғун. Ўғлим ақлдан озган, деб гап тарқатасиз. Шунда уй ўзингизга қайтади. Бунга имоним комил. Чунки асос бор. Ўғлингиз туғма маҳмадана, олтмишвой, етмишвой...

Саримсоқ Туйғундан нари юради, Туйғун унга яқин боришга ҳаракат қилади, гўё қувлашмачоқ ўйнаётгандек стол атрофидан айланиб, суҳбатлашадилар.

Саримсоқ. Йўқ, ўғлимизни бадном қилолмаймиз. Йўқ-йўқ, ўғилни бадном этиш ўзни бадном қилишдир.

Туйғун. Ақлдан озган, деган билан ақлдан озиб қолмайди-ку, сўзимга кириш! Олқишга теккан касал бошқаларга юқмасдан олдини олинг. Савоб бўлади.

Саримсоқ. Йўқ, бизга бундай савоб керакмас.

Туйғун. Бошқаларни ҳам ўйланг-да, биродари азиз. Худо кўрсатмасин, мабодо Олқиш бошлаган иш ёйилиб кетса борми, қанча оилаларда дилсиёҳлик бўлади-я. Сизнинг кунингизга тушадиган ота-оналарнинг аҳволини бир кўз олдингизга келтиринг. Ҳа, ўғлим ақлдан озиб шу ишни қилиб қўйибди, деяверинг. Мана шунда уй ўзингизга қайтади. Олқиш бошлаган иш йўққа чиқади, анча-мунча одамнинг дуосини оласиз.

Саримсоқ. Керакмас. Ўғлимиз шаънига доғ тушишини истамаймиз. Ахир, биз отамиз.

Туйғун. Мен ҳам отаман.

Саримсоқ. Бизлар эса ота-ўғил ҳеч уришмаганмиз. Биз учун уришиш одат эмас. Мабодо мана шу уй баҳонасида уришиб қолсак, биздан оталик салобати, Олқишдан фарзандлик файзи кетади, онла-миздан эса барака кўтарилади.

Туйғун. Бошқа оталарниям ўйланг. Олқишни аҳдидан қайта-ринг.

Саримсоқ. Ўғлимизнинг феъл-атворини яхши биламиз. Ўзимизга ўхшаш, гап келганда ҳеч кимни аяб ўтирмайди, шартта бетга айтади. Ўзимиз куни кеча «керакмас» деганига қарамай уйни унга қўш-қўллаб топширдикми — топширдик. «Энди бу уй қонунан сеники, бош-қа ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, истасанг ижарага қўйишинг, бировга совға қилишинг, ҳатто сотиб юборишинг ҳам мумкин, ихтиёр сенда», дедик-ми — дедик. Кеча ундай деб туриб...

Туйғун. У гапларни мен айтдим.

Саримсоқ. Биз шоҳид эдик. Йўқ: «Аҳдидан қайт!», дейишга тилимиз бормайди. Мабодо шундай десак: «Дада, субут қаерда қолди?» дейиши турган гап.

Юришдан тўхтаб, бир бирига тикилиб қолишади.

Туйғун. Майли, дўстлигимиз ҳурмати мен ёмонотлиқ бўлсам бўлақолай. Жиянга ўзим гапириб кўраман.

Саримсоқ. Лекин кўнглига оғир ботмайсиз.

Туйғун. Сиз эса миқ этмай турасиз. Сабаби...

Олқиш киради, Туйғунга бир қараб кўяди.

Олқиш. Кечирасиз, дада, вақт тифиз келди. Шу сабабли олдингиздан ўтишга улгуролмадим. Уйни ясли сифатида фойдаланиш учун

тошндрим, то маҳалламизда генпланда белгиланган ясли қурилгунча.

Т у й ғ у н. Жуда чатоқ иш қилибсиз, болакай.

О л қ и ш. Амаки, ҳали кўчада синфдошларим олдида менга: «Баракалла, ота ўғли, сиздан ўртоқларингиз ибрат олишлари керак», деган эдингиз-ку! Энди эса... Ўзи сизда принцип борми?

Т у й ғ у н (*кулиб*). Менинг ёшимга борган одамларда принцип қолармиди. Бола-чақа деймиз, мурсою мадора деймиз...

О л қ и ш. Умуман, сизда принцип бўлганми?

Т у й ғ у н (*бир оз жим қолади*). Эски ярамни тирнаб нима қилардингиз? (*Чуқур хўрсиниб қўяди*.) Бир пайтлари, ўқишни эндигина битириб, иш бошлаган кезларимда мен ҳам принципли эдим. Икки-уч йил принцип бўйича иш тутдим. Қонунга қаттиқ риоя қилдим, ундан четга чиқмадим. Қонунга тўғри келмаса, ҳатто бошлиғимнинг кўрсатмасини ҳам рад этдим. Натижа шу бўлдики, бошлиғим кўзига ёмон кўриниб қолдим, тирноқ остидан кир қидиришга тушдилар. Билими мендан пастлар юқорилади-ю, мен сира силжимадим. Бошлиғим билан мурсою мадора қилишга тўғри келди. Ҳа, турмушнинг ўзи мени шунга мажбур этди. Кейин ишларим юришиб кетди. Лекин бу узоққа бормади. Бир куни бошлиғим телефонда бир ишни буюрди, «Масъулияти менинг бўйнимда», деди. Мен унинг сўзига ишондим, қонунга тўғри келмаса-да, шу ишни бажардим, лекин орадан кўп ўтмай, шу қилмишим учун виговор олдим. Виговорни бошлиқнинг ўзи ўқиб эшиттирди. Кўр-япсизми, жиян, принципли бўлсанг ҳам бало, принципсизлик қилсанг ҳам бало! Шунинг учун ҳам одамлар аввало ўзларини ўйлайдилар. Сиз бўлсангиз... Ахир, дадангиз бу уйни осонликча қурмаган, кечаю кундуз тиним билмаган. Улфатим не-не машаққат чекиб бунёд этса-ю, сиз совурсангиз?

О л қ и ш. Келинг, дада, бу сафар ўзимиз очиқчасига гаплашайлик. Ҳаммасини билиб турибман, бу амаки сизнинг номингиздан гапиряпти, яшириб нима қиласиз?

Т у й ғ у н. Дадангиз ўз фикрларини ўзлари айтадилар.

О л қ и ш. Йўқ дада, ойим вафот этганларидан буён менга айтмоқчи бўлган бирор жиддий гапингиз бўлса, бу амаки орқали билдириб келяпсиз. Ортиқча бошоғриқнинг нима кераги бор?

Т у й ғ у н. Мен билан гаплашаверинг, жиян. Гапимиз охирига етсин. Дадангиз миқ этмасликка менга сўз берганлар.

О л қ и ш. Билиб турибман, дада. Нима учун бу амаки мен билан бунчалик жон куйдириб гаплашяпти...

Т у й ғ у н. Йўқ, йўқ, психолог, адашадилар. Тўн учунмас, дўстлигимиз-чун, қадрдонлигимиз-чун.

О л қ и ш. Биламан, фақат тўн учунмас. Тўн баҳонасида дадамларни чалғитяпсиз.

Т у й ғ у н. Дадангиз ёш бола эмасларки, мен уларни чалғитсам.

О л қ и ш. Ойим вафот этдилар-у, дадам анча довдираб қолдилар. Сиз эса ана шундан фойдаланияпсиз.

Т у й ғ у н. Йўқ, психолог, яна адашадилар. Мен беғараз бир одамман. Дадангиз билан фақат холис ҳамсуҳбатман, холос. Мен суҳбат асносида дадангизни юпатиб ўтираман, токи бошларига тушган оғир мусибат гами сал бўлса-да, хаёлларидан кўтарилсин, дейман. Айбим шу, холос.

О л қ и ш. Сизнинг суҳбатингиз — суҳбат эмас, нолиш. Нуқул ҳаётдан нолийсиз, ҳаммадан кир қидирасиз. Ҳаммани ёмонга чиқариб қўясиз.

Т у й ғ у н. Жиян, дунёда дадангизга қараганда ҳам каттароқ мусибатга учраганлар кўп. Шунини эслатиб, дўстимни юпатаман-да. Нолишга келсак, дунёда нолимай ўтган одам йўқ ва бўлмади ҳам. Инсон зоти борки, умрида лоақал бир марта нолимай иложи йўқ. Хўш, нолиш нима? Нолиш — бахтсизлик касаллигининг иситмаси. Қаранг, тилимга яхши келиб қолди. «Нолиш — бахтсизлик касаллигининг иситмаси». Демак (*севиниб*), дунёдаги барча ақли расо кишилар бахтсиз-

лик касалига дучор экан. (*Яйрайди.*) Ҳамма ҳам мендек экан! Биродари азиз, сиз ҳам нолийсиз. Демак, иккимизнинг ҳам қисматимиз бир хил экан. Бахтсиз отанинг ўглини ҳам бахтли деб бўлмайди, жиян. Демак, сиз ҳам ўзимиз қатори экансиз. Ваҳ-ҳаҳ-ҳо!

Олқиш. Ойим бевақт вафот этганлари учун дадам тақдирдан нолиб қўядилар. Сиз эса ҳаётдан, одамлардан нолийсиз. Булар ўртасида фарқ бор. Бир табиятга боғлиқ, иккинчиси одамнинг ўзига.

Туйғун. Бари бир ўртада умумийлик ҳам бор.

Олқиш. Шу нарса сизларни учраштириб қўйдида. Бўлмаса...

Туйғун. Йўқ, мен ўзим дадангизни ёқтириб қолдим, уларни қиёматли дўстим, дедим. Сиз ҳам дадангизнинг қадрларига етинг. Улфатим сизга шундай уйни хатлаб берсалар-у, сиз бўлсангиз уни бегоналарга раво кўрсангиз. Яхшимас, жиян.

Олқиш. Бизлар учун инсон боласи бегона эмас.

Туйғун. Бўлмаган гапни қўйинг. Ҳали унга кўп замонлар бор. Ҳозир эса улфатим учун сиздан бошқа одам бегона. Яхшиликча аҳдингиздан қайтинг, бўлмаса отангиз сизни оқ қилади.

Олқиш. Дада!

Саримсоқ. Бор, чой опке.

Олқиш ўчоқбоши томон кетади.

Туйғун. Нега бўш келасиз-а? Оқ қиламан, деб қўрқитавермай-сизми?

Саримсоқ. Қандоқ қилайлик, биз шундоқ ота бўлсак. Ёлғон гапириш бизга одат эмас.

Туйғун. Сизга ўғлингиз ота, сиз эса унга ўғил.

Саримсоқ. Келгусида у ҳам ота бўлади-да.

Пауза. Қувонч кўчадан гапириб киради.

Қувонч. Кеннойимнинг вафоти етмовдими? Энди сизга бу ҳам бор эдими? Космонавт бўламан, деганиданоқ сезгандим.

Саримсоқ. Қимдан эшитдинг?

Қувонч. Ҳаммаёқда дув-дув гап. Шаҳар радиоси ҳам гапирибди. Соғ бўлса шундай уйни текинга бериб юборадими?

Туйғун. Шунини айтинг, иним. Ақлдан ташқарида бўлган иш бу. Иним, қандай бўлмасин, Олқишни аҳдидан қайтариш керак. Мен боядан бери гапиравериб, насиҳат қилавериб, Имом жинни бўлиб кетдим. Жиян тушмагурга ҳеч сўз кор қилмаяпти. Сиз ҳам бир гапириб кўринг, зора... Ахир, амакисисиз-а!

Қувонч. Ўзимизникига сўзим ўтмайди-ю, жияним сўзимга кирармиди? (*Киноя билан.*) Гап тушунтириб бўлармиди бу замоннинг зумрашаларига!

Саримсоқ (*сермаъно қилиб*). Бу замон зумрашалари...

Олқиш (*чойнак кўтариб келиб, амакисига*). Ассалому алайкум.

Қувонч. Ҳей, ақлинг жойидами ўзи? Нима иш қилиб қўйганингни биласанми?

Олқиш. Мен ўқишга кетяпман. Дадамлар учун анави икки уй бир айвон етарли. Мана бу уй эса ортиқча. Ясли учун фойдаланишсин, одамлар дадамларга раҳмат айтишади.

Қувонч (*қўлини паҳса қилиб*). Беватан қоласан!

Олқиш. Эл-юртига хизмат қилган одам бизнинг жамиятда ҳеч қачон кам бўлмайди, деган эдингиз, дада.

Туйғун. Оббо, жиян тушмагур-эй, худди менинг ёшлигимдаги комсомол болаларга, эски партизанларга ўхшайсан-а, жиян.

Қувонч. Улар мана бунинг олдида ҳолва экан.

Туйғун. Олқишбек, сизнинг асосий хатойингиз шундаки, сиз отангизнинг, ўқитувчиларингизнинг панд-насиҳатларини, ўқиган китобларингиздаги баландпарвоз гапларни кўр-кўрона қабул қилгансиз. Ваҳоланки, Одам Ато билан Момо Ҳаво замонасидан бошлабоқ насиҳатгўйлик билан воқелик ўртасида каттакон фарқ бўлиб келган, ҳозир

ҳам шундай, бундан кейин ҳам шундай бўлади. Буни ҳаёт фалсафаси дейдилар. Ҳаётда эса ёзилмаган қонун-қоидалар ҳам бор. Буни унутмаслик керак. Кимда-ким ана шу ёзилмаган қонун-қоидаларни кўпроқ билса, яъни уларни зийраклик қилиб илғаб ололса, ана шуларга кўпроқ амал қилса, йўли нурли, турмуши фаровон бўлади.

Қ у в о н ч. Ҳамма гап фаровон яшашда, шундан келинг. Туйғунбой ака.

Т у й ғ у н. Бу нарсага сочимга оқ тушганда тушуниб етдим, ёшлигимда бирор маслаҳатгўйим бўлмади, афсус... Ўзимники бўлганингиз учун, дадангизга бўлган ҳурматим туфайли, азбаройи сизга ачинганимдан айтяпманда бу гапларни, жиян. Бизлар дунёдан ўтдик ҳисоб, сиз эса дунёга энди келяпсиз, келажак сизники. Вақтида тўғри йўлга тушиб олмасангиз, узоққа боролмайсиз. Яшашга, ҳақиқий маънода, албатта, яроқсиз бўлиб қоласиз. Ахир, йигирма биринчи асрда яшайдиган одамсиз-а!

Қ у в о н ч. Туйғунбой ака, худо умр берса, ўзимизам келгуси аср юзини кўраимиз.

О л қ и ш. Йигирма биринчи асрда бутун ер юзидаги давлатларнинг ҳам, одамларнинг ҳам бир-бирига ўзаро боғлиқлиги кучайиб кетади, ҳозирдан шунини тушуна бориш керак, деган эдингиз-а, дада.

С а р и м с о қ. Ҳа, «Курьер» журналида шундай ёзишган экан.

Қ у в о н ч. Ака, сизга ҳам, раҳматли кеннойимга ҳам айтгандим-а, болага ҳар хил гапларни айтаверманглар, маҳмадана бўлиб кетади, деб. Вақтида сўзимга кирмадингиз. Мана оқибати — бетгачопарлик қилиб ўтирибди. Сизнинг ўрингизда мен бўлсам, ҳозир...

Т у й ғ у н. Оғирроқ бўлинг, иним... Жиян, шунини билиб қўйингки, ҳадеб ўзгаларни ўйлайверсангиз, ўзгалар сизни унутиб юборади, йўққа чиқасиз. Иккинчидан, ҳадеб дадам бундай деганлар, фалончи ундай деган, писмадончи бундай қилган, анави китобда ундай ёзилган, деяверсангиз, жамоатчиликнинг рашига тегасиз, тинчлигини бузасиз. Шунини икки қулоғингиз билан эшитиб қўйингки, жиян, жамоатчилик билан ўйнашиб бўлмайди.

О л қ и ш. Дада, бу амаки айтаётган жамоатчилик фикри нима ўзи? Менимча, бу нисбий бир тушунча. Маҳалла жамоатчилиги, район жамоатчилиги, шаҳар жамоатчилиги сингари ибораларни бизлар тез-тез эшитиб тураимиз, ўзимиз ҳам тилга оламиз. Шуларнинг ҳар бирининг ўз фикри бор, албатта. Бу фикрлар ўртасида бирор масала бўйича фарқ ҳам бўлиши мумкин. Кутилмаганда мана бунақа амакилардан беш-ўнтаси тўпланиб, бизнинг фикримиз маҳалла жамоатчилиги фикри деса-чи? Йўқ, йўқ, мен фақат социалистик жамиятимиз фикрига қулоқ соламан, у талаб этгандай бўлишга интиламан. Чунки у эътироф этилган ҳақиқатларга, ўзининг буюк идеяларига амал қилади. Гап тамом.

Қ у в о н ч. Ҳей, жиян, ўзингниям, бизниям қийнаб нима қиласан? Уйингни қайтариб ол, мулк бўлиб ётаверсин. Ахир, сендан ош-нон сўрамайди-ку!

Т у й ғ у н. Тўғри гап. Конституциямизда ҳам: «СССР граждандари уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эгадирлар», деб ёзиб қўйилган.

О л қ и ш. Тўғри. Шу билан бирга Конституциямизда, «СССР граждандари... социалистик турмуш қоидаларини ҳурматлаши... шарт» деб ҳам белгилаб қўйилган. Яна...

Қ у в о н ч. Бўлди-бўлди, бас! Бу гапларни биз ҳам эшитганмиз.

О л қ и ш. Амал ҳам қилиш керак-да.

Қ у в о н ч. Бўлмаса-чи! Албатта амал қиламиз. Ҳўш, жиян, уйингни яслига топширибсан, ибрат кўрсатибсан, ташаббус бошлабсан. Бу ҳақда радиоданам гапиришибди. Шу билан кўнглинг тўлдими ёки чаласи ҳам борми?

О л қ и ш. Ўтган кунини, мактаб билан хайрлашаётиб, биз олтинчи нафар мактабдош қасамёд қилган эдик.

Қ у в о н ч. Қулоғимга чалинувди, жиян.

О л қ и ш. Шу қасамёдимизнинг биргина моддасини адо этдим, холос.

Қ у в о н ч. Моддалари кўпми?

О л қ и ш. Бир умрга етади... Амаки, Қувондиқ аттестатини олди-ми? Қайси институтга кирмоқчи?

Қ у в о н ч (*ваҳм босиб*). Бугун беришар экан. (*Хайрлашмай кета бошлайди.*)

С а р и м с о қ. Ҳа, тинчликми, ука?

О л қ и ш. Овқат ичиб кетинг, амаки. (*Учоқбоши томон кетади.*)

Қ у в о н ч (*сирли қилиб гапирди*). Уғлимга ҳам анавининг касалидан юққан бўлмасин тағин. Бирники мингга, мингники туманга дейишади-ку! Бир мактабда юз берган воқеа бошқа мактабда бўлмайди, деб ким айтолади. Мана, ўзимдан қиёс, ҳозир болага ота-онасидан кўра мактаб тарбияси, мактаб таъсири кучли. Уғлим Қувондиқ номига кассага пича пул қўйгандим. Худо кўрсатмасин тағин. (*Кетади.*)

Т у й ғ у н (*орқасидан*). Э, шошилиг, иним, ҳозир замон нотинч. (*Роҳатланиб нафас олади, елпинади, ҳузур қилади.*) Саримсоқбой, биродари азиз, дунёнинг ишлари жуда қизиқ-да. Одамларнинг энг ҳалолли деб юрганemiz Оқназар Хўжаевичнинг ҳам миси чиқибди.

С а р и м с о қ. Нима қипти?

Т у й ғ у н. Валуятага айланишаркан. Қўлга тушиб қолибди. Яқинда суди бўлармиш.

С а р и м с о қ. Тавба, қариган чоғида нимасига етказолмай қолган экан-а. Ахир, ўғил-қизларидан аллақачон тиниб-тинчиган, ували-жували, пири бадавлат одам эди-ку!

Т у й ғ у н. Кейинги пайтларда маишатга жуда ружу қўйган экан.

С а р и м с о қ. Тавба.

Т у й ғ у н. Таажжубланманг, биродари азиз. Замон жуда ўзгариб, одамлар жуда айниб кетяпти, борган сайин баттар бўляпти. У — сиз, қонуний ишни ҳам ўйлаб қиладиган. Сиздақаси қолмади. Анави Эгамбердиев бор-ку, эски дўстларингиздан, ўшаниям қариган чоғида жин урибди. У...

С а р и м с о қ. Қўйинг, гапирманг. Ҳозирдан бошлаб бизнинг олдимизда бундай бемаъни гапларни гапиришни йиғиштиринг. Сизга қолса ҳамма муттаҳам, порахўр, жиноятчи, бузуқ...

Т у й ғ у н. Мен ёлғон сўзлаётганим йўқ, ҳаётий фактларни айтяпман.

С а р и м с о қ. Ҳаётдаги нурли томонларни ҳам кўринг-да, биродар.

Т у й ғ у н. Сиз эса, биродари азиз, медалнинг иккинчи томони ҳам бўлишини унутманг. Лоақал бир кунгина менинг ўрнимда ишлаб кўрганингизда борми, ана ўшанда ҳаётнинг ўнгу сўлидан, яъни ҳаёт медалининг иккинчи томонидан ҳам хабар топардингиз. Мен эсам умрим бўйи арзу шикоят тинглаб, маслаҳатга муҳтожлар, шикоятчилар ва жиноятчилар даврасида нафас олиб келяпман. Ахир, мен сурнайчи ёки ашулачи эмасманки, тўйхоналарда юрсам. Дўхтурларга беморлар мурожаат қилганидек менга ҳам...

Чамадон кўтариб Аёз ва Кўклам киришади, суҳбат бўлинади.

А ё з. Хайрлашгани кирдим. Қишлоққа, ўз соҳамда ишлагани кетяпман.

Т у й ғ у н. Баракалла, иним! Қаерда бўлсангиз ҳам, омон бўлинг, оқ йўл!

С а р и м с о қ (*айбдорлардек Аёзнинг юзига қараёлмай*). Яхшилаб ўйлаб кўрдингми?

А ё з. Ҳа.. Олқиш қани?

Т у й ғ у н. Учоқбошида. Ошпазга халақит бермайлик, ҳозир ўзи келади. Иним, ўтириб туринг, қизим, сен ҳам ўтир.

К ў к л а м. Раҳмат.

Т у й ғ у н. Саримсоқбой, биродари азиз, Аёзбек совхозга отланиб жуда тўғри қиляптилар. Ўз соҳасида ишлаганга нима етсин, киши

униб-ўсади, обрў топади. Муҳими, эл-юрт олдида юзи ёруғ бўлади. Қолаверса, қишлоқ баҳаво, иштаҳа доимо карнай. Тез кунда семириб кетасиз, иним. Қимиз сероб бўлса, қизим, сен билан бирга биз ҳам меҳмон бўлиб борамиз. Ҳа! Аёзбек, қизингиздан ҳеч хавотир олманг, ўзимиз кўз-қулоқ бўлиб турамиз. Биласиз, улфатим жуда болажонли.

Аёз. Қизим мен билан кетяпти.

Туйғун. Қалта ўйламанг-эй, иним! Қиз болани нотаниш жойга судраб нима қиласиз. Уй-жойингизнинг тайини бўлмаса ҳали. Қўйинг, иним, Қўкламни қолдириб кетинг. Пединститутга кирмоқчи экан, кирсин, ўқисин... Бизлар эса ўқишга киришига ёрдам берайлик... Қизим, Қўкламой, қишлоқда чивин кўп, шаҳарда ўсган сендек навниҳол қиз болага қишлоқ тўғри келмайди, чиройингга, соғлиғингга путур етади.

Аёз. Эшитдингми қизим, шаҳарда қол, десам, сўзимга унамаяпсан. Бўлди, шаҳарда қоласан, қизим.

Туйғун. Баракалла!

Қўклам. Мен сиз билан бораман, дада.

Аёз. Ана, унамаяпти-да.

Туйғун. Ҳей, қизим, биз сенинг фойдангни кўзлаб гапиряпмиз. Гапимизга кир. Қишлоқ томошахона эмаски, ялло қилиб юрсанг.

Қўклам. Майли.

Туйғун. Тавба... Қишлоқ қизлари шаҳарга ингилишяпти-ку, сенга нима бор у ерда? Кейин афсусланиб юрасан.

Қўклам. Майли. Мен дадам ёнларида бўламан, уларга қарашман. Ўқишга ҳам қираман, сиртдан ўқийман. (Чойнакни олиб ўчоқбоши томон кетади.)

Туйғун. Буям Олқишга ўхшаш бир сўзли чиқиб қолди-ку!

Саримсоқ. Уғлимизнинг синфдоши-да.

Туйғун. Э, бу замоннинг ёшлари-ей, ўз фойдаларини билишмайди, гапга юришмайди, ўз билганларидан қолишмайди... Иним, келининг жавобини узил-кесил берибсиз-да?

Аёз. Поездга учта билет олиб келгандим, билетни кўрсатиб: «Хоҳласанг, мен билан юр, бўлмаса тўрт томонинг қибла», дедим. Мен билан кетишни истамади, бўлмаса қизимиз ҳам унга роса ялиниб-ёлворди.

Туйғун. Демак, талоқ қилибсиз. Қибла деган сўзнинг ўзи талоқ ўрнига ўтади. Яхши, тинчгина ора очиқ бўлибди. Табриклайман, иним, чин юракдан табриклайман.

Аёз. Раҳмат... А, табриклайман? Нима билан табриклайсиз? Ажралиш ҳам сиз учун байрамми?

Туйғун. Мен учунмас, сиз учун, сизлар учун байрам! Муроса келишмаган кезларда энг оқилона йўл ажралишдир. Чунки ажралиш орқали жамоат тинчлигини бузувчи, ёш авлод тарбиясига салбий таъсир этувчи жанжалу тўполонлар, ур-суру аризабозликлар барҳам топади. Муҳими — икки томон учун ҳам ўз бахтини топиб кетишга имконият эшиги очилади. Шунини билиб қўйингки, иним, қанча одамлар ажралиша олмай азоб чекишади, чунки ажралишга чўчишади. Ҳа, ҳатто ажралиш учун ҳам мардлик керак. Сиз эса мардлик кўрсатибсиз, аввало ўз қадрингизга етибсиз. Тўғри-да, бир-бирига бўҳтон ёғдириб, қарғиш, ёғдириб бир-бирига ўлим тилаб, доимо ит-мушук бўлиб яшагандан кўра, ажралиш минг бор аълодир. Бу ўз навбатида асабни сақлайди, бевақт ўлимдан асрайди, ишда унумни оширади, натижада одам жамиятга ҳам маънавий жиҳатдан, ҳам моддий жиҳатдан кўпроқ фойда келтиради. Мен ўзимнинг кўп йиллик иш фаолиятимда қанчалаб ажралишганларга шу сўзларни айтиб келаман.

Аёз. Яъни, табриклайсиз?!

Туйғун. Табриклайман, лекин ҳаммани эмас. Ажралишда ҳам ажралиш бор. Агар ажралиш замирида гуманизм ётса, гуманизмга хизмат қилса, бу савоб ишдир. Ҳа, мен ажралишда ҳам гуманизмни кўра билишга интиламан. Чунки ажралиш ҳамма вақт ҳам фожиа эмас, балки эҳтимол тутилган каттароқ фожиаларнинг олдини олади-

ган ажойиб тадбир ҳамдир. Ажралишгандан кейин ўзининг ҳақиқий бахтини топиб кетганларнинг кўпини биламан. Сизлар ҳам бахт топиб кетасизлар, бунга имоним комил.

А ё з. Қўйинг, юпатманг мени.

Т у й ғ у н. Ҳа, ажралиш осонмас. Биламиз, тушунамиз, шоҳиди бўлганмиз ҳам, айниқса дастлабки кезларда кишини руҳий кечинмалар азоблайди. Лекин вақт кучли дору: Инсон ўз иродасини қўлига олмоғи керак... Иним, афсуски, бу фақат сизнинг бошингизга тушган савдо эмас, бундан буён қўйди-чиқди кўпаяверади...

С а р и м с о қ. Нафасни иссиқ қилинг, биродар.

Т у й ғ у н. Бу менинг гапим эмас, катта социолог олимларнинг фикри бу.

С а р и м с о қ. Тахмин!

Т у й ғ у н. Тахминда ҳам жон бўлади... Она-сайёрамизнинг барча жойларига цивилизация кириб боряпти, тобора кучаяпти. Бу эса...

С а р и м с о қ. Эртамыз қандай бўлиши инсониятнинг ўз қўлида.

Т у й ғ у н. Албатта. Замонамиз ҳуррият замони, эркаклар билан аёлларга тепна-тенг ҳуқуқ бериб қўйилган. Тўғри-да, ҳар ким севган ошини ичади. Иним, сиз ҳам тезда уйланиб олинг.

А ё з. Қўйинг, бундай гаплар ҳозир юракка сиғмайди.

Т у й ғ у н. Э, иним, дунёдаги барча тирик мавжудот борки, жуфт-жуфт қилиб яратилган. Демак, жуфт-жуфт бўлиб яшаш керак. Бу табиат қонуни. Яна ҳаёт, жамият қонуни ҳам бор: бўйдоқ ёки бева бўлиб яшаш жамият ахлоқ-одоби қондаларига зиддир. Қолаверса, тезда уйланиб олмасангиз мусофирчилкда қийин бўлади. Мени тўғри тушунинг, иним.

Кўклам қувноқ ҳолда икки коса кўтариб, Олқиш эса қошиқлар, нон ва устига уч коса қўйилган патнис кўтариб келади. Нарсаларни столга қўядилар.

А ё з (*Олқиш кўриниши биланоқ*). Ука, биз кетяпмиз.

О л қ и ш. Аввал мана бу шўрвани ичинг. Атайлаб сизларгаям сузиб келдим. Поездга бемалол улгурасиз. Сиз ҳам ўтиринг, Кўклам.

А ё з. Раҳмат, биз борайлик.

О л қ и ш. Мен ҳозир... (*Югуриб уйга кириб кетади.*)

Т у й ғ у н. Тагин сизлар поездга кечикиб қолманглар.

К ў к л а м. Поездимиз жўнашига ҳали икки соат бор.

Олқиш уйдан кичик чамадон кўтариб чиқади-да, дадаси олдига келиб, ҳурмат билан кўл қовуштиради.

О л қ и ш. Дада, агар сиз менга оқ йўл тиласангиз, ўқишга жўнаб кетаман. Йўқ, десангиз, майли, шу ерда қоламан. Сиз ранжисангиз кўнглим алоғда бўлади, бари бир яхши ўқиёлмайман.

Т у й ғ у н. Ана холос. Мен сизга айтган эдим-а, биродари азиз! Олқишдан учувчи чиқишига имоним комил эмас, ҳали унинг ўзи айниб қолади, деб. Мана, мен ҳақ бўлиб чиқдим. Ўз оғзи билан: «Рози бўлсангиз бораман, йўқ десангиз қоламан», деб турибди. Ақлли бола-да, учувчи бўлолмаслигини пайтида фаҳмлади. Келинг, биродари азиз, бола бечорани кўп қийнаманг, кўпчилик олдида изза қилманг. Йўқ, деб юбора қолинг. Олам — гулистон бўлади-қўяди. Шунда уй ҳам ўзингизга қайтади.

О л қ и ш. Сиз жим туринг, амаки.

Т у й ғ у н. Шундай нозик паллада-я? Дўстимга осон тутманг, жиян.

С а р и м с о қ. Ўғлим, ўрнимга ўзингни қўйиб кўр. Нима қилардинг?

О л қ и ш. Дада, сизнинг таълим-тарбиянгизда ўсиб-улғайдим. Мен ҳозир қандай одам бўлиб қолган бўлсам, бу сиз берган тарбиянгиз натижаси. Энди эса мандан бошқа одам бўлишни талаб қиласизми?

С а р и м с о қ (*оталик меҳри жўш уриб кетиб*). Ўғлим! (*Ўғлини бағрига босади.*) Оқ йўл, ўғлим, оқ йўл! Ниятингга ет! Қаерда бўл-

санг ҳам омон бўл! Ҳамиша шундай бўл. Бора қол, ўғлим, сени кутиб қолишди.

О л қ и ш. Ишончингизни оқлайман, дада. Дадажон! *(Дадасини қайта қучоқлайди.)*

Т у й ғ у н. Оқ йўл, жиян, оқ йўл! Сиздан албатта космонавт чиқади. Бунга имоним комил!

А ё з. Тавба... Сизга сира тушуниб бўлмай қолди-ку, амаки. Гоҳ имоним комил эмас, дейсиз, гоҳ имоним комил дейсиз.

К ў к л а м. Яго деб юрсам Хамелеонга ҳам ўхшайди-я!

О л қ и ш. Эҳтиёт бўлинг-да, дада.

Аёз, Кўклам ва Олқиш чиқадилар.

Т у й ғ у н *(улар орқасидан гапириб, дарвоза олдига қадар эргашиб боради)*. Э, тўхтаглар, тўхтаб туринглар, мен сизларга ҳаммасини тушунтириб берай. Мен тутган йўл шундайки, унга унча-мунча одамнинг ақли тезда етавермайди. Ҳушёрлик керак. Мен дўстнинг қулиман, дўстликка фидойиман, дўстлик тарафдориман, дўст деганда ҳатто ўзимниям унутаман. Ҳа, мен ана шундай дўстпараст одамман. Дўстпарастлик менинг шуурим, ҳаётим мазмуни, фаолиятим асоси, касбу корим. Улфатимни ҳамиша ва ҳар борада қувватлаб туриш менинг улфатлик бурчим! Шарафли бурчим! Ҳей, энди сизларгаям тушунарли бўлган бўлса керак? *(Орқасига қайтиб, жойига ўтиради.)* Э, биродари азиз, дунёнинг ишлари жуда қизиқ-да. Мана, уйингиз ясли бўлиб кетди, ўғлингиз ўқишга кетди, лекин буларнинг эвазига Сунбулахон қолди. Қани, мана бу шўрвани ичволинг, мадад бўлади.

С а р и м с о қ *(жиддий)*. Туйғунбой, бизни ким деб ўйлаяпсиз?

Т у й ғ у н. Мен сизнинг ўрингизда бўлсам... Ие, ана ўзлари кел-яптилар. Меҳригиёлари борми дейман-ов... Келаверинг, кеннойи. Мен ҳозир кетаман.

Сунбула киради. Кўлида қора сумка.

С а р и м с о қ. Келинг, келинг, Сунбулахон...

Т у й ғ у н. Икки ёлғиз бир-бирингизга суянчиқ бўлишга аҳдлашиб, жуда яхши иш қилдингиз-да.

С у н б у л а. Тўй бўлмайди.

Т у й ғ у н. Ҳазиллашманг, кеннойи! Маслаҳат битган эди-ку?

С у н б у л а. Тўғри, маслаҳат битган эди. *(Саримсоққа қараб.)* Пияниста эримга ачиқ қилиб, сизга тушмушга чиқмоқчи эдим. Лекин фикримдан қайтдим. Чунки эрим ўзгарди.

С а р и м с о қ. Тавба, одам шунчалик тез ўзгариб қолса, ваъдасини унутса, кечаги фикридан, аҳдидан бугун қайтса...

Т у й ғ у н. ...Кеча қарғаб турган одамни бугун оқласа. Субут қарда қолди ўзи? Э, хотин зоти шу-да!

С у н б у л а. Мени кечиринг, Саримсоқ амаки.

С а р и м с о қ. «Амаки»?

Т у й ғ у н. Ҳой, кеннойи, менинг улфатим энди «амаки» бўлиб қолдими? Йўқ, йўл бера кўрманг, Саримсоқбой! Ҳозир уни олиб қололсангиз, марра сизники! Уни тўғри йўлга бошлаган, унга яхшилик қилган бўласиз, савобга қоласиз.

С а р и м с о қ. Ўзи нималар бўляпти, Сунбулахон? Яхшилаб бизга тушунтиринг. Қани, бундоқ ўтиринг, ўтириб гаплашайлик. *(Сунбуланинг қўлидан ушлаб, уни стулга ўтиришга таклиф этади.)*

Т у й ғ у н. Баракалла! Мана бу эркак кишининг иши.

С у н б у л а. Қўлингиз бирам совуқ эканки...

С а р и м с о қ. А-а?.. *(Сунбуланинг қўлини қўйиб юбориб, ўз қўлига қарайди.)* Бу қўлларни раҳматли онаси кўзларига суртарди. *(Кўзларидан ёш чиқади, томоғига бир нарса тикилгандай бўлади, ютинади, оғир хўрсинади.)* Ушандай хотинимиздан айрилиб, шу кунга тушиб ўтирибмиз-а! Э, бевафо дунё!.. «Азал котиблари ушшоқ бахтин қора ёзмишлар...» Сунбула, бизни кечир, биз бебахтни кечир.

Т у й ғ у н. Макр, ҳийла ишлатди. Ишонманг унга, Саримсоқбой! Қаттиққўллик қилинг.

С а р и м с о қ. Қанчалик билимдон бўлманг, Туйғунбой, аёл киши қалбини билмас экансиз. Ҳзи истамаса, уни қаттиққўллик билан ҳам, зўравонлик билан ҳам олиб қолиб бўлмайди... Бора қол, Сунбула, бора қол. Аёз билан қўша қариб юр. Бизни шайтон йўлдан оздирибди. Кечир.

Т у й ғ у н. Ана холос.

С у н б у л а. Бизларни эса Олқиш тўғри йўлга бошлади. Шундай ўғилни ўстирган сизга раҳмат, Саримсоқ амаки.

Т у й ғ у н. Боридаям Олқиш, Олқиш! Йўғидаям Олқиш, Олқиш! Тавба, Олқиш авлиёмидики, унга сажда қилинса...

С у н б у л а. Тўғри, Олқиш авлиё эмас, лекин таъзим қилса арзи гулик йигит... (*Чиқиб кетаётиб.*) Саримсоқ амаки, сизни йўлдан оздирган шайтон эмас, мана шу киши. Одам қиёфасида юрган шайтон у! (*Чиқади.*)

Т у й ғ у н. Ҳзи-ку, сизни лақиллатиб кетди-я, бунинг устига сизни манданам жудо қилмоқчи бўлди-я! Шунисига ҳайронманки, шунча пайтдан бери лоақал қўлиниям ушламаган экансиз-а. Ҳа, сиз ўтакетган даражада софсиз. Бу замонда жуда бунчалик бўлиш ҳам ярамайди.

С а р и м с о қ (*Туйғунга қарамай, йўланиб*). Ҳамманинг гапи бир жойдан чиқяпти-я!

Т у й ғ у н. Бўлди, кўп куйинаверманг, биродари азиз. Янги ёр келганда, эскиси эсдан чиқади, деган гап бор. Маҳалламда ёшгина бир бева жувон бор, ўзи...

С а р и м с о қ. Юракка қайта бошдан яна чўғ ташламоқчимисиз? Сунбуланиям бизга сиз тавсия қилган эдингиз. Мана оқибати.

Т у й ғ у н. Бари бир сизни бу ҳовлида ёлғиз қолдириб бўлмайди...

Саҳна аста-секин қоронғулаша бошлайди. Юк машинасининг келиб тўхтагани эшитилади.

Жомакор кийган Холбой салом бериб киради. Саҳна ёришиб кетади.

Х о л б о й. Ассалому алайкум, Саримсоқ амаки.

С а р и м с о қ. Ваалайкум ассалом. Ишниям бошлаб юборибсан-да, ўғлим?

Х о л б о й. Ҳа, бошлаб юбордим. Тоғдан шағал ташияман. Олқиш қани?

Т у й ғ у н. Яна Олқиш...

С а р и м с о қ. Олқиш ҳозир вокзалда, ўғлим.

Х о л б о й. Ҳали вақт эрта-ку. Ҳм, тушунарли. Саримсоқ амаки, гапнинг ўғил боласи шуки, Олқишни вокзалда бутун синфдошлар кузатиб қолмоқчимиз. У ёлғиз ўғил бўлсаям, лекин ҳаётда ёлғиз эмас, унинг дўстлари кўп. У албатта космонавт бўлади, бизлар ишонамиз. Ҳзимиздан ҳам чиқсин-да!

Т у й ғ у н. Буям жуда сайроқи чиқиб қолди-ю.

С а р и м с о қ (*мағрурланиб*). Ҳғлимизнинг дўстларидан-да. Нотиқ!

Х о л б о й. Мактабимизда нотиқлик тўгараги ҳам бор. Гапириш ҳам керак-да. Индамай юришдан нима фойда. Айтгандай, Саримсоқ амаки, сизни ёлғизлатиб қўймаймиз, ўғлим ўқишга кетди, деб юрагингиз увишмасин. Биз, Олқишнинг дўстлари, сиздан тез-тез хабар олиб турамиз, йўқлигини билдирмаймиз. Бу ҳақда комсомол мажлисида дўстлар билан келишиб қўйганмиз. Ҳа, шунақа! Ота-оналаримизга меҳрибон бўламиз, деб ҳам қасамёд қилганмиз-да... Хайр. (*Тез чиқиб кетади.*)

Машина юриб кетгани эшитилади.

С а р и м с о қ (*қувончи бир олам*). Демак, биз ёлғиз қолмаймиз. Ҳғлимизнинг дўстлари бор. Барака топсин, бу замоннинг ўғлонлари!

Замонига яраша-да. (*Дафъатан Туйғунга бурилиб қарайди, қатъий ва кескин.*) Туйғунбой, бизни ҳоли қолдиринг... Бутунлай...

Туйғун. Бутунлай?.. (*Ялтоқланиб.*) Ҳазиллашманг. Саримсоқбой.

Саримсоқ. Ҳазил эмас, қатъий қароримиз бу. Сиз билан ҳеч қачон ҳазиллашганимиз йўқ. Лекин сиз биз билан сохта улфат бўлиб келибсиз. Энди ҳаммасига тушуниб етдик. (*Чуқур нафас олади.*) Жўнанг, қайта бу даргоҳга қадам босманг!

Туйғун. Ҳо, мен тинчгина кетаверар эканман-да?

Саримсоқ. Айтгандай, сизга тўн ваъда қилган эдиг-а?.. Биз сўзимизда тураимиз. (*Уридан кўзголади.*)

Туйғун. Утир. Энди тўнинг керакмас. Саккизта тўнингни кийдим. Бекордан бекорга!.. Ваҳ-ҳаҳ-ҳо!..

Саримсоқ. Бўлмаса, нима истайдилар?

Туйғун. Олифтагарчиликни қўй-да, дилингдагини ташингга чиқар. Гапир!

Саримсоқ. Сизга-я?

Туйғун. Мени сизсирама! Яна олифтагарчилик қиласан-а, қанақа одамсан ўзинг? Ахир, уришаётгандаям сизсирайдимиз?..

Саримсоқ. Биз ҳозир уришаётганимиз йўқ, видолашмоқдамиз. Алвидо, ўткинчи... собиқ улфатимиз... Алвидо!

Туйғун. Ҳо, мен билан видолашиш осон бўпти-да! Силлиққина қутулмоқчимисан? Ахир, олдингда гуноҳим катта-ку!

Саримсоқ. Йўқ, гуноҳ бизда. Синамай туриб, сизни улфат қилган ўзимиз-да.

Туйғун. Мен тавсия қилган тадбирларни бир эсла, турган-битгани сенга зиён бўлди-ку! Мен ўша тадбирларнинг оқибати нима бўлишини билардим. Атайлаб сени чалғитдим.

Саримсоқ. Сиз чалғитибсиз, биз эса чалғибмиз. Демак, айб ўзимизда.

Туйғун. Асабларимни таранг қилиб юбординг!

Саримсоқ. Бизнинг асабларимиз жойига тушди. Аслимизга қайтдик. Хурсандмиз. Қалбимиз ором олмоқда.

Туйғун. Уф-ф... Уламан.

Саримсоқ. Алвидо!

Туйғун (*асабдан тили калимага келмай, совуқ қотган одамдек бир оз қалтираб тургач*). Йўқ, хомтама бўлма, мен осонликча жон бермайман. Мендан осонликча қутула олмайсан. Кўрамиз, кимнинг асаби қаттиқроқ экан. Эсингдами, сен учун оғир дамлар эди — мотам тутардинг (*чапак чалади*), дилинг вайрон, кўзинг гирён эди. Мен мотам кунда иш кўраман, мотам кунда қалбга кириб оламан. Қалбдаги йўқотилган ўрин бўш бўлади-да. Мен бўш ўринни эгаллайман. Сен билан ҳам шундай қилдим. Авраб туриб қўйингга кирдим. Мени ҳамма илон деди (*илонга ўхшатиб қўл ва тана ҳаракатлари қилади*). лекин сен ҳеч кимнинг сўзини эшитмадинг. Менга ишондинг, мен эса қўйингни пуч ёнғоққа тўлдириб келдим. Сени шунчалик лақма қилдимки, ҳатто бировнинг хотинини ҳам севдириб қўйдим-а, сўзимга кириб, оилали аёлга, бунинг устига қизинг тенги жувонга уйланмоқчи бўлдинг-а! Масхаранг чиқди-ку. Ваҳ-ҳаҳ-ҳо!.. «Капитанга олтин соат совға қил, тўн кийгиз, шунда ўғлинг ўқишга кетмайди» десам, лаққа тушиб ўтирибсан-а. Ваҳ-ҳаҳ-ҳо! Капитан ҳушёрлик қилиб қолди, бўлмаса иккаловингням ўзим асфаласофилинга жўнатардим. Ниятим шу эди. Ваҳ-ҳаҳ-ҳо!.. Тавба, пинагини бузмайди-я... Сени ҳақиқий дўстларингдан жудо қилдим — боладим! Қариндошларинг билан юз кўрмас қилиб қўйдим, уйингдан айирдим — боладим! Шундай уйингдан-а! Ваҳ-ҳаҳ-ҳо! Тавба, нега индамайсан, бундоқ бир оҳ-воҳ солсанг-чи! Одамлар одатда бундай пайтларда оҳ-воҳ солишади, бутун ҳовлини бошларига кўтаришади. Нима, сен одам эмасмисан, жонинг йўқми? Йўқ, мен бақирмагунингча сени тинч қўймайман. Орқамга тепиб ҳайдамагунингча уйингга кетмайман. (*Саримсоққа яқин кет*

либ. ёлворини оҳинсида.) Ахир, тушунинг-да, Саримсоқбой. Тепкингни-ни емасам, уйқудан жудо бўламан, ўлиб қолишим ҳам мумкин-а. Бола-чақам ҳурмати, менга раҳм қилинг, илтимос.

Саримсоқ. Уф-ф!..

Туйғун. Ҳа, яша! Дардингни яширма, менга косани от, стулни ҳам... Ўзингни ҳам ур. Бошингдан бошла!

Саримсоқ Туйғундан юз ўгиради.

Саримсоқ (залга). Биз маънавий мажруҳ одамдан ҳазар қиламиз.

Туйғун (ўкиради). Мана! (Патнисни четга улоқтиради.)

Саримсоқ (залга). Яхшиликка кўринсин. Уғлимиздан садақа.

Туйғун. Мана яна! (Стулни улоқтиради).

Саримсоқ (залга). Янги бўлади.

Туйғун. Войдод, бераҳм одамдан дод! Қаҳри қаттиқдан дод!! (Ўзини қўйишига жой тополмай, типирчилайди).

Саримсоқ (залга). Меҳримиз ҳам, нафратимиз ҳам қаттиқ.

Туйғун (айюҳаънос солади, зина устуни ва панжарасига ёпишиб, гўё иморатни, яъни дунёни остин-устун қилмоқчи бўлгандек кучанади, кейин ҳолсизланиб ўтириб қолади). Мана, мана, мана! (Ўзини ўзи ураётиб тўсатдин йиғлаб юборади.) Уғилларим латтабазм, қизларим муте, хотиним мисоли чўри. Мендек эркесвмас, йўқ, ўздан бошқага эрк бермас отага лаънат! (Пешонасига яна мушт туширади.) Саримсоқбой (рўмолча билан юз-кўзини артиб олади), Саримсоқбой, биродари азиз, продангиз метиндан ҳам мустаҳкам экан. Тан бердим, сизни енголмадим, енгилдим. Ҳали шу ёшга кириб сиздек продаси мустаҳкам одамга дуч келмагандим. Мана шунинг учун ҳам Олқиш продали йиғит бўлган экан-да. Бунга мана энди тушуниб етдим. Ия, буни қаранг, ҳатто мен ҳам Олқишни тилга олиб юбордим-а! Ҳа, боридаям Олқиш-Олқиш, йўғидаям Олқиш-Олқиш экан. Уни тилга олмай туриб бўлмас экан. Бола тушмагур уч кунгининг ичида шунча ҳунар кўрсатди-я! Саримсоқбой, биродари азиз, тўғрисини айтсам, шу пайтгача ўғлингизга, сизга ҳам, ҳасад қилиб келардим. Чунки мен, ўзим етолмаган орзуга бошқалар ҳам етмасин дердим. Энди сизларга ҳавасим келади. (Кета бошлайди.) Ҳавасим келади... Ҳавасим келади... (Кетади).

Саримсоқ. Туйғун кетди — бизнинг шайтонимиз кетди. Биз эса имон билан қолдик. Уғлим!..

Олқиш (уфқда, учувчилар билим юрти формасида пайдо бўлиб). Эшитаман, дада!

Саримсоқ. Сенга ҳатто Туйғун ҳам ҳавас қилармиш, ўғлим!

Олқиш. Сизга ҳавас қилсин у! Иккимиз бир одаммиз — ота-ўғилмиз.

Саримсоқ. Яша, ўғлим, бу замон ўғлони! Раҳмат сенга, ўғлим! (Бориб дарвозани очиб юборади, сахна янада ёришиб кетади. Болаларнинг шўх-шодон овози эшитилади.) Яслидан наслимиз овози, келажак овози эшитилипти-я...

Саримсоқ болаларни қабул қилиб олаётгандек орқаси билан юриб сахна олдига келади ва ўгирилиб, томошабинларга таъзим қилади. Кейин бошқа ижрочилар таъзимга чиқадилар. Сўнгра Олқиш чиқиб, честь беради.

П а р д а.



Олим Кешоков
Қабарда-Балқар АССР

Юлдузим

Бола эдим, ёдимда қолган
Бир қўшиқнинг мана бу сўзи:
Бўлар эмиш дунёга келган
Ҳар одамнинг толе юлдузи.

Ениб турса юлдузинг кўкда,
Кечар эмиш умринг нурафшон.
Аммоки у бемаврид сўнса,
Рўшноликни кўрмас эмиш жон.

Туйғум ичга сиғдира олмай,
Бу нақлга сиғинардим чин
Ва тунлари эринмай, толмай,
Юлдузимни ахтарардим жим.

Ўйлар эдим: юлдузим мангу
Ёнмоғи шарт юксакда порлоқ.
Ортиғини қилмадим орзу,
Ватан меҳрин айладим ардоқ.

Табиатга бердим чирой, зеб,
Учмоқ бўлиб боғладим қанот.
Дарёларни саҳрога буриб,
Чўллар узра уйғотдим ҳаёт.

Жангга кириб қардош юртлар-чун,
Қайтган чоғим она маконга,
Мен кемалар яратдим дуркун,
Атаб ўзим қурган уммонга.

Тақдир мени элтди қай томон,
Қай ўлкага бошлади қисмат,
Порлаб турди юлдузим ҳар он —
Кремлнинг юлдузи фақат.

Омадларим сири, эҳтимол,
Боғлиқ ўша юлдузим билан.
Порлагай у мангу, безавол
Толеймга нуриин сочиб шан.

М. МИРЗАЕВ таржимаси.

Римма Казакова,
Москва

Табассум

Қиш, ҳарқалай, бўлар бадқилиқ,
Хотирамда қураб совуқ ин.
Лекин менга бир нарса аниқ:
Табассумдан
 чарх урар
 Замин!

Қорбўронда тутмагай мотам,
Қўрқитолмас уни ел, аёз.
Ўзгарувчан эрса бу олам,
Унинг учун бу ўйин холос.

Кулиб-яшнаб борар Ер шитоб,
Чўктиролмас қаҳратон ҳам тиз.
Бугун орқа ўгирса офтоб,
Кулиб боққай эртага шаксиз.

Қиш борлиққа ҳокимлик қилиб,
Юз очгани қўрққанда баҳор,
Борар
 Кулгу

 олға интилиб,
Пояндози бўлар нуқра қор!

Оҳ, нақадар бегубор, нафис,
Шундай кулар фақат чақалоқ!
Шундай кулган мард Белояннис
Лутф этиб,
Гул тутиб оп-поқ.

Мен биламан,
 Табассум,
 сени:

Қайда олса маразлик газак,
Безатасан ҳаёт юзини,
Тутиб азиз бошингни юксак.

Сени доим юзига тортгай,
Эй Табассум, ҳатто Замин ҳам
Аравага қўшилган отдай
Сўлиқ чайнаб ишдан қайтган дам.

Шунда бирдан юзим ёритиб,
Лабда унар табассум хушқол
Май ойида бетонни ёриб
Чиқаётган майсалар мисол.

Ҳ. ШАРИПОВ таржимаси.

Мустай Карим,
Бошқирдистон АССР

Нон, Ватан, Муҳаббат

То эски сўзларга қўнмасин ғубор,
То диллар тўридан жой олсин абад,—
Ёзда,
Аёзда ҳам айтаман такрор:
Нон, Ватан, Муҳаббат!

Қўлга қурол олай, олай ё қалам,
Ё баҳор даламга айласин даъват, —
Хизматкорингизман ҳар ерда, ҳар дам,
Бир умр
Нон, Ватан, Муҳаббат!

Ҳатто чумолига ётказма зиён,
Дема, хомхаёл бу, ирим ё бидъат:
Қарғар, дилозорни қарғайди ёмон
Нон, Ватан, Муҳаббат!

М. РАҲМОН таржимаси.

Фариза Ўнғарсинова,
Қозоғистон ССР

Саҳро соғинчи

Она каби қучоқ очади овул,
Саҳроча ишқ билан шошиб бораман.
Кенгликларда қушдай яйрайди кўнгил,
Хаёллар тоғидан ошиб бораман.

Отлар дупурида яйраган дала,
Жонларга ўт солар пойга хумори.
Бедовинг эгарла сен ҳам бу палла,
Уча қол йўлларда ташна, тўпори.

Узангининг кумуш жаранг-жаранги,
Бахмал эгарпўшнинг елпинишлари,
Шамоллар чорлови, олис йўл чанги,
Арғумоқнинг шавқли кишнаши бари —

Сахро қалби бўлиб, шан мерос бўлиб,
Абадийлик бўлиб, эҳтирос бўлиб,
Журъат, жасоратдан сўйлайди дoston.
Учгил, шамолларни қолдириб ҳайрон,
Пойгада голиб бўл ҳамиша, Инсон!


О. ҲОЖИЕВА таржимаси.

Геворг Эмин,
Арманистон ССР

Севаман

Мен беҳад севаман, Арманистоним,
Йўллар, тераклар ва қўшиқларингни.
Мангулик анқиган далалар — жоним,
Севаман осмонинг, ҳур қушларингни.
Ёмғирдан кейинги онинг севаман,
Тонгги ўримларнинг ҳуш бўйини ҳам.
Тоғларинг ҳамиша бўлсинлар омон,
Улар ҳайкалларинг — пурвиқор, хуррам.
Севаман баҳорий кечаларингу,
Сулув тонгларингни орзиқиб фақат.
Насибам тугаб гар кўз юсам мангу,
Ҳаёт ҳаққи билан севаман абад!

А. СУЮН таржимаси.



Кўз қоразиси



РОМАН¹

Қорақалпоқчадан Ҳайдарали Ниёзов таржимаси

17

Совхознинг шон-шавкати учун ҳар қандай оғир меҳнатдан қочмайдиغان ишчилар йиғим-терим ишларига жон-жаҳди билан берилиб ишлашса-да, пахта ва шоли етиштириш бўйича йил бошида олинган мажбурият у ёқда турсин, планни бажариш мушкуллиги кўриниб қолди. Шунга қарамай, далаларда етиштирилган бутун ҳосилни нобуд қилмай йиғиб-тегиб олиш асосий масала қилиб қўйилди. Иш бўнаштирилмади. Партком аъзолари тиним билишмасди. Директорнинг боши кун чиққанидан кун ботгунигача эмас, у тонгдан бу тонггача ёстиқ кўрмасди: гоҳ далаларда, гоҳ қабул пунктларида, гоҳ машина гаражида, гоҳ районга қатнайдиغان йўлда, гоҳ қурилиш бошида ухларди.

Далалар ҳам кетма-кет тозаланиб бормоқда. Уларни келаси йил учун шудгор қилиб қўйиш керак. Бу ишларни ташкил этиш ҳам қийин бўлди. Ужар механизаторлар эҳтиёт қисмлар етишмаслигини ваз қилиб, тракторларни ремонт устахоналарига олиб бориб тахлашди.

Шержонов ким кўринганга ўзини совхознинг жоначири қилиб кўрсатишга уринади. Баъзида бухгалтерларга дакки берган бўлиб, «Дунёдаги ақлсизлар бухгалтерлар, улар кеча-кундуз пул ҳисоблашадилар, лекин бир сўми ҳамёнларига тушмайди», деб кетади. Унга эргашадиганлар, гапига ишонадиганлар кўп. Буларнинг ҳаммаси сирдангина шундай кўринади. У ўзига топширилган участкаларда: совхознинг сут, сабзавот ва полиз маҳсулотлари топшириш планларини бажарган бўлса ҳам, янги директордан яхши гап эшитмади. Эрталаб кабинетига киргандан бошлаб, тумшугини осилтириб ўтиргани ўтирган. Стули ҳам мустаҳкам эмас, сал чиранса ё керилса, синиши турган гап. Қиладиغان иш тополмай худди уя овлаган шақал каби, чап биқин томонига қўйилган қора телефон аппаратига юмалоқ кўзларини қадагани-қадагани. Телефон эса, стол устида ухлаб қолган қора мушукдай жим ётаверади.

Шержоновнинг бошқа совхозларда, район ва область марказларида ошналари бўлиб, уларни анча соғиниб қолган эди, бирмунчаси унинг қўлидан совға-салом олган, кўплари дастурхонидан тузини еган. Бугунги кунда ҳеч қайсиси қўнғироқ қилмайди. Беўрин совға-саломлар баъзи ошналарининг ўзларини четга олиб қочишларига сабабчи бўлган бўлса ажаб эмас.

Тишини ковлашидан оғзи тўла қон аралаш тупугини ташқаридаги тупдонга ташлаб келиш ўрнига, пастга қараб ўтириб, икки оёғининг

¹ Боши ўтган сонларда.

ўртасига шали эткизиб ташлади. Аллакимнинг кириб келишидан сесканиб, ботникасининг таги билан артди. Хаёллари кўп. Кўп ўйларига ишончи ҳам мустаҳкам эди. Ҳозир ҳаммаси чок-чокидан кетгандай туйилди.

Совхознинг янги директоридан бошқа кадрларнинг ҳаммаси унинг, Шержоновиинг буйруғига биноан қўйилган. Сотиб кета қолармикан? Оч пайтингда битта нон берганга тўйганингдан сўнг бир жуфт нон қайтариш керак. Буни Шарқ донолари айтиб кетишган. Фарб билан Шарқ бирлашгани билан яхши анъаналарни тугаллаш назарда тутилмайди, бирдан иккинчисига ўтади, ўзаро бойитилади, мустаҳкамланади.

Сабри чидамай даҳлизга чиқди. Ҳаммаёқ тим-тирс.

Парткомнинг эшиги олдида илинган янги эълонга кўзи тушди. Парткомнинг очиқ мажлиси белгиланган кунга эмас, кун тартибига қўйилган масалаларга алоҳида диққат бериб ўқиди:

1. «Янгилик» совхозда йиғим-терим суръатининг қаноатланарсиз аҳволи юзасидан район партия комитетининг бюро қарорларини ишлаб чиқиш. 2. Янги йил учун газета-журналларга обуна бўлишнинг бориши...»

Бугун ойнинг нечанчи куну эканлигини хаёлан ҳисоблаб, «қарор ўн кун кечикиб келибди-да!» деб қўйди. Биронтаси эшитмадими деб сесканиб орқасига қаради. Ҳеч ким кўринмади. «Биринчи масала тўғри, — деди эълон билан гаплашгандай. «Янгилик» совхозининг эмас, Давлатовнинг тақдири муҳокама қилинади. Иккинчисининг нима кераги бор! Ишчиларнинг сентябрдаги, октябрдаги ойлигидан ими-жимиди «газета-журналга» деб ушлаб қолаверса бўлди-да! Шундай қилиб йиғилишда «урра-урра»ни кўпайтирмай, район қайси газетадан ё журналдан планини бажармаётган бўлса, шунга пул ўтказ, вассалом! Лодонлар!

Кабинетида телефон жиринглади. Сал ҳаялласа қайта жирингламайдигандек ҳовлиқиб ичкарига кириб кетаётиб, пешанасини эшикка уриб олди, югуриб бориб столга ўзини ташлаб, трубкани кўтаришга улгурди.

— Ассаломуалайкум, ўртоқ Шержонов,— деди район партия комитетининг унга таниш бўлим бошлиғининг овози.— Ҳорманг! Тан-соғлигингиз яхшими? Менга келиб йўлиқа оласизми?

У қимматбаҳо қундуз телпагини кабинетдаги кийим илгичга илиб қўйишга ҳам кўзи қиймай, столнинг бир бурчига оқ қоғоз ташлаб, унинг устига қўйиб қўяр эди. Трубкадан бўшаган қўли билан телпагини гижимлаб ушлаб, столга тап эткизиб урди:

— Охири худо етказди-я!

Телпак столдан сирпаниб, ўзининг тупуги устига тушса ҳам, уни қўлига олмасдан креслосига чалқайиб, икки оёғини стол устига қўйди-да, чалиштириб узатди. Битта узун сигаретани тортмасидан чиқариб, лабига қистирди-да, гугурт чақди. У папирос тутунини ҳеч қачон ичига тортмасди, бу сафар тортганини сезмай қолди, икки марта ўхчиб, кўзларининг ёшини артди. Оёқлари орасида ётган телпагини олиб, бошига кийди, уни қоқмади ҳам.

У шу бугун машинасининг моторини алмаштириш учун устахонага топширган эди. Тўхтади-да, «бу қарғиш теккан эски машинадан қачон қутулар эканман», деб қўйди фикран.

Деразадан ташқарига қараган эди, аллақадан келаётган Завмагнинг «Москвич»ини таниб қолди, деразани тақиллатиб урди. Деразанинг иккита кўзи жаранглаб синиб тушгандагина у қайрилиб қаради.

— Мени ҳозир райкомга етказиб қўй!— деди Шержонов ҳовлиқиб, Завмагнинг олдидан тўсиб чиқиб.

Завмаг иккиланмай:

— Севинчли хабарми? — деди-да, машинасини тўғри район йўлига солди.

Райком чақиртирди.

— Молодец, Эржон оға! Совхозга энг олдиндан ўрин олиб бергансиз! Кейинги бюрода Нисон Нажимовичнинг сизни мақтагани бежиз эмас. Обком секретарининг кўзи олдида мақтади. Лаънати Давлатов сизга ҳам кўп қитмирликлар қиляпти. Энди амал тегса, билиб ишингизни қилинг!

— Сени милицияга чақираётганмиш, деб эшитдим?

— Худойберганнинг ўлимини мендан кўряпти.

— Қандай қилиб?!

— Завмаг доврираб қолмади, бепарволик билан жавоб қилди:

— Нега бунчалик қуён юраксиз? Ўзингизни босинг. Мен райсоветга депутатман, совхоз парткомининг бюро аъзосиман. Ҳатто қишлоқ Советига ҳам депутат эмас, ёши комсомол ёшидан ўтиб партиёга кирмай юрган одамнинг чақирғига бормамайман, албатта.

— Тўғри! Фарида янгангнинг гапига қараганда, Давлатовнинг хотини анави учта импорт кўйлакни райондаги модалар ательесига олиб борганмиш.

— Пора олган одам биринчи галда хотинидан қўрқади. Чунки кўпчилиги порани хотини орқали олади. Шундай эмасми?

— Сен файласуфсан! Давлатов ҳам, чамамда, хотинидан қўрқиб қолган.

— Қўрқмаса, ким кимни сийлайди, оға? Ростини айтганда, қўрқмасак, Нисон Нажимовни сийлармидик? Четга чиқиб қолса, менинг ўзим ҳам салом бермайман! У ҳам бизни бериб турганимиз учун кўллаб-қувватлайди. Давлатовдан қўрқмасак, нега шунча нарсаларни бердик? Сийласак, у областда ишлаб юрганида нега ҳеч нарса олиб бормадик? Булар резги гап, Эржон оға. Оҳ, қани энди, келгуси партмажлисгача модалар ательеси буюртмани биткизиб, Светлана ана ўша учта импорт кўйлакни кийиб чиқса эди! Аймоқчи, Давлатов сизнинг қариндошингиз Шарифаникига бориб турармиш.

— У Нуржон оға билан қалин. Бизникида иккови қандай танишганини унутдингми?

— Қариндошингиз бўлганидан кейин шаънига гард юқтиргингиз келмайди-а?

— Майда гапларни қўяйлик. Мени нима учун чақиртирган экан?

— Директорлик креслоингизга қайтадан ўтирасиз.

— Шержонов унинг елкасига қоқди.

— Эржон оға, оз фурсатга ишдан бўшаганингиз ҳам яхши бўлди. Дўст билан душманни аниқлаб олдингиз.

— Тўғри. Кимга отасини танитиб қўйишни энди биламан!

— Улар районга бирпасда етиб келишди. Завмагни машинасида қолдириб, Шержонов олдингисидек виқор билан район партиё комитетининг биносига кириб, қўнғироқ қилган бўлим мудирининг эшигини тақиллатиб ўтирмай очди:

— Мумкинми?

— Ёш бўлим мудирини уни одоб билан кутиб олди, плашчи билан телпагини вешалкага илишга ёрдамлашди.

— Вазият Шержоновни яхшиликлардан умидвор қилиб, қалбидаги завқ-шавқини ишга солиб юборди, бўлим мудирини билан ҳол-аҳвол сўрашди, ҳар қачонги одати бўйича икки хил папирос чиқариб, биттасини унинг олдида қўйди.

— Бўлим мудирини аллақандай шошилинич ҳаракатлар билан олдидаги қоғозларни йиғиштира бошлади.

— Эржон оға, Сизни чақиртирганимиздан мақсадимизни оз-моз сездингизми?

— Қоидага кўра бундай саволларга «билмадим» деб жавоб берилуви лозим. Шержонов «билмайман» деган сўзни ўзига муносиб кўрмасди. Жўрттага илжайди.

— Тахминлайман. Нисон Нажимович ўзларидами?

— У сиз билан шахсан учрашмоқчи эди, кутилмаганда обкомга чақиртирилди.

— Мен билан гаплашишни сизга ишондиларми?

— Ишондилар.

— Ундай бўлса, мен ҳам ишондим.

— Сиз районга кўп хизмат қилган одамсиз. Иззат-ҳурматда бўлишингиз керак.

— Раҳмат. Нисон Нажимовичга мингдан-минг раҳмат. У катта-кичик — ҳаммани тушунадиган одам. Марказком уни бизнинг районга секретарь этиб вақтида тўғри иш қилди. Умри узоқ бўлсин!

— Бу гапларингизни, албатта, ўзига етказаман. Ўртоқ Нажимовнинг сиз билан учрашиш учун чақиртиришдан мақсади — сизни танта-нали суратда пенсияга чиқариш юзасидан маслаҳат қилмоқчи эди.

Шержоновнинг вужуди титраб, ўрнидан туриб кетди.

— Эҳ, тумшугининг сариғи кетмаган полопон! Мен пенсияга чиқаришнинг нима эканини яхши биламан-ку, ахир! Шунақа экан, нега гапни узоқдан айлантириб, мужмал сўз қилиб ўтирибсан. Телефонда, ишдан бўшашга ариза ёз, десанг тилингда чечак чиқармиди?!

Бўлим мудири мийғида қулиб қўйди, оғир кулди.

Шержонов шартта ўрнидан туриб, вешалкадан плашчи билан телпагини олиб кийинди:

— Аризани сенга ёзаманми?

— Ўртоқ Давлатовга топширсангиз ҳам бўлади. Эржон Шержонович, сизга яна битта маслаҳат. Сизга икки хонали яхши уй берилади. Шунинг учун, ҳозирги уйимни совхоз болалар боғчаси қилсин, деб ўз ихтиёрингиз билан ариза ёзинг!

— Сен бола, унақа Давлатовнинг гапини гапирма. Қадрдоним Нисон Нажимович ундай кўрсатма бермайди.

— Ишонмасангиз эртага ўзингиз учарсиз.

Шержоновнинг ичи ёниб кетаётган бўлса-да, Завмагга тушунтириб ўтиргиси келмай, ўзини зўрлаб илжайиб чиққанидан фойда бўлмади.

— Эржон оға, — деди Завмаг сал қалтираб. — Тусингиз қора тутун, кўзларингиз ўт сочиб келяпти. Тинчликми ўзи?

Шержонов хўрсиниб, пастки лабини устки тилла тишлари билан тишлади.

Завмаг олдинги ойнадан унинг йиғламсираган кичкина юмалоқ кўзларини кўриб, раҳми келиб кетди.

— Эржон оға, пул ҳаракатга тушса пул, бўлмаса сичқон емасин деб салафанга ўраб туз халтанинг тубига ташлаб қўйилган нақшли қоғоз холос.

Файласуф бўлиб кетибсан-да, ўзинг ҳам.

Завмаг жуда талтайиб қулди.

— Ўзингиз ёмон тушунадиган одамсиз-да! Айтинг, мenden нима ёрдам керак?

— Бир вақт авария ҳақида бир нима деган эдинг.

Завмагнинг ранги ўзгариб, унга бир бурилди-да, яна қаддини тиклаб йўлига қаради.

— Лаънатининг шофери жуда уста. Бўлмай қолди.

Шержоновнинг серажин кенг пешанасини тер босиб, яна совуқ хўрсинди. Унга жавоби ёқмаганини сезса-да, Завмаг яна гапирди:

— Эржон оға, мен сизни яхши биламан. План бажариш учун бригадирларга сохта наряд ёздириб, уларнинг ҳар биридан оз-овлоқ бир нарса олар эдингиз. Шунинг учун бригадирлар сизни унча қувватлашмайди. Чунки сиз олганингиздан ўзларига сарқит қолдирмасдингиз.

— Уларнинг ўзлари алиштириб берганларини олар эдим.

— Берганларини олган бўлсангиз ёмон кўришмайди. Пора берган одам сенинг хоҳишинг бўйича юрадиган дўстингга айланади. Сенга бирон шикаст етадиган бўлса бергани куйиб кетади-да, ахир!

Шержоновнинг йирик гавдаси силкиниб, арслондек лорсиллаб кулди.

— Ҳеч қачон хор бўлмайдиган йигитсан-да!

— Пулининг кўплигини пеш қилиб, нуқул кийимга зўр берадиган сирти ялтироқларни ёмон кўраман. Эржон оға, жиндек мақтанаман, афв этасиз. Пора олган одам ўздан юқоридагиларга ҳам бера билиши шарт. Башарти хотинларининг ожиз томонини билсанг-ку, бунга етадигани йўқ-а! Бизнинг халқимизда эркаклар ҳалига қадар хотинлари раъйига қарашади. Бошлиқлар орасида ким хотинидан кўрқиб яшаса, ўша порахўрликка мойил. Хуллас бера билиш керак. Курортга кетишида «дўстларинг билан ресторанга борасан» ёки бўлмаса, «совға-салом олиб келарсиз бизга» деб ҳам кўп нарса ўтказса бўлади. Сиз ҳам бир оз бахилсиз... Йўқ, ўзим айта қолай. Мен, масалан, райпонинг бошлиғига бермай-чи, у мени ерга қозиқ қилиб қоқиб юборади. Бултур, сизга ҳам айтганим йўқ, райпонинг бошлиғи менга энг қиммат сур қалпоқ топасан деди. Қизилқумнинг ичидаги чорвачилардан топдим. Яқинда ўша сурни Респода бировнинг бошида кўрдим. Энди у нима қилади? Бошидагиси учун бизнинг райпонинг бошлиғи олдида юзини пастга эгаси, бизлар райпо бошлиғи билан кулишиб, бир шишани бўлиб ичиб кетаверамиз. Чамалашимча, сиз юқорига қараб томир отолмагансиз. Йўқ, хато айтдим, пастдан юқорига соя тушира олмагансиз.

— Жумбоқ айта берма, барака топкур. Авария!!

— Энди дангалини айтаман!

Совхоз идораси олдида турган Мамутов қўл кўтариб, уларни тўхтатди. Иккаласи ҳам ичларидан илон юриб ўтгандек бўлганини сездирмай «нима гап?» дегандек, ойнадан бошларини чиқаришди.

— Завмаг, менга сиз кераксиз,— деди Мамутов жиддий қилиб.— Балким партком секретарига қулоқ соларсиз.

— Тухмат бўлмаса?

— Танага битган хол бўлмаса, ташқаридан ёпиштирилган қуяни ювиб ташлаш мумкин.

У Шержоновни уйига тушириб, қайтиб келишга ваъда берди-да, машинасини тезлатиб ҳайдаб кетди.

— Бу ҳам тирилди!

Шержонов Завмагнинг машинасига минганидан ичакларига чўғ ёпишгандай, пешанасининг терини артди. Муттаҳам Завмаг Давлатовга бир бало қилса, у билан бирга юрган им учун душманларим не халёлларга боришмайди. Мени унга шерик сифатида ушлашади. Уйининг олдида тушиб, ичкарига киргандан кейин ўкинди. Идорада тушиб қолавериши керак эди. Энди унинг уйига қўнғироқ қилиб, аҳволни билиш қийин. Алоқаси тушмагур ёмон ишлайди. Учинчи абонент қўшилишиб эшитса, ишининг пачаваси чиқади. Кечаси боришга ора олис, ёлғиз пиёда юриш хатарли. Сен авария ҳақида ўйлаганингда душманларинг қараб ётадимми?..

Шержонов шу тариқа ҳар хил хаёлга бориб, хотини Фаридага билдирмай холодильникдан бир шиша коньяк олди, тик туриб оғзига тўнкарди, лиқ-лиқ ичди-да, хонасига кириб, эшикни ичидан занжирлади.

18

Совхозда партия йиғилиши яна торт-торт билан ўтди. Бу сафар ҳамманинг гапиришига асосий сабаб бор эди. Район партия комитетининг бюро қарори совхоз директорига ҳам, партком секретарига ҳам «Қаттиқ уриш эълон қилган». Қарорни қувватловчилар кўп бўлди. Чиқиб сўзловчилар Давлатов билан Мамутовни бош нишон қилиб олдилар. Ҳамма гапларнинг суянган ўзаги битта бўлди:

«Янгилик» совхозни областда машъал совхозлардан бири эди. Давлатов ишнинг кўзини билмай, уни ёқилғиси сарфланган тракторга айлангирди...»

Партком секретари Мамутов баъзи қизиққондиларга тасалли бе-

риш учун «бу йил нима ютқизсак, келаси йили шуни қўшиб ютамиз», деса ҳам ҳеч ким қулоқ солмади. Қайтага унинг шаънига танқидни кучайтириб, «Давлатовнинг чўқморига айланди» деб айблашди.

Йиғилиш қарама-қарши бақориқ-чақориқдан бошқа ҳеч нарса бермади, лекин Яхшилиқ учун, совхозда активларнинг кўпчилиги Шержоновнинг иш усули тарафдори, деган сир очилди.

Яхшилиқ қанча таъналар эшитаётганига қарамай, Шержоновнинг сут топшириш, сабзавот ва полиз экинлари тайёрлаш планларини қандай бажаришга муяссар бўлганини ошкора қилмади. Олдин тагига етиш керак, бўлмаса ишонтира олмайди.

Кечаги йиғилишнинг таъсири эртасига ҳам бошидан тарқамай, кабинетига кириб ўтирган зоҳоти орқасидан эшикни мушукдай аста очиб, «уч мушкетер»нинг биттаси — бригадир Элбой Қўшжонов изма-из кирди. Бўйи пакана, сарғиш юмалоқ юзли бу одамнинг каттакон кўзлари кичкина ялпоқ бурнини жуда ялпайтириб, нотаниш одамларга ғалати кўрсатар эди. Яхшилиқ уни ўғри мушукка ўхшаб кирганини ёқтирмагани учун баттолнинг юзи ҳам хунуклигини унча пайқамди. Совуққина қилиб саломлашди...

— Ёрдам сўраб келдим,— деди Қўшжонов, стулга ўтирар-ўтирмас.— Кеча партия йиғилишида, унга қадар райкомнинг бюросида гап бўлди. Сиздан ёрдам бўлмаса кундалик ўсишда бурилиш бўлмайди.

Совхоздаги ўрта мактабнинг юқори синф ўқувчилари бир ҳафтадан буён унинг бригадасида эди. Яхшилиқ ҳайрон бўлди.

— Одам эмас, аванс керак,— деди у.— Беш-олти минг сўм!

— Терилган пахтагиз қани?

— Бўлади. Энг муҳими, ведомость тайёр. Табелчим ишчан бола. Эсингиздами, уни ўғирлик тахтани сотиб олгани учун бўшат, деган эдингиз. Бўшатмадим. Уша табелчининг чаққонлиги туфайли Холбой Жамоловга ўхшаб ведомость тузмасдан келмадим.

Яхшилиқ ҳеч нарсага тушунмай бўйинини қисди.

— Биласиз, ўртоқ директор,— деди Қўшжонов, чўчанглаб.— Теримчиларга ҳар килограмм пахтаси учун ўн тийиндан тўланади. Пахта қабул қилиш пунктида шу пулни сўрайди. Мен Жамоловга ўхшаб ҳаммасини икки-уч кунда олмайман. Сиз талаб қилган даражада процентни ошириб боравераман.

Шу пайтгача ичида гўптигў бўлиб келаётган сирли жумбоқнинг бир учи топилишини тушуниб, Яхшилиқ жўртгага жилмайди:

— Очиқроқ баён қилинг.

Қўшжонов уни тушунмайди деган хаёл билан ўрнидан туриб, эшикни қаттиқроқ ёпиб келди.

Пулнинг ҳаммасини торозибонга тугал топшираман. У олтмиш тонна пахта беради. Ана ўша пахтани терди деб ёзилган теримчилар, механизаторлар шу миқдордаги пулни олдик, деб ведомостга ҳам қўл қўйишган.

— Термаган пахтасини тердик деб-а?

— Яхшилиқ Давлатович, халқ жуда раҳмдил. Аҳвол ёмон десанг, раҳм қилади. Ҳатто ҳар қайсиси ведомостга, исмларининг тўғрисиغا қанча пул ёзилган бўлса-да, олдим деб имзо қўяверади. Нега қўймайсин, ишламай топилган пул бўлгандан кейин қўяди. Бунинг уларга фойдаси ҳам бор. Чунки йил охирида бригада пахта планини бажарса, устама мукофот чиқади. Мукофот унинг йил давомида ишлаб топган пуlining миқдорига қараб процент билан белгиланади. Мана шундай қилиб, ишламасдан номига ёзилган пул учун қўшимча ҳақ олса зарарми? Албатта, одамлар орасида ўзини покиза тутадиганлари бор, уларга айтмаймиз, уларни зўрламаймиз-да, хулқ-атвори тракторнинг темиридай эгилувчан механизаторларга кўпроқ ёзамиз.

— Йил охирида мукофотларини йиғиб оласизми?

— Бундай деманг! Мукофотга тирғилиш — аҳмоқлик! Жанжал чиқади. Бусиз ҳам ўзимизга аталгани етади. Торозибонда ҳам одамгарчилик бор, инсоф бор. Берган пулингизнинг ҳаммасини хинжирига ур-

майди, бир қисмини қайтаради. Яرمىси меники, ярмиси директорники. Меҳмон кутади.

— Торозибон ҳеч нарса қайтармаса-чи?

— Тажрибамиз бор, қайтармаса, сўраб оламиз. Аслида у ҳам одам, кўрқади.

— Торозибон шунча пахтани қаердан олади?

— Қаердан олиши билан бизнинг ишимиз йўқ. Ўтган бюрода район пахта тозалаш заводидан икки минг тонна пахта кам келгани ҳақида масала қўйилибди-ку. Балким...

— Қани ведомостингиз?

Қўшжонов яна эшик томон бир назар ташлаб олиб, газетага ўроғлиқ ведомостни икки қўллаб унинг олдига ёйди.

Директор ведомостга энгашиб, фамилияларга кўз югуртира бошлади.

— Ҳаммаси тўғри, чатоғи йўқ, ўртоқ Давлатов. Олдинги йиллари қўшни район «приписка» учун фош қилинганида, ҳужжати пухта бўлмагани учун қаттиқ гап эшитганди. Бу бизга сабоқ бўлган. Табелчим мияли йигит!

— Бригадангиздаги ишчиларнинг барчасини танир эдим. Таъзимов, Нурлепесова деганларни билмайман-ку.

— Сиз директор бўлиб келгандан буён бу биринчи ведомостни тасдиқлашингиз эмас. Ҳаммасида ҳам шу фамилиялар бор эди. Оз-моз лўлиликдан ҳам хабарингиз борга ўхшайди. Бўлмаса, ҳар сафар сизнинг тасдиқлаганингиз бўйича уларга ойлик тўланади. Кўрқмай қўл кўяверинг, сизга гап теккизмаймиз.

— Сира кўрган одамларим эмас.

— Таъзимов районда битта каттаконнинг шофери. Нурлепесова бўлса, район маданият уйида ишлайди. Совхозлараро бадий ҳаваскорлар тўгарагининг раҳбари эса совхоз ишчиси бўлиб қўшиқ айтади.

— Ўртоқ Қўшжонов! — деди Яхшилик бирдан қаҳр билан тикилиб. — Ҳозироқ ўрнингиздан туринг-да, кўзимдан йўқолинг! Агар далада бир мисқол пахта нобуд қилинса, судга бераман!

— Шунчалик эҳтиёткорликнинг нима кераги бор? Биз, бригадирларга ишонганимда, райкомдан бундай қаттиқ сўкиш эшитмасдинг, партмажлисда муҳокама қилинмас эдинг. Жўжахўроз директор!

Яхшилик ведомостни пора-пора қилиб йиртиб ахлат яшигига ташлади.

Пакана бригадирнинг аччиғи қистаб, чўқигиси келган дақанг хўроздай тумшуғини олдинга чўзди.

— Холбой Жамолов сенга кўпроқ оширганмиди?

— Чиқ бу ердан!!

— Қувлама! Бу бино отанг қурдирган идора эмас! — деди Қўшжонов сарғиш юзи қизариб. — Керак десанг, икки минг алиштириб беришим мумкин. Тузукроқ гаплашайлик! Утир! Бу совхознинг обрўси!

Тирноғидан сочигача қизиб турган Яхшилик унинг кифтидан маҳкам ушлаб, эшикдан ташқарига итариб юборди. Шунинг устига лўп этиб Шержонов кириб келди.

— Ҳа, директор, нима бало, одам уришга ўтганмисан?

Яхшиликнинг кўзлари ўт сочиб чақнади, пешанасидан мунчоқ-мунчоқ тер томчилади.

— Ана, Давлатов, бу совхозда мен қандай ҳақсизликларга чидаганман? — деди Шержонов кулимсираб. — Қийин!

Яхшилик гапирмади, ҳансираб ўрнига ўтирди. У яна битта сирли жумбоқнинг жавобини топганга ўхшайди, лекин бу ҳозирча ечим эмас, баттар чигаллашган, жуда чигаллашган жумбоқ бўлиб туйилди.

— Мен ҳозир партвзнос тўлаб чиқдим, — деди Шержонов бепарволик билан. — Взносни вақтида тўламасликдан бошланади барча интизомсизлик. Шунинг ўзи ҳам коммунистнинг сарагини саракка, пучагини пучакка чиқариб қўяди...

— Ўртоқ Шержонов, — деди Яхшилик, унинг гапига парво қил-

май,— сиз ҳалиги Қўшжонов билан гаплашиб келинг. Кейин кирарсиз.
— Элбой ҳам ўзбошимча бўлиб кетган, танбеҳини бериб қўяман,— деб гердаиди Шержонов.

Яхшилик яна ёлғиз қолди. «Тушимми, ўнгимми? Қўшжонов ифвогарлик қилиб юрмаганмикан? Бундай бўлиши мумкин эмас, Холбой Жамолов беш минг сўм олди, чиндан ҳам кундалик ўсиш бирдан ортди. Қандай қилиб? Хўш, қандай қилиб? Горозибон пахтани қаердан олган экан?... Тўғри, райкомнинг ўтган бюросида пахта тозалаш заводидан икки минг тонна пахта кам чиққани учун кўп одам жазоланган».

У кабинетида у ёқдан бу ёққа бориб кела бошлади. «Термаган пахтани тердик деб, олмаган пулни олдик деб қўл қўйганларга нима дейсан? Одамлардаги виждон қани? Майли, директор бригадирларни мажбур қилган бўлсин, ё бўлмаса нуқул ўзига тобе, ҳамфикр одамлардан бригадир танлаган бўлсин. Табелчилар-чи, нега сохта табел тузади? Шунча одам нега қилмаган нарсасини қилган бўлиб қолади? Еки халқдаги меҳрибонликнинг маъноси шуми? Баъзи ҳурматли одамлар ҳам буни кўрмаганликка олган, ҳеч нарса деб тиш ёрмаган! Ҳеч ким эътироз билдирмаган-а? Биргина директорни, ё бригадирларни, бўлмаса табелчиларни айблаш билан иш битмайди. Шунча одам жавобгарликка тортилса, айбланса, совхоз янги одамларни туғармиди?...

Қўй ҳам омон бўлиши керак, қашқир ҳам тўқ бўлиши лозимку-а? Бу принцип нотўғри! Тўғрилик қаерда, бўлмаса? Шов-шув кўтариш керакми?.. Пойдевори чириган томда яшайвериш ҳам яхши эмас. Ахир бир кун қулайсан! Фақат бригадирлар янгиланса, ҳақ жойига қарор топадими? Уларни бир чеккадан буйруқ бериб бўшатиш ҳам осон бўлмайди.

Шержонов бошқарган даврдаги совхознинг «ойдин» йўли эгри-бугри, ўнқир-чўнқир бўлиб кўз олдига келди.

Қилмишлар... Мана шу қилмишларга алоқаси бор оилаларнинг аксариятида олти-тўққиз бола бор. Улар йиғлаб қолади, севикли дадаларига нисбатан нафратлари уйғонади. Ҳаммасини ёпиқ қолдириб, янгидан бошлаб кетаверилса нима бўларкин? Булар бунга ҳам йўл берадиган эмаслар... Таланиб-тортишади, эжакилашади.

Қандай йўл бор яна?

Одам хаёлга эрк берса, ўзини қаёқларга олиб бормайди? «Директор резинкадек бўлиши лозим». Буни ким айтган эди? Қим бўлса ҳам доно гап айтган...

Қандай бўлса ҳам, бу фикрлар юзасидан олдин Нисон Нажимович билан маслаҳатлашган маъқул.

У шу қарорга келиб, ортиқ ҳаялламай, машинасига минди.

Райком биносининг олдидан ичкаридан чиқиб келаётган Шарифага дуч келди.

— Ҳа, тадқиқотчи, юзларинг қаттиқ ташвишли?

— Ҳеч гап йўқ,— деди қиз кулимсирашга тиришиб.

— Нисон Нажимовичда ишингиз бўлса ҳозир кирмаганингиз маъқул. Мартенда эритилган чўяндек қизариб, ёниб турибди. Яқинига борсанг куйдирармикан ҳозир.

Яхшилик нима қилишини билмай, иккиланиб қолди.

— Юринг, бизникига кириб чой ичинг, унғача совийди.

Ҳар кунги одатича, икки қария бино олдидаги қайиқнинг устига кўрпача тўшаб, суҳбатлашиб ўтиришарди, Яхшиликнинг саломига иккалови баравар алик олиб, яйраб кетишди.

— Яхшилик болам, жуда вақтида кўриндинг,— деди қўшни қария. — Районнинг бир йиғилишида менинг чиқиб гапиришимга имконият яратиб бер.

— Нима учун?

Қария ёнидаги журналларнинг биттасини олиб, хатчўп солиб қўйилган саҳифасини очди, ёнига қўйиб қўйган кўзойнагини тимирскиланиб топгунча ҳам бўлмай, кўнглига тугиб қўйган гапини гапирди.

— Ҳозир ҳамма ёқда янги ер ўзлаштириш одат. Урмонларни ас-

раш керак. Урмон одамларнинг нафас олишлари учун кислородни кўп чиқаради. Бировлар сувнинг бўйи яхши дейди, бу нотўғри. Бир гектар дарахтзор ўн гектарлик ҳовуздан ортиқ, дераза олдидаги бир туп тўронғил бинога ўрнатилган ўнта кондиционердан афзалроқ!

— Яхши, ота, гаплашамиз.

— Уйга бораверинглар,— деди Нуржон қария уларнинг йўлини тўсабермасликни ўйлаб.

Ичкарига қадам қўйишлари билан улар бир-бирини қучоқлашиб, ўпишиб, ошхонага бараварига кириб боришди. Бири газни ёқди, иккинчиси чойгумга сув тўлдирди.

— Яхшилиқ,— деди Шарифа, дастурхон ёзиш учун стол устини тез-тез артаётиб.— Сиз анави креслога ўтиринг, мен кинолардагидай бўлиб сизнинг рўпарангизга ўтирай.

Яхшилиқ креслонинг орқалигини деворга теккизиб қўйди-да, кейин унга чўкди. Шарифа ишини тез-тез тугатиб келиб, унинг рўпарасига эркаланиб ўтирди.

— Кечиринг, Яхшилиқ, туғилиб қолган озгина имкониятдан жуда кўп фойдалангим келади. Шундай ўтиришни орзу қилардим.

— Қушдексан, салмоғинг йўқ.

— Унда оғирлигимни солай,— деб қиз унинг бўйнидан қучоқлаб, пастки лабидан сўрди.— Ҳали Нажимовнинг олдига кирма дейишимнинг сабаби бундай эди. Мени кабинетига чақиртириб, «ўртоқ тадқиқотчи, сиз районни бузманг!» деди. «Далиллаш билан уришлар ҳам тўхтайти» дедим. «Баъзан кўз юмиб ўтса ҳам бўлади» деди. «Ундай бўлса, ўтинг!» дедим-у, чиқиб кетдим. У орқамдан «Тўхта, қиз, Давлатов ҳақида ёзиб бер» деб бақириб қолди. Жонгинам, хато-камчилигингни изловчиларнинг борлиги ҳам яхши, бўлмаса одам дўстларининг қандайлигини билолмас эди. Оҳ, сизни шундай яхши кўраманки, жоним,— деб қиз уни яна ўпди-да, кўксига бошини қўйиб, жим бўлиб қолди.

Яхшилиққа қиз йиғлаётгандай бўлиб туйилди. Шу туфайли гапни айланттиришни маъқул кўрди.

— Шарифа, эсингдами, бир сафар сен менга, бизлар яшаб турган Турон пасттекислиги бир вақтлар сув ости бўлганини айтган эдинг. Бунга ҳар ердаги номсиз тепача-тепача қумларни далил қилдинг. Устюрт билан Белтоғнинг жиякларидagi чизиқларни Турон пасттекислигини босган сувнинг бўйини белгилайдиган излар дединг. Ушанда мен сени оғзаки маъқуллаган бўлсам ҳам, ичимдан ишонмаган эдим. Кейин тушундим. Орол аста-секин қуриса, ўрни, сўзсиз, кўчма қум бўлиб қолади. Ўзимни келгуси асрда яшайдиган бир одамнинг ўрнига қўйиб, бу қумлик бурунги Орол денгизининг ости бўлган деганида, ишонмасдим деб ўйлайман.

— Оролингизни қўя турсангиз-чи! Иккаламизнинг бир-биримизни севиб, бахтли яшаб ўтирганимизни замондошларимиздан икки оёқли бирон бандаси биладими, деб сўранг. Билса, эшитса, бизларнинг бахтиёр эканимизга ишонадими, деб сўранг. Бечора отам ҳам ҳеч шубҳаланмайди.

— Бошқаларнинг билиши шарт эмас, жоним.

Шарифа жавоб қилиш ўрнига аста хўрсинди:

— Инсон бахтсизлигини яширишга уринади. Мен бахтлиман.

У қизнинг хаёлини уқса ҳам, яна гапни айланттирди:

— Энг ачинарлиси, энг ёмони, бизлар яшаб турган иқлим шароитида келажак авлод яшай олмайди. Сибирь дарёлари бизга қараб оқса, Сибирдан совуқ келармиш...

— Яхшилиқ, ҳаммаси миш-миш. Менимча, келаси авлод бизлардан ақлли бўлади. Ўзига жуда яхши шароит яратиб олади, бўлмаса табиий шароитларга мослашади.

— Мен бир фантаст-ёзувчининг интервьюсида, одамзод ёввойликдан ҳозир ярим ёввойилик даврига етди, деганини ўқидим.

— Одамлардаги ярим ёввойилик нимадан иборат деб ўйлайсиз?

— Оммавий қирғин қуроқларини ишлаб чиқариб, бир-бирига пеш

қилишлар, қирғин-барот урушларни қонуний зарурат сифатида ишотлашга уринишлар ёввойиликнинг кўриниши.

— Бунга илм ва олимлар айбли эмас. Одамларнинг ҳали тузатилмаган хулқ-атворлари, одоб-ахлоқ тушунчалари айбдор.

— Инсон ҳаётидаги энг қувончли дамлар — бу ёруғ дунёнинг ташвиш-ғалваларини унутган дамлар бўлса керак,— деди Яхшилик.

— Менга ҳам шундай.

— Ҳар қандай қийин шароитда сен эсимга тушсанг вужудимга шу заҳоти куч қуйилади. Чарчамайман. Муҳаббат билан яшаган одам чарчамайди, деган ривоятга ишонаман.

— Мен бўлсам, сизни ўйласам, аллақандай суянчигим, ишонган боғим бордек руҳланиб кетаман. Ўз пайтида Светланани шундай севганмисиз?

— Яширмайман, уни севган пайтимда ақлу ҳушимни етимликдан тезроқ қутулиш, бошпанам бўлиши, тезроқ ота бўлиш туйғуси эгаллаб олган эди. Энди ўйлаб қарасам, жуда шошқалоқлик қилган эканман. Сен билан бирга бўлсам, оламда қинғирликлар, ўғирлик, ғарликлар, хиёнатлар борлигини унутаман. Теран ақлингни, билимингни севаман.

— Ўзимни-чи?

— Ўзинг бўлмаганингда, ақлинг ҳам, билиминг ҳам бўлмас эди-да. Сени ўйласам, Оролнинг тақдири ҳам кўшилиб кўз олдимга келади. Бизнинг совхозимизда аҳвол яхши эмас, лекин Орол масаласи ҳаммасидан ҳам долзарб, она масала. Буни менга сен уқтирдинг, Шарифа. Обком бизнинг Орол ҳақидаги хатимизни қувватлади.

— Яхшилик,— деди Шарифа эрқаланиб.— Энди сиз ҳайрон қоладиган битта янгилик айтайми?

— Ҳайрон қолмасам-чи?

— Ҳайрон қоласиз. Сиз тугул бутун район, ўлка ҳайратланиши мумкин.

— Қизиқсан,— деб Яхшилик уни тиззасидаги ёш боладек силкитиб, қаттиқ қучоқлади.— Шунчалик қизиқ воқеа бўлса айтмай қандоқ чидайсан?

— Менинг янгилигим қувонч ўрнига ҳасрат олиб келиши ҳам мумкин. Чунки атом, водороднинг кашф этилиши олимлар учун қувонч эди, бошқаларга ҳасрат бўлди.

— Эҳ, яна қандай мудҳиш хабарни айтмоқчисан?!

Шарифа унинг бўйнидан қучиб, нозик бармоқлари билан сочларини тараб эрқаланди:

— Агар қиз бола бўлганингизда йигитлар сочларингизга ошиқ бўлишарди.

— Янгиликларингни айтсанг-чи, жонгинам!

Шарифа уялиб, пешанасининг терини артди-да, қаймоқдай майин лабларини унинг қулоғига тақаб, очиқ форточкадан кирган шаббода товушини аллақаяёққа олиб кетишидан қўрққандай, шивирлади:

— Кеча докторга кўриндим. Ҳомиладорсан деди!

Яхшиликнинг оёқлари остида бомба портлагандек, мияси карахтланиб, кўзларининг олди тиниб кетса ҳам, ўзидаги бу ўзгаришни сездирмасликнинг иложини ўйлади, бир фурсат унсиз қолиб, зўрға тили калимага келди.

— Тиззаларим уюшиб қолди, Шарифа, ёнма-ён ўтириб гаплашайлик.

Қиз аста турди.

— Отам билиб қолишидан қўрқаман.

— Светлананинг-чи?

— Йўқ.

— Оҳ, Шарифа,— деб Яхшиликнинг чиройи бир оз сурланқираб, билагидаги соатига энгашди.— Райкомга боришим керак эди-ку.

Шарифа унинг ишларига жиндек халақит берганини билиб қолса, ўзини гуноҳкор ҳисоблаб, жиғибийрони чиқар эди. Унинг ерга тушиб кетган қалпоғини бошига кийгизди.

— Чойга қарамайсизми?

— Кета қолай. Ташқаридаги қарияларнинг кўнглига ҳам бирон гап келиши мумкин...

Шарифа уни тўхтатишга энди қистамади.

Яхшилик кексалар билан хайрлашди-да, ҳеч гап бўлмагандек йўлига кетди.

Ҳали жаҳддан тушмаган Нисон Нажимович Давлатовнинг киришига рухсат этган бўлса ҳам:

— Сиз олималар билан учрашиш олдидан партбилетингизнинг у ёқ-бу ёғини қараб қўйинг,— деди.

— Мен сиз билан маслаҳатлашгани келган эдим,— деди Яхшилик унинг гапини эламай.

— Сенга қулоқ солиб ўтиришга менинг тоқатим йўқ. Совхоз давлат планларининг барча турларини бажаргани ҳақида рапорт билан бугун келсанг бугун, эртага келсанг, эртага гаплашамиз!

Унинг товушидаги қаҳр ва кескинликка қарамай, Яхшилик чайналди.

— Одамларнинг тақдирлари юзасидан кенгашмоқчи эдим,— деди у жуда мулоимлик билан.

— Энг муҳим нарса — план, одамларнинг тақдири шу планларнинг бажарилишига боғлиқ. Тамом!

— Бу йил мени зўрлаб рапорт олиб, келаси йили ўзим ўзимдан кўз юмиб план бажаришни менинг одатимга айлантирмоқчимисиз?

Нисон Нажимовичнинг қовоғи ёғадиган булутдай уюлиб, ёнида тахланиб ётган газеталарнинг биттасини олди-да, юзига ёпиб ўқий бошлади.

— Эҳ, районнинг сохта ғамхўри!— деб Яхшилик оёққа турди.

Нисон Нажимович парво қилмай, шаҳд билан чиқиб кетаётган ғазабнок директорга газетанинг устидан аччиқланиб қараб қолди.

Яхшилик район партия комитети секретари кабинетидан чиқиши ҳамон у билан ораларида ўтган ҳодисани унутди. Машинасига ўтириши билан Шарифа билан ўрталарида юз берган ҳодиса туңги чақмоқдай кўз олдида бир ялт этиб, бутун хаёлини эгаллаб олди: Энди бари тамом, ишлар расво! Кейин нима бўлади?! Шўрлик Шарифага қийин. Эрсиз болали бўлишдан оғир шармандалик борми? Энди ҳамманинг олдида юзи қора, бети шувит, ҳоли аянчли. Бечора ҳалигача ёш боладай, кўнгли беғубор. Қувлик-шумлиги ҳам йўқ. Бундай соф кўнгилли, но-зик таъб одамни қандай қилиб ҳасрат-надоматда қолдириш мумкин? Ёмон бўлди, жуда ҳам хунук иш бўлди! Унинг янгилигидан сўнг менинг тиззаларим эмас, юрагим увишиб қолганини сездимикан? Уятсизлик қилдим. Уни юпатадиган сўз ҳам топиб айтмадим-а! У менга ишонар эди, покликка, яхшиликка, келажакка ишонарди. Қалблиги йўқ эди-да! Шунинг учун ҳам у бизнинг яқинлигимиз бундай фожиага олиб келиши мумкинлигини ўйламади. Ҳаммаси унинг ёшлигидан, софдиллигидан. Қийин бўлди...

Яхшиликнинг ўзига осонми? Светланага-чи? Ёлғизгина қизни Ойларга-чи? Оҳ, нонтепки! Бундай номаъқулчиликни икки оёқли ҳеч бандаси эшита кўрмасин! Унда ўт бошланади! Учирини жуда мушкул бўлади. Менинг орзуларим, совхознинг келажаги ҳақидаги энг яхши ўйларим кул бўлади, совхоз ишчиларининг янги директорга бўлган умидлари шамолга учади...

У шу тариқа тубсиз хаёл уммонида гоҳ сузди, гоҳ чўмди. Бу ўйларининг туби ёки охирига етолмади.

Шофери ҳеч нарсадан хабарсиз, ҳеч нарсага эътиборсиз, фақат олға, йўлга қараб ўтирарди.

— Райимбой,— деди у охири чидамай.— Айтчи, барака топкур, сен директорнинг дуп-дуруст хотини бўла туриб, нега бошқа қиз билан учрашади, деб сира қизиқмайсанми?

— Мени қизиқтирадиган нарса — менинг ишим.— Мана, — деб у руль баранкасини кафти билан шап эткизиб урди.

— Унда маслаҳат бер: Шарифа билан боғлиқ муносабатимни узайми?

— Олдин, «бошлайми?» деб маслаҳат сўраган бўлганингизда ҳозир жавоб топиб берган бўлардим.

Яхшилик унинг илмоқли ва айна чоқда тўғри жавобига танглашиб, бошини таассуф билан чайқади.

— Шарифа ёмон қизми?

— Зўр.

— Света-чи?

— Зўр.

— Нимаси зўр?

— Шоферларнинг қовоқ торозиси бор. Бир ерга тўпланишсак, хўжайинларнинг хотинларидан гаплашамиз. Шоферларга қай бирларининг ўзлари эмас, хотинлари хўжайин. Светлана янга ҳеч қачон машина сўрамайди.

У бошқа гапирмади.

Яна пахта пунктига қайрилиб, бугунги терим натижаси билан ташишди. Шоли қабул қиладиган омборга ҳам борди. Хамма жойда кундалик ўсиш қаноатлантормади.

У ғамгин бўлиб, уйига икки хуфтонда қайтди.

Светлана уни ҳамини кутиб ўтирар эди. Бу гал эшикни ичидан қулфлаб, ухлаб қолибди. Ёнидаги иккинчи калит билан очиб, эҳтиёткорлик билан ичкарига кирди. Чироқни ёқди. Хотини ҳеч нарсадан беҳабар чалқасидан маст уйқуда ётарди. Ўрнига ётишдан олдин лабларига қизил, юзларига упа сурганми, ғоят сулувланиб кетгандай эди. Кўксига тўнқарилган марварид тусли икки пиёла сингари кўкраклари кўнглини қитиқлаб, эҳтиёткорлик билан энгашди-да, оҳистагина ўчди:

— Оҳ, бечорагинам-а, қандай сулув эдинг. Ҳозир кузги гулга ўхшаб боряпсан.

Ечиниб трюмонинг олдига борди:

«О, Яхшилик Давлатов! Йиллар сенинг ҳам сочларингга оқ бўёғини сура бошлабди. Эҳ, йиллар! Йиллар! Бизлар сени ўзимизга бўйсундириб қанча ишларни қилиб улгуришга тиришамиз, сен бўлсанг бизни ўзингга бўйсундириб, сочларга оқ туширасан, қаритасан... Йўқ, Давлатов, сенинг сочларингга битта-яримта оқ туша бошлагани бўлмаса, кузги гулга эмас, иккинчи ғунчаси энди очилган гулга ўхшайсан».

У ўзини ўзи мақташ билан чироқни ўчирмай, Светланага қўйнига кираётган эди, муздек бадандан у уйғониб, кўзларини очди.

— Соат неча бўлди?

— Икки.

— Кечир. Ўн иккигача кутдим. Овқатингни иситиб берайми?

— Кераги йўқ.

Светлана қўлини чўзиб, чироқни ўчирди-да, эрининг бўйнидан қучоқлаб бағрига олди, бу дунёдаги керак нарсасига етишганидан ҳузурланиб:

— Оҳ, жоним, жуда озиб кетдинг, умуртқаларинг саналиб, қўлимга ботадиган бўлиб қопти,— деди.— Нега индамайсан? Ё бўлмаса, мендаги сенга керак нарсалар камайдимми?

У шундай деди-ю, жавоб бўлмагач, ҳафсаласи пир бўлиб жимиб қолди. Сал фурсат ўтар-ўтмас мушукдек хуриллаб хуррак ота бошлади.

Яхшилик унинг бўйнига қўлини ташлаб, кўзини юмгани билан, минг турли ўйлар миясига адоғи йўқ ғулғула солди. Қайтадан турди. Ошхонага кириб, газга чой қўйди. Чой қайнагунча ошхонада у ёқ-бу ёққа юриб, чироқни ўчирмай ухлаб қолган қизининг тепасига бориб, пешанасидан ўпган эди, қизи кўзини очди.

— Ҳа, папа, келдингизми?

— Келдим, қизим. Бугун нечта беш олдинг?

— Иккита беш.

— Молодец!

— Папа, бугун мамам учта кўйлак тиктириб олиб келди.

— Қаерда?

Ойлар туриб, дадасини ошхонага олиб борди-да, тумбочкани очди.

— Мана бу ерда.

Яхшилик тумбочкага қўл суқиб, дазмолланиб тахлаб қўйилган учта кўйлакни олди. Шу пайтгача у ҳеч кимда кўрмаган оқ, кўк, қизил ранг импорт кўйлаklar.

Яхшилик шақиллаб қайнаётган чойгумнинг овозини эшитмай, тумбочканинг олдида чўнқайиб ўтирган ҳолатида муштларини пешанасига босди.

— Папа, нега йиғлаяпсиз?— деди Ойлар.— Фақат добрый дадалар йиғлайди деб эшитдим, папа, йиғламанг.

— Йўқ, қизим, йиғлаяпганим йўқ, бир оз кўзим тиниб кетди, чарчаганман,— деб у қизининг бошини силади.— Ўрнингга бориб ёта қол. Мен ҳали чой ичаман.

— Мамам мана бу кўйлаklarни дадангга айтма деб эди, мени айтди деманг.

— Ҳар қандай вақтда ҳам ёлғон гапирмаслик керак, қизим. Сен ҳам тўғрисиини айтишни одат қил. Мен ҳеч ёлғон гапиролмайман.

Қиз йиғлаб юборди.

Яхшилик уни юпатиб, бағрига босди.

Ота-боланинг гангир-гунгурига Светлана уйғониб келиб, тумбочкадан ташқарида ётган кўйлаklarни кўрди-да, сочлари ёйилган ҳолда тош ҳайкалдай қотди.

Яхшилик қизини кўтариб, хонасига олиб кириб кетди.

19

Яхшиликнинг эрталабки иши яна жанжалдан бошланди. Қабулхонасида кўтиб ўтирган учта механизатор уни кўриб, ўринларидан баравар туриб, учаласи бараварига чувитлашди:

— Бошқалардан иш талаб қиласиз-у, ўзингиз ишга ярим соат кечикиб келсангиз ҳам майли-а?

Уларга бугун оқшом ухлолмаганини важ қила оладими? Бундай вазиятлар кимнинг ҳаётида бўлмайди. Ҳар ким хонадонига арзимас кўнгилсизликни олиб келиб, давлат ишига аралаштира берса, нима деган одам бўлади.

Механизаторлар у билан ичкарига киришди, стол устига зарда билан аризаларини ташлашди.

Яхшилик аризаларни ичида ўқиди. Совхоздан кўчиб кетамиз, деб ёзишибди. Бу учаласидан бошқаларининг ҳам қўллари қўйилган. Бунга ўқиди-ю, директорнинг бошидан яшин ургандек довдиратиб қўйди. Кўзлари тиниб, бир муддат тили калмага келмай, боши айланиб кетди.

«Механизаторлар етишмай турганида бу қанақа ўйин бўлди?»

У вужудида пайдо бўлган жаҳл туйғусини ва ички аламини енгиб мийиғида кулинқиради-да, креслосининг орқалигига кифтини ташлаб чалқайди.

— Йигитлар, нега бундай қарорга келдинглар?

Учаласи ҳам индамади.

Яхшилик саволини яна такрорлади, овозида беғараз оҳанг аксланиб турарди.

— Шержонови ўринбосарликдан ҳам қувлаяпсиз. У бизнинг болалигимиздан шу бугунимизгача юртни бошқариб, кимимизнинг тракторчи бўлишимизга, кимимизнинг оила қуришимизга ёрдам берган одам.

— У совхознинг донғини чиқарган!

— Бунга сизларга ким айтди?— деди Яхшилик совуқ назар билан.

— Ҳой, директор, бизда сўз эркинлиги бор,— деди Айтжон деган қотмадан келган ориғи.— Бундай дағдаға қилиб қўрқитманг бизни!

— Уртоқ Шержонови ҳимоя қилишингиз менга ҳам ёқади, чунки эртага бир нарса бўлса, мени ҳам шундай ҳимоя қиласиз. Шундай эмасми? — деди Яхшилиқ жилмайиб.

Механизаторлар бир-бирига қарашди. Уларнинг кўзларидан, ўз-ара имларидан бир нима демоқчи бўлаётганларини директор сезсада, қистамади.

— Уртоқ Давлатов,— деди Султон.— Кўп гап эшакка юк, деган. Ҳали сиз ундай ҳурматга сазовор бўлганингиз йўқ, бу боришингизда бўлолмасангиз ҳам керак.

— Бўлоламан!

Асфальт йўлдан ғизиллаб келаётиб кўприксиз анҳорга рўпара бўлган машинадай учаласи нима қиларини билмай гангиб қолди.

— Сиз мени гапга солиб, ҳурматли Эржон оға тўғрисида қовлаштираётган экансиз-да! — деди Шамшод.

— Менга ёлғон айтганмидинг? — деди Яхшилиқ янада мулойимлик билан.

— Рост эди.

Яхшилиқ ўрнидан туриб, уларнинг ўртасига ўтирди.

— Йигитлар, менга чин кўнгилларингизни очганингиз учун миннатдорман. Мен энди сизлар билан бирга бўламан.

Механизаторлар ҳайрон бўлиб қолишди.

— Сизларга кичкина эртақ айтиб бераман, қулоқ солинглар. Илгариги замонда бир уруғбоши бўлган экан. Бадани қўланса ҳид чиқариб сасир экан. Уруғдошлари унинг ҳидини сезмасликлари учун меҳрибонлик қилган бўлиб, уларни бирма-бир қошига чақириб, суйканишиб ўтириб, қўлансасини юқтириб юбора берибди. Бора-бора бутун уруғ кимдан қандай ҳид чиқаётганини ажратмайдиган бўлиб қолибди. Ташқаридан соғлом бир киши келиб ҳидни сезибди-ю, уларни даволаш кераклигини эслатибди. Ҳамма уни туҳматчига чиқарибди. Ноилож табиб дори топиб, олдин уруғбошини даволашга киришибди. Бошчи касалини бўйнига олмай, иғво чиқарибди. Бошчининг ғазабноқ товушини эшитган уруғдошлари, табибга келиб, «Бизнинг соппа-соғ бошчимиздан қўланса ҳид сасийди деганинг нима қилганинг, кет!» деб қишлоқдан қувлашибди. Қўланса ҳид бора-бора қишлоқнинг ёшларига ҳам юқиб, бир уруғ бутунлай касалланибди.

— Охирида ҳамма ўлибди денг,— деди Айтжон.

— Албатта, ўлади! Уша уруғдан бизнинг замонамизга саноқли одамларгина етган. Улар бирлашиб бир ерга макон қуришга бир-биридан ҳайиқармиш, қисқаси, ўтмишини бирон кимса эслаб қолишидан қўрқармиш.

— Бу эртақнинг маъноси бизни ўйлантиради,— деди Султон.

Айтжон уни чимчилади, Шамшод туртди. Яхшилиқ ҳеч қайсисини сезмаганликка солиб:

— Дўстлар,— деди илтижоли кайфият билан.— Тажрибали йигит-сизлар. Совет ҳукуматининг донғини юксакка кўтарувчи, қаерда юрсангиз ҳам ҳамма нарсага беминнат аралашадиган, бу фазилатларингиз билан «мана, совет кишиси, бунақа бўлади!» деб кўрсатса бўладиган азаматларсиз. Маслаҳат беринглар, ёшлар механизаторлик касбини кўпроқ эгаллашларига қандай эришса бўлади?

— Бунинг учун энг биринчи галда ёшларни қишлоқда қолдирадиган шароит яратиш лозим,— деди Айтжон.

— Ёшлар учун қишлоқда спорт майдони йўқ,— деди Султон.

— Жуда яхши гап бошладингиз,— деди Шамшод,— шу масала юзасидан менинг кўнглимда кўпдан битта гап ҳеч тинчлик бермай келади. Қишлоқларда ўн йиллик мактабларни камайтириш керак.

Директор секретарини чақириб, чой дамлаб олиб келишни илтмос қилди.

— Менимча, ҳозирги ёшлар қишлоқда шуҳрат топмасликларини

тушунишади,— деб Султон фикрини чуқурлаштиришга уринди.— Шуҳрат касалини бу оламда ҳаммадан топса бўлади.

Айтжон жилмайди. Шамшоднинг синчков кўзлари кулимсиради.

Секретарь қиз тўртта пиёла билан битта каттақон чойнакда чой олиб кирди.

Директор ҳамсуҳбатларига бир пиёладан чой қуйиб узатиб, Султондан эшитиш учун унинг юзига қаради. Султоннинг ўрнига Айтжон гапирди:

— Ростдан ҳам ҳаммамиз яхши яшаяпмиз, фақат шуҳрат етишмайди.

— Қуруқдан-қуруқ чувиллашманглар,— деди Шамшод.— Чапаевни такрорлайман десанг, энди йигирманчи йиллар такрорланмайди. Матросов билан Гастелло бўлиш учун 1941—45 йиллар керак, лекин энди у зинҳор такрорланмасин!

— Космонавтлик ҳам етишмайди,— деди Айтжон.— Шундай бўлса ҳам ёшлар қаҳрамонлик кўрсатишлари учун бирон йўл ўйлаб топишлари керак.

— Менимча, мактабларда ўқув программасига ўзгариш киритиш керак,— деди Султон.— Ҳаммамиз ҳам ўн йилликни битирганмиз. Эсингиздами, мактабларда нуқул олимлар, шоирлар билан ёзувчиларнинг таржимаи ҳоллари ўқитилади. Ёшлар қишлоқни ташлаб шаҳарга кетганларига, ўшалардек, келажакда таржимаи ҳоллари мактабда ўқитиладиган одам бўлишни орзу қилиб кетишади. Менимча, мактаб программасига машҳур ишчилар, деҳқонлар, қурувчиларнинг таржимаи ҳолини қўшиш керак. Ҳозир бутун меҳнатнинг асосида техника ётибди. Яхши механизаторларнинг таржимаи ҳоли мактабларда ўқитилса, ёшларга «қишлоқда қол, механизатор бўл» деб насиҳат қилишнинг ҳолати йўқ.

— Ростдан ҳам Королев машҳурми ё Гагарин машҳурми? — деди Шамшод.

Рухсат ҳам сўрамасдан, эшикни қаттиқ итариб дабдаба билан Шержонов кириб келди.

— Шунча узок гаплашиб, қандай қарор қабул қилмоқчисизлар? Қабулхонада ўтириб саргайиб кетдим-ку! Ма, Давлатов, аризамга қўл қўй. Бўшайман! Сенинг найрангларингга чидамайман!

Яхшилик ҳеч нарса демай унинг қўлидан аризасини олди, имзо қўйиш мақсадида тўрга, ўз ўрнига ўтди.

— Оққўнгил, лекин фаҳмсиз механизаторларни йўлдан уриб-авраб, пинҳона узок гаплашганингга қараганда, менинг устимдан материал тўплаётганга ўхшайсан-а?

— Ўртоқ Шержонов,— деди Яхшилик вазминлик билан.— Чарчагансиз. Даволангингиз келса, курортга путевка топиб берайлик.

— Унақа оғиз мойлаш бизга тўғри келмайди.

Шержонов креслога чўкиб, энди ўрнидан турмайдигандай ўрнашиб ўтирди:

— Амал баланд бир минора. Унга нарвон билан чиқасан. Чиқиб олганингдан кейин нарвон тилсимдай, ўзидан-ўзи йўқолади. Ана ундан кейин тушиш қийин. Менга ҳеч нарса эмас, нарвон билан тушдим, аста тушдим. Сен оёғинг осмондан бўлиб тушасан! Ҳа, шундоқ. Ҳалоллик йўқ ерда фирромлик ҳукм суради. Сен келдинг-у, совхоз ҳалолликдан жудо бўлди!

— Фирромлик ўрнини ҳалоллик эгаллади,— деди Яхшилик.

Шержоновнинг дами ичига тушиб, бурнининг учи қумга ташланган помидордай қизарди:

— Ҳалол бўлсанг, нега менинг уйимдан қўй единг? Хотининг нега учта импорт кўйлак сўраб олди?

Механизаторлар ҳеч нарсага тушунмай, оғизлари очилиб қолди. Шундай бўлса ҳам, Давлатов нима жавоб берар экан, дегандай бутун вужудлари қулоққа айланиб, кутиб туришарди.

— Бир вақт менга, ичимда ёрилмаган снаряд бор, дегандингиз. Ёриб, хотирингиз жам бўлдимми?

— Ҳалиям бор. Кучлиси бор.

— Эҳ, алжиган одам! Ёшингизни сийлаб, икки букилиб ялинганнингиз учун уйингизга борганда, одамгарчилигингизни ўйлабману, қўланса ҳидингизни юқтириш ниятингизни билмаган эканман! Хотинингиз хотинимга уч кўйлақлик импорт мато олиб келиб ташлаб кетибди, рост! Қайтариб берилади, тахи бузилмай турибди.

— Ошқора бўлгандан кейин қайтарганингизнинг фойдаси йўқ.

Яхшилик пастки лабини бир бор тишлаб, ўзидаги қизиққонликни босиб, жуذا бамайлихотирлик билан сўради:

— Ҳовли-жойингизни ўз эркингиз билан болалар боғчасига беришга аризангиз қани?

— Эвоҳ! Ноинсоф, порахўр! Ушанда меҳмондорчиликка келди деса, ҳовли-жойимни текширишга борган экансан-да!

Механизаторлар эски директор билан янги директорнинг маш-машасини ёқтирмай чиқиб кетишди.

Яхшилик Шержонови аризасига қўл қўйди-да, секретарини чақирди.

— Буни кадрлар бўлимига олиб бориб беринг, буйруқни ҳозир тайёрласин, бухгалтерияга эслатинг, буйруқ билан бирга қўлига ҳисоб-китобини ҳам тутқазсин!

Шержонов икки муштани пешанасига босганича бир оз ўтиргандан кейин бошини кўтарди. Яхшилик кабинетида у ёқдан бу ёққа бориб келаётганини кўрди-да, ўрнидан сапчиб турди.

— Шахса сизиниш давридагидек, гапга қулоқ соласан-а?

Телефон жиринглади. Истар-истамас трубкани олди.

— Яхшилик Давлатович,— деди турбкадан Шарифанинг овози.— Кеча сиз шошиб, энг муҳим нарсангизни унутиб қолдирибсиз, шофериңгиз олиб кетсин.

— Нима нарса экан?

— Телефонда айтиб бўлмайдиган нарса.

Яхшилик гапни кўп чўзмади, дераза олдида турган шофери билан форточка орқали имлашиб, районга, эшиги олдида қайиқ ётган уйга бориб келишини тайинлади.

— Суягингиз билан бирга ақлингиз ҳам қартайибди,— деди Шержоновга.— Қани, жўнанг!

— Эҳ, бузуқи! Упкангни бос! Бу совхоз энг орқада қолган колхоз эди, мен тузатдим, мен тикладим. Энди осонгина кетаманми? Пушкиннинг мутлақ ҳокимлик харобасига исмимингни ёзишар хал билан, деганиши ўқиганмисан? Уғри, тайёрхўр. Холбой Жамоловга ҳам мен пул бериб, процентини оширттирдимми?

Яхшилик аччиғидан вужуди титраб кетди, уни уриб юборадиган ва-жоҳат билан бостириб бораётган эди, Шержонов қўрққан илгари мушт кўтарар дегандек, у томон юрди.

— Ҳа, қўрқитмоқчимисан? Ўзинг қўрқ! Шарифа Шержонова менинг оғамнинг қизи! Ҳа, ўзинг қўрқ! Ҳеч бўлмаса, ўша беради адабингни.

Шержонов секин-секин юриб бориб, эшикдан чиқди.

Яхшиликнинг бугунги режаси бўйича, план бўлимининг бошлиғи билан ўтириб, келгуси иш режаларини тузиб олмоқчи эди. Ичкарида одам борлиги учун ботинолмай турган Юсуф Абдуллаевич кириб, Шержонов туриб кетган креслога ўтирди.

Ҳали ҳам жаҳлидан тушмаган директор дераза ёнидаги доира стол устида турган графиндан бир стакан совуқ сув ичди.

— Яхшилик Давлатович,— деди Юсуф Абдуллаевич унинг ўтиришини кутмай. Илгари экилган ерларни иккинчи марта текислаш харажатига министрлик рухсат этмаяпти.

— Нима сабадан?

— Шошилмас эмишсиз.

— Ошиқиб яшаш керак. Юсуф Абдуллаевич! Сиз планлаштиришни тамомланг, қолган оғирликларни ўзим гарданимга оламан.

Шу пайт Давлатовнинг кабинетига партком секретари билан ишчилар комитетининг раиси кириб келди.

— Кечир мени, дўстим,— деди Яхшилиқ Мамутовга.— Олдинга энди ўзим кирмоқчи эдим, ҳозир баъзи ўртоқлар гапни сал меъёридан узоққа чўзиб юборишди.

— Ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ,— деб Мамутов рабобкомни имлади.

— Яхшилиқ Давлатович,— деди Тўлабой Тўраев.— Ўртоқ Мамутов билан кўп иш қилиб қўйдик. Энди совхозда спортчилар, бадий ҳаваскорлар тўрагагини ташкил этамиз. Таъзимов, Нурлеспесовалар штатдан ўчирилди.

— Шуларни билиб туриб, ишчилар комитети раисининг розилик берганига ҳайронман.

— Кўзимиз энди очилди, ўртоқ Давлатов! Шержонов бизларни ҳид билмайдиган даражага етказган экан.

Яхшилиқ унинг қўшалок помидордай юзининг терчилаганини кузатиб ўтириб жилмайиб кулди.

— Энди Ватан харитасига янги ўзгартиришлар киритишингни кутамиз,— деди ишчилар комитети раиси, бодом қовоқлари остидаги тер томчиларини бир бармоғи билан артиб.

— Ватан? Сенингча, Ватан деган нарса қаердан бошланади?

— Ватан! — дея Тўлибой Тўраевич бир муддат ўйланиб қолди — Ватан, шоирларнинг ифодалашича, ўчоқнинг бошидан бу ёғи Арктикага, бу ёғи Антарктидагача кетаверади.

— Одамнинг хаёли қанча юксак бўлса, Ватани шунча кенг. Масалан, Космонавтлар учун бутун ер шари Ватан,— деди Мамутов.

— Мана шу нуқтаи назардан қарасак, ҳар бир совет кишиси космонавт. Чунки бизда бутун ер шарининг ғамини ўйламайдиган одам йўқ,— деди Тўлабой Тўраевич.

— Совет кишиси бўлишнинг асосий ўзгачалиги ҳам ана шундан иборат! — деб аниқлик киритди Мамутов.

— Ўй-фикримизни бир-биримиз тўлдиришимиз мени қувонтиради,— деб Яхшилиқ қўйин чўнтагидан блокнот чиқарди. — Совхозимизнинг бахтли келажагига ақл юбориб, область партия комитетига илтимос ёзсак, деган ўйим бор. Шолини ўриб-йиғадиган комбайннинг конструкциясини қайта кўриб чиқиш ҳақида, областнинг шимолий зонасига темир йўл ўтказиш ҳақида, пединститут университетга айланса, шоличилик агрономларини тайёрлайдиган факультет очиш ҳақида.

— Шунга қадар шоличилик бўйича махсус техникум очиш тўғрисида,— деб қўшиб қўйди Мамутов.— Яхшилиқ Давлатович, шолিপояларнинг сувини электрон-ҳисоблаш машинаси билан бошқаришнинг истиқболларини ҳам ҳозир эслатишимиз лозим. Айтмоқчи, энг муҳим нарса регион бўйича шоличиликни лойиҳалаш институти зарур бўлиб қолди ҳозир.

Камгап, ташаббуссиз Мамутовнинг фикр-мулоҳазалари Давлатовни қувонтирди.

— Мабодо, Сибирь дарёларининг сувидан бизга берилиши ҳақидаги масала ҳал бўлган вақтда довдираб қолмай, етти миллион гектарлик Устюртга сув чиқаришга тайёргарлик масаласини ҳам эсга солиш зарар қилмайди.

— Тўғри,— деб қувватлади Мамутов.— Сибирь дарёларидан Урта Осиёга сув олиб келиш проблемаси КПСС Марказий Комитетининг диққат марказида экан. Лекин бу масала бизнинг фойдамизга ҳал қилингунгача маҳаллий коллекторларнинг сувидан чорва яйловларини кенгайтиришда фойдаланиш масаласи ҳам бугунги куннинг масаласи бўлиши лозим.

— Барча касаба союз аъзоларининг орзуси Сибирдан бизга сув етказиш,— деди Тўлабой Тўраевич.

Улар шу тариқа бир-бирининг фикрини тўлдириб ўтиришганида Райимбой эшикдан бош суқиб, битта конверт кўрсатди. Яхшилиқ туриб бориб уни олди ва ўрнига бориб ўтиргунча ҳам бўлмайд очди. Тилдек қоғозга майдалаб ёзилган хат чиқди.

— Баъзи коммунистларнинг даромадларидан тўлиқ взнос тўламаслик фактлари сезилади,— деди Мамутов, ўртада ҳукмронлик қилаётган бир муддатли сукунатни бузиб.— Масалан, взноси бўйича ойлигини аниқласанг, уйдаги шунча бойликлар, хотинларидаги қимматбаҳо олтин-кумуш, бриллиант тақинчоқлар қаердан келади, деган савол туғилади.

Яхшилик уни тузукроқ эшитмади. Шарифадан олган хатни ўқиш билан банд эди. Хатда шундай деб ёзибди:

«Хурматли Яхшилик Давлатович! — деб расмий билан бошланганини кўриб, охиригача ўқишга ошиқди.— Мени афв этинг. Кўп вақтингизни олдим. Қадим Шарқ эртақларини ўқисангиз, биласиз. «Бир хотиннинг макри қирқ эшакка юк» деган эртақ бор. Бу бўлган воқеа, менимча. Мен ҳам маккорлик билан сизнинг мартабангизга, машинангизга қизиқиб, озгина кунлик лаззат изладим. Ҳозирги ёшларда бу хусусиятлар йўқлигини инкор қилиш ҳам қийин. Аммо мендаги одамгарчилик голиб чиқиб, ҳақиқатни бўйнимга олгим келди. Сиздан ўзга менинг севган йигитим бор. Шундан ҳомиладорман. Унга биров сиз ҳақингизда етказибди. Ўртада рашк қилиб, жанжал чиқаради, деб қўрқаман. Шунинг учун энди ҳеч қачон кўришмаганимиз маъқул».

Яхшиликнинг устидан оғир юк олиб ташлангандек бўлса ҳам, бир нафас ўтар-ўтмас юрагига найза санчилгандек, нафаси бўғилди. Пешанаси терлаб, галстугини бўшатди. Уйқуси қочиб, уйғонгандек сергакланди. Яна бир минутдан кейин ташвиш босиб, кўзлари тинди. Қалтиради. Бир муздек сувга, бир қайноқ сувга ботириб олгандек қалтиради. Ақли, ўйи қарор топмай, ҳар минутда ўзгариб, ҳар муқомга тушди.

У уни чиндан севар экан. Буни энди тушунди. Кабинетида ўтирган партком секретари билан ишчилар комитетининг раисини унутиб қўяёзди. Бирдан эс-ҳушини йиғиштириб олди-да:

— Коммунистнинг ҳалоллиги взноси билан белгиланади,— деди.— Масалан, ўртоқ Шержоновнинг уйдаги ўлик мол-дунёси унинг олган ойлиги ҳисобидан йиғилган деб айтиш қийин. Отамероси бўлган дейилса, оғаси Нуржон отада ундай нарса йўқ. Лекин ҳар кимга бундай шубҳа билан қараш ҳам яхши эмас!

Эшикни довулдай забт билан очиб, «уч мушкетер» кирди.

— О, партком ҳам, рабчоком ҳам шу ерда экан! — деди Элбой Қўшжонов.— Биз ўртоқ Давлатовнинг уйини қараймиз. Завмагдан у порага бриллиант узук, қўчқор олганмиш, ўртоқ Шержоновнинг хотиндан учта импорт кўйлак олибди.

Яхшилик эти жимирлашиб, тили танглайга тикилди, ичида олов ёниб, кирганларнинг юзларига ялт этиб тикилди-да, ёғоч бўлиб қолди.

Элбой Қўшжонов унинг даҳани тагига келиб, жўжахўроздек бўйинини чўзди.

— Ҳалол директормиш! Бошла уйингга, Завмагдан олган бриллиант узукни топиб бер. Сенинг уйингда қўчқор сўйилди, деб эшитмадик, балким тирикдир. Шержоновнинг учта импорт кўйлагини кўрсат!

— Юринглар! — деди Яхшилик кўзларига тер қуйилиб, қўлидаги Шарифанинг хатини мижиғлаб оғзига солди-да, чайнаб-чайнаб туплаб ташлади.

Мамутов ҳеч кимни ташқарига чиқармай, эшикни ичидан қулфлади.

— Утиринглар! Мен аҳволни тушунтираман!

Партком секретарининг чечакдан бужир бўлган юзи кўкаринқираб, кўзларидан ўт чақнади. Ҳеч ким бу ўтга қаршилиқ қилолмади.

Қора рангнинг қоралигини кўрсатадиган оқ ранг бўлганидек, яхши одам ёмоннинг тарозиси, ёмон одам яхшининг тарозиси.

Шарифа бировга баҳо бермоқчи бўлса, отаси ёшлигида айтган мана шу ҳикматли гапга суяниб, шундай иккита одамни кўз олдига келтирарди.

Одам боласининг ҳаётидаги хатоликнинг кўп қисми ёшлик чоғига тўғри келади. Энг оғир хатолик муҳаббат билан боғлиқ. Буни Шарифа китоблардан кўпроқ билади. Ногоҳ янглишмаслик учун у йигирма саккиз ёшигача ўзининг биринчи муҳаббатига атаб бутун туйғуларини жиловлаб, талай қийинчиликларга дуч келганди.

Мана энди оқибати... Ўзи қўнғироқ қилиб, шофери орқали хат юборди, шундай қилмаса, уни севган юраги торс ёриладигандай...

У эрталабдан буён ошхона деразаси олдида ўйга чўмиб ўтирибди. «Ҳар бир уйнинг деразаси ўзича бир телевизорнинг экрани. Дунёнинг ярмиси кўз олдидан ўтиб тургандай. Ҳамма ҳам ўзи билан ўзи обора. Кўнглидаги режасини амалга ошириш учун ошиқади. Ташқаридан ким кузатиб, ким қизганч назар билан қараб турганини сезмайди... Ёмонлик қилади деган шубҳалари ҳам йўқ. Одамлар ана шу хусусияти билан жуда яхши-да. Аммо ҳамма бу ёруғ дунёда, ўзи яшаб турган жамиятда фақат поклик, адолат ҳукм суришини хоҳлайди. Бу энг олий тилак. Бутун олам жамият пок бўлишида ҳар бир кишининг улуши бўлиши кераклигига у ақл юборадими? Покликни, одилликни ўзгандан талаб қилишдан олдин ҳар ким уни ўзидан излаб кўрадими? Бу ёруғ дунёда ўзидан поклик, одиллик изламайдиган бир одам пайдо бўлса, оламни ёритувчи битта чироқ, яъни бир кўзнинг қорачиғи сўнгани. Олам қоронғи тортади, оғирлашади... Ноҳақларнинг овози аччиқ эшитилади, ҳамманинг остида қолгандек чинқариб эшитилади...»

Сўнгги пайтда бир оз озиб, тажанг бўлиб кетган қари отаси эшикдан кира солиб, нолиди.

— Вой, қизим, аъзойи баданим қақшаб кетяпти!

Шарифа дераза форточкасини ёнаётган эди, ташқарида, қайиқ устида набиралари билан ўтириб қолган қўшни қария чақирди:

— Шарифа, қизим, Нуржонга қалампир қўшилган чой бергин!

— Яхши, ота,— деди Шарифа деразадан қараб.

— Қизим-ов,— деди яна қария.— Сени ҳамма катта олим дейди. Амунинг сувини кўпайтиришга нега илож топмайсан? Ночорлигинг учун бўлса керак-а? Иккита симни туташтириб нур ёқиб қўйган ҳукумат, осмондаги ойнинг устига трактор чиқариб, ҳайдаган ҳукумат Оролнинг қуришини нега тўхтатмаяпти? Мен олим бўлмасам ҳам, табиатнинг бундай инжиқлигини тушунаман. Орол кичрайса, ён томонида ёнғин кўпаяди.

Газ плитага суяниб турган қария чидамай деразадан пастга қаради.

— Бугунгина бир мақола ўқидим,— деди қўшни қария унинг белкуракдай соқолини кўриб. Шимоли гарбдан, ўрта денгиз томондан оқиб келган булут Оролнинг устига етганда яна тўлишиб юқори кўтарилади. Оролнинг буғи катталашади. Шундай қилиб булут яна олисроққа кетади. Орол кичрайса, булут тўла кўтарилмай, ярмиси яқин ўртага ёғин бўлиб ёғилади. Кўп ёғин экинга зарар!

Қариянинг далиллари ростга чиқадигандай туюлиб:

— Янгилигингиз учун раҳмат, ота! — деди Шарифа.

— Помир тоғининг тепасида Сарез деган чуқур қўл бормиш. Ушани бу ёққа оқизса, Амударё тўлиб оқармиш, Орол қайтадан тўлармиш. Шу ростми, қизим?

— Сарез кўли тадқиқ этилди,— деди Шарифа.— Амударёни фақат бир йил тўлдириб оқизишга етадиган сув запаси бор.

— Аму тўлиб, айқириб оқганини кўрсам, ийиримига бир шўнғиб олишга рози эдим.

Шарифа деразани беркитиб, ўйланиб қолди.

— Ўйланса, қизим,— деди Нуржон қария.— Кексалар ҳар бир гапни унча-мунча гапиравермайди. Сенинг тилинг билан айтганда, табиатнинг ўз нарсаси ўзига қайтса олам гулистон. Тириклар ўликларнинг ёдгорлиги. Одамзод бино бўлгандан буёнги даврни ўйлаб қарасак, ўликлар кўплигини кўрамиз. Уларга эсдаликлар оз!

Қабристонларни кўпайтира бермай, ўликни куйдириш керак ёки

балиқларга ем учун денгизга ташлаш керак. Оролда балиқ қирилганини кўргандан, уларга ем бўлишини афзал кўрмайдиган қария йўқ бу ўлкада. Асрлар оша боболарнинг Оролдан бўлган қарзини ҳеч бўлмаганда бир авлоди тўлаши керак-ку.

Шарифа отасининг жуда қаттиқ ва шафқатсиз ўйларга нима учун бунчалик кўнгил беришини ўйлаб кетди. Бу орада Нуржон қария давом этди:

— Бу дунёда одамзод пайдо бўлишининг ҳам қайғули, ҳам қувончли томонлари бор!

Улар баъзи кечаларда она-болага ўхшаб бир-бирини суяб, эркалаб гаплашишарди-ю, бунақа мавзуда гап қўзғашмасди. Отасининг гапи ноқулай туйилса-да, қиз индамай қололмади:

— Менинг тушунишимча, бу дунёда янги одам пайдо бўлиши фақат қувончли ҳол, ҳар бир инсон ўз янгилиги билан келади.

— Қайғули томони, қизим, дунёда сув сўрайдиган яна битта сувхўр пайдо бўлади.

— Ҳар ким ўз насибасини ўзи топади,— деди Шарифа.

Нуржон қария диванга чиқиб ўтирди-да, хўрсинди.

— Минг ёмон бўлса ҳам, Эржон билан туғишганман. Давлатов унинг амалини тортиб олгани билан чекланмай, ишдан бутунлай ҳайдаб юборганмиш.

Шарифа унинг бўшатилиши яхши бўлганлигини тасдиқловчи далиллар келтирмоқчи эди, отасининг раъйига қаради, унинг қовоғи тушиб, мунгайиб ўтирарди, бу ҳолатини кўриб, унга қўшилишиб амаки-сига ачинишга мажбур бўлди.

— Эржон, бари бир, ўша Давлатовни аярди,— деди қария яна.

— Нима учун?

— Уни шофери ҳам ёмон кўрармиш. Бу кетишда шофери Давлатовни авария қилиши мумкин, деган гапни айтди ўтган сафари.

Шарифа бир хил бўлиб кетди, аъзойи бадани титраб, кечаги ҳодисаларни эслади-ю, кўнглида унга нисбатан шубҳа пайдо бўлди. Демак, Яхшилиқ одам таний олмайди, тошюрак. Шофери хафа бўладиган хиёнат иш қилган. Одамларга тушуниб бўлмайди. Бир муддат муҳаббат юзасидан сирлашдик, бир фурсатда айнади. Бевафо. У индамай хонасига кирди-да, қаравотига юзтубан тушиб ётди. Йиғлади, унсиз йиғлади, негадир кўзларидан ёш чиқмади. Бир фурсат шундай ётгач ўрнидан турди. Ишга бориш керак. Трюмонинг олдида сочларни тараб, қайта ўрди, қовоқлари шишганини кўриб қолди. Бу аҳволда одамларга кўриниш уят. Биров бир нима демаса ҳам, ўзига эҳтиёт бўлиб юриши керак. Бундай кайфиятга рост гапдан бўлак қандай жавоб бўлиши лозим. Мана, ҳақиқатни айтиш ҳам қийин. Бугундан бошлаб у ёлғонларга суянмаса, сири ошкора бўлади. Ана, ҳаётда қоронғининг ҳам кераги бор бўлганидай, ёлғон ҳам гоҳида жонингга ора кириши мумкин. Отасиз бола туғиш қайси аёл учун яхши? Бошқалар қаторида бу ёруғ оламда ҳаёт кечириши лозим бўлган тирик жонни олдириб ташлаши ҳам увол!

У ёзув столида ётган оқ қоғозларни кўриб, бошига келган хаёлларини, пушаймонларини Яхшилиққа ҳозир ёзиб юбориш ниятида қўлига қалам олиши билан танаси титраб кетди. Қалласига ё битта сўз келди, ўйлар тўлқини тошиб, ё қайси бирини ёзишни билди. Лаблари пичирлаб узоқ ўтирди. Одам туғилиши керак! Унга тўсқинлик қилиш бу дунёга зарар берувчи бир ҳашаротга айланишдир...

Телефон қаттиқ жиринглаб кетди.

«Яхшилиқ бўлса керак. Эҳтимол, шошқалоқлик қилганини бўйнига олиб, кечирим сўраш учун излаётгандир. Севгилисини икки ўт ўртасида ёлғиз қолдириш кимга ҳам яхши?! Утни ўчириш йўлини биргалашиб излаш осонроқ. Чунки икки томон ҳам гугурт чаққан...»

Шарифа телефонни кўтармоқчи эмасди, иш жойидан бўлса айб бўлади, деган хаёлга бориб эҳтиёткорлик билан трубкани аста қулоғига босди-да, беморга ўхшаб, товушини жуда нозик чўзиб, овоз берди.

— Аа-ло-оо!

— Шарифа Шержоновамисан? — деди аёл кишининг овози.

Қизнинг ранги ўзгариб, қўлидан трубка тушиб кетаёзди.

— Мен Давлатовнинг хотини Светланаман. Тўсатдан қўнғироқ қилиб, ноқулай темада гаплашмоқчи бўлганим учун кечир.

— Ҳечқиси йўқ, гапингизни айтаберинг.

— Ҳар бир аёл ёниб турган битта сайёра, синглим. Бунга тушунмайдиган тўқимтабиатлар бизнинг районда ҳам пайдо бўлиб келяпти, деган гапни эшитганман. Мен сени уларнинг қаторига қўшиш фикридан узоқман. Шундай бўлса ҳам эшитган қулоқда айб йўқ. Ичакларимга қўр ёпишди, синглим. Менинг эримнинг бошини айлантирма!

Қизиб турган темир сувга ташлангани сингари Шарифанинг вужудидан ўт югуриб, бирдан шамдай серрайиб қолди.

— Ҳеч кимнинг гапига ишонмас эдим. Эржон Шержоновнинг хотини Фарида бугун учинчи бор мана шу гапни телефондан айтди...

Светлана жавоб кутмай трубкани қўйиб қўйди.

Шарифа уйнинг ўртасида тик турганича лол бўлиб, анграйганича қолди.

У ҳаёт ҳақида, ўзига ўхшаганлар ҳақида ўйласа, одам одамга ўхшаса ҳам, ахлоқ-одоби ўхшамаслигига ҳайрон қоларди. Отаси совхоздан нима учун Давлатовни ёмон кўриб қайтганининг маъносига энди ақл юборди. Ҳаёти бугунга қадар кўтарилган чўққисидан тўхтаб қолгандек, ўша анграйган ҳолатида ўзининг ҳаёт йўлига назар ташлади. Олдида ҳам, орқада ҳам паст-баландликлар, тошли, чангалли, ғадир-будирликлар кўринди.

— Эвоҳ, нотекис йўллар!

У ҳаётда ўзини бутун тенгдошларидан ортиқ ҳисоблар эди. Улар ўнинчини битиргандан кейин, бамисоли узоқ йўлга ярамайдиган йўловчидай, ўқишни давом эттира олишмади... Бири шошилиб эрга тегди, бири институт даражасидаги билим билан чекланди-да, олға қадам ташлашга ҳоли келмаган югурувчилардай, ярим йўлда тўхтади. Бироқ ҳаммаси ҳам турмуш қурди, олди ҳозир уч-тўрт боланинг онаси. Шарифачи? Ҳаммадан ўзиб кетган саёқ югурувчи! Ягона юпанчи — фан кандидати. Матбуотда битта мақоласи босилса, дугоналарининг бири бола туққани учун севинганидан кам севинмасди. Энди ҳаммаси пучга чиқди! У энгилоёқ!

Унинг оёқлари танасини кўтаролмай, ёнига гурс этиб йиқилди.

Таниш товуш «Ҳар бир аёл ёниб турган битта сайёра...» деб шивирлагандек бўлди. Бу шивирлаш унинг ёш, парвозли кўнглига бўғов солди.

«Сайёра ҳаёт бахш этиши лозим, — деди ўзича ғурурланиб. — Менчи? Сўнган сайёраманми? Йўқ, ҳомиладорман! Демак, ёниб турган, ҳарорати сўнмаган сайёраман. Қулган кулаверсин, ўчмайман, ўчирмайман!»

Бу хаёллари уни бешикда тебратгандек аллалаб, шу ётишда кўзи уйқуга кетганини сезмади...

Отаси уни кўтара олмай, устига кўрпа ташлаб, бошига ёстиқ қўйди.

— Ақллим, — деди эрта билан отаси. — Сен хасталандинг, мен тузук бўлдим. Боғбон ўзи эккан ниҳолчанинг нега тебранганини сезади. Лекин мен қари боғбонман.

Шу пайт эшикни тапиллатиб қоқиб, Шержонов билан Завмаг кириб келди.

Уларни кўриб, Шарифанинг энсаси қотди, отаси ҳам ёқтирмаганини пайқади. Шундай бўлса ҳам, келган меҳмонни кўкрагидан итариб бўлармиди. У ошхонага кириб учта чойнакда чой дамлаб кирганида, икки ака-ука бир-биридан аразлашган ҳолатда бир-бирига тумшайишиб олган, Завмаг уларга қозилик қилиб ўтирарди.

— Туғишган инингиз Эржон оғанинг оёгининг таги мустаҳкам ва

баланд бўлиши учун қилинаётган эзгулик ҳаракатдан қочиш сизга ҳам ярашмайди, оқсоқол!

Шарифа кириб бориши билан улар тим-тирс бўлиб қолишди. Отасининг юзида мунг кўргиси келмайдиган Шарифа чидаб тура олмади.

— Ота, нега хафа кўринасиз?

Амакиси унга ўгирилиб эдрайди:

— Уни мунгайтириб қўйган сенсан!

Шарифа дамланган чойларни ошхонага олиб кириб ташлаб чиқди.

— Эржон оға, уйимизга келиб фиқс-фасод ковлайдиган одамларни меҳмон қилолмаймиз.

Шержонов унга эмас, Нуржон қарияга ғазаб билан саволомуз назар ташлади.

— Агар унга осилиб олмаса, сенинг ўлганинг яхши!

Уларнинг кетишини кутиб тургандек, эшик бекилиши билан, телефон жиринглади. Хатини ўқиб, Яхшилиқ бир нарса дейишини чидамсизлик билан кутаётган Шарифа яна трубкага ёпишди.

— Шарифа Шержонова, — деди Нисон Нажимовнинг ғоят мулоғим, аёлларникидай беозор товуши. — Сиз кўтариб юрган Орол проблемасига қўшимча фикр бермоқчиман. Биласиз, бутун одамзоднинг буюк доҳийси Владимир Ильич Ленин йигирманчи йиллари Орол балиқчиларига хат ёзган, Волга бўйида юз берган очарчиликдан азоб тортаётганларга ёрдам сўраган. Агар шундай Орол денгизи қуриб кетадиган бўлса, келажак асрда яшайдиган авлод, улуғ доҳиймиз Владимир Ильич Ленин Орол балиқчиларига хат ёзди, деган тарихий фактга ишонмай қолади. Бу, албатта, яхши эмас. Ленинга алоқадор битта факт бекорга чиқса, бошқа фактларга ҳам шубҳа туғилади. Ана, Орол проблемасига алоқадор бир янгиллик бердимми? Районимизда олим яшаса, у келиб маслаҳатлашиб турмаса биз билан...

— Ўтган сафар секретарингиз билан гаплашган эдим.

— Ўпкаладингизми? Менинг секретарим эрқароқ қиз, унинг ҳамма гапларини кўнгилга олавермаслик керак. Мен сизга айтмоқчи бўлган гап шуки, ёшлигимда олимларни ўзбошимча ақлдилар, дер эдим. Шу бугунги кунгача ҳамон ўша фикрдаман. Лекин, турмуш тажрибаси илмдан қолишмаса керак?

— Сиз айтганга ўхшаш фикрлар район газетасида босилиб туради.

— Район газетаси асосан менинг ўйларим, менинг гапларимни бош масала қилиб олади.

Шарифа уни ёқтирмаганини яшира олмай:

— Қозоним қайнаб кетди, узр, — деди.

— Ҳозир ҳар бир инсон районнинг ва дунёнинг муаммосига аралашуви шарт. Менинг сиздан сўрайдиган нарсам — ҳозир сув танқислиги бошланаётган пайтда сувни ҳозиргидан ҳам кам талаб этадиган шоли навини топиш эди.

— Қумда ўсадиган шоли навини излаганингиз яхшироқ.

— Сизнинг сочингизнинг майнадай қоралиги, жингалаклиги кўзимга кўриниб турибди.

Шарифа трубкани ташлаб юборди.

Телефон яна жиринглади, у трубкани кўтармади.

Нуржон отанинг руҳи тушиб кетса, тиклаш унча қийин эмасди. Ҳаётидаги энг яхши пайтларини эслайди. Одамларга қилган яхшиликлари кўп. Шу нарсалари уни ёмон хаёллардан бир неча соатлар давомида қутқариб, руҳсизлиги унутилади. Ўзини юпатишга уста бўлишига қарамай, қариллик асар қилганиданми ёки саломатлиги ночорлигиданми, бугун укаси келиб кетганидан кайфияти тушиб кетди. Чунки қизи ҳақида қулоққа ёқмайдиган ҳақиқат очилиб қолди. Шундай бўлсада, уни қизининг тақдири қийнади. Ешлар ориятли ва қизиққон бўлишади. Жаҳл устида жонига қасд қилиб қўймаса бўлгани. Агар шундай қилгудек бўлса, осмон узилиб ерга тушгани. Қария учун ҳаёт тамом деган гап. Насл-насаби қурийди. Худо кўрсатмасин!

Ер остидан қизининг авзойини кузатиб ҳеч нима демади. Аксинча, ўз-ўзидан қувонди. Бува бўлишидан, набира эркалашдан ортиқ нима бор бу оламда? Оққўнғил, соддадил, одамларга ишонадиган қизни бад-ният бир каззоб йўлдан урган. Майли, алдаган ҳам бўлсин. Алданиш ҳисобига дунё яна бир инсон билан тўлишади. Ер юзидаги ёлғончиликни, алдамчиликни тўхтатадиган одам номаъқул отадан туғиладиган унинг набираси бўлиб эр етса ажаб эмас!

Шарифани ҳам боққан отаси унга таъна қилмаслик учун ўзини ниҳоят оғирликка солади. Афсус, хомилдорлиги ҳақида унга шама қилиб — оғиз очиш мумкин эмас. Лодонлиги учун мақтанган бўлади.

Ота-бола шу тарзда кечгача сир сақлашиб, ўзларини ўзлари алдаш билан кун ўтказишди.

Кўп ғам қимни эзмайди? Қария эртасига бетобланиб қолди. Шарифа унинг касалланиб қолганини ўзича тушунди. «Ичи тўла шубҳалар билан яшасан осон эмас! Ҳар қандай шубҳа — оғир жароҳат. Қу-чайса, охири ўлим».

У отасининг тепасида ўтириб, нима бўлса ҳам ўзи ҳақидаги бор гапнинг ростини айтгиси келди, лекин унинг ўзи суриштирмагани учун тортинди.

Чошгоҳга бориб қариянинг ҳарорати кўтарилди. Шарифа доктор чақиртирмоқчи бўлиб эди, у ўзидан ўзи тузалиб кетишига ишониб, розилик бермади.

Улар бир-бирига қанча меҳр тўкмасин, бир хил унсиз сирлар икковининг ҳам кўнглига қулф бўлиб, ҳар қайсиси ўзича сирли сандиққа айланди.

Қария қутилмаганда ўлимни бўйнига олиб, агар кўз юмса, Орол бўйидаги қабристонда ётган ёстиқдоши билан ёнма-ён қўйишни васият қилди.

Қиз отасидан жудо бўлиб қолса, бу дунёда якка, дўстсиз ёлғиз қоладигандай юраги увишиб кетди.

— Ундай ёмон ният қилманг, отаждн. Ҳали бу ёқда қанча қувончлар бор.

У қизининг энди кўнглини очишини уқиб, ичида «ишқилиб ҳозирча очмасин» деб тилак тилади. Бир бошланса, кўп нарсанинг усти очилади. Ёмонлиқнинг ҳам ёпиқлиги яхши. Бири иккинчисининг поклигига, тўғри ниятчилигига ишонч билан кетиш ҳам бахт.

— Қизим, — деди қария, унинг яна гапиришини олдини олиб. — Мендаги ёлғиз ваҳима — мабодо ўлгудек бўлсам, жасадимни Орол бўйидаги қабристонга олиб борадиган машина тополмай сарсон бўлишинг бўлиб турибди, болам. Эржонда машинанинг ихтиёри қолмади.

— Ваҳимангизни қаранг, ота, — деди қизи унга далда бермоқчи бўлиб. — Ҳали кўп яшайсиз. Менинг бундан бахтли бўлганимни ҳам кўрасиз!

— Ўлим ҳақ, қизим. Энг яхши ўлим — қариб ўлиш. Барини ҳозир ўйлашганининг айби йўқ.

— У вақтгача, ота, қабристоннинг олдига самолёт қўнадиган бўлади.

— Қўй, болам, бунақа дея кўрма, — деди қария ҳовлиқиб. — Самолетга бир марта минганман. Юрагим ўйнайди, кўнглим айнийди. Ўлсам, фақат машинада олиб боринглар.

Шарифа оғзини бекитиб пиқ-пиқ кулди.

Ўйдаги вазият анча енгиллашгани учун қариянинг кўнгли юпанди.

— Одам қариса, боласининг боласидек бўлиб қолар экан, қизим, — деб секин йўталди. — Менинг сенга қилган тарбиямдан кўра сенинг менга қилаётган тарбиятинг оғирроқ.

Эшик тақиллади. Яхшиликдан ҳамон илинжи узилмаган қиз эшикка етгунча шошилди. Яна Завмаг! Бу сафар ёлғиз.

У яхши кийинса, ёшариб ва кўҳлик кўринарди. Озода кийибди.

Бироқ келбатини ҳасрат тумани босиб, бошини эгиб, мунғайиб турарди. Шарифа унинг бу ҳолатини кўриб, раҳми келди-да, ўтиришга рухсат этди.

— Шарифа, мени кечир,— деб у йиғламсиради.— Қасбим одамларга хизмат қилиш, шунга бир оз ўрганиб кетганман. Сенинг зеҳнингни койитган вақтларим ҳам бўлган. Булар менинг ёмон ниятимдан эмас, саводсизлигимдан.

— Сиздан менинг ўпка-гинам йўқ.

— Яхшилик Давлатов изимга тушиб юрибди.

— Нега ундай қилади?

— Бир пайт у билан машиналаримиз уришиб кетаёзди. Бунда менинг ўғлим эмас, унинг шофери айбдор эди. Шунини ёпти-ёпти қилиш учун пул талаб қилади. «Хотинимга билдирмай, тўппа-тўғри ўзимга олиб кел» дейди. Нима қилишимга ҳайронман. Қизининг туғилган кунда кўп совға билан хотинига битта бриллиант узук олиб боргандим, у овқат еса мушукдай кўзини юмиб ейдиганлардан экан. Кишига, тош отса, ўша тоши ўзига қайтарилишини ёки энг яқин-йироқларининг бошига тушишини тушунмайдиган анойига ўхшайди. Ҳа. Шундоқ. Эшитган бўлсанг керак, яқинда уч коммунист унинг уйини тинтув қилди. Эржон оғанинг хотинидан олган уч хил импорт кўйлак топилди. Мен олиб берган бриллиант узук йўқ. Уни хотини яширдими ёки ўзи бекитдими, номаълум. Бироқ ундай узук берилганини, лекин бриллиант эмас экан деб бўйнига олиб, парткомга ариза берди. Кеча уч коммунист уйини тинтиди, ўша узук топилмади. Бари бир, изимдан қолмаяпти. У директор бўлиб келган кунлари йўлда машина қоқиб ўлган Худойберган деган анқов бор эди, ўзининг директорлик обрўсидан фойдаланиб, ўша ўлимни менинг бўйнимга қўйиб ўтирибди.

— Завмаг, сиз тўғрингизда кўп эшитганман. Тулкилик либосингизни яшириб ўтирганингиз йўқми?

Завмаг товуқ қараш қилиб, бир қиялаб назар ташлаганда қиз уйинг кўзлари атрофи қизариб турганини кўриб, менинг олдимга келиш олдидан йиғлаган, деб ўйланиб, унга раҳми келди.

— Қўлимдан келса ёрдам қилай.

Завмагнинг ёшли кўзлари жовдираб, юзига жон кирди, илгариги-сидай кўҳлик кўринди.

— Отанг қаерда?

— Сал бетобланиб, хонасида ётибди.

— Қарилик-да, тез-тез оғриб туради. Унга кўракли дори бор эди менда,— деб у қўйин чўнтагидан тўрт бурчакли картон қутича чиқарди.— Ма, қароғим!

Қиз раҳмат айтиб, баҳосини сўради. Завмаг кулди.

— Ўзи Эржон Шержоновнинг туғишган оғаси, сенинг отанг бўлса ундан мен пул олсам, йўғ-э! Кетдим.

Қиз эшикни илиб келди, қутичани кўтариб, отасининг олдига бориб ўтирди.

— Ота, сиз доктор чақирини хоҳламасангиз ҳам, дорининг ўзи осмондан тушди!

Қария бошини кўтарди.

Қиз эҳтиёткорлик билан қутичани очган эди, юраги шув этиб кетди.

— Вой, ота, пул! Кўп пул! Завмаг берган эди.

— Ёпирай, бу қанақаси бўлди, дарров милицияга хабар қил! — деди қария.

Шарифа каловланиб, телефонга югурди. Милициянинг телефони банд. Қайта-қайта номерини тергани билан бари бир банд бўлаверди. Ҳозир ҳар бир дақиқа бир йилга чўзилгандай, унинг олдига бир боғлам юзталиқ эмас, бир хокандоз қип-қизил чўғ келтириб қўйилган-у, уйга ўт тушиб кетадигандай эди назарида.

Бу орада кимдир эшикни тақиллатди. Қиз пулни яшириб, эшикни очди. Участка милиционери.

— Пул қани? — деди у дабдурустдан.

Қиз югуриб бориб, тумбочкадан пулни қутиси билан олиб келди.

— Телефонингизни ҳеч ололмаётган эдим, сиз қаердан билдингиз?

— Лўлилик қилма! — деди милиционер жеркиб. — Яхшилиқ Давлатовнинг буйруғи билан буни сизга Завмаг олиб келди. У ичкарига қираётганида мени огоҳлантирган эди. Мана, қўлга тушдингиз! Кийининг!

Қиз тушунолмамай ҳайрон бўлди.

— Қани, бўлинг тезроқ, имилламанг! — деди милиционер. — Изоҳни участкада берарсиз.

Тўполонни қария эшитиб, туриб келди. Авзойи жуда ташвишли эди. Ҳовлиқиб жавоб қилди:

— Бу пулни Завмаг олиб келгани рост! — деди қария. — Шарифа ҳозир сизларга қўнғироқ қилаётган эди.

— Қария, ётинг, сиз қизингизни билмайсиз! — деб милиционер Шарифани ўз ҳолига қўймай, гардеробнинг эшигини очди, энгагини қоқиб, тезроқ кийинишини буюрди. Қиз қаршилик кўрсатмай, кийиниш учун ичкаридаги хонага кириб кетди.

— Ана унинг ўзи ҳам келди, — деди қария севиниб. — Ҳей, Завмаг, мана бу пулни менинг қизимга сен бериб кетганмидинг?

— Нима қипти? Давлатов олиб бориб бер, деди, сенинг қизинг ҳам сўради ва ихтиёри билан олиб қолди, — деди Завмаг ҳеч нарса билмагандек бамайлихотирлик билан.

Шарифа ичкаридан кийиниб чиқди.

— Эҳ, тулки Завмаг, қутичада дори бор, деган эдинг-ку!

— Ҳа, дори деган нарса нима қилади қўйинда, дори пул қўйинда. юради... Сўраганинг ана шунақа дори эди-да, — деб Завмаг тиржайиб кулди. — Пул навбатида дори, навбатида заҳар. Ҳа, пора учун олинса заҳар. Мана, у заҳарга айланди, Давлатовнинг севиклиси! Давлатовдан кўр, ўз нафсингдан кўр!

— Қани, олдимга тушинглар, — деди милиционер, амирона буюриб.

— Эвоҳ, худойим! — деди қария. — Ҳаётимда уч нарсадан қўрқар эдим. Бири ўт балоси; иккинчиси сув балоси, учинчиси қуруқ тўхмат. Ўз паноҳингда сақлагин-да, яратган!

— Бундай порахўрлар билан бир осмоннинг остида бир жамиятда яшаш жуда ачинарли ҳол! — деб Завмаг биринчи бўлиб эшикдан чиқди.

...Нуржон қариянинг ичига ўт тушиб, ўрнида ёта олмади. Чиқиб кетишга қўшниларнинг «Қизингизни нега милиционер олиб кетди?» деб сўрашларидан қўрқди. Қўшни қария келса ҳам гаплашмаслик ниятида эшикни ичдан илди. Энди ёлғиз хабарчиси қора телефон бўлиб, ёнига йиғма каравотни олиб бориб қўйди. Бари бир у йиғма каравотда ётолмади. Уйнинг ичи дим бўлиб, ҳаво етишмай, диққинафас бўлиб кетди.

Уч хонали уй унга тор кўриниб, қамоққа ҳозир тушган қари қашқирдай у ёқдан-бу ёққа кезинди. Жони ҳалқумига тиқилиб, аъзойибадани тинимсиз қалтиради... Дарднинг юки кам-камдан эзиб, тиззаларининг дармони қуриди, бир маҳал тўшагига оёғи суруниб, пастга муккасидан йиқилди. Йиқилиб ётибди-ю, бошида минг хил ташвиш: Нима қилиш керак? Қани энди ҳозир битта-яримтаси кириб, юрагини куйдириб ётган дардларига малҳам бўлса. Бундай дамларда ёлғизликдан оғир нарса йўқ. Вақт ҳам тўхтаб қолгандек. Утган ҳар бир дақиқа ҳам ҳаётингни қил устида ўйнатиб туради. Ақалли эски ошналаридан биттаси пайдо бўлиб, қизи милицияхонадан омон-эсон қайтиб келгунча унга мададкор бўлиб, юпатиб, суяб турса... Унинг икки кўзи эшикка. Қани энди ўша эски ошналар?

Қадрига етадиган бутун дўст-қадрдонлари балиқчилар қишлоғида қолиб кетишди... Қишлоқда яшаш қандай яхши эди, биридан бири ҳамма вақт хабардор, шаҳарда эса яқин қўшнинг ҳам сени қандай илон чақиб ўлдириб қўйганидан беҳабар яшайверади! Шаҳарга кўчиб

келмаслик керак эди. Шаҳарда шовқин кўп, ким нима қияпти, нега бақириб-чақираяпти — бунга қарайдиган дорига ҳам топилмайди...

Шаҳарга кўчиб келгач ёлғизликда унга телевизор бирдан-бир қувонч бўлиб қолган эди. Балким, ҳозир ҳам унинг фойдаси тегиб қолар... У эмаклаб телевизорга яқин борди, штепселни розеткага тикди. У мультфильмга боладай қизиқиб, бутун борлиқни унутар эди. Экранда «Олимлар минбари» деган лавҳа пайдо бўлди. Унинг орқасидан оқ кўйлакли, қора костюмли, галстугини чиройли қилиб боғлаган бир йигит кўриниб, пешанасига тушган сийрак сочини бир қўли билан ортига қайирди-да, олдидаги қоғозларини шилдирашиб тахлаб, пастига энгашиганича бирдан кўчирмалар келтириб ўқий бошлади.

— Эҳ, шуюм иш бўлдимиди?! Узингнинг гапинг бўлса, хатга қарамай сўйла-да! Бўлмаса...— деб койиниб телевизорни бошқа каналга ўзгартирди.

Аллакаердан балет кўрсатмоқда экан. Унга бир фурсат қаради-да, бардоши тугаб, ёқтирмай, учинчи каналга буради. Инглиз тилини ўрганиш дарси. Бутунлай ўчириб ташламоқчи бўлди, ёлғизликда вақт ўтмаслигини эслаб, аввалги канални қайта топди.

— ...Мен энди Орол проблемасига тўхтаيمان,— деди экрандаги олим. Қария овозини сал кўтаринқиради.— ...Оламда чучук сув проблемаси бош масалага айланди. Иссиқда кўча бўйлаб бораётган одам газли сувга бир тийин тўлагандай, чучук сувга пул тўлаб ичиб кетадиган эллар дунёда кўпчиликни ташкил этади. Бизнинг шароитимизга чучук сув бир оз ташвиш туғдиради. Мисолга Орол денгизига қуядиган Аму билан Сирдарёларнинг сувини олайлик. Амунинг бизга етиб келган сувини шу туришича ичиб бўлмайди. Минерал тузлари кўпайиб кетмоқда, чунки йўл-йўлакай коллектор сувлари қўшилади. Оролнинг бугунлиги ниҳоятда қийин проблемаларнинг бири бўлиб қолган. У йилдан-йилга кичрайиб, сувининг шўрлиги ортмоқда. Баъзи ҳисоб-китобларга қараганда, беш-олти йилдан кейин Амудан сув етиб келмайди. Оролнинг сатҳидан ҳар йили эллик миллион куб метрга яқин сув буғга айланиб кетиб турибди. Бу, демак, яқин йилларда Орол денгизиде ҳаёт тўхтади. Қисқаси, Орол энг сулув ўлим билан аста-секин бориб ўлади...

— Эҳ аттанг!— деб юборди қария, танаси тиришиб, юраги орқасига тортиб. Ўрнидан туриб штепселни розеткадан юлиб олди.

Шу пайтда телефон жиринглади. Назарида қизи: «ота, ҳақ жойига қарор топди, мана, қайтдим» деб айтадигандай телефон томон ташланди, қўли етганда икки марта йиқилиб, икки бор турди. Афсус қўнғироқ қилаётган одам қизи эмас, иниси бўлиб чиқди.

— Нуржон!— деди Шержонов акасига ачинган овоз билан.— Эсингдами, Давлатов мени ҳам, сени ҳам пешанамизга қорақуя суркайди, деган эдим. У, лаънати, уйдаги хотини орқали пора олгани билан қаноатланмай, Шарифани ҳам шармисор қилди. Уни юкли қилди. Биласанми, бечора қизнинг номуси поймол бўлиб, бунинг устига отасиз бола орттириши сени тириклай гўрга тикиш-ку, бу. Энди у бола туғса, боласига кимнинг фамилиясини беради? Тирик бўлсам бизнинг фамилиямизни булғатишга рухсат этмайман. Ҳа. Ҳароми болага покиза фамилиямизни бергимайман!.. Бугун ўша Давлатов сабабли Шарифа милицияхонада ўтирганмиш деб эшитдим...

Қариянинг бу гапларни эшитаверишга тоқати етмай, трубкани жойига ташлаб юборди. Оппоқ қордай сочлари орасидан кўзларига қуйилаётган терни кўҳна тўронғилнинг қийшиқ бутонидек қўллари билан артди. Яна нафаси қисди, бутун танаси қизиди, сал-пал қалтиради.

У ўз ҳаётида иниси билан кўп аразлашиб, кўп марта ярашган бўлса ҳам, шу галгидек ундан кўнгли қолмаган эди. Тиззаларидан дармон кетиб:

— Уҳ, қарғиш ургур! — деди ўзича ғазаб билан. Юзи борган сари қовурилган қумдай бўзариб, қизариб, кўзларида ёш ҳалқаланди. Афтангорига илиқлик югуриб, ўрнидан турди. Қайси бурчагида турмасин,

ўзига жуда кенг кўринадиган уйи торайиб кетгандек туюлди. Деразадан эҳтиётсизлик билан кириб қолган чумчуқдай, у ёқ-бу ёққа югуриб, ўзини ҳар деворга, ҳар бир эшикка отди. Бир маҳал пешанасини шифоньерга уриб, ойнасини чил-чил қилиб синдирди. Оғзи-бурни қонади. Бирдан нима қилаётганини тушуниб, таққа тўхтади. Икки қўли билан чаккасини қисиб, ўй суриб қолди, миясига минг хаёллар кириб чиқди. «Қизи валатига юкли бўлган отага яна қандай ўлим бор, шўри қурисин?» «Орол энг гўзал ўлим билан секин-секин бориб ўлади...» «Қизи кўчадан юкли бўлган отага!...»

Бу сўзлар унинг қўлоғига эшитилган энг охирги сўзлар бўлди. Қария бутунлай ҳолдан тойиб, гурсиллаб олдига йиқилди.

* * *

Инсон обрў орттириши учун жуда кўп нарса керак, ундан маҳрум бўлиш эса жуда осон: Бунинг учун бежо босилган битта қадамнинг, ўйламай айтиб юборган битта сўзинг, ёки номақбул ишинг кифоя. Ҳаётнинг бу қонуни ҳақида ҳам ўзини билагон санайдиган Завмаг милиция бўлимнинг идорасига учинчи бўлиб кирди-ю, устомонлик билан бошлиқнинг салобати босишининг олдини олиб, гапириб кирди.

— Мана, ўртоқ милиция майори, тухматчи, порахўр Давлатовнинг ўйнаши пора билан тугилди.— деб Шарифага ўгирилди.— Ана, Шержонова, кимда-ким кишига тош отса, ё ўзига қайтади, ё дўстига қайтади. Давлатов совхозга келгандан буён неча одамга тош отди, бу тошлар ўзини четлаб ўтиб, дўстларига тегяпти.

— Бўлдингизми? — деди Шарифа жаҳл билан салмоқланиб.

— Эҳ, шўринг қурғур, менга сенинг савол беришга, сўзимни бўлишга ҳаққинг йўқ. Чунки сен жиноятчисан, мана, нақд пул билан қўлга тушиб турибсан. Ўртоқ милиция майори, жиноятчининг менга савол беришга ҳаққи борми? Тфу! Бундай ифлос аёл билан бир жамиятда яшашнинг ўзи кишига ор-номус! Эркаклар билан тенгмиз деган шиор остига яшириниб, элни бузадиган, мусаффо жамиятимизни номига қора доғ туширадиганлар мана шунга ўхшаган наҳс босганлар!

Қорачадан келган юзи тутундай бўлиб, жаҳли қистаса-да, Шарифа ўзини оғирликка солди.

— Ўртоқ майор, рухсат этсангиз, мен мана шу Завмагга битта савол берсам.

Милиция майори куйган қора гўштдай Залчиқ юзининг терини артиб:

— Сўранг,— деди аста.

— Айтинг-чи, Завмаг, менга бу пулни сиз олиб келганингиз йўғ-а? Завмаг бирдан аччиқланиб ғўдайди.

— Нега ундай дейсан? Тонсин деяпсанми? Тонмайман! Бу пулни сенга мен олиб бордим! Шахсан ўз қўлим билан олиб бордим! Лекин Яхшилик Давлатовнинг буйруғи билан олиб бордим!

Мунғайиб ўтирган Шарифанинг бирдан чиройи очилиб кетди. Рақибининг нима қилаётганини билмай турган Завмагнинг тиззаларидан мадор кетгандай шалвираб ўрнига ўтирди.

— Ўртоқ майор,— Шарифа милиция бўлими бошлиғига мурожаат қилди.— Мендан гапларимни ёзиб олишингизни илтимос қиламан. Мана, у ҳалиги пулнинг эгаси эканлигини бўйнига олди. Шунча пулни паққос «порага» олиб чиққан одамнинг уйда бундан бир неча ҳисса кўп пул қолгани сўзсиз. Бунинг уйда тинтув ўтказишингизни ўтинаман.

— Мен район Советига депутатман, коммунистман! Уйимни тинтув қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ! — деди Завмаг. У энди ўзини қанча тутиб сўйласа ҳам, овози тўлқинланиб, қўрқаётгани ҳаммага ошкор бўлиб қолди.

— Ўртоқ майор,— деди Шарифа олдингисидан ҳам дадилланиб.— Тушуниб турган бўлсангиз керак. Коммунист қилган даромадидан взнос тўлаши шарт устав бўйича. У менга олиб келган пулининг ҳисобидан взнос тўладимикан? Райкомдан, бўлмаса совхознинг партком секретари Мамутов орқали шунга аниқласангиз ҳам кўп нарса очилар эди.

— Мамутов Давлатов билан дўст одам, ведомостни ўзгартиради,— деди Завмагнинг жиғибийрони чиқиб.

— У ведомостни ўзгартирса, унинг қўли қўйилган партбилет ўзингизда эмасми?— деди милиция майори, кўнглидаги ғулғулани анча босиб.— Қани кўрсатинг-чи?

— Биринчидан, сиз мендан партбилет талаб қилишга ҳақли эмасиз; иккинчидан, ҳозир авариянинг кўпайган асри. Шунинг учун, мабодо ўзимга бирон қор-қол бўлса ҳам, партбилетимга нуқсон тегмасин учун партбилетимни уйдаги ёнмайдиган пўлат сандиқда сақлайман.

Милиция майори энди кўп ўйланиб ўтирмасдан Шарифага мурожаат қилди:

— Шарифа Шержонова,— деди салмоқланиб.— Яқин орада райондан олисга кетиб қолмайсиз-а?

— Нега?— деди Завмаг ғижиниб.— У юкли бўлгани учун қамаёлмай турибсизми? Порахўрнинг ҳаромисини ўзи ҳам олдириб ташламоқчи бўлиб юрган бўлса керак?

— Завмаг, сиз ўзингизни сал босиб, ҳар сўзингизга ҳисоб бериб гапиринг!— деб милиция майори аллақачон кўнглироқ қилмоқчи бўлиб, олдидаги телефон апаратини ўзига яқинлатди.

Завмагнинг ички қалтироғи сиртига тепиб, унинг ичи совуб, совқотганлигини айти-да, ташқарига, қуёшга чиқишга рухсат сўради.

Телефон трубкасини бир қулоғига босиб, жавоб кутаётган майор бўш қўлини сермаб, унга «қўзғолма, ўтир!» деган ишорат билдирди.

Завмаг қулоқ солмай эшик томон юрган эди, иккита милиционер олдини тўсди.

Шарифага уйига кетишга рухсат этилди. У касал отасини севинтиришга ошиқиб, югуриб-елиб, кўнглисиз воқеанинг устига келди. Нуржон қария ҳақиқатни эшитиб севиниб кетганидан аллақачон омонатини топшириб, мангу уйқуга кетган эди...

21

Завмагни қамаш олдида партиа йиғилишида муҳокама қилинганда, совхоз коммунистлари орасида уни ҳимоя қилувчи топилмади. Қайтага, «партия ташкилоти ҳисобида турувчи ҳар бир коммунистнинг ҳалоллигини тасдиқлаш учун унинг взнос тўлаган ойлигининг миқдори билан уй шароитини солиштириб баҳолайдиган комиссия тузиш керак» деган таклиф ўртага қўйилди.

Шунда ҳам Шержонов бўш келмади.

— Иниларим-эй,— деди товуши тўлқинланиб,— ахир Завмаг совхозга кўп ёрдам қилганини унутиб юбордингларми? Планлар тўлиши муносабати билан радио, телевидение ва филармониядан артистлар чақиртирганимизда, уларни кутадиган одам ким эди? Завмаг! Хотин-қизлар хурсанд бўлиб кетсинлар деб қайси бирига рўмол бермади? Совхозга меҳмон келса, бутун харажатни ким кўтаради? Завмаг! Совхозни меҳмондўст деб шуҳратини чиқарган ким? Завмаг! Унинг ноёб товарлари-чи?

Бунга ҳеч ким оғиз очолмади. Шержонов бундан фойдаланиб, яна авжга чиқди:

— Айтинглар, совхоз планларини бажаришида Завмаг ҳисса қўшмадимми?

— Қандай улуш қўшганини, нима қўшганини энди тушундик,— деди камгап Тўлабой Тўраевич.— Сиз ўзингиз унинг шунча пулни қадердан ортирганига ақл юбордингизми? Энди мен ҳар кимнинг уй шароитини профсоюз аъзолигига тўлаган взноси билан солиштираман!

— Одамлардан камчилик топишдан осон нарса йўқ,— деди Шержонов бўш келмай.— Худодан ҳам камчилик топилди. Яхши яшаш билан ўлик мол йиғиш ўртасида фарқ бор! Мард бўлсангиз уйингиздаги ортиқча нарсаларингизни, омонат кассадаги жамғармаларингизни совхоз учун болалар боғчаси, ҳаммом солишга беринглар. Давлатовнинг оиласида уч жон бор. Бир ўзининг ойлиги етиб ортади. Шунақа экан, хўш,

нега Завмагдан бриллиант сўради? Менинг уйимдан нега кўйлақлар олди? Ўзларинг ўйлаб кўринглар, тушунинглар! Ҳозир одамлар ўзгариб, ақллари хитлашиб борапти.

— Эржон Шержонович,— деди Мамутов чидамай.— Лодонлар бировга баҳо беришда ўзидан гула кўтаради. Бу гапни бир пайт ўзингиз айтгансиз.

— Менинг қўлимни ўзимга боғлатиш учун ичакларимни тортиб ўтирибсанми?— дея кулди Шержонов кесатиб.— Қайси идорадан тинчлик кетса, раҳбарликка ажал етгани! Совхоз жуда ёмон аҳволда қолди-ку, йигитлар! Мени алдаш қийин! Қовургангиздан ичингизда нима борлигини кўриб турибман. Районда ҳар одам кўзнинг қорачиғи-ку, ахир! Завмаг нима, одам эмасми?

Шержоновнинг узундан узоқ гапи ҳеч кимга ёқмади, унга ўчакишиб, аксинча ўзини фош қилиб сўзловчилар кўпайди. Натижада Шержоновнинг барча қилмишларини махсус текшириб, келаси партия мажлисига қўйиш учун комиссия тузилди. Шу билан партия мажлиси асосий масалани тугатса ҳам, коммунистлар тарқашмади, анча вақтгача ўзаро сўхбатлашиб, таассуротларини ўртоқлашиб ўтиришди.

Шунча йил давомида битта совхоз халқини оғзига қаратиб келган Шержоновнинг сири очилиши ҳаммани ҳайратда қолдирганди. «Шу даражага у қандай қилиб бориб қолган? Ким бунга сабаб бўлган...» Бунга ҳар ким ўзича жавоб излади, ҳар қайсиси ўзича мулоҳаза юритди...

Совхозда шу пайтгача ҳукм суриб келган қинғирликлар, сохта сводкалар, қўшиб ёзишлар кўпчилик бригадирларнинг иш усулига сингиб кетган. Фақат Шержонови бўшатиш билан ҳамма ерда янгилик ўрнатиладими? Тажриба бу саволга аксинча жавоб бермоқда. Шержоновга алоқадор шахсларни ҳам қўшиб текширилса, кўп қилмишлар очилади. Бригадирларни бутунлай янгилаш керак. Бу энди, ўз навбатида, асл мақсадга, унинг эзгулигича тушунишни, доно, ҳалол кадрларни танлаб топишни талаб этади. Бунинг учун директорнинг ўзида тажриба оз, танишлари ҳам кам... Бу масалани ҳал қилиш халқнинг ўз ихтиёрига қўйиб берилиши лозим.

Балким бригадирларни қайтадан сайлаш йўли билан қўйиш керак бўлар.

Худди шундай қилиш лозим, бунинг учун совхоз ишчиларига кенг эрк берилсин, майли, бригада бошлиқларини ўзлари сайлаб олишсин.

Бу ғоя юзасидан кўп фикр олишилди, ўзаро баҳслашилди, оқибат натижада партком секретари ҳам, ишчилар комитети раиси ҳам директорнинг бу ғоясини маъқуллади, тажрибали коммунистлар ҳам қувватлашди.

Майли, халқ ўзининг хоҳлаган кишини танласин. Халқнинг ўзига қўйиб берсанг ҳалол, ишчан, яхши ташкилотчи одамни топиб олади. Лекин сайлов яширин, ёпиқ овоз бериш йўли билан ўтказилиши лозим. Ҳар йили сайлансин, агар халқ бир бошлиқни унатиб қолса, майли, уни қайта-қайта сайлаб ола берсин.

Албатта, бу ҳозирча фақат янги мулоҳазалар эди, ҳали синалмаган, тажрибада кўрилмаган фикрлар. Совхоз бу ёқда турсин, районда, ҳатто областда бундай тажриба қўлланган эмас. Шундай бўлса-да, бу ғояни кўтариб чиқиш керак. «Янгилик» совхозининг коммунистлари бу ғояни қувватлашни сўраб, партком, рабком, дирекция номидан райкомга, обкомга хат ёзишга келишиб олишди. Кун тартибига киритилмай, ўзича кўтарилиб, оқибати битта хулоса берган бу йиғилиш ҳаммага ёқди, мамнун ҳолда тарқашди.

Бу йил учун белгиланган планларга кўп ўзгаришлар кириб, асосий кўрсаткичлар бажарилмаётганига қарамай, совхознинг идора хизматчилари ҳеч тиним билишмайди. Баъзи кабинетларда ҳисоб счетлари тинмай шақиллайди, баъзи ишларни хулосалаб, келгусидаги режалар

тузилмоқда, совхознинг тақдирига, истиқболига тегишли ҳар қандай «тушунчалар», «ахборотлар», «тажрибалар» чоралар қоғозга туширилмоқда.

Яхшилик ҳар куни тунги соат ўн иккидан ўтганча идорада бўлади. Бухгалтерия, планлаштириш бўлими кун бўйи ишлаб, жамлаб унинг столга қўйиб кетган ҳар хил ҳисоб-китоблар, чизмалар билан танишади. Ҳар бир рақам, ҳар бир чизма одамдай гапириши лозим, фақат тўғри гапириши лозим. Шунинг учун бафуржа ўтириб, уларни бири бири билан солиштиради. Керак бўлса, агрономни ё бош инженерни, бўлмаса Юсуф Абдуллаевични ёки бош бухгалтерни чақириб, баъзан уларнинг ҳаммаси билан биргалашиб маслаҳатлашади. Ютуқ ва камчиликлар нимадан иборатлиги коллегиял равишда аниқланади. Ҳар бир рақам одамдай сўйлатилади. Ана шундай қизгин кунларнинг бирида яна партия мажлиси белгиланди. Бу мажлис яна ўзгача бўлади. Биринчи бўлиб Шержонов ҳақидаги масала муҳокама қилинади, иккинчиси — совхознинг келажак истиқболлари ҳақида Яхшилик Давлатовнинг доклади қаралади.

Яхшилик эрта билан азонда партком секретари Мамутов билан кабинетда бугунги йиғилиш юзасидан фикрлашиб ўтирарди, секретарь қиз шошилишча телеграмма олиб кирди. Унда Давлатов бугун кундузги соат ўн бирга обкомга чақиртирилган эди. Бормаслик ноқулай, партия мажлисини ташлаб кетиш ундан ҳам ноқулай. Унинг обкомга телефон қилиш учун узатган қўлини Мамутов ушлаб қолди.

— Кераги йўқ, обкомга бор,— деди у. — Телеграмма муносабати билан партия мажлисини бир кунга кечиктирармиз.

— Йўқ, дўстим,— деди Давлатов.— Бошланғич партия ташкилоти — унинг асоси. Пойдеворда мустаҳкам ва аниқ иш бўлиши лозим.

Мамутов енгилганини тан олса ҳам, фикрида қаттиқ турди.

— Бари бир, обкомга бориш керак. Йиғилишни ўзимиз ўтказамиз. Сенинг кетганинг узрли бўлгани учун ҳеч ким ҳеч нарса демайди.

Яхшилик деворга қаради. Соат ўнга яқинлашиб қолибди.

— Яхши, бўлмаса, мен кетдим.

Райимбой машинани юқори тезликда ҳайдаш тарафдори эмас эди, бу сафар Давлатовнинг қайта-қайта соатига қарайвергани учун жуда шошилди. Шунда ҳам эскирган ГАЗ-69 уни вақтида манзилга етказолмади. Обком секретари кабинетидан чиқиб келганида унинг олди-дан чиқди.

— Яхшилик, яхши етиб келдингми? Эски машинангни янгисига алмаштиришга ёрдам берамиз,— деб область партия комитетининг секретари у билан қизгин саломлашди-да, қўлтиғидан қўл ўтказиб ўзи билан бирга олиб юрди.— Совхознинг партия мажлисига обкомнинг бир инструкторини юборган эдик, албатта, учашолмагансиз. Энг асосийси, сизларнинг бизга ёзган хатларингизни бюро аъзолари билан ўқиб чиқдик ва навбати билан амалга оширишга келишдик.

— Демак, областнинг шимолий зонаси шоликор районларга айланади, бинобарин шоликор агрономларни тайёрлай бошланади, шимолий зонага темир йўл ўтказилади, бизнинг ерларимизнинг рельефи ҳисобга олиниб, бир-икки йил экилган ерлар икки мартадан текисланади...

— Совхознинг номига муносиб янги ташаббусларингиз учун обкомнинг бюро аъзоларининг ҳаммаси сизнинг тарафингизда бўлди, бир мактубга ёзаверишга уялиб, ўзингизда сақлаб қолган баъзи гоёларингизни ҳам тушуниб, ҳисобга олди,— деди обком секретари, унинг қулоғига яқинлашиб.— Совхозда бригадирларни сал ихчамлаш ва яширин овоз бериш йўли билан сайлаб қўйиш тўғрисидаги таклифларингиз, тажриба учун фақат сизнинг совхозингизга рухсат этилади. Хотирларингиз жам бўлсин, Шержонов билиқтириб қайнатган биламиқнинг қозони ёпиқлик қолмайди, юстиция органлари аралашади.

— Раҳмат!

— Энди сизга битта маслаҳат,— совхозда турар жой масаласига

алоҳида эътибор беринг! Шаҳарда куркунакнинг уясидай хоналарда қисилиб яшайдиганларни қизиқтирадиган уй-жойлар бўлсин.

Яхшилиққа бу маслаҳат ниҳоятда ёқиб, қувончини қандай ифода-лашни билмай, қайта-қайта миннатдорчилик изҳор этди.

— Область партия комитетининг бюроси сизни «Янгилик» совхозига юбориб яхши қилди, шу билан бирга ўртоқ Нажимовга ортиқча эрк бериб, кўпроқ ишониб кетганини сеза бошлади,— деб обком секретари биринчи қаватдаги кенг мажлислар залининг олдига келгандан кейин унинг қўлтиғидан қўлини олди.— Ҳозир Орол проблемасига, бизнинг регионда келажакдаги сув ресурслари бўйича проблемаларга тегишли илмий конференцияга қатнашамиз. Яхшилаб эшитинг докладларни, бу ҳақда фикрлашадиган пайт келади.

Область партия комитетининг секретари президиумга келиб ўтириши билан конференция ўз ишини бошлади. Биринчи сўз академик Александровга берилди.

Еши олтмишларнинг у ёқ-бу ёғида, кумушранг жингалак сочли академик Иван Семенович Александров ниҳоятда босиқ, ҳар бир сўзини, фикрини кўпчиликка тушунарли қилиб сўзлайдиган одам эди. Олдин дунёдаги океанлар билан денгизларнинг бойликларини характерлади. СССРдан хорижий мамлакатларда ундириладиган рутил концентрасиясининг тўқсон фоизини, циркония минералларининг олтмиш фоизини Австралия соҳиллари беришини айтди. Таиландда қалай концентрасиясининг ўн икки фоизи олинишини, у ерда олиб борилган тадқиқотларнинг натижасида аниқланган илмий кашфиётларни хабар қилди.

— Шу билан бирга, кўп бойликларни ўзида яшириб жим ётган Орол денгизининг проблемаси бугунги кунда бутуниттифоқ миқёсидаги проблемага айланди,— деди бир қўли билан тилла гардишли кўзойнагини тузатиб қўяр экан.— Орол денгизи Ўрта Осиё регионининг табиатини, об-ҳавосини тартибга солиб турувчи табиий куч. Экологик жиҳатдан ҳам Орол ўзича, алоҳида хусусиятга эга. Океанларда шўрлилик ўттиз тўрт процентни ташкил этса, Оролда ўн процентдан камроқ. Шу сабабли унда дунёдаги ҳеч бир қўлда учрамайдиган балиқлар яшайди. Оролнинг қазилма бойликлари ҳам бир оз афзалликка эга. Олиб борилган тадқиқотлар бўйича бу ерда титан минераллари, хром сингари сийрак учрайдиган металллар борлиги, шунингдек, вольфрам минераллари, қўрғошин борлиги аниқланди. Оролнинг остидан олинган бир куб метр тоғ массаси ўттиз-қирқ ҳисса арзонга тушади. Оролда тоғ массаси нима қилиб юрибди, деган савол туғилиши ҳам қонуний. Тоғ жинсларини минг йиллар давомида Аму ва Сирдарё оқизи олиб келган,— деди олим бамайлихотирлик билан.— Ҳозир Амударёнинг қуйиси, яъни Орол массиви, табиий газ, темир рудаси, тоғ — кимёвий элементларга бой эканлиги аниқланмоқда. Бу регионда ўсадиган шифобахш ўсимликларнинг илдизи саноатнинг йигирмадан зиёд турида фойдаланилиб, АҚШ, Япония, ГФР, Канада ва бошқа мамлакатларга экспорт қилинаётгани ҳаммага маълум. Бу фактлар ана шу регионнинг табиий шаритини ҳозирги ҳолатида асраш орқали олинади,— деб у регионнинг ер усти тузилиши ҳақидаги илмий фикрларни қўллаб-қувватлашнинг ашаддий тарафдори эканлигига ҳаммани ишонтириб, сўзини тугатди.

Зал чапак чалиб, уни олқишлади.

Негадир эндиги сўз Шарифа Шержоновага берилди. Унинг икки-қатлилиги анча сезиларли эди. Шунисини билдиргиси келмагандек, кенггина костюмининг тугмачаларини илмапти. У минбарда зални бир бошдан кўз билан чалиб, ошиқмай оқ қўйлагининг ёқасини, пешонасини бир марта сийпаб қўйди. Шунгача фикрларини тўплаб тартибга солиб улгурди.

— Ўртоқлар! — деб у залга тик қаради.— Орол проблемаси академик Иван Семенович Александров айтганидай, бугунги кунда ҳамманинг аралашуви лозим бўлган проблема. Чунки у кун сайин эмас, соат сайин ичкарига тортилиб кетмоқда.— Залнинг жимжит ўтириб эшитатгани кўнглини кўтариб юборди, билган гаплари, ўйлари бирма-бир

қуйилиб кела бошлади, — Сибирь дарёларини бизгача етказиб келиш ғоят машаққатли ва қимматга тушади. Бу бутун мамлакатларга, бутун дунёга маълум. Мен мана бу нарсаларга диққатларингизни тортмоқчиман. Орол денгизи СССРнинг анчагина процент балиғини берар эди. Биз ундан тўла маҳрум бўлиш олдидамиз. Олтамиш-етмиш миллион сўмлик ҳар хил порт, флот, завод қурилмалари аҳамиятини йўқотди, фақат ўтинга қараб қолган кемалар, қорабллар бу ҳисобга кирмайди Амунинг дельталарида миллионлаб урчиб-ўсадиган ондатра, минг-минг гектар табиий ўт, ем-хашак яйловлари ишдан чиқади. Оролнинг абсолют чуқурлиги 40 метрга тушиб қолса, денгиз иккига бўлинади. Ақалли шу даражада сақлаш учун ҳар йили Оролга ўн куб километрдан кам бўлмаган миқдорда сув қуйилиб туриши шарт. Бу унинг атрофини туз бошидан сақлайди, об-ҳавони бир меъёрда ушлаб туришга ёрдам беради. Биз, Орол воҳасида яшовчилар, ҳозирнинг ўзида баҳорнинг, кузнинг бошланиши, тугаш муддатларига ўзгариш кириб бораётганига жонли гувоҳ бўлиб турибмиз. Экинларнинг вегетация даври учун керакли кунлар озайиб бормоқда. Ташқарига кир ёйганлар кирларига туз ўтириб қолганини айта бошладилар. Бу келажакда катта кўнгилсиз ҳодисалар юз бериш хавфини туғдиради. Буни тушунасишлар. Орол денгизи қуриса, бутун регион бўйлаб ер ости сувларининг чуқурлашиб, кетиши ўз олдига алоҳида проблема. Табиий яйловлардан ташқари, қудуқлар орқали суғориладиган минглаб гектар мол боқиладиган яйловлардан маҳрум бўлиш деган сўз. Қорақумда табиий ўт-ем бутун мамлакатимизда тайёрланадиган ем-хашакдан ўттиз-қирқ процент арзонга тушар эди. Ер ости суви чуқурлашса, бу шароитлар қай тарафга олиб боришига кўз юмиб қараш мумкин эмас. Балким, буларнинг ҳаммаси бизнинг бепоён Ватанимиз учун ниҳоятда муҳим роль ўйнаши мумкин. Таҳлил бўйича бир куб километр сув билан етмиш минг гектар ер суғорилади. Демак, бу бир неча миллион сўм фойда деган сўз. Агар ана шуни назарда тутсак, Орол йўқолган шароитда фойдага айланиши лозим бўлган рақамларимиз арифметик эмас, геометрик рақамларда ифодаланадиган зарарга айланади. Бунинг устига, бизнинг регионда яшовчи халқнинг сони, ҳозирги ўсиш даражасида турса, йигирма-ўттиз йилдан сўнг икки, икки ярим ҳиссадан ортишини ҳам ўйлаш керак... Келажакдаги қийинчиликнинг олдини олишидаги ягона йўл — Сибирь дарёларини бизга, Ўрта Осиёга олиб келишдир. Сибирь дарёлари Оролга тикка қуймаса ҳам биз яшаб турган регионда экин майдонларини кенгайтириш имконини берса бўлгани. Мана шу билан ҳам ер ости сувлари кўпаяди. Уларни коллектор усули билан Оролга қуйиш мумкин. Ҳозир ерда фойдаланилган сувлар Амуга оқизилмоқда. Натижада дарё сувининг шўрлиги ортмоқда. Шу кетишда яқин вақтда шўрлик бир куб метрга уч граммга етиб қолади. Агар ҳар гектарга ўн беш минг куб метр сув берилади, десак, унинг составида қанча тонна туз оқиб ўтишига ўзингиз ақл юборинг. Шўр босган далаларда ҳосил қандай камайиб кетаётганидан деҳқонлар қанча нолинаётганлигини кўз олдингизга келтирсангиз эди...

Яна шуни ҳам алоҳида айтиш керакки, Сибирь дарёларининг суви бизга етиб келгунча буғланади, ерга сингади. Бизнинг шароитимизда ҳам сувдан бефарқ фойдаланишлик йўқ эмас. Сибирдан келган чучук сувни ҳавзаларга оқизиб, балиқ урчитиш учун фойдаланилганда, бир килограмм балиқ 250—300 сўмга тушади. Ҳозир Қорақум канали Туркманистонга қанча фойда бераётган бўлса, бўз ерларни, қум орасидаги яйловларни бузиши, шўрлантириши натижасида каттагина зиён келтираётганидан кўз юмиш ҳам нотўғри бўлур эди. Мана шу фактларга суяниб, Сибирь дарёларидан сув олиб келиш каналини тайёрлаш билан бирга, сувни қабул қилувчи ерларда комплекс равишда иш олиб борилишини ҳал қилиб, сувнинг буғланишига, яна ерга сингиб кетишига йўл қўймаслик учун далаларга сув бетон қувурлар орқали оқишини таъминлаш ишлари бошлаб юборилиши лозим. Бу, албатта, тур-

ган-битгани сарф-харажат. Лекин тез орада зарар қопланади, бора-бора фойдаси геометрик рақамлар билан ўлчанадиган фойда бўлади...

Шарифа ҳеч қоғозга қарамай, кўпчилик олимларга таниш айрим фактларни жонлантирса ҳам, залда жонланиш пайдо қилди. Президиум унинг далилларига қўшилган тур билдириб, бош чайқашиб, қувватлашини ифодалади.

У президиумга бир ўгирилиб, область партия комитетининг секретари маъқуллаб, бош силкиганига кўзи тушиб, дадилланиб кетди:

— Орол денгизининг, унинг теварагидаги ерларнинг ҳажми қанча экани ҳаммага маълум. Такрорлашнинг ҳожати йўқ. Денгизга ҳар йили ёгин-сочин ва қор натижасида тўққиз-ўн куб километр сув қўшилишини ҳам илм далиллайди. Лекин денгиз сатҳининг кенглиги сабабли оқиб келиб қўшилгандан уч-тўрт ҳисса кўп сув буғга айланиши Оролнинг тез қуриб бораётганининг сабабларидан биридир. Бу тезликни пасайтиришнинг бирдан-бир усули Помирдан Оролга масофадаги бутун коллектор сувларини марказий коллекторга қўшиб, Оролга оқизувдан иборат. Коллекторлар экин ерларнинг ер ости сувларини пастга туширади. Бу кўп минглаб пахтазорларнинг шўрлигини камайтириш учун шўр ювишдан қутқаради. Орол регионида пахта майдонларининг шўрини ювиш учун ҳар гектарга кетган саккиз-ўн минг куб метр сув яна иқтисод бўлар эди. Мен бу ерларда шолчиликни гапириб ўтирмайман. Сўнгги йиллари сув тахчиллиги натижасида ҳар ерда сув сақлағич сифатида пайдо бўлган Арнасой¹, Сарикамиш² кўллари тўла Оролга қуйиладиган бўлиши лозим. Қорақум канали орқали Қорақумнинг ўрталарида ботқоқликлар пайдо қилаётган сув Оролга оқиши лозим. Аму билан Сирнинг дельталарида бир ярим-икки куб километргача сув қолиб кетади, уни қолдирмасликнинг иложларини қилиш лозим. Бари бир денгиз кичраяди. Орол региони тўла шолкорликка айлантирилса, далаларнинг бетидан кўтарилган буғ денгизникига қўшилиб, ҳавонинг намлигини унча кўп ўзгаришсиз сақлаш имкониятини бериши эҳтимол. Яйловлар учун коллектор ва ер ости сувларини қўшиб ишлатиш имкониятидан фойдаланиш зарар қилмасди. Агар экин майдонларига борадиган сувни бетон қувурлар орқали оқизиш натижасида, ҳар гектардан бир ярим-икки минг сўм зарар келишига кўз юмсақ, сувнинг қўшимча буғланишини ва ер остига сингиб кетишини тўхтатиш ҳисобидан экин майдонлари ҳажми сўзсиз кўпаяди. Бу яна геометрик фойдага олиб келади. Булар ҳам кўп ўйлашни ва бош қотиришни талаб этади. Эътиборингиз учун раҳмат, ўртоқлар!

Чапаклар чалинди.

Шарифа минбардан тушиб бораётиб, кўзлари жовдираб, залдан ўзига таниш, чинакам хайрихоҳ излади. Топдими, топмадими, номаълум, аммо Яхшилиққа кўзи тушгач, залга бошқа қарамай, ўз ўрнига бориб ўтирди.

— Ўртоқ Шержонованинг фикрлари менга ёқди...— деган товушни эшитиб, у сал ғурурланди. Бу гап Яхшилиқни ҳам бепарво қолдирмади.

Янги нотиқ Оролни сақлаб қолиш ҳақидаги фикрларга тўлиқ қўшилишини қисқа баён қилиб, Каспий проблемасига ўтди.

— Каспийни Қора денгиз билан бирлаштириш йўли осонроқ,— деди Давлатов.

— Бу йўл ўйлаб кўрилди,— деди нотиқ шошмасдан, ҳовлиқмасдан.— Қора денгиздан Каспий денгизига кемалар ўтадиган бир минг бир юз километрлик канал қазиш ҳақида кўп кенгашлар бўлди. Бу масала буюк Петр Бир замонида қараб чиқилган экан. Бахтга қарши, ҳамон ўзининг дуруст ечимини топмаяпти...

Яхшилиқ бундан кейинги нотиқларнинг гапларини индамай эшитиш билан, улардан ҳар бирининг табиатни у ёки бу даражада сақлаб қолиш керак, деган фикрларини фикран қувватлади. Лекин унинг ўз ўлкасига муҳаббати ҳамма ўйларидан устун эди. Орол воҳасига сув

^{1 2} Орол регионида сунъий равишда пайдо қилинган кўллар.

керак. Бу воҳада табиий шароит шу пайтгача қандай бўлса, шу ҳолида келажак авлодга етказилиши лозим. Бу ишда у асосий курашчилардан бўлиб қолади.

Яхшилиқ мажлисдан худди мана шу фикрда чиқди.

Энди ўз ихтиёридан ташқари, Шарифани излади, кўзи етакчи бўлган томонга оёқлари беихтиёр равишда эргашди. Шарифани бир тўп олимлар қуршовида обком секретари билан гаплашиб турганини кўриб, шофери қаеринидир ҳамон ковлаштираётган машинаси яқинига борди-да, ер остидан кузатди.

Бир фурсатдан кейин қизғин баҳслашув тугаб, қўл қисишиб тарқаша бошлашди. Аллакимлари қизнинг борадиган ерига машинада олиб бориб қўйишни таклиф этди, у ҳеч қайсисига розилик бермай, бир ўзи улардан ажралиб, районга борадиган машина бекатига қараб юрди.

— Райимбой, орқамдан борарсан,— деди-да, у катта-катта қадам ташлаб, Шарифани қувиб етди.

— Шарифа, мени кечир!

У таққа тўхтаб у томон бурилди:

— Кечириб учун олдин сиз гуноҳ қилишингиз керак-ку?

Яхшилиқ бундай жавобни кутмаган эди, лом-мим деёлмай тили галдираб қолди.

Шарифанинг юпқа, ғунчадек лабларида ҳам ачиниш, ҳам раҳмшафқат аломатлари аксланиб турарди.

— Шуми, бошқа гапингиз бўлмаса, кетдим.

— Табриклайман. Жуда яхши гапирдинг.

— Раҳмат!

— Айт-чи, Шарифа, сен гапириб бўлиб, залдан кимни изладинг?

У фақат Яхшилиқни излаган эди, яширди.

— Отамни. У эшитганида, кўпчиликнинг олдида келиб пешонамдан ўпган бўларди...

— Яхши одам эди, ҳақиқий меҳрибон инсон эди. Қўшни қария кириб турибдими?

— Ҳар ким ўз тенгининг олдида келади-да. У ҳам бетоб. Гаплашадиган дўстидан жудо бўлиб, қон босими ошиб кетган эмиш.

— Одамдаги қон босими фақатгина физиологик тушунча бўлмаса керак, Шарифа?

— Файласуфсиз!— деди Шарифа жиддий тус олиб.— Сиздан энг сўнгги илтимосим,— менинг йўлимни тўсманг. Кетдим.

— Агар омон-эсон қутулсанг?

— Қўрқманг. У ёруғ дунёга келиб, катта бўлгач, бор гапни айтаман. У бўладиган бўлса, албатта, отасини топиб олади. Бу шарқликларнинг қонига сиңган хусусият!

— Одамлар сендан кулади Шарифа.

— Мен тўғримда ғам еманг. Бузилсангиз одамлар сиздан ҳам кулишади. Аёл киши ўзича бир олам. Оламда ҳаёт пайдо бўлса, бунинг кулгилик жойи йўқ.

— Ниҳоятда ақллисан-да, Шарифа.— У кўзларини чимириб бир нима демоқчи бўлди, аммо ботинмади.

— Кимда-ким ҳисга тизгинини бериб қўйса, унинг ақли тўлалигига ишониб қийин. Ана, машинангиз келяпти, мен кетдим.

— Уйинггача олиб бориб қўяман.

— Йўқ, автобусда мени йигитим кутиб ўтирибди.

— Ишонмайман, Шарифа, асло ишонмайман!

— Ҳар ким ўз ишончининг қули!

Қиз бошқа гапирмади, Яхшилиқнинг ялиниб қилган илтимослари-га қулоқ солмади, йўлга тушишга тайёрланиб, моторини ўт олдирган автобусни кўрди-да, югуриб кетди. «Ҳар ким ўз ишончининг қули!» Демак, нимага ишонсанг, шу ишни қилишинг керак. Қандай ақлли қиз. Бугунги конференцияда чиқиб гапириши билан бутун зални танг қолдирди. Бутун регионни ҳимоя қилди. Бунақа одам ўзи тўғрисида ўйлай

олмайди. Қандай ҳофизаси кенг, қандай оқила, покиза аёл бу ўзи! Муҳаббати ҳам шаффофдек беғубор. Бир хат ёзган одамга ўн бир йил ишониб кутиш учун қанчалик покиза бўлиш керак!

«Оҳ, Давлатов!— деб у ўзига ҳай берди.— Хаёлларингни қаерга юбординг? Севиб олганинг Светланага нега унутасан? Дунёга келиб кўрган ёлғиз фарзандинг Ойларни нега унутяпсан, ахир? Дунёда йиғлаган боланинг кўз ёшини кўришдан оғир яна қандай азоб бор? Шарифага осонми? Шундай вақти-соати етиб кўзи ёрса, унинг чақалоғи ҳам отасиз яшамайдими? Ҳатто дурустроқ фамилияга ҳам эга бўлолмайди. У эси кирганида отаси тўғрисида онасига нималар деб сўроқлар беради, шунда онаси нима дейди? Алдайдими? Бечора Шарифанинг шунда ҳоли не кечади? Улка табиатининг тақдири, сув кераклиги ҳақида энди айтадиган далилли гапларига ким ишонади? Аввало, ўз тақдирингни тузат, демайдими?»

Эҳ, ўртоқ Давлатов, энди сенинг ўзингга ким ишонади? Бошинг битта совхознинг боши-ку, ахир? У ишқ-муҳаббатнинг оташида ёнса, сенинг охирги сўзингни кутадиган, ишонадиган коллективнинг ҳоли не кечади?

Эҳ, ҳаёт. Алғов-далғов, серхархаша, телва-тескари дунё!

Қизиқ, ҳаёт дегани нима ўзи? Бу ёруғ оламда тирикчиликми? Шундай бўлса, нега унга қарши гина-кудурат қилишади? Одамларнинг одамларга гинаси ҳаётга гина бўлиб тушунилса керак-да!

...Йўқ, ҳаёт бировнинг иккинчи бировга берадиган таълими.

Бердақ шоир бундан бир аср муқаддам ўғлини силтаб, ёшларга «ялтоқлама, талтоқлама, биров урди деб йиғлама, мард бўл...» деб насиҳат қилди. Буни ким эслаб юрибди? Шекспир Отеллонинг рашкдан янглишишини бундан тўрт юз йил бурун кўрсатди. Ундан кейин ҳам одамлар рашкни тўхтатиб, покликка ишонадиган бўлди? Эразм Роттердамский бундан беш юз йил муқаддам аҳмоқликларнинг зарарини далиллаб берди. Ундан ким таълим олди?..»

Яхшиликнинг қалб тебранишлари қўзиб, машинага сиғмай кетди. У шундан тўппа-тўғри уйига борса, севикли Светланага билан яна хафалашади. Бугунги партия мажлисида «учта импорт кўйлак», «бриллиант узук» яна гап бўлгани сўзсиз!

Шарифанинг уйига қайтса-чи? У энди йўлатмайди.

Ким билан сирлашсин?

Ишдаги кўнгилсизликлар бошқа экан. Коллектив билан ўйлашсан, бўлмаса юқоридаги бошлиқлар тузатади. Фақат ёлғиз бошга тушган дардни даволаш оғир, жуда ҳам оғир.

Ким ҳовлиқиб қолса мазорларни айланиши, хафа бўлса тошқин сув ёқалаши лозим. Буни унинг онгига ким сингдирган? Кампир бувиси. Лекин ҳозирги қалб изтироблари хафалиқдан туғилганми? Йўқ, шошқалоқликнинг оқибати.

— Райимбой,— деди хўрсиниб. «Ойлар кампирнинг қуми»га бур.

Тун булутли эди. Орасидан ора-сира ой ялт этиб, атрофга сеҳрли нур сочади. Уша сеҳрли нурда «Ойлар кампирнинг қуми»даги унга таниш чўққи илгаригисидан сал пасайгандай.

Яхшилик дастрўмоли билан елкасининг терини артди-да, кампир бувисининг қабрини топиб, унга таъзим қилди.

— Буви, ким билан маслаҳатлашишимни билмайман. Бировга айтиш, у билан сирлашиш мумкин эмас. Жуда оғир мушкул бошимга тушиб қолди. Сиздан ҳеч нарса яширган эмасман-ку. Биттаси Светлана. Иккинчиси Шарифа. Иккаласи билан ҳам фикрлашолмайман. Светланадан Шарифа ҳақида, Шарифадан Светлана ҳақида маслаҳат сўрашим керакми? Ростини айтсам, улар бирини бири билмаган, кўрмаган вазиятда менга содиқ. Шарифанинг ўзгачалиги — ўзи йиғлаб турибоқ ўзганинг йиғлаганини кўра олади. Узини эмас, бошқани юпатиш устида ўй ўйлайди... Сиз ҳам шундай эдингиз-ку, бувижон. Бир вақт «қайнона билан келиннинг тупроғини бир жойдан олинади» деган ҳикматли сўз айтганингиз ҳам эсимда. Шарифа сизга ўхшайди. Йўқ, йўқ! Светлана ҳам яхши! Етимлигим, очлигим фақат ўша туфайли унутилди...

Туйғун эдингиз, буви, мен нима демоқчи эканимни ўзингиз шундоқ тушунаётган бўлсангиз керак... Ҳақиқатан ҳам бу вазият ҳаётнинг ҳеч бир фалсафий категориясига сиғмайди. Маслаҳат беринг. Сиз табаррук онасиз. Каттакон бир қум тепа сизнинг номингизга бекордан-бекорга қўйилган эмас. Шундоқ деб аталсин деб ҳеч ким қарор чиқармаган. Ҳеч ким ҳеч ким билан маслаҳатлашмаган, халқ бу номсиз қумни сизнинг номингиз билан барчага маълум қилди. «Ойлар кампирнинг қуми!» Ярашади. Жуда муносиб. Нега индамайсиз? Олдин ўз хаёлимни айтайми? Ҳар иккаласини ҳам кўзим қиймайди. Шунақа, буви, жуда ҳам қийналиб кетганимдан олдингизга келдим... Маслаҳат беринг.

«Ўз бошига тушган мушкулни ҳал қилолмаган одам совхознинг учтўрт юз оиласига қандай қилиб оталик қилади, қандай раҳнамо бўлади?» демоқчимисиз?... Совхозни ташлаб кетишим ҳам қийин. Амалга оширилиши лозим ўйларим кўп.

Буви, бир пайт, мен саккизга қадам қўйган йили, сиздан маслаҳат сўраб келган бир ҳамқишлоғимизга: «Ҳар бир одам икки одамдан иборат. Биринчиси таваккалга иш қилади. Иккинчиси уни баҳолайди. Айрим одамларда бу иккови тенг ривожланади, айримларида биттаси оз, иккинчиси устун. Ҳаётда, менинг кузатишимча, ҳар одамда учинчи биров бор. Сен ўзингдан шунини топ», деган эдингиз.

Буви, Максим Горький деган буюк ёзувчи одамни бош ҳарф билан ёзган. У шунда бир одамдаги сиз айтган учинчи одамни назарда тутганмикан? Сиз Максим Горькийни ўқиганингиз йўқ эди-ку! Улуғ рус ёзувчиси Федор Достоевский одамдан одам излаб топишни васият қилган, у ҳам, сиз айтгандек, бир одамдан ўша учинчи одамни топишни назарда тутдимикан? Буви, сиз уни ўқиш бу ёқда турсин, эшитмаган ҳам эдингиз-ку!

Буви, нега индамайсиз? Менга ҳам ўзингдан учинчи одамни топ деяпсизми? Топаман! Сўзсиз топаман! Светлана билан Шарифанинг қайси бирида учинчи одам намоен бўлса, ўшанга бораман. Майли, индаманг, тупроғингиз юмшоқ бўлсин, озгина дард-ҳасратим тарқади...»

У машинасига бориб ўтириб, идоранинг олдидан ўтиб кетаётган, эди, партком секретарининг кабинетида ҳали чироқ ёқиғлик экан. Қайрилди. Мамутов сиёҳ билан ёзилган кўп қоғозларни қатор қўйиб ўтирарди.

— Яхши келдингми? — деди қоғозлардан қўли бўшамай.— Партия мажлиси тугамай қолди.

— Жанжалга айланиб кетдими?

— Йўқ. Шержонов ҳақида ҳар бир коммунист ўз фикрини эркин айтишига имкон бердим. Чунки одам бировнинг ютуғини айтса ҳам, камчилигини айтса ҳам, энг аввал ўзи билан қиёслаб айтади, яъни одам ўзидан ўзини излашга яна бир имконият олади.

— Тўғри, дўстим. Одамлар бошқалардан ҳам, ўзларидан ҳам шаффофдай тиниқ учинчи одамни қидирсин. Менимча, шу учинчи одам виждон софлиги, у олам учун кўз қорачиғи,— деб Яхшилиқнинг оппоқ кўҳлик юзи булут остидан чиққан ойдаё ёришиб кетди.— Шержонов ҳақида ҳамманинг фикр билдиргани яхши бўлибди. Яна бир мартаба улар ўз виждони ҳақида ўйлаб кўради. Айтмоқчи, обкомнинг инструктори қатнашдими?

— Райкомнинг бўлим бошлиғи ҳам қатнашди. Иккаласи ҳам меҳмонхонада.

— Мен коммунистларнинг чиқиб гапирган гаплари билан танишсам, майлими?

Мамутов тахлоғли қўлёзмаларни йиғиштириб, папкага солиб берди.

— Шу ерда ўтирасанми?

— Кабинетимга борганим қулайроқ.

— Ихтиёринг, дўстим. Кўнглинг қаерни хушласа, ўша ерда ўтириб танишиб чиқа қол.



Наврӯзи Обвасти

Ленин ҳақиқати

Ёш дўстим,
шу кунни эслаб қол:
они,
Лаҳзаси, нафаси, дақиқасини,—
Буткул янгиланган кўҳна дунёни,
Лениннинг музаффар ҳақиқатини.
Сен узоқ яшайсан,
жуда кўп авлод
Бу кунлар нақлини сендан сўрайди.
Мазлум дунёда ҳам
ўзгариб ҳаёт,
Озодлик енгади,
қуллик нурайди.
Сафарлар бўлади —
юлдузлар аро
Ўзга сайёралар сўрайди сендан
Қачон иқболини топганин дунё.
Сўзлаб бер,
азизим,
Улуғ Лениндан.
Шунинг-чун эслаб қол
Етмишинчи йил
Апрель кунларини,
гулгун баҳорни.
Оламдан сўзлаган чоғда
бир шингил,
Куйлашни унутма
Она диёрни!
Тошкентни таърифла,
халқинг Ленинга
Фурур-ла тиклаган нур кошонасин.
Байрамда файз берган обод элингга
Наврӯзнинг муборак шодиёнасин.
Инсон хаёлида ўтар кўп нарса,
Аммо яшаб қолар юракда доим
Сени катта йўлга бошлаган кимса —
Бахтинг эшигини очган муаллим.
Ленинни шундай деб эъзозлар башар,

Шуни ёдингда тут,
 навқирон насл!
 Замон ундан илҳом,
 куч олиб яшар,
 Унинг асри бўлди
 бутун бир аср.
 Бу фақат бошланғич,
 Унинг даҳоси
 Ҳали миллиард онгда
 олов ёқади.
 Кўп қаттиқ янглишди зулм дунёси
 Одамнинг қадрини қора чақа деб.
 Мағрур жаранглади
 Одам —
 қутлуғ ном,
 Ленин даъват этгач уни курашга.
 Сармоя дунёси чалган эски жом
 Минораси билан
 кетди қулашга!
 Ўн еттинчи йилда,
 Нева бўйида
 Жаҳонга янграган залвор «Урра!»миз
 Инқилоб ясади халқлар ўйида,
 Лениннинг йўлига тушди куррамиз.
 Бу эрк йўли эди,
 ҳақиқат йўли;
 Онгларни пешлаган
 нурлар булоғи;
 Зулматни маҳв этган
 маърифат йўли;
 Инсон камолининг
 аён маёғи.
 Гарчанд оғир бўлди бу йўл:
 урушлар,
 Очлик,
 сафарбарлик,
 асрона бардош.
 Халқимиз азмида
 барча хуружлар —
 Маҳв бўлиб,
 абадий порлади қуёш.
 Фахрлан, замондош!
 Ленин асрининг
 Граждани бўлиб, юзинг ёруғдир.
 Шонли коммунизм
 ғолиб наслининг
 Одамзод олдида кўрки улуғдир.
 Шу аср,
 шу халққа
 мудом лойиқлик
 Инсоний бурчингга
 кўркама ўлчовдир.
 Ленин таълимига мангу содиқлик
 Ҳаётинг, бахтингга эзгу гаровдир.

Карвонбоши

Тошкентим, улуғ шаҳрим,
Қўнглимга сиғмас фаҳрим,
Севинчим — тошқин наҳрим,
Ҳар неки сенда бордир
Мен учун ифтихордир:
Довруғинг, голиб чоғинг,
Қўлда алвон байроғинг,
Поёнсиз туташ боғинг,
Заводларинг, Чорвоғинг —
Ҳаммасини ўйлайман,
Қувонаман, куйлайман!

Тошкент деса, бу дунё
Англайди янги маъно,
Ижодкор халқи доно,
Иш аъло, турмуш аъло,
Вақтнинг қадри мисли зар,
Олтин қўллар сеҳргар,
Шарқ бўйлаб қилиб сафар,
Қўрмадим бундай шаҳар;
Юз миллат қиз, ўғлони —
Бир Ватан жонажони!

Ғалабангни қутлайман,
Шеърдан гуллар тутгайман,
Янги дoston битгайман,
Бурчим адо этгайман,
Аммо, шунда ҳам, минг бор
Мен сендан бўлгум қарздор.
Чунки мени, жон диёр,
Этдинг мангу бахтиёр,
Ота меҳригиёси —
Сўнгсиз қуёш зиёси!

Турсуной, азиз синглим,
Сенда мужассам элим,
Шарафим, жону дилим,
Сендаги мардлик, билим
Осиё қизларига,
Чақноқ юлдузларига
Нур сочди юзларига,
Куч берди сўзларига,
Бари сенинг талабанг!
Қутлуғ бўлсин ғалабанг!
Эй Тошкент — карвонбоши,

Ўзбекнинг қадим Шоши,
Пўлатдан куч-бардоши,
Порлайди бахт қуёши,
Қўркамлиги беқиёс,
Улуғ асримизга хос
Эртаси бугундан соз,
Коммунистик чўнг асос,
Омонлик посбонисан,
Ҳаёт чароғбонисан!
Соатда он мазмуни,

Йилда замон мазмуни,
Меҳнатда шон мазмуни,
Барча имкон мазмуни
Мана бундоқ бўлибди!
Жасоратинг яқуни
Алвон байроқ бўлибди!
Кайфимиз чоғ бўлибди,
Сийнамиз тоғ бўлибди!
Мен буни шод ўйлайман,
Қувонаман, куйлайман!

Ҳамзахон эл бу!

Бу шундай бир диёр:

баланд тоғида

Ҳилпираб туради қип-қизил байроқ.
Оқ уйлар ортида — сўлим боғида
Гуллар шавқидан маст қушлари сайроқ.
Шошқин сой нағмаси Ҳамза куйидай
Ҳар лаҳза ва мангу янграр бетиним.
Қоплабди олтин барг,
ёшлар тўйида

Сочилган тангадай,

сувнинг бетини.

Тўкин куз.

Бу айём меҳмон кутади

Ҳамзаобод — шоир номида колхоз.
Адибларга гулранг шароб тутади
Фарғонанинг заррин жомида колхоз.
Қарнайлар нағмаси, сурнай навоси,
Ноғора садоси — дара гумбуллар.



Дилларни яйратар водий ҳавоси,
Шодликдан мавж урар қирлар, ўнгурлар.
Байрам уммон каби тошади;

Одам.

На ерга сиғади, на кўкка — қаранг!
Бир қишлоққа ташриф буюрмиш олам,
Намойиш минбарга силжийди аранг,
Шодиёна давом этсин,

мен эса

Эллик йил орқага чекинай бир он.
Мажнунтол тагида,

кўнглида ғусса,

Шоир танбур чертар,
кўзлар нигорон.

Юрак тубида куй,
мисоли чашма,

Турна кўзи каби тиниқ йилтиллер.

Висолдай ардоқли,

абადий ташна —

Илҳом юлдуз каби нурли милтиллер.
Тонгни куйлар шоир.

Бу кеча саҳар —

Хомуш оқаради —

кўҳна манзара;

Гулхан атрофида телба дарвешлар,

Жоҳил шайх макони — бадбин мақбара.

Шоир танбуруни чертар.

Бастакор

Янги куй яратар ҳур замон ичра.

Лекин қора бидъат чаёни ғаддор,

Фитна уясидир тепада ҳужра.

Ҳамза Навоийни ўйлайди.

Ногоҳ

Қаршисига кулиб келар Саодат.

Аммо, ҳолатидан

бадкор шайх огоҳ,

Қатлга фотиҳа берар шу соат...

Азиз Ҳамзаобод!

Сенинг тошларинг

Шоирнинг қонидан қип-қизил лаълдир.

Тошқин сой!

Муттасил ҳайқиришларинг

Қалбида қайнаган қувноқ ғазалдир.

Илҳомга завол йўқ,

унинг фарзанди —

Эркин санъатга ҳам, шеърятга ҳам.

Эй, Ҳамза,

элимнинг куйчи дилбанди!

Сенга ва халқингга

бу улуг байрам.

Ҳамзахон элмиз!— деб баралла сўзлар

Ўзбекистон,

дўстлар жам бўлган асно.

Ҳар бир юртдошингда кўради кўзлар

Сени, ижодингга ўқиб тасанно.

Фахримиз

Дорилфунунлар бор дунёда қадим,
Бунга фақат олтмиш... Демангиз: ёш-ку?
Мен олти асрга қиёс айладим,
Шундай буюк мазмун касб этди ТошДУ.

Инқилоб тонгида ишчи боласи,
Деҳқон набираси кириб келган чоғ,
Бу ерда очилди иқбол лоласи,
Бу ерда ёқилди энг нурли чироғ.

Ифтихор этаман чўнг тарихимнинг
Жаҳонга олимлар берганлигидан,
Ифтихор этаман сўз-таърифимнинг
Улуғ номлар дурин терганлигидан;

Шонли боболарим Беруний, Сино,
Форобий, Улуғбек — ҳар бири қуёш.
Замон хизматида улар доимо,
Демак, улар бизга мудом асрдош.

Ленин заковати, даҳоси билан
Истиқболимизга ташлади назар,
Уша оғир йилда имзоси билан
Илмимизда очди зарварақ дафтар.

Ифтихор этаман Россиям билан,
Ҳар қанча ташаккур айтсам унга оз,
Жаҳонни дўст этгач Осиём билан,
Фикрда бошланди бу эркин парвоз.

Бу муҳташам бино, бу ёрқин заллар,
Бу юксак минбарлар авлодларга бахт.
Бу ерда истеъдод, орзу, хаёллар
Камолот, кашфиёт бўлиб пишар нақд.

Азиз мударрислар, вақт бир елдирим,
Бугун сочингизга инибди қиров.
Сизга шоирлардан истак келтирдим:
Дилингизда асло ўчмасин олов.

Ифтихор этаман, академиклар,
Сиз, Ленин улғайтган авлодим билан;
Физик, математик, тилчи, химиклар,
Обиду Аҳмаду Озодим билан.

Дорилфунунлар бор дунёда қадим,
Бунга фақат олтмиш... Демангиз: ёш-ку?
Мен олти асрга қиёс айладим,
Шундай буюк мазмун касб этди ТошДУ.



Урушни тизгинланг

Ҳар қанча қувонсам ҳақим бор, дўстлар,
Бугун — Ғалабанинг шонли санаси.
Бугун айтилади энг яхши сўзлар,
Мақтовга муносиб эл тантанаси.

Туннинг зулматини рангдор мушаклар
Ёритиб, юлдузлар билан қўшилар,

Улкан майдонларда минг-минг юраклар
Завқидан янграйди эзгу қўшиқлар.

Қувонсам ҳақим бор,
Ватан ишқини
Қулоғимга қуйган онам йўрғакдан.
Умрбод бажардим халқим ишини,
Оташу аёзни обдан кўрганман.

Метин пойдевору пештоқларингга
Гишт териб, нақш ўйиб, эй шаҳри азим,
Энди жамолингга, байроқларингга
Бир ишчи ўғлингдай этаман таъзим.

Қувонсам ҳақим бор
ва лекин шодлик
Енгил бир кайфият, оний завқ эмас,
Бу бахт, бу омонлик, тенгсиз ободлик
Халқлар ижодидир нафас-банафас.

Оналар ҳақида ўйлайман мудом;
Бир авлод умрича замон ўтса-да,
Уларнинг дардлари бўлмайди тамом,
Қўзлари йўлларда, қалби ларзада;

Гўё салом бериб, эшикдан ногоҳ
Кириб келар ўша солдат йигитча.
Оналар дилидан парвоз этган оҳ,
Ишондим, пасаймас экан чигитча.

«Мангу олов» узра бош эгган инсон,
Билгил, урушқоқлар ҳамон юрибди.
Қон тўкишга қарши кўтариб исён,
Онанинг юраги ёниб турибди.

Чорак миллиард азиз ватандош билан
Улуғ яратишда этиб иштирок,
Биламан, бу баҳор ва қуёш билан
Куррани кулфатдан этажакмиз пок.

Ҳа, дўстлар, сиз каби, миллионлар каби
Қувонсам ҳақим бор Ғалаба куни.
Тинчликда гулшандир одамнинг қалби,
Аммо, бетинч бўлса — бошланар туни...

Ленин ва Октябрь оддий кишини
Жаҳон тақдирига этди дахлдор.
Юртдошим, даврнинг чўнг ташвишини
Бағрингга сингдирдинг сен мардонавор.

Мен сени халоскор сайёра десам,
Ғалат туюлмагай бу сўз мутлақо.
Хотиржам тингламас виждонинг бир дам
Бирор ерда ваҳшат кўтарса садо:

Шундай олий зотсан, эй замондошим,
Ақлинг, гидрокинг-ла, бурчинг, сезгинг-ла.
Юз миллат, юз халққа мансуб жондошим,
Худди Королевдай, ўтни тизгинла!—

Оддий ўтни эмас, уруш ўтини!
Эндиги аланга бўлади ёмон,
Башарни кўр қилар аччиқ тутуни,
Ёниб кул бўлади замину замон.

Евузларга бир он бермагил ором,
Меҳнатинг, мардлигинг, кучинг,
сўзинг-ла!

Одил курашингни эттиргил давом,
Тоинки урушни буткул тизгинла!

Тоғларда кон очгил, боғларни яшнат,
Шеър, соз, рақс, тарона бўлсин ҳамроҳинг.
Кулбангга кирмасин фалокат, даҳшат,
Бойқушлардан халос бўлсин даргоҳинг.

Омон ҳаёт кечир, бахтинг бўлиб ёр,
Ота-онанг ила. Ўғил-қизинг-ла.
Ер юзи дўстликдан бўлсин чаманзор,
Бунинг-чун урушни буткул тизгинла!

Туннинг зулматини рангдор мушаклар
Еритиб, юлдузлар билан қўшилар.
Улкан майдонларда минг-минг юраклар —
Завқидан янграйди эзгу қўшиқлар...

1982.

Раҳим Бекниёз

Дўстлик шарофати

Профессор Р. Жуманиёзовнинг айтганлари

Умр бериб чолга ҳаёт, бермаганди рўшнолик,
Бир ҳовлида ёлғиз боши, ғаму ғурбат, ташналик.
Том бошида қора қошу қоронғи тун ҳувиллар,
Уйда эса бояқишнинг юраги хун — ҳувиллар.
Эшик ногоҳ тақиллади, парво қилмас бироқ чол,
Чуваланган хаёлидир, изғириндир эҳтимол.
Ахир, бекас бир нотавон, унутилган ғарибни
Қаҳратон қиш кечасида йўқларди қай ҳарифи?
Эшик яна қоқилади.

Ҳушёр тортар бу гал чол:

Кимсан?

— Бахтман! — нидо келар, —

Эшигингни оча қол.

Во, ажабо, синоатми, мўъжизами, ўнгми-туш,

Қулоғига ишонсинми, ишонмасин бояқиш?

Сукутга ғарқ бўлади чол, чулғар мушкул хаёлот,

Кечиккан бахт нега керак, энди унга не ҳожат:

Ошин ошаб, ёшин яшаб, охирлади азурда,

Бир оёғи ерда бўлса, бир оёғи қабрда.

Кет, кетавер!

Остонага келган бахтни рад қилди.

Эртасига ўша пайтда яна эшик қоқилди.

Кимсан? Сас бер!

— Муҳаббатман. Етиб келдим ғойибдан.

— Во дарифо! — Ув тортар чол, — кет, бевақт

келибсан!

Бир айланиб келди яна тун, кундуздан узунроқ
Чолнинг ҳорғин кўзларидай йилтиллайди жинчироқ.
Бу кеча ҳам ярим тунда эшик бот-бот чертилади,

Чол берағбат бошин тиклаб, хитоб қилди:
 — Ким келди?
 — Жаҳонгашта мусофирман,
 Сенга дўсти содиқман!
 — Қадамингга ҳасанот, ҳей! — кутиб олди чол лутфан.
 Ловуллади ўтли ўчоқ, равшанланди жинчироқ,
 Ут — ўчоқнинг қапталида икковлоннинг вақти чоғ.
 Қайтган Бахту Муҳаббат ҳам етиб келди шул замон,
 Давру даврон сураверсин энди улар беармон.

Қизлар дунёси

Пичирлашар икки қиз —
 Дугоналар, сирдошлар.
 Қалдирғоч қанотидек
 Силкинар қалам қошлар.
 Шивирлашар икки қиз,
 Икки бошда бир савдо.
 Сезмасин-да бир кимса,
 Нозик савдо, сир савдо.
 Роз айтишар икки қиз,
 Уртада қолгай гапи.
 Атрофга кўз ташлашар
 Ҳуркак оҳулар каби.
 Дардлашмоқда икки қиз,

Икки ҳамдard дугона.
 Еноқларда тирқирар
 Кўз ёшлар дона-дона.
 Кўз ёшига ачинманг,
 Суйганидан тўкишар.
 Бир бўз ўғлон кўйида
 Куйганидан тўкишар.
 Куйишади хуфёна
 Қиз сиридан қиз воқиф.
 Бўлманг, жўра, овора,
 На мену на сиз воқиф.
 Шундай қизлар дунёси,
 Битмас-туганмас рози...

Утмиш ҳикояти

Ҳадеб ер қазирди турфа халойиқ,
 Чанг-тўзон кўтариб дашти тошлоқда.
 Иттифоқо йўлда бир абжир отлиқ
 Узича фол ташлаб, яқинлашмоқда:
 Анҳорми қазिशур? Очишурми ер
 Ёки қуришмоқчи нодир кошона?
 Ҳай-йўғей, ажабмас бўлса бошқа сир,
 Эҳтимол, очишур бунда хазина?
 Йўловчи дилида қайнар қизиқиш,
 Синчков тафаккури йўртиб кетар сал:
 — Ҳормангов, яхшилар! Қилиясиз не иш?
 Отар бетакаллуф саволин дангал.
 Одамлар тўхташар ишдан бир лаҳза,
 Бир лаҳза ҳукмрон бўлар сукунат.
 Ҳорғин чехраларда алам, истеҳзо:
 — Одил шоҳ излаймиз! Топгаймиз шояд...
 Нотаниш йўловчи чимирди қошин,
 Ҳай-ҳай, кўзларида чақнарди яшин.
 Бир муддат оташнок ўйлаб турди-да,
 Уз йўлига бурди отининг бошин.
 Лекин сал юриб, у тушар отидан,
 Тушар-у, у ҳам ер қазिशга бошлар.
 Халойиқдан бири келиб ортидан:
 — Узинг не қилиясан? — деб савол ташлар.
 — Мен ҳам излаяпман муте фуқаро.
 Нетайки, ҳеч топмай бундаин, — деди, —
 Умрим бекор ўтди икки йўл аро!
 У подшо эди.

Че Гевара сўзи

Дуэлпараст қитъаларини
Қучган шўрлик дунёга боқиб,
«Ёрит, дейман, зулмат қаърини»,
Юрагимни тутаман ёқиб.

Қум соҳилда шовуллар денгиз,
Қаерларга бошлайсан, шамол?
Менга қийин бўлади сенсиз,
Яхши қолгин, бахтиёр орол!

Кемамизни суриб кетар ел,
Уни ютар денгиз тумани,
Сенга, азиз дунёга, Фидель,
Қолдираман озод Кубани.

Чангалзорнинг тепасига ой
Аллақандай чиқади балқиб,
Судралишиб, уст-бошлари лой,
Келмоқдадир қонхўрлар полки.

Енимдаги жасур ўғлоннинг
Кўксига ўқ бормоқда ботиб.
Бу хўрланган дунёга шонли
Жасоратни қиламан тортиқ.

Ярадорман — ётибман беҳуш,
Боқолмасдан ёруғ оламга.
Жаллод етар... Жилмаяр нохуш,
Тўппончасин тирар чаккамга.

Ёмғирлардан кўпчиган тупроқ
Юзларига босар қонимни.
Она дунё, кун кечар порлоқ,
Бахш этурман сенга жонимни.

Кўпайди-ку, ахир, бағрингда
Бир толами, ним тола зиё.
Яна нима берайин сенга,
Озодликни суйдирган Дунё!

Севи ҳақида уч шеър

I

Энди шеър ёзмайман унга бағишлаб,
Энди хаёлини ўйлаб йиғлайман,
Ана, қорли кеча — оппоқ фаришта —
Бўсалар олмоқда азиз манглайдан.

Энди мактублар ҳам битмайман — тамом!
Занжирбанд қиламан телба қайғуни.
Ана, қорли кеча — тўзғиган шайтон —
Олиб кетмоқдадир қучоқлаб уни.

Биламан, албатта чиқади қуёш,
Нурга йўғрилади бу совуқ дунё.

Энди бу ҳаётим — кетгунча бардош,
Энди бу ҳаётим меники танҳо...

II

Сен ухляяпсан. Деразадан тушган ой нури
Судралиб-судралиб

кўрпангга етар.

Дунёдаги Энг Гўзал Аёл,
Ойнинг нурларига ўраниб ухла,
Ойнинг нурларини қучоқлаб ухла,
Мени соғинган лабларингни
Ойнинг лабларига босиб ухлагин...
Мен бора олмайман. Юрак тўла тош.
Айт, қандай вазнсиз яшамоқ мумкин?
Ой нурига қандай айланса бўлар
Ва қачон ой нуридай сарғайган қўлларим
Қора сочларингни силаб титрагай?
Дунёдаги Энг Гўзал Аёл,
Айт.
Наҳот, бутун умр керак бўлса.
Ой нурига айланмоқ учун?..

III

Умримни бир олис ишққа алмашдим,
Кечдим ҳушёрликдан, тушга алмашдим,
Беқанот қалбимни қушга алмашдим —
Сизсиз ўтган умрим бекор, ёрижон,
Не бахтким, юрагим бемор, ёрижон,

Гарчи ўртамизда соғинчу ҳижрон,
Гарчи висол йўли вайрондир, вайрон,
Аммо азобингиз кўксимда ҳар он
Муқаддас оловдай қолди, ёрижон,
Шукрим, сиз билан ёндим, ёрижон.

Яшардим ўзимга муз каби боқиб,
Ишқ келди, жўнадим дарёдай оқиб,
Менга ҳабиб бўлди ҳатто шум рақиб,
Қўриб тўлқин-тўлқин қоним, ёрижон,
Сиз менинг жонимсиз, жоним, ёрижон.

Ҳеч қачон демасман: «Бошни йўқотдим»,
Эридим, вужуддан тошни йўқотдим,
Йўлларни йўқотдим — ёшни йўқотдим —
Мендан айро тушди ёлгон, ёрижон,
Шунданми тилларим равон, ёрижон.

Нодон дер: «Сен борни йўққа алмашдинг,
Қуёшни бир митти чўққа алмашдинг...»
Қуламан: «Ҳалқобни кўкка алмашдим»,
Энди юрар йўлим фалак, ёрижон,
Қанотга айланди юрак, ёрижон.
Қанотга айланди юрак, ёрижон...

Чумоли ҳақида нутқ

«Меҳнаткаш» деб олганинг унвон
Шоирларнинг ғариб хаёли,
Менинг эса азалдан аён
Нафратим бор сенга, чумоли.

Гивирлайсан — терга ботасан,
Тирикчилик солмас не кўйга!—
Нима кўрсанг уйга тортасан,
Уйга!.. Уйга!.. Қоронғу уйга!

Бошинг узра баҳор қуёши
Таратади бир ипак зиё,
Ҳашаротлар ичра сен — тоши,
Баҳорга ҳам боқмайсан қиё.

Уйга!.. Уйга!.. Тинмайсан бирпас,
Гапирмайсан... Сенингча, юҳо,
Оғиз қалбни очиш учунмас,
Овқат учун яралган гўё.

Уйга! Уйга!— жавдирар кўзинг,
Инингда-ку чириб ётар дон,
Хаёлингда ўзинг, бир ўзинг,
Сен дунёни ютасан, ишон!

«А» деган сўнг, токи «Ҳ» гача
Очиқ айтмоқ замони етди:
Мен эсимни йиғиб бўлгунча,
Чумолилар ҳовлиқиб кетди.

Чорсуни-ку қўйинг (у — бозор,
ўйнар савдо ашуласига),
Чумолилар бормоқда қатор,
Ана шахсий машинасида.

Оғринишар: «Чумоли деманг!»
Дерлар: «Шоир бўлсанг ҳам, жим тур!»
Қаҳр билан солгай улар чанг,
«Синсин, дея, ҳақиқат қурғур».

Пештахтага бири ёнбошлаб,
Бошчасини хуррам қашийди.
Яна бири, гул каби яшнаб,
Фарзандларга диплом ташийди.

Бири — бизнинг ишхонамизда,
Ерга жами оёғин тираб,
Мансабини тортгани-тортган
Зўриқувдан шўрлик қалтираб.

Жўшганида ҳаммасин йиғмоқ
Ҳамда бир-бир бўғмоқ хаёли,
Уйлаб қолдим — шеър тиғи зўрроқ
Ва тиғ урдим: «Хаҳ, сен — чумоли!»

Собит Мадалиев

Синган пиёла товуши

Дадам
Опамнинг туғилган кунига
Чиройли пиёла тақдим этдилар.
Бу пиёла менга бирам ёқдики,
Чойни ҳам, сувни ҳам ичардим ундан.
Бир куни булоқдан

Сув олмоқчи эдим лим-лим тўлдириб,
Пиёла қўлимдан сирғалиб тушди,
Тошга сал тегдими ё тегмадими,
Учди гулдор чинни парчалар.
Унинг ўткир, тиниқ жаранглашидан
Чўчиб тушди ногоҳ сукунат.
Аста-аста сўна борди бу товуш.
Наздимда, баландлаб-баландлаб,
Қўкимтир булутга қўшилиб кетди.
Кейин
Қўлида ингичка хипчини билан
Опам аччиқланиб қувлади мени.
Қуёндай ирғишлаб қочар эканман,
Пиёланинг сеҳрли жарангларидан
Сўйлагим келарди опамга эртак.

Йиллар ўтиб кетди.
Ҳозир ҳам гоҳи
Недандир паришон ўйларга толсам,
Қўнглим ҳеч нарсадан тўлмай қийналсам,
Бирдан олис-олис болаликдаги
Пиёла жаранги уйғониб кетар.
У аввал яқинлаб келади,
Сўнгра баландлайди.
Баҳор қуёшининг шуълаларидай
Ер, кўк орасига ёйилар кейин,
Шунда ўз-ўзидан
Хаёлим, шиддатим улғайиб,
Жисмим кичрайгандай туюлар.
То опам нимадир гапирмагунча,
Шу ҳолда индамай туриб қоламан.
Пиёланинг кумуш товуши
Уфқларга учиб кетади қайта.
Негадир ҳар сафар
Унинг яна келиб,
Жисмимни кичрайтиб,
Рухимни улғайтиб,
Мени бахтли этиб кетмоқлигига
Ишониб, ишониб қоламан,

* * *

Сўқир лўли аёлнинг
Қафтларига қўйдинг тош.
Шарт ушлади қўлингдан
Ва айлади сени фош.
Дуойибад қилди у,
Қара энди кўзингга:
Бировга отган тошинг
Қайтар бир кун ўзингга!

* * *

Кечагидай бу кун ҳам
қуёшли, сокин.
Бу дунёдан ўтди одам,
ким пайқади, ким?
Кечагидай яшар шаҳар —
ўша шошқалоқ,
Фақат битта уйда тинмай
йиғлар чақалоқ.

Шафтолизор хотиралари

(Парча)

...Қор устига қор тушган
Шаҳар
Йўлларида ҳар шому саҳар
Ўтаркансан, қизғанмай ортиқ
Сен ҳаммага айладинг тортиқ
Она юртинг ҳароратини
Ва англадинг шул ҳақиқатни:
Шаҳарларда ёлғиз кечган кун
Тоғларнинг тўрт фаслидан узун.
У юракни сиқади ёмон,

Қочган билан топмайсан омон.
Ҳаёт лекин туюлар нурсиз
Гавжум шаҳар, югур-югурсиз.
Шундан тирбанд йўлкалар оша
Ишдан уйга қайтаркан шоша,
Майин-майин, авайлаб қалбдан
Кенгликларга сочиб борасан
Шафтолизор тиниқлигини,
Юртинг тафти, илиқлигини...

Бўрон

Деразани ёпди бир зарбда,
Томдан сакраб қаҳқаҳа урди,
Ҳувиллаган бўш кўчаларда
Чанг-тўзонни кўкка совурди.

Боғ ичида роса айланди,
Рақибини қувган хўроздай.
Кетаётиб хом олмаларни
Ваҳшат билан юлқиди атай.

Кун ярмида тинди бематлаб,
Тоғ қўйнига ястанди беҳол...
Шаҳар узра учарди пастлаб
Бургут бемалол.

Шу бўронни эсласам агар,
Хаёлимда бўлар намоён
Эгилишиб она-Ер томон,
Худди қувват эмган олмалар.

Қайтиш

Бекатдан уйига жўнади яёв.
Қўтарилди шошмасдан тоққа.
У тўхтади

юзидан бир ров

Йирик терларини артмоққа.
Қараб қўйди босилган йўлга
Ва бир тошга секин ўтирди.
Терга тўйган пойафзалидан
Оёғини зўрға суғурди
Ва ҳаловат югурди танга...
Сўнг водийга у мафтун боқди.
Кўрди

кўм-кўк дарахтларга ўранган

Яшнаб ётган она қишлоқни.

Сўқмоқдан тушаркан,

қандайдир куч

Пастга итаргандай бўларди танин

Ва англари у

тоққа чиқишдан

Тушиш

беҳад мушкул эканин.

* * *

Тиз чўкиб эшитдим дўстим танбеҳин,
Душман танбеҳ берди — мағрур тингладим.
Дўстимнинг гаплари бари эсимда,
Душман нелар деди, аммо билмадим.

Русчадан таржима.

* * *

Сурунишиб борар булутлар маъюс,
Аста мовийлашар уфқ ҳам.
Менинг юрагимда самовий бир ҳис
Мовий кенгликларга талпинар бирам.
Булутлар ўтарлар. Тиниқар осмон,
Ниҳоят юлдузлар тутар самони...
Юлдузлар юлдузмас,
Ҳилол ҳилолмас,
Бу — сенсан,
Қалбимни айлаган ошён
Қутлуғ муҳаббатнинг оташ армони.

* * *

Дўстларим, қайтингиз менинг қалбимга,
Ўз тоғига қайтган шўх сорлар мисол.
Дўстларим, қайтингиз менинг қалбимга,
Қайта бор тикланган минорлар мисол.
Дўстларим, қайтингиз менинг қалбимга,
Сизсиз, бу кошона мудҳиш ва вайрон.
Дўстларим, қайтсангиз менинг
қалбимга,
Мен ҳам ўзлигимга қайтарман шу он.

Шабнам

Тонг елида титрар майса,
Ёноғида қатра дур.
Шу қатранинг сийнасида
Бутун олам кўринур.

Битта шабнам сийнасида
Жо бўлса ҳам кенг жаҳон,
Ажаб, ҳануз ўзи учун
Топмас муқим бир макон.

Андижон:

Усмонжон Шукуров

Тортиш кучи

Гар бўлмаса меҳр, муҳаббат,
Ишонмаса одамга одам,
Сақлай олмас мувозанатда
Еримизни тортиш кучи ҳам.

* * *

Ирмоқ шиддат билан оқар тизмадан,
Ларзага солар у тоғлар қўйинини.
Кийиклар келар қор кечиб тиззадан,
Ирмоқдан сув ичар эгиб бўйинини.

Ажиб, а! — шунча шўх, шу бебош ирмоқ
Кийикка мулойим тутар тўшини.
Е, у ҳам оҳулар лаби теккан чоғ
Иўқотиб қўярми эси, ҳушини?

Бегоналик соя солди ўртага,
Муқаррарки, йўлимиз ҳам ўзгарур.
Юрагингни тўкасан сен ўзгага,
Менинг қалбим ёритади ўзга нур.

Киприкларга қалқимайди қатра нам,
Соғинтирмас оқшомларнинг суҳбати.
Сенга омад тилайман мен, эй санам,
Соф, беғубор ёшлигимиз ҳурмати.

Андижон.

Янги номлар

Шукур Содиқов

Илтижо

Эй, она табиат, ўтинчим сенга:
Мени гўзалликдан бегона қилма.
Йўл беру қувват бер, ишонч бер менга,
Лекин қанотимни бир дона қилма.

Агар, гўзалликдан бегона қилсанг,
Кўзларим кўр бўлиб, тинган юракман.
Агар, қанотимни бир дона қилсанг,
Парвозсиз, курашсиз кимга керакман!

Виждон хусусида диалог

«Виждонимни йўлда ташлаб кетдим мен,
Ортиқ керак эмас менга Виждоним .
Севгим, қувонгил бу бахтимдан сен,
Очилди яна бир «катта» имконим.

Ҳадемай бўлгим бор таниқли бир шахс,
Уйларим шоҳона анжомга тўлар.
Сен фақат қалбимда қўзғатмагил баҳс,
Малагим, тишларинг олтиндан бўлар.

Ахир, мен бўлмасман камбағал шоир,
Энди кўз тикмаймиз сўнгги «ойлик»ка.
Бир оғиз гапирма Виждонга доир,
Соҳиба бўлурсан катта бойликка.

Виждон ҳам қайдадир дилхун юргандир,
Ҳақиқатнинг сўнмас ялови бўлиб».
— Қайтмоғингиз кутиб, йўлда тургандир...
«Йўқ, уни отганман бағримдан юлиб».

— Лекин, мен қўрқаман... билмайман ўзим,
Ҳаловат йўқолган яшашингизда.
Аянч қисматимиз кўрмоқда кўзим
Ҳиссиз ва севгисиз қарашингизда.

«Севгим, кетмагил, ахир севаман,
Беҳуда гапинг-ла қотирма бошни».
— Мен ўша йўқотган Виждонингизман,
Мен орзу қилганман ҳалол яшашни.

Ишонгинг келмайди, ҳайронсан ўзинг
 Севгимиз қабрининг қазилганига,
 Катта ҳарфлар билан фироқ сўзининг
 Тақдир китобига ёзилганига.

Умрингни эговлаб яшайди севгинг,
 Соғинч кўздан қувар уйқуларингни.
 Қелади ҳайқириб «Севаман» дегинг,
 Бир сўзда жам қилиб туйғуларингни.

Ҳаётда иккимиз қовушмаган байт,
 Тугатмоқ қийиндир муҳаббат баҳсин.
 Ахир биз дунёга келганмидик, айт,
 Ижро этмоқ учун айрилиқ рақсин...

Халқ оҳангида

Учар қушлар яхши сўзга эл бўлур,
 Емон сўзга ҳатто пашша фил бўлур.
 Иккимизни ҳам дўст ҳамда ёв қилган
 Воситачи шул суяксиз тил бўлур.

Тил кесилсин, кўз ёшимдан қўл қилди,
 Уртамизни умр етмас йўл қилди.
 Ут босдим, сув босдим, билмадим...
 Нима қилса қилди, аммо, кул қилди.

Тўртлик

Ҳаёт деган жўшқин оқим
 Эга эмас сабрга.
 Сабр этмоқ бизларгамас,
 Аслида хос қабрга.

Болалик

Қарагин ортингга, қарагин, дўстим,
 Бир дунё орқангда қолди бокира.
 У бизнинг болалик, ғамсиз ва маъсум,
 У бугун қалбларга чўккан хотира.
 Унда биз билмасдик ғам-кулфатни ҳеч,
 Унда яшаганлар билмайди тўзим.
 Мен унга қайтаман ҳар кундуз ва кеч,
 Қийқириб, бағримга интилса қизим.

ЧОРРАҲАДА ҚОЛГАН ОДАМЛАР

ФАНТАСТИК ҚИССА¹

Талваса

Гала-гала қўнғир булут осмонни артиб, узоқдаги чўққилар томонга ўтиб кетди. Икки кундан бери ўша ёқда узлуксиз чақмоқ чақади, момақалдироқ гумбурлайди. Водий томондан келган булутлар гўё ёрдамга шошаётгандек қишлоқ осмонидан тез сузиб ўтади. Момақалдироқлар қаттиқ жаладан дарак беради. Аммо қишлоқ табиатнинг бу бемаврид эҳсонидан ҳозирча холи эди. Фақат куннинг тафти қайтиб, кечалари анча салқин бўлиб қолди.

Тамакининг барглари узун канопларга биттадан терилиб, шода-шода қилиб қўйилган. Сарғайиб қолган шодалар эрта-индин олинади. Қоғоз каби текислаб, биттадан тахлаб омборга жўнатилади. Сўнг кўчалар ҳувиллаб қолгандек бўлади. Кейин қор иси келиб дарахт барглари умрини яшаб, ҳазонрезги бошланади. Кейин қор тушади. Ҳамма уйига тиқилади. Тонготаргача давом этувчи гап-гаштак бошланади.

Асқарали тамаки баргларининг шодаларига қараганча шуларни ўйлаб борарди. Унинг машқи анча паст. Ярим қадам орқада бораётган Дилмурод буни сезиб, ҳамроҳини гапга тутмади. Гузарга етишгач, Асқарали Дилмуродни чойга таклиф қилди. Дилмурод тунда бир қарорга келган, ҳозир Мирзавойга мақсадини аён айтмоқчи эди. Мирзавой чойхонада кўринмагач, шифохонага ўтишни маъқул кўриб Асқаралининг таклифини ерда қолдирди. Асқарали буни кўнглига олмади. «Пича туриб чойни ўзим олиб чиқаман» деб тош зинадан юқорига кўтарилди.

Дилмурод ичкарига кирганда Рҳақ Фид билан хаёлан баҳс қилиб ўтирарди. Кейинги кунларда кўрган-кечирганлари, ўзи сезмаган ҳолда, ачиниш ҳиссини уйғотган ва бу хаёлий баҳсга туртки бўлган эди. Рҳақ Дилмуродни кўриб ўрнидан турди. Ҳол-аҳвол сўради. Кейин орага жимлик чўқди. Дилмурод гапни нимадан бошлашни билмай каловланди. Кейин дангал мақсадга кўча қолди.

— Мен сиз билан маслаҳатлашмоқчи эдим,— деди у сукутни бузиб.

— Агар мендан бирор ақлли гап чиқишига ишонсангиз, марҳамат, — Рҳақ шундай деб жилмайди. Бироқ бу жилмайиш юзидаги ўйчанлик пардасини кўтара олмади.

Ташқарида супурги ушлаган Сабоҳат кўринди. Дилмурод оқ халатини кийгач, титилиб кетаётган чарм диванга ўтирди. Рҳақ дераза ёнидаги стулни диванга яқинроқ сурди.

— Мен Девонани даволашга уннаб кўрмоқчиман.— Дилмурод, гапим қандай таъсир этди экан, деб ҳамсуҳбатига тикилди. Рҳақ Дилмуроднинг руҳий ҳасталиклар бўйича мутахассис эканини, Девонани дастлаб кўргандаёқ уни даволамоқчи бўлганини сезган эди. Аммо ҳозир унинг қарашидаги маънони англаб, кутилмаган хабар эшитган одамдек ҳайратланди.

— Шу мўйловними?— деди гўё ишонқирамай.

¹ Боши ўтган сонда.

— Ҳа, ўшани. Аммо бу ишни бир ўзим уддалай олмаيمان. Сиз ёрдам бера оласизми?

— Менми? Мен-ку, жон-жон деб кўмаклашаман. Лекин... умримда... бунақа ишга аралашмаганман. Ўзингиз биласиз, техникумнинг таълими билан...

— Ҳа, техникумда жуда саёз билим беришади. Ҳечқиси йўқ. Мен қўлдан келганча ўргатаман.

— Раҳмат, Дилмуроджон.

— Демак, розисиз. Лекин бу ҳозирча иккаламиз ўртамизда сир сақланиши керак. Чунки ишимизнинг оқибати ҳали номаълум. Мени кутиб олганингизда, катта чамадонимни кўриб: «Бутун Тошкентни кўтариб келганмисиз», деган эдингиз, эсингиздами? Уша чамадонда ўзим ясаган бир янги асбоб бор. Унга ТЭТ — Тошкент электрон табиби деб ном қўйганман. Мен бу ерга икки мақсадда келганман: биринчиси — ташқи муҳитни, турли воқеа-ҳодисаларнинг инсон руҳиятига таъсири, тўғрироғи, руҳий касалликларни келтириб чиқаришини чуқурроқ ўрганиш, иккинчиси, иложи бўлса ТЭТни синаб кўриш.

«Қайнатасининг ҳибсга олиганини яширяпти. Ахир бу ерга келиб қолишининг асосий сабаби ўша-ку? Бу сирни мендан қачонгача яширар экан?» ўйлади Рҳақ. Аммо сир бой бермай, ўзини билмаганга олди.

— Биринчи мақсадингиз-ку, тушунарли, аммо, иккинчиси асосиз,— деди у.— Нима, тажриба учун Тошкентда жинни йўқми? Ундан кейин, янги асбобни аввал ҳайвонларда синаб кўриш керак шекилли? Бу ўз-ўзидан бўладиган иш эмас-ку!

— Тўғри, ўз-ўзидан бўлмайди. ТЭТ дастлабки синовдан ўтган. Илмий кенгаш барча маълумот ва хулосаларимни таҳлил этиб, уни одамларда қўллашга рухсат берган. Жинни масаласига келсак, руҳий касалликлар клиникага тушганларини ҳис этадилар. Улар тўрт девор орасида яшашни истамайдилар. Озодликка интиладилар.

— Эси борлар интилмайдими? Озодлик ҳаммага ҳам ёқади.

— Клиникадаги беморлар билан озодликда юрганлари ўртасида фарқ бор.

— Яхши. Унда бемалол синаб кўраверинг.

— Қандай синайман? Аввало Девонанинг қариндошлари билан танишиб, касаллик тарихини аниқлашим керак.

— Ҳа, ахволингиз оғир, оғайни... Айрим таҳлилларни олиш ҳам мушкул. Электроэнцефалография учун марказга бориш керак. У ерда ҳам имкон борми, йўқми, билмайман.

— Баъзан бўғилиб кетаман-да, Мирзавой ака, шу нарса юзага чиққанига салкам йигирма йил бўлди-я! Йигирма йилдан бери уни қўллаш тузукроқ йўлга қўйилмаган.

— Сиз бўғилаверманг. Янгиликка чанқоқлик билан лоқайдлик қўшни бўлса, нима дейсиз? Лоқайдлик кўланкага ўхшаган нарса — чопиб ҳам, кўмиб ҳам бўлмайди.

Дилмурод ўрнидан туриб дераза олдида борди. Сабохон тарвақайлаб ўсган толнинг соясида бир жувон билан гаплашиб турибди. Дамбадам Дилмурод томонга қараб қўяди. Атайин қараяптими ё Дилмуродга шундай туюляптими?

Рҳақ Дилмуроднинг ёнига келиб елкасига қўл ташлади.

— Бўғилган билан иш битмайди. Деворга дуч келсангиз, бошингиз билан уриб, тешиб ўтмайсиз-ку. Деворнинг ёнида айланма йўл ҳам бўлади.

— Мумкин эмас-да, Мирзавой ака.

— Билиб қўйинг, ҳатто қонунлар ҳам мутлақ эмас, ўзгариб туради.

— Ёзилмаган қонунлар ҳам бор-да.

— Ҳатто улар ҳам вақти-соати билан таҳрирга муҳтож бўлиб қолади. Сезиб юрибман, келганингиздан бери жиннига разм соласиз. Унга аллақачон диагноз ҳам қўйгандирсиз?

— Тахминан қўйдим.

- Қандай диагноз?
- Тотал эси пастлик — диффуз деменция синдроми. Бош мия пўстлогининг диффуз зарарланиши. Хотира, диққат, нутқ, таҳлил, хулоса чиқариш, танқид қилиш, умуман, ақлий фаолият қобилияти ишдан чиққан.
- Масала равшан экан, тажрибани бошлайверинг.
- Қандай қилиб бошлай? Асбоб узоқ масофадан таъсир этмаса, жиннини бу ерга олиб келиб ётқизиб бўлмаса...
- ТЭТингизнинг ишлаш жараёнини айтиб беринг-чи, бир иложини топармиз.
- Беморни ётқизиб энсасига, орқа миясига электродлар қўйиш керак. Кейин қўйи частотали энг кам кучдаги импульс ток билан мия тўқималарини қитиқлаб уйғотамиз.
- Инсулинтерапия¹ эмасми?
- Йўқ, ундан фарқ қилади. Организмга қўпол аралашини биз энг сўнгги чора деб биламиз. Мен унга бутунлай қаршиман.
- Ретроград ва атероград амнезиялар типигади хотира йўқолади, демоқчимисиз?
- Бугина эмас, мия тўқималарига қон қўйилиши мумкин. ТЭТ эса бунга йўл қўймайди. У гиппокампи ёки таламусни аста қитиқлайди. Агар миянинг бу бўлимларида маълум даражада тормозланиш жараёни мавжуд бўлса, электродларнинг қитиқлаши натижасида бу бўлақлар миянинг умумий иш жараёнига боғланади.
- Психиатр бўлмасам ҳам, мақсадингизга тушундим. Энди бундай қиламиз: жинни амакини шифохонага ишга оламиз. Қарши эмасмисиз?
- Қарши эмасман... Лекин...
- Демак, келишдик. Хизматдан сўнг Дилмурод Мусаев раҳбарлигидаги врачлар делегацияси Мўйлов ҳазрати олийларини лутфан ишга таклиф этгани боради. Ҳа, айтмоқчи, унга бирон от қўйишимиз керак. Жинни деб чақирмаймиз-ку?
- Тўғри, исм танлашимиз зарур.
- Нима десак экан...— Рҳақ аввалига «Сабоҳиддин» демоқчи бўлди. Лекин бу билан Девонани чўчитиб қўйишини билиб, хаёлига келган биринчи исмни айтди:— Шопўлат! Бўладими?
- Шоҳ қилиб юбордингиз-ку.
- Жинни ўзини шоҳдек ҳис қилади-да...
- Нима, унда шундай мания аломати борми? Ўзини чиндан шоҳ ҳис қиладими?
- Буни билмадим. Шунчаки айтдим, қўйдим.— Рҳақ шундай деб Дилмуроднинг соддалигидан кулиб, елкасидан қучди.
- Бу таклифингиз яхши. Аммо яна бир иш қилишимиз керак. Новқатга бориб келмасак бўлмайди.
- Нимага?
- Ўша ерда синглиси бор экан-ку, унинг тарихини билишим керак.
- Керакми ё шартми?
- Шарт. Сиз Фрейд деган олимни эшитганмисиз.
- Фрейд? — Рҳақ эсламоқчи бўлгандек ўйга толди. Аввалги сафар бу ерга келганда барча олимлар қатори Фрейдни ҳам ўрганган эди. Фрейд таълимотининг нотўғри эканини билгани учун Дилмуроднинг бу борадаги фикридан огоҳ бўлиш ниятида:— Йўқ, эшитмаганман,— деди.
- Ҳозир ғарбда фрейдизм тамал тоши бўлиб қолган. Улар психикани моддий шароитлар билан уни туғдирувчи сабаблардан ажратиб ўрганадилар. Яна бировлари Фрейдни таҳрир этиб, шахс тақомилида муҳитнинг таъсирини етакчи ўринга қўйишади. Лекин шахс билан муҳит ўртасидаги ўзаро талоқдорликни бутунлай инкор этишади. Ҳар

¹ Электр билан талвасага тушириш муолижаси.

иккала йўл ҳам қип-қизил мантиқсизликнинг ўзи. Биз одам мияси ҳақида бир қарашда жуда кўп, ҳақиқатда эса оз нарса биламиз. Мияда содир бўладиган назарга илинмас кимёвий реакцияларда, ҳатто молекулаларда инсоннинг оддий ҳис туйғуларидан тортиб, оғир қайғуларигача жамланган бўлади. Шунинг учун ҳам бемор билан врач ўртасида мутлақ яхши муносабат ва ишонч бўлиши керак. Биз хасталикнинг энг сўнги босқичи билан юзма-юз турибмиз. Палапартниш иш бошласак, панд еймиз.

— Яхши, бу шартингизга ҳам кўндим. Раисга, гиёҳ териб келамиз, деб, Новқатга жўнаймиз. Истасангиз, эртагаёқ...

— Йўқ, аввал Девонани, ўзингиз айтгандек, «ишга олайлик». Келингиз бугун-эрта уйга қайтади. Уларни кузатай. Новқатга кейин борамиз.

Оқшомда Девонанинг маконига қараб йўл олдилар. Чойхонада эмасмикан, деб гузардан ўтдилар. Девона ҳужрасида ҳам йўқ эди. Рҳақ атрофга аланглаб, Дилмуродга:

— Қаранг, — деди сой томон ишора қилиб.

Сой бўйида Девона билан Умида ўтирарди. Умида ерда тўп бўлиб турган тошчаларни бир-бир олиб кафтига тўплар, Девона эса қизиксиниб тошчалардан, қизчанинг қўлидан кўз узмас эди. Умида ўйин қоидаси бўйича барча тошларни кафтига тўплагач, Девонага тутди. Девона уқувсизлик қилиб тошчаларни сочиб юборди. Умида аразлагандек юзини бурди, Девона қизчанинг хафа бўлганини англаб ирғиб ўрнидан турди-да, сувга тушиб тошчалар терди. Кейин ўз ишидан мамнун бўлиб, сув ичида ирғишлаб, рангли тошчаларни кўз-кўз қилди.

— Онаси гафлатда қолганга ўхшайди, — деди Дилмурод бу манзарани кузата туриб. Кейин бош чайқаб қўйиб пастга туша бошлади. Умида отасини кўрди-да, ҳайиққанича туриб қолди. Соё ўртасида ирғишлаётган Девонанинг юзидан кулги йўқолди.

— Ҳорманг, Шопўлат ака, — деди Рҳақ уларга яқинлашиб. — Изламаган еримиз қолмади. Умида қизимизни зериктирмайсизми ишқилиб? Қани, бу ёққа чиқинг-чи.

Девона «Шопўлат ким экан», дегандек ён-атрофга қараб аста қирғоққа чиқди.

— Қаёққа қараяпсиз? — деди Рҳақ, — Шопўлат акани қидиряпсизми? Шопўлат ака ўзингиз-да. Отингиз Шопўлатми ахир?

— Ҳа, ҳа, Шоп... Шопўлат, — Девона шундай деб кулди.

— Қани, қўлни беринг.

Девона Мирзавойнинг кафтига шапиллатиб урди-да, роҳат қилиб кулди.

— Ана энди Умиданинг дадаси билан ҳам кўришиб қўйинг-чи... Девона Дилмуроддан бир оз ҳайиқиб қўл узатди.

— Гап мундай, Шопўлат ака. Чойхонада ишлаб зерикканга ўхшайсиз-а?

— Ҳа, ҳа. Зерикдим. Зерикдим. Ҳи-ҳи-ҳи...

— Энди бизнинг чойхонада ишлайсиз.

— Ишлайман, ишлайман, ҳи-ҳи-ҳи...

— Мана шу киши сизга хўжайин. Нима деса, қиласиз.

Девона бирдан сергак тортди. Дилмуродга ғалати қараш қилди.

— Э, қўйинг-э, Шопўлат ака, ким айтади сизни эркак деб. Бу киши яхши одам. Урмайди, сўкмайди. Умида яхши қизалоқми, ахир?

— Яхши, яхши қиз... қизалоқ, ҳи-ҳи-ҳи...

— Бўпти-да. Дилмурод Умиданинг дадаси-ку.

— Келишдикми?

— Келишдик, келишдик. Ҳи-ҳи-ҳи, — Девона шундай деб яна қўл ташлади.

— Эрталаб соч-соқолни олдириб бизнинг чойхонага ўтинг. Мана, сартарош ҳаққи.

— Ҳи-ҳи-ҳи... чойхона... ҳи-ҳи-ҳи... дўхтирхона...

Дилмурод ҳайратланиб Рҳақ-Мирзавойга қаради. У Девона

чойхона билан шифохонанинг фарқига бормаса керак, деб ўйлаган эди. Эрталаб шифохона эшиги олдида Девона ва Сабохонни кўрдилар. Сабохон эшик оғзини тўсиб олган. Девона эса ундан икки қадам нарида ишшайиб турарди.

— Мановини қаранглар, ичкарига кириб олибди. Зўрға чиқардим. Энди кетмай, хира бўлиб турибди.

— Чакки қилибсиз. Биз Шопўлат акани ишга қабул қилганмиз. Супуриш-сидириш шу кишининг елкасида.

Сабохон бу гапларни ҳазилми-чинлигини ҳам билмай, четга чиқиб йўл бўшатди. Девона «қойилман» дегандек тиржайиб, врачларнинг орқасидан ичкари кирди.

Бу орада қуёш ирмига бир юз кўрсатди-ю, қора булутлар қаърига кириб кетди. Шамол тупроқ кўчаларнинг чангини тўзитди. Нақ Кесганбел тепасида момақалдироқ қарсиллади.

Худди шу пайтда Умидани етаклаб Ақида кириб келди. У остонада турган Сабохон билан чимирилибгина сўрашди. Умида Девона сари юрмоқчи эди, онаси билегидан аста чимчилаб тўхтатди.

— Келинг, синглим,— деди Рҳақ-Мирзавой Ақидани қаршилаб.

Ақида унга жилмайиб қўйиб, эрига юзланди. Мақсадини айтишга тарадудланди.

— Бизни кузатиб қўйсангиз бўларди,— деди синиқ оҳангда.

— Қаёққа? — Мирзавой ҳайрон бўлиб эр-хотинга бир-бир қаради.

— Уйга кетмоқчи эдик,— деди Ақида сал юмшоқроқ оҳангда.— Дадаси, мен нарсаларни шай қилиб келгандим.

Девона гапи гапига қовушмаётган бу одамларга бир-бир ҳайрон қаради-да, аста чиқиб кетди. Эр-хотиннинг жимиб қолганини кўриб, аввал Сабохон, кейин Рҳақ ҳам ташқарига чиқишди. Ақида чарм диванга ўтириб, юзини қўллари билан тўсиб йиғлаб юборди. Умида югуриб онасининг бағрига кирди. Дилмурод аста хотинининг елкасидан кучди.

— Нима бўлди, тинчликми?

— Бошқа чидолмайман, кетмасам бўлмайди. Дадамдан хабар олишим керак...

— Шунга ҳам йиғими, мен бир нарса бўлибдими дебман.

— Ҳали кўчада раисни кўрдим. Сиз дўхтирнинг қонуний хотинимисиз, деб сўради. Ҳа, десам, ҳужжатига қараганда, эрингиз сиз билан ажралган экан-ку, дейди. Кейин ярашганмиз, деб қўя қолдим. Ғаламисга ўхшайди бу раисингиз. Кета қолай, яна бошингизга балолар ёғилмасин. Вақт топсангиз, янаги ҳафталарда хабар оларсиз...

Ташқарида шамол кучайди. Деразага уч-тўрт томчи урилди. Дилмурод Ақидани юпатиб, эртага кузатиб қўядиган бўлди. Ташқаридан Асқаралининг овози келди. Дам ўтмай томоқ кириб ичкарига кирди.

— Бу йилги чилла антиқа келяпти,— деди у чойнак-пиёлани столга қўяр экан.— Кеча юқорини сел олибди. Қани, келин, чойга қаранг, бу ерда сиз меҳмонсиз.

Ақида қизарган кўзларини ерга қадаб ўрнидан турди.

— Раҳмат, чойни уйда ичамиз. Энди борайлик.

— Ҳавонинг авзойи чатоқ, чиқмай туринг,— деди Асқарали орадан нохуш гап ўтганини сезиб.

— Мен кузатиб қўяман,— Дилмурод шундай деб оқ халатини ечди-да, Умидани ўради. Гузардан ўтишлари билан жала қўйиб берди. Сув кўчани тўлдириб оқа бошлади. Улар қадамларини тезлатдилар. Дилмурод бу аҳволда узоқ юра олмасликларини билиб, хонадонлардан бирида жон сақламоқ учун эшикни очай деганда, кўчанинг у бетидаги бақатерак қарсиллаб синиб, уларнинг устига ағдарила бошлади. Ақида жон ҳолатда қичқириб, Умиданинг қўлини бехос қўйиб юборди. Уччо-ви ҳам баҳайбат шохлар орасида қолди. Умида ўрнидан тураман деб тимириланаётганда юқоридан айқириб келаётган тўлқин уни шохлар панжасидан юлиб олди-да, олдинга суриб кетди. Сал наридаги девор панасида биқиниб, бу воқеани даҳшат билан кузатаётган Девона

хунук бир овозда бақирди-да, ўзини сувга отди. Тўлқинлар бағрида бир кўриниб, бир ғойиб бўлаётган Умидага интилиб, унинг биллагидан ушлаб олди. Умида буткул ҳушидан кетди. Девона ҳолдан тойди. Дуч келган бутага ёпишиб, Умидани қирғоққа судраб олиб чиқди. Одамларнинг бахтига сел тезда тўхтади. Жала тинди.

Ағанаган бақатеракка ёпишиб жон сақлаган Дилмурад билан Ақида бир неча дақиқалик бу даҳшатдан ўзларига келмай туриб хонадонлардан одамлар югуриб чиқдилар. Ақида атрофга телбаларча боқиб Умидани излади.

— Қизим... Қизим!— деб бақирдию ҳушидан кетди.

Дилмурад ҳам ўзидан кетар даражада тебраниб қолди.

Етиб келган Рҳақ: «Ўзингизни босинг, Умидани топамиз», деб, тўхтамасдан ўтиб кетди.

Гузарга бораверишдаги йўл четида ўтирган Девонани кўриб қадамини тезлатди. Бора солиб чалқанча ётган Умиданинг қорини босиб кўриб, оёғидан кўтарди. Қизчанинг оғзидан сув келди. Девона туриб, индамай юриб кетди.

Бу воқеадан сўнг Ақида кўрпа-ёстиқ қилиб олди. Дилмурадниги юришга ҳоли бўлмаса ҳам, сир бой бермади. Аммо Асқарали билан Рҳақнинг раўйига қараб, уйда ўтиришга мажбур бўлди. Умида эса икки кундан кейиноқ оёққа турди. Ота-онасининг қаттиқ назорати остига тушган қизча зерикиб, оқшомда Асқарали буваси билан Мирзавой амалкисининг келишини кутарди. Асқарали уни эркалаб эртақлар айтиб берарди. Умида эртақ тугаши билан уни саволга кўмиб ташларди. Шунда Асқарали: «Дўхтир иним, қизингизнинг танглайини савол билан кўтарганмисиз?» деб куларди. Бир куни катталар чой устида гурунглашиб ўтирганида, Умида югуриб келиб Асқаралини саволга тутди.

— Бува, буважон,— деди у энтикиб,— мушук нимадан пайдо бўлган, биласизми?

— Биламан, қизим, биламан. Мушук арслондан пайдо бўлган.

— Унда нимага арслонмас, мушук бўлиб қолган?

— Э, бунинг тарихи узун, қизим. Илгари мушук ҳам арслон бўлган экан. Ҳаммалари битта ўрмонда иноқ-аҳил яшашаркан. Кунлардан бир куни ўрмонда арслонча туғилиб, унга Мушук деб ном беришибди. Мушук кун сайин эмас, соат сайин улғаяверибди. У улғайган сайин ўрмонда буюмлар йўқолаверибди. Кейин билишса, ўша Мушук деган арслонча ўғирларкан. Мушукни тартибга чақиришмоқчи бўлишганда, у шундай лўлилик қилибдики, асти қўяверасан. Арслонлар қарашса, бу Мушук инсофга кирмайдиган. Ҳам ўғри, ҳам кўрқоқ, ҳам номард, ҳам бетга сачрайдиган. Шундан кейин қари арслонлар кенгашиб, бу бари бир чин арслон бўлмайди, пуштимизни булғайди, деган қарорга келиб, шу туришингда униб-ўсма, деб қарғабдилар. Мушук ўсмай қолибди. Кейин уни ҳайдаб юборибдилар. Шундан сўнг арслонлар ичида номардлар, ўғрилари пайдо бўлса, мушук бўл, деб қарғашаркан. Улар мушукка айланиб қолаверар экан... Тушундингми, қақажон?

— Тушундим, тушундим. Унда...— Умида бир оз ўйланди.— Ит нимадан пайдо бўлган?

— Итми? Ит бўридан.

— Қандай қилиб?

— Қадим замонда бир ўрмонда...

— Арслонлар яшаган ўрмондами?

— Йўқ, бошқа бир ўрмонда бўрилар яшар экан. Улар озод, эркин яшашни яхши кўришаркан. Одамлар бўриларни ҳеч бўйсундира олмас эканлар. Бўрини тутиб яхши овқатлар билан сийлашса ҳам, қийноққа солишса ҳам бўлмас экан. Бўрининг оёқларини қайириб, синдириб ташлашса ҳам, калтаклашса ҳам, ўлса ўларканки, овоз чиқариб нолимас экан. Ҳайвонлар ичида бўри энг иродали, энг ботир, энг эрксевар саналаркан. Нима ҳам бўлибди-ю, бир куни одамлар бўрилар галасини ўраб олиб, анча-мунчасини қўлга туширишибди. Қўлга тушганлар орасида Ит деган бўри ҳам бор экан. Озод бўрилар

шерикларининг қисматини билиш учун баланд қояга чиқиб кўзатишибди. Одамлар бўриларни қийнай бошлашибди. Кўп бўрилар ўлиб кетибди. Навбат Ит деган бўрига келганда, у таёқ емаёқ думини қисиб вангиллабди. Шунда одамлар: «Бу бўрида бир гап бор», деб, унга яхши овқат беришибди. Ит деган бўри овқатни еб, думини ликиллатиб, одамларнинг оёғини ялабди. Кейин уларни бўрилар қароргоҳига бошлабди. Ана ўшанда бўриларнинг энг кексаси «Ким ўз эркини бир бурда гўштга сотса, ит бўлсин», деб қарғаган экан. Итларнинг тарихи шунақа...»

Асқарали шундай деб жим қолди.

Унинг бу қисқа эртаги Рҳақ билан Дилмуродга ҳам таъсир этган, улар пиёладаги чойни ичмай совутиб ўтиришарди. Эртақнинг маъносини у қадар чақиб етмаган Умида эса кўзини хиёл қисиб, янги савол ўйларди.

— Бува, буважон,— деди у ниҳоят,— унда мусича нимадан пайдо бўлган?

— Мусича бургутдан, баланд учолмагани учун мусича бўлиб қолган.

— Чувалчанг-чи?

— Илондан.

— Унда... Одам нимадан пайдо бўлган?

— Одамми?— Асқарали бир оз ўйлаб турди-да, кулимсиради. Буни билмайман.

— Мен биламан, биламан,— деди Умида қувонганидан ирғишлаб.— Одам маймундан пайдо бўлган!

Ўтирганлар баралла кулиб юборишди.

— Гапинг тўғри, тўппа тўғри,— деди Асқарали кулгидан намланган кўзларини қийиқчасининг учи билан артиб.— Сенга ўхшаган қақажонларнинг маймундан пайдо бўлгани аниқ.— Асқарали шундай деб қўйиб, «Оғир ҳазил қилмадимми», деган хавотирда Дилмуродга қаради. Дилмурод бу ҳазилни ўзига олмаган эди. Асқаралининг кўнгли хотиржам бўлиб, Умидани бағрига тортиб, пешанасидан ўпиб қўйди.— Қизим, бор-чи, сутоши пишганмикан? Пишган бўлса, айт, олиб келишсин. Умида «хўп бўлади», деб югуриб чиқиб кетди. Дилмурод Асқаралига қаради.

— Асқарали ака, мушук, ит, мусичанинг аждодларини билиб олдик. Лекин одамникини айтмадингиз?

— Буни чиндан ҳам билмайман, иним. Ҳалиги эртақларни бувам раҳматли айтиб ўтирардилар. Ушанда одамнинг аждоди ким бўлган деб сўрамаган эканмиз. Бу саволни қизингиздан эшитиб турибман.

Умида рост гапирди. Дарвин деган бир олим одамнинг маймундан пайдо бўлганини исботлаб берган.

— Буниси бизга қоронғи, иним. Менга қолса, барчанинг аждоди маймун демасдим.

— Нимага?

— Шунча йил умр кўриб одамнинг ҳар қанақасини кўрдим. Назаримда, бир қисм одам — сиз айтгандай маймундан, бир қисми бургутдан, бир қисми итдан, мушукдан, сичқондан, ҳатто эшакдан ҳам тарқаган.

Рҳақ билан Дилмурод қаҳ-қаҳ отиб кулиб юбордилар. Уларга Асқаралининг ўзи ҳам қўшилишди...

Кунлар шу ҳолда ўтиб, Ақида бир ярим ҳафта деганда оёққа турди. Турди-ю, яна кетишдан сўз очди. Дилмурод унга қарши сўз айтмай кечқурун сафар тадоригини кўриб қўйди. Саҳарда хотини билан қизини олиб район марказига тушиб кетди. Қишлоқдан чиқаверишда, йўл ёқасидаги қўнғир харсанг устида Девона чўнқайиб ўтирарди. Уни онаси билан машина кабинасида ўтириб бораётган Умида биринчи бўлиб кўрди. Қўлини силкиди. Лекин Девона уни кўрмадими, ҳар ҳолда жойидан жилмай, чангитиб ўтган юк машинасининг орқасидан маъюс тикилиб қолди. Кейин тупроғи кўпчиб ётган йўлда из қолдириб қабристон томонга юрди.

Рҳақ уни узоқдан кузатиб турарди. Девонанинг ҳужрасига кириб кетганини кўриб, у ҳам қабристонга қараб илдам юрди. Ҳужра эшигини очиб ичкарига бостириб кирди. Кўрпа устида бошини этганча чордона қуриб ўтирган Девона сапчиб ўрнидан турди-да, ғалати овоз чиқариб орқасига тисарилди. Кейин деворга сингиб кетгудек бўлиб букчайиб ўтирди.

— Сабоҳиддин! — деди Рҳақ у томон юриб.

Девона «А... а!» деб бақирганича бошини қўллари орасига олди.

— Сабоҳиддин! — деди яна Рҳақ қатъий овозда. — Қўлингни тушир. Менга қара. Яхшилаб қара. Тек ўтир.

Девона унинг буйруғини итоаткорона бажарди. Рҳақ кўзини унга қадади. Девона нест бўлиб ўтириб қолди. Рҳақ яна ҳам яқинлашиб, унинг қорачиғларига тикилди.

Уша куни Рҳаққа Девонанинг ҳаётидан яна бир воқеа аён бўлди.

Қоронғилик

Сабоҳиддин оқшомда, эски тўн кийган бадқовоқ кўса бир одамга эргашиб, Марғилонни ташлаб чиқди. Бадқовоқ киши на ўзини танитди, на Сабоҳиддиннинг кимлиги билан қизиқди. Индамай йўл бошлаб кетаверди. Афтидан, у олган кўрсатмасини керагидан ҳам ошириб ўринлатарди. Сабоҳиддин туни билан юрсак керак, деб ўйлаганди. Йўқ, қоронғи тушиши билан бир уйга қўнишди. Уй эгаси ҳам, Сабоҳиддинни ҳайратга солиб, салом-аликдан нарига ўтмади.

Тонг отмай яна йўлда бўлишди. Кун ёйилмасдан Водийга етишди. Холиқберди тўранинг қароргоҳи шу ерда эди. Бадқовоқ одам милтиқли бир кишига Сабоҳиддинни топширди-ю, ўзи ғойиб бўлди. Милтиқли киши Сабоҳиддинни дарахтлар орасида зўрға кўзга ташланаётган ўтовга бошлади. Сабоҳиддин ичкари кирди-ю, нимқоронғи ўтовда ўтирганларни яхши кўролмамай тараддуланиб қолди. Кейин ўзини қўлга олиб, қироат билан салом берди.

— Қадамингизга ҳасанот, — деди кимдир саломга қироат билан алик олгач. Сабоҳиддин овоз келган томонга қараб қотма, хориж ҳарбийларининг кўйлагини кийиб олган кишини кўриб, «Холиқберди тўра шу бўлса керак» деб унга таъзим қилди.

— Қани, мулла Сабоҳиддин, марҳамат қилсинлар, ўтовимиз тор бўлса ҳам, бағримиз кенг, — деди Холиқберди тўра унга жой кўрсатиб.

Сабоҳиддин ўтиргандан кейин даврадагиларга омонлашиш мақсадида бир-бир боқди. Тўрда, Тўранинг ёнида, чордона қурган қизил туркий дўппили Зайниддин ҳожини кўрди-ю, беихтиёр ўрнидан туриб таъзим қилди.

— Мулла Сабоҳиддин ким бўлди, деб ўтирибман. Ўзимизнинг сўкир Сабоҳ экан-ку, — деди ҳожи кулимсираб, кейин Холиқберди тўрага юзланди. — Бу Жамол ўриснинг укаси-да, танийсизми?

Тўра биламан дегандек бош ирғади. Шу пайт учта лаганда ҳовури босилмаган гўшт кўтариб киришди. Ўтовни зиранинг хушбуй ҳиди тутди. Суҳбатни тўхтатиб, овқатлана бошладилар. Сабоҳиддин ора-сира Холиқберди тўра билан Зайниддин ҳожига қараб қўярди. Тўра нигоҳидаги қатъийлик, кўзларидаги сергаклик, меҳр Сабоҳиддиннинг эътиборини тортди. Шундагина у: «Одамлар тўрамни бежиз ҳурмат қилишмас экан», деб қўйди. Тамшаниб ўтирган ҳожига кексалик ўз ҳукминини ўтказибди. Қошлари, бир тутам соқоли оқарган. Кўзлари толиққан каби қисилган. Аммо истараси ўша-ўша иссиқ. Сабоҳиддин ҳожини Бухорога кетгандан бери кўрмаган эди. Зайниддин ҳожи илгарилари Новқатга ҳар келганида Сабоҳиддинларникига қўнарди. Унинг Жалоллиддин билан эски ошначилиги бор эди. Жалоллиддин кўп ҳолларда ҳожига, унинг маслаҳатига суяниб иш кўрарди. Маслаҳат учун ўшга бориб келишдан ҳам эринмасди. Шундай бўлса-да, уларнинг ораларида баъзан келишмовчиликлар бўлиб турарди. Жалоллиддин ўғилларини

рус-тузем мактабига бергани, янги ғоялар қули бўлгани, ҳатто туркийча қизил дўппи кийиб юргани учун Зайниддин ҳожини айбларди. Ҳожи эса уни, аксинча, жоҳиллиги учун койирди. Бироқ фикрлар ва дунёқарашларнинг бу қарама-қаршилиги дўстликларига раҳна солмасди. Сабоҳиддиннинг Бухорога бориб қолиши ҳам шу Зайниддин ҳожининг маслаҳати билан бўлди. Тўғрироғи, бу гап Султонмуродхўжадан чиққанди. Ҳар қандай янгиликни искаб билиб олувчи эшон мардикор балоси бош кўтарган пайтда яна Жалолоиддиннинг уйида пайдо бўлди. Жамолиддин сибирга сургун қилинган, бу кўчадан ўтмай қўйган эшон ҳеч нима бўлмагандек уйга кириб ўтирди. Утганларнинг руҳига тиловат бағишлади. Уша йили хасислик қилгани учун Жалолоиддиндан ўпкалади.

— Мен сиздан бирон нарсани тама қиладиган одам эмасман,— деди у гапни кўп чўзмай.— Сизга ҳам, фарзандларингизга ҳам меҳрим бўлакча. Мана, ҳозир Сабоҳиддиннинг тақдирини ўйлаб, хонадонингизга бош эгиб кириб келдим. Эрта-индин уни ҳам мардикорга чақириб қолсалар, нима қиласиз?

— Бошим қотди, эшон. Худо раҳмимизни ер, деб ўтирибман.

— Худо, худо дейсиз-у, худо йўлига бир танга аташдан қочасиз.

— Бу гапингиз бекор. Сиз йўл кўрсатинг, айтганингизни худо йўлига атадим,— деди Жалолоиддин унинг ниятини фаҳмлаб.

— Сабоҳиддинни бетўхтов отлантириб, Бухорои шарифдаги мадрасага жўнатамиз. Фарзанди қобилингизни фақат шу йўл билан асраб қоласиз. Устига устак, у бағрингизга катта мулла бўлиб қайтади. Бир ёгингизни ёзга, бир ёгингизни қишга қўйиб роҳатда яшайсиз. Уни Бухорога ўзим узатиб бораман. Лекин чиқими сиздан.

Эшон ўша кунни ниятига етиб, қорабайирни етаклаб чиқиб кетди. Сабоҳиддиннинг онаси чирқираб қолди. Жалолоиддиннинг бахтига ўша оқшом Зайниддин ҳожи Новқатга келди. Эшоннинг таклифини маъқуллаб, сармоядан ҳам ёрдам қилди. Ана шу кишининг ҳиммати билан Сабоҳиддин салкам беш йил мадрасада сабоқ олиб қайтди. Бахтини қарангки, ўз йўлини тополмай гарангсиб юрган оғир дамда бу донишманд одамга рўпара бўлди.

...Дастурхонга фотиҳа ўқилган, ўтовдагилар таъзим қилиб чиқиб кетдилар. Тўранинг истаги билан Сабоҳиддин қолди.

— Жамол ўрисни...— Холиқберди шундай деб кулимсиради. Кейин сўзини тўғрилади.— Акангиз Сибирга мендан кейин келиб, мендан илгарироқ ўрисчани ўрганиб олганига Жамол ўрис деб юриб ўрганиб қолибман. Уни ҳали кўрганингиз йўқдир?

— Кўрдим. Марғилонда учрашдик.

— Нима дейди? Босмачиларга қўшилма, дегандир?

— Ҳа.

— Ҳўш, унда нимага келдингиз?

— Ҳар иш оллоҳнинг инояти билан, тўрам, айри бўлиш пешанада бор экан, на илож?

— Балки сизни Бухородаги олий зотлар қўрқитишгандир?

— Йўқ, тўрам, мен уларнинг айбашларидан қўрқмайман. Маъмур бойваччанинги қони ҳам, акамнинг тортган азоблари ҳам менинги гардананда, бу гуноҳим учун оллоҳнинг ўзи жазолайди мени.

— Маъмур бойвачча дедингизми? Уни Жамол ўрис ўлдирмаганмиди?

Сабоҳиддин, Холиқберди тўра хабарсиз экан-да, деб ажабланди. Сирни очишга очиб қўйиб, энди гапдан бўйин товлашнинг фойдаси йўқлигини билиб, тўғрисига кўчди.

— Уни мен...

— Ана, холос! Жамол ўрис шунча йил бирга бўлиб чурқ этмади-я... Акангизнинг бошидан сув ўгириб ичсангиз арзийди, мулла. Ўзга одам бўлганда, мен укамни деб шу азобларни тортиб юрибман, деб икки жаҳонга овоза қиларди. Бу гапингиздан кейин Жамол ўрисни яна ҳам яхши кўриб қолдим. Ғанимларим орасида шундай покиза одам

борлигидан хафа бўлиб кетаман. Ҳар жангга кирганимда худодан, адашган биродарларимнинг жонини омон сақла, деб серайман. Уларнинг қонини тўкишдан қўрқаман.

— Бухородан бу ерга кела-келгунча ўйлаб, ўйимга ета олмадим. Тўрам, худо қайси гуноҳларимиз учун бизга бу азобларни раво кўрди экан. Қачонга қадар бир-биримизни қашқирдай ғажилаймиз?

— Бу азоблар ўтади-кетди, худо хоҳласа, фароғатли кунларга оз қолди.

— Тўрам, айбга буюрмасангиз, бир сўроғим бор эди?— деди Сабоҳиддин иккиланиб.

— Сўрайверинг, — Холиқберди тўра шундай деди-да, лўлаболишдан бирини қўлтиғи остига олиб ёнбошлади.

— Акам билан муросангиз чиқишар экан, нима учун ноҳақ йўлдан қайтариб қанотингиз остига олмадингиз?

Холиқберди тўра бу гапни эшитиб кулиб юборди.

— Жамолни йўлдан қайтариб бўларканми?— деди у кулгидан тўхтагач. Кейин бир оз жиддийлашди.— Уни аввал қиймалаб ташлаб, кейин эт-суягини битталаб териб чиқсангиз ҳам бировнинг айтганига юрмайди. Мен шунақа одамни яхши кўраман. Бировнинг гапига кириб кўч-кўронини кўтараверадиган субутсиздан жуда қўрқаман. Мана шунақа одамлар юртни хароб қилади. Улар билан эҳтиёт бўлиб гаплашиш керак.

— Шўролар ҳақ йўлга қайтмаса, элнинг қони дарё бўлиб оқаверар экан-да?

Холиқберди тўра асабий ҳолда қошларини чимириб Сабоҳиддинга қаради.

— Ярамга туз сепманг,— деди у қовоқ уюб,— кеча акангиз дилимни вайрон қилиб кетган эди. Элнинг қони тўкилаётган бўлса айбли эмасман. Мен халқимнинг бағрига шамол тегсин, деб бу овлоқларда изғиб юрибман. Менинг Сибирда тортган азобларим ўзимга етмасми-ди? Жамол ҳам халқим дейди, сиз ҳам, Зайниддин ҳожи ҳам. Ҳаммамиз халқ деймиз, бир-биримизга тиш қайраймиз. Акангиз ўрисларни этагини тутайлик, дейди. Зайниддин ҳожи туркпараст. Шермат кўр инглизларга суянади. Сиз, албатта, аҳли дин деб туриб оласиз.

— Менингча, энг тўғри йўл шу, тўрам. Ахир ўзингиз ҳам, алҳамдулиллоҳ, мусулмонсиз.

— Алҳамдулиллоҳ...— Холиқберди тўра шундай деб енгил хўрсинди.— Дин пешволари юртни бошқаришга ноқобил. Йикчи эшон тарихини биларсиз? Юртни бошқарса, ўша бошқарарди.

— Уни сотишган-ку?

— Бу бир баҳона. Эшон ўзини ўзига сотган. Гапимга тушунмадингиз-а? У халқни деб оқ кигизга ўтирмаган. Энг аввал ўзининг фароғатини ўйлаган. Хўп, биз шўроларни енгдик, дейлик, хўш, юртни ким бошқаради? Дин пешволарими? Бунга ҳам кўндим. Хўш, кимга ишонасиз? Аниқ айтолмайсиз. Султонмурод хўжага ўхшаганлар юрт оғаси бўлса, элнинг шўри қуримайдими? Нимага индамайсиз? Ё Шерматни қўясизми?

— Ўзингиз-чи?

Холиқберди тўра Сабоҳиддинга қараб туриб кулиб юборди.

— Ҳали ҳам эсингиз кирмабди, мулла. Қалта ўйламай, кўзингизни очинг. Шўролардан устун келган кунини Холиқбердининг ғанимлари камаймай, яна кўпаяди. Қирғин давом этаверади.

— Тўрам, ақли қосирлигим учун гуноҳимдан ўтинг, назаримда, сиз қудратингизга ишонмайдиганга ўхшайсиз?

— Бу саволингиз ноўрин. Халқ мен томонда. Агар халққа ишонмасам, кўр бўламан. Аммо... сармоядорлар?! Шулардан хавфдаман. Улар юртни хоҳлаган пайтларида сотиб юборадилар. Балки инглизларга аллақачон пуллашгандир ҳам?... Ҳар кунни қуёш чарақлаб турса ҳам дунё қоронғилашиб кетган, оқ-қорани ажратиш мушкул бўлиб қолди. Бухорадаги олий зотлар истаги билан сиз қишлоқма-қиш-

лоқ юриб ваъз айтиб, ислом лашкарларининг ҳаққига дуо қилиб, халқни ҳақ йўлга чорлашингиз лозим экан. Аммо мен сизга ўзгача юмушни раво кўряпман.

— Тўрам, мен ҳақ ишга жонимни тикканман.

— Сиз Зайниддин ҳожи билан биргаликда Норхўжанинг хизматида бўласиз. Фарғона, бир сиқим бўлса ҳам, бекларга тўлиб кетди. Ҳаммаси ўзича элни талайди. Сиз Норхўжани шундан тиясиз. У зўпидин ақл билан иш юритмайди сира. Сизга ҳам қулоқ солмас. Аммо йигитлари оқ-қорани ажратиб олишлари керак.

Холиқберди тўра шундай деб тиззасига қўл тираб ўрнидан турди. Сабоҳиддин суҳбат якунланганини англаб, таъзим қилди.

Тун бўйи бу суҳбат мағзини чақиб ухламаган Сабоҳиддин эрталаб, ҳожининг истаги билан, Новқатга, ота-онасини йўқлаш учун йўл олди. Норхўжанинг қароргоҳига борадиган одамни уйда кутадиган бўлди.

Сиртмоқ

Қизилқияни қоралаб йўлга чиққан Сабоҳиддин Искобилдан ўтгач, икки қулочли анҳор лабида тарвақайлаб ётган мажнунтол соясида ҳордиқ чиқармоқчи бўлди. Отининг оёғини тушовлаб, эски тўннини ерга тўшади-да, хуржунни ёстиқ қилди. Мажнунтолнинг заиф шоҳларига тикилиб ўйга толди. Қизиқ, дарахтлар ичида фақат шу мажнунтолнинг қадди эгик. Ҳатто чинор ёнидаги терак ҳам бўй чўзишга ҳаракат қилади. Бу эса... Элнинг ҳозирги аҳволи ҳам шу мажнунтолга ўхшайди. Балки мажнунтол ҳам қадимда қадди тик дарахт бўлгандир. Балки унинг тик шоҳлари жой, мавқе талашиб оқибатда совуқ шамоллар заҳрига чидаш беролмай ҳолсизланиб, айри-айри бўлиб қолгандир? Энди қаддини ростлаш учун неча йил, қанча куч-қудрат керак. Сабоҳиддин бу дарахтларнинг кўкрак кериб туришини кўра олармикин?..

Йўл машаққати, уйқусиз тунлар азоби кучини кўрсатди. Сабоҳиддиннинг кўзига уйқу илинди. Кун кўтарилиши билан соя қочиб, у офтоб тигида қизиб уйғонди. Кўзини очди-ю, атрофга олазарак қараб, отини излади. Сесканиб ўрнидан турди. У ён-бу ён юрди — от йўқ. Улови қайсидир бир чаптастнинг ўлжасига айланганини билиб, хуржунни елкасига ташлади-да, йўл ўртасига тушди. Юришни ҳам, юрмасликни ҳам билмай турганда, қўқонараванинг қораси кўринди.

Мудроқ аравакаш Сабоҳиддиннинг илтимосини безътибор эшитди. Кейин орқасига ярим ўгирилиб:

— Сиқилишиб қолмайсизларми, тоға?— деб сўради.

Аравадаги уч қариянинг кексароғи соқолини тутамлаб, унга норози қиёфада боқди.

— Гапингни қараю, сўлтамат! Араванга яна битта подшоликнинг одами сиғади. Юрагингни кенг қил,— деди иккинчи қария, кейин сўзини тугатмай Сабоҳиддинга юзланди.— Қани, ўғлим, хуржунни узатинг. Одамнинг феъли сиқик бўлса, кўзига дунё ҳам тор кўринади. Қани, қўлни беринг, ҳа, баракалла. Бу сўлтаматдан хафа бўлманг. Замон оғир. Йўлда учраган одамга хавотир кўзи билан қарашга ўрганиб қол-япмиз...

— Кеча Норхўжанинг йигитлари йўлимни тўсган эди,— деди аравакаш ўзини оқлаш ниятида.

— Ана кўрдингизми,— деди уни қувватлаб, Сабоҳиддинни аравага таклиф қилган чол, — одамзод озига сира қаноат қилмас экан-да. Норхўжа қайси бир иблисининг сўзига учиб юрибди, ҳайронман. Ушдаги тегирмонининг ўзиёқ чўмичини мойга ботириб қўйганди.

Агар қорни очлар босмачи бўлса, мана, биз ҳам тоғ-тошда санқирдик,— деди ёши улуғроқ қария.— Уларни шайтон йўлдан урган.

— Норхўжа азалдан шунақа,— деди суҳбатга қўшилмай ўтирган

¹ Фарғона.

чалакўса қария.— Эслайсизми, Йикчи эшонга мурид тушиб ҳам юрган. Худонинг раҳми келиб тирик қолди. Замон алғов-далғов бўлиб, яна эски ҳунарига қайтди. Фикримча, у қорнига йиғламайди. Катта бир тахтни мўлжал қилган-ов...

— Тахт?! Бу ёқда Холиқберди тўра турганда, унга йўл бўлсин?

— Ноумид шайтон. Шундай нияти бўлмаса, дарбадарлик юкини елкасига олмас эди. Ўзига лозим бўлса, худодан саратонда ҳам қор ёғдиришини сўрайдурган одам у.

— Кенг, қўйинг, шу сўлтамадни чайнамайлик. Яна ҳизирни йўқлаган бўлиб унга йўлиқмайлик. Оч қорним — тинч қулогим. Бир-бирини ғажилай-ғажилай охир силласи қуриб, тинчиб қолар ахир...

Сабоҳиддин қариянинг бу сўзларини эшитиб, Салимхўжани беихтиёр эслади. У ҳам бир суҳбатда: «Бир-бирининг илдизига болта уриб бўлишини турклар билан инглизлар интиқлик билан кутиб ётишибди» деганди. Дарвоқе, ҳозир Салимхўжа қаерда экан? Зиндондан қутула олдимики? Бечора ушоққина эди, ишқилиб худо ўз паноҳида асра-син уни...

Қариялар экин-тикиннинг авжи ҳақида сўз юритиб, Сабоҳиддинни суҳбатларига тортмадилар. Кеча кўрган-кечирганлари билан боши гаранг бўлиб ўтирган Сабоҳиддин учун бу айтилган муддао эди. Қизилқияга шом чоғида етиб келишди. Сабоҳиддин, улов тополмагани учун, ноилж шу ерда тунади. Эрталаб мўйлови энди сабза уриб, овози дўриллаб қолган аравакаш йигитга ҳамроҳ бўлди. Йигит Қизилқияга юмуш билан тушган, ишини кўнгилдагидек уддалаб, кайфи чоғ бўлиб қайтарди.

Арава аста чайқалиб боради. Йўлнинг икки томони тоғ. Тоғларнинг бели қип-қизил. Худди биров унинг кўксига беҳос қилич тортиб юборгану энди бағридан қон сизиб чиқиб тургандай. Бундай ғалати тоғ бошқа ҳеч ерда бўлмаса керак. Ҳозир Сабоҳиддин гўё икки тоғ орасида эмас, икки ўт орасида куйиб, ёниб борар эди. Акасини кўргандаги қувончи сўниб қолган, тунги учрашув, Холиқберди тўра билан бўлган суҳбат уни гангитиб қўйган эди. Ака-уканинг ораларига қилич тушиши тайин.

Йигит от устида бир ёнга сал қийшайиб ўтирибди. Қамчи ушлаган қўли худди жонсиздек. Аҳён-аҳёнда отга аста қамчи уриб қўяди. Баъзан мунғайиб ўтирган ҳамроҳига қарайди. Сабоҳиддиннинг ўйга берилганини кўриб индамайди. Ўзича хиргойини бошлайди:

Севиб олган ёрингиз мунча чиройли ёр
экан,
Қўлларимга сув беролмас, сурати ҳайвон
экан.

Йигит қўшиқ сўзларини яхши билмайди шекилли, қолганини ямлаб-ютиб айтди. Ашула ярмига бормай, бир оз жимиб қолди-да, сўнг бошқасини баландроқ овозда бошлади:

Томга тариқ сочилган,
Ҳай бола, бола, омон ёр...

Бу қўшиқ ҳам чала-ярим бўлди. Бироқ Сабоҳиддинни елкасидан босиб турган ғам юкини озгина енгиллатди. У хаёллар домидан қутулиб аравакашга қаради.

— Ашулани яхши айтар экансиз,— деди.

— Э, зериккандан бир хиргойи қилиб қўямиз-да, ака. Ашулани яхши кўраман-у, сўзларини тўла билмайман. Мана, кечаги базмда бир ашула эшитиб ёдлаб олган эдим. Ҳозир эсимдан чиқибди. Балки сиз биларсиз?

— Қайдам?

— Мана, бошини эшитиб кўринг-а:

Қаро қуш қичқириб ўтди, уёсида илон
кўрди,
Балиқ кўксини чок айлаб, азим дарёда қон
кўрди.

— Йўқ, бунақа ашулани эшитмаган эканман.

— Узим ҳам биринчи марта эшитувдим. Ҳай, майли, насиб этса яна эшитармиз. Муллака, бу ерларга ҳеч йўлингиз тушганмиди илгари?

— Ҳа, бир-икки ўтганман.

— Илгарилари, оқпошшо маҳалида, ўғрилар бўлар экан. Бозорга қатнайдиغان араваларни таппа босишаркан. Шунинг учун уларни босмачи дейишаркан-да. Ҳозирги қўрбошиларнинг йигитларини ҳам босмачи дейишади. Улар сал бошқачароқ. Шартта йўлни тўсиб чиқишади. Тузукроқ молингизни сўрамай-нетмай олишади. Тўртинчилардан бўлсанг, молинга кўшилиб жонинг ҳам кетади. Кечаси қишлоқларни босишади. Қоронғи тун айбни беркитади, худо гуноҳларимизни пайқамай қолади, деб ўйлашса керак-да, а?

— Худодан ҳеч нарсани беркитиб бўлмайди. Ҳар бир гуноҳ ҳисобга олиниб, охиратда юзма-юз қилинади.

— Муллака, сўраганинг айби йўқ, исмлари нима эди? Ҳали хийла йўл юрамиз, гаплашиб кетайлик. Менинг исмим Абдусаттор.

— Сабоҳиддин.

— Э, ҳа, энди танидим. Боятдан бери кўзимга иссиқ кўринятувдингиз. Сиз Жалол тоғанинг ўғлисиз-да, а?

— Ҳа.

— Бухорода ўқирдингиз-да, а? Акангизни ҳам биламан. Маъмур бойваччани ўлдириб сибир бўлган эканлар. Чамаси бирон йилча бўлди қайтганларига. Раҳматли Жалол тоға у кишининг...

— Нима?! Нима дедингиз?

— Ие, эшитганингиз йўқмиди?.. Жалол тоға... Жалол тоғанинг йигирмаларини ҳам ўтказдик.

Сабоҳиддин унинг бошқа сўзларини эшитмади. Дунё кўзига қоронғи бўлиб кетди. Бўғзига йиғи келмаган бўлса ҳам, нафаси сиқилди. Абдусаттор аравани тўхтатди. Мешдан сув қуйиб узатди. Сабоҳиддин ичмади. Абдусаттор нима қиларини билмай бир оз турди. Кейин аравага чиқди-да, отга энгил қамчи урди. То Новқатга етиб боргунларича Сабоҳиддиндан садо чиқмади. Аравакш ҳам уни гапга тутмади. У аравани тўғри Сабоҳиддинларнинг уйига ҳайдади.

Сабоҳиддин аравадан тушиб уйи томон юрди. Оёғи худди кишан урилгандек оғир эди. Деворлари нураган, етим бола каби мунғайиб қолган уйни кўргач, миждасига ёш келди. Томоғи юрагидан отилиб чиққан фарёдни гиппа бўғди. Кўчада йиғлаб юбормаслик учун қаддини тезлатди. Абдусаттор унинг аравада қолдирган хуржунини олиб, орқасидан эргашди. Ичкаридан аввал аёл кишининг йиғламсираган овози келди. Кейин Сабоҳиддинники. Абдусаттор ҳовлига кирмай хуржунни остонага қўйди-да, фотиҳа ўқиғач, аравасини етаклаб нари кетди.

Сабоҳиддин ичкарига кириши билан аввал қумғон қайнатаётган холасини кўрди. Холаси бошидаги ёпинчиқни тўғрилаган бўлди-да, кўзларини пирпиратганича келиб кўришди. Уйдан Сабоҳиддиннинг онаси чиқди. Уғлини бағрига маҳкам босиб: «Пешанам мунча шўр бўлмаса», деб ўкраб йиғлаб юборди.

Йиғи овозини эшитиб қўни-қўшнилари чиқди. Аёллар йиғи-сиғи қилиб бўлгач, ичкарига кириб кетишди. Сабоҳиддин эса девордармиён икки қўшниси билан айвонда қолди. Тиловат қилинди.

— Раҳматли Жалолиддиннинг жони жаннатда, роҳат-фароғатда юргандир. Бу дунёда кўп ғам чекди бечора.

— Узоқ ётдиларми?

— Бир нафас ҳам ётмади. Шу ёшга кириб «ум» деганини билмайман. Раҳматли ҳали бақувват эди. Шу баҳорда ҳам ҳеч кимга сўз бермай, ерини бир ўзи ағдарди-да. Худонинг шафқатини қаранг, жонини қийнамайгина олди.

Уғлим, дадангизнинг қандай жон берганларидан беҳабарсиз-а?

— Мутлақо хабарим йўқ.

— Раҳматли дадангиз омонатларини масжидда топширдилар.

— Масжидда?

— Ҳа. Масжидда. Дадангиз масжидимизда сўфилик қилаётган эдилар. Шом намозидан сўнг супуриб-сидириб энди кетаман, деганларида, қаёқдандир бир дайди ўқ келиб...

— Ким отибди?

— Ким отганини ҳеч ким билмайди. Қишлоқ тинч эди. Фақат уч марта ўқ овозини эшитдик. Кейин «Жалол сўфини ўлдириб кетишибди», деган ваҳима тарқалди. Масжидга борсак, рост. Қонга беланиб ётибдилар. Иккита ўқ кўкракларига теккан экан. Биттаси масжиднинг эшигига санчилиб қолибди. Уч кундан кейин кўрдик.

— Сиз кўп қайғураверманг, ўғлим. Оллоҳнинг иродаси-да. Ҳаммамиз бу дунёда омонатмиз. Барчамизнинг пешонамизга ўша ёғоч отганини ёзилган. Дадангиз имон билан кетди, шукр қилинг.

Сабоҳиддин бундай пайтда айтиладиган жуда кўп оятларни ёддан билар, лекин қўшни оқсоқолнинг бу жўнгина гапларидан тасалли олгандек бўлди. Аммо юракда қолган армонга ҳеч қандай тасалли қилмади.

Қоронғи тушгани учун қабристонга эрта тонгда борадиган бўлишди. Соҳиба ая ўғлига Жалолиддин аканинг сўнги кунларини, «юрагим сиқилияпти», «алоқ-чалоқ туш кўрдим», деганини, яна аллақанча майда-чуйда гапларни бир-бир сўзлаб берди.

— Машкура кўринмайдими?— деб сўради Сабоҳиддин унинг гапларини эшитиб бўлгач. У онаси билан кўришаётган чоғидаёқ, кўзлари билан синглисини излаган, аммо қўшни аёллар чиқиб қолиб, сўрашга улгуролмай қолган эди.

— Машкурани... Султонмуродхўжа эшон олиб кетдилар.

— Қаерга?

— Невлай. Раҳматли дадангизнинг қирқларига келиб, бош бўлиб турдилар. «Замон нотинч, уйингизда эркак йўқ, бўйи етган қиз, уволига қолмайлик, ўзимнинг паноҳимда бўлсин», деб...

— Қаерга олиб боришларини айтмадиларми?

— Айтдилар... Норхўжа эшоннинг қароргоҳи, дедилармикин.

— Индамай бериб юборавердингизми?

— Вой, болам, индаганим билан гапимга қулоқ солсалар экан. Ялиндим, ёлбордим. Ёлғиз аёл бошимга шунча кулфат каммиди, болам? Икки қанотим қирқилган бўлса, отангиз бир оғиз васият қилмай ўтган бўлсалар, кўлимдан нима келарди?

Сабоҳиддин онасининг ёш тўла кўзига қарай олмади. Эшоннинг қилиғини ўйлаб туриб оёғи остига тузоқ қўйилганини англаб етди.

Эрталаб қабристонга бордилар. Сабоҳиддин қабрни қучоқлаб, тунги салқинга тўйган тупроққа бағрини бериб ётди. Аёллар йиғи бошлашди. Гапга чечанроқ бўлган холаси баралла айтиб йиғлар, онаси эса «вой тўрам»лаб унга жўр бўларди.

Уларга Сабоҳиддин ҳам қўшилди. Отасини айтиб чақирди. Бироқ совуқ тупроқ садо бермади. Сабоҳиддин қаддини кўтаргач, аёллар тинчиди. Тиловат бошланди. Сўнг Сабоҳиддин аёлларни уйига жўнатди. Қабристонда ёлғиз қолди. Гўё ота меҳрига қонаётгандек қабрга узоқ тикилди...

— Дадажон, илоҳим жойингиз жаннатда бўлсин,— деб пичирлади лаблари.

— Иншооллоҳ,— деб жавоб берди дадаси.

— Бизнинг роҳатимизни кўролмай кўзингиз очиқ кетди. Гўрингизга бир сиқим ҳам тупроқ ташлай олмадик.

— Оллоҳнинг иродаси бу, ўғлим. Чироғимни ёқиб турсаларинг, бас.

— Энди кимга суянаман? Маслаҳтгўйим ким?..

...Жавоб йўқ. Чунки Сабоҳиддин отаси билан хаёлан сўзлашаётган, фикрда эса бу саволга жавоб йўқ эди.

Кечқурун уйларига Султонмуродхўжа кириб келди. Сабоҳиддинга

ҳамдардлик билдирди-да, қуръон тиловат қилиб, марҳумнинг руҳига бахшида этди.

Эшон домла, ўзингиз саломатмисиз?— деб сўради Сабоҳиддин.— Тобингиз йўқ деб эшитиб эдим.

— Тўғриси айтиверинг, ўсал бўлиб ётибди, деб эшитгансиз. Шундайми? Баракалла. Сизга шундай деб ўзим хабар берган эдим. Раҳматли дадангизни жаннат боғига рихлат қилганларини ёзсам, хийла бесаранжом бўлиб келардингиз. Шу боис андак ёлғонга ўрин бердик, оллоҳнинг ўзи кечиргай.

— Эшон домла, мен Норхўжа эшоннинг ҳузурларига боришим керак экан.

Ҳа, ўғлим. Имонини йўқотмаган ҳар бир ахли муслимнинг ўрни ўша ерда. Аммо сиз ҳозирча бу ҳақда ташвиш тортманг. Уч-тўрт кун дам олинг. Раҳматли дадангизнинг руҳларига хайри-худойи қилинг. Эшон ҳузурига бирга борамиз. Мен шунинг учун келганман. Манавини олинг, ҳаражатларга лозим бўлади.

— Эшон домла, синглим...

— Машкура соғ-омон. Бирон номаҳрамнинг кўзи унга тушмади.

Уни уйга қайтарсак, онам ёлғизлар.

— Буни кенгашиб кўрамиз. Ҳозир зинҳор ташвиш тортманг.

Султонмуродхўжа шундай деб чиқиб кетди. Сабоҳиддиннинг нигоҳи унинг изларига қадалиб қолди...

Сабоҳиддин эсини танибдики, шу хасис эшонни биледи. Мактабга қатнаётганида домланинг яхши гапларини ҳам эшитган, калтагини ҳам хўп еган. Жамолиддин ўқишни хуш кўрмас, калтак егандан кейин ҳафталаб тутқич бермасди. Ўғлининг ўқишга бўйин ёр бермаётганини кўриб отаси уни мактабга юбормай қўйди. Сабоҳиддин акасининг тескарисини, тез оловланар ва шундай тезлик билан сўниб, итоаткор бўлиб қоларди. Кечаси жанжал-тўполон билан мактабга бормасликка аҳд қилган одам, ерталаб бурнини тортиб-тортиб йўлга тушарди. Хиёл улғайиб, шўхлиги авжга чиқиб, қишлоқдаги ўспиринларга ҳам бас кела бошлагач, бир томондан отаси, бир томондан домла сиқувга олиб, бўйнига итоаткорлик занжирини солишга уннай бошладилар. Уларнинг бу ҳаракати озми-кўпми самара берди. Маъмур бойвачча воқеасида занжир узилай деди-ю, аммо эшон усталик қилиб қолди. Сабоҳиддинни итоаткорлик тўрига чирмаб ташлади.

Сабоҳиддиннинг Бухорога бориши аниқ бўлгач, эшон уни йўқла-тиб тарбия қилган бўлди:

— Оллоҳ таоло барча бандаларига раҳм-шафқатни бир хилда сочган. Одам зоти ризқини кучи етганича ўзи териб ейди. Муҳаммад алайҳиссалом дейдиларки «Тангри сизларни ер юзида ворис этган ва ўзи ато қилган нарсалар билан сизларни синаб кўриш учун, баъзиларингизнинг даражангизни бошқалариникига нисбатан юқори қилиб қўйган». Яна Муҳаммад алайҳиссалом айтадиларки: «Баъзи бир оилаларнинг бу дунёдаги ҳаётини фаровон этиб, уларга ато қилиб берган нарсаларга сен кўзингни тикма». Демоқчиманки, оллоҳ-таоло Маъмур бойваччанинг бу дунёсини фаровон этмакни иноят қилиб, унинг ризқига ризқ қўшган. Акангиз хотинини талоқ қилгач, худо ўзининг бу ожиз бандасини ҳам Маъмур бойваччага инъом этди. Гарчи Маъмур бойвачча янгангиз талоқ бўлмасидан илгари дон олишган тақдирда ҳам бегуноҳдир. Яъни қуръони шарифда зикр этилгандек, «Эрдаги хотинга ўйланиш мумкин эмас, мабодо қўл солиб улгурган бўлсангиз сўзим йўқ». Аммо тангри билан бандалар ўртасида шайтон бор. Оллоҳ-таолонинг инояти бирлан жаннатдан қувилган шайтон мўмин-мусулмонларни ҳақ йўлдан оздиришга ҳаракат қилади. Маъмур бойваччанинг бегуноҳ қонини тўккан кимса шайтон васвасасига учиб, худонинг қаҳрини келтирди. Жамолиддин бегуноҳ. Унинг гуноҳсизлиги оллоҳ-таолога, менга ва яна бир кишига аён. Жамолиддин ўн уч йил дўзах азобини тартади. Унинг уволи ҳам қотилнинг елкасида.

Султонмуродхўжа шу зайлда гапни айлантириб-айлантириб, айб сиртмоғи ясади-да, Сабоҳиддиннинг бўйнига ташлади. Сабоҳиддин бу

сиртмоқ олдида иложсиз қолди. Аммо эшон унинг бошини силаб, раҳм-шафқат кўрсатди:

— Сиз ҳозир бориб, Маъмур бойваччани мен ўлдирган эдим, де-сангиз ҳам, акангиз Сибирдан қайтмайди. Бу бирламчи. Иккиламчи, сўзларингизга ҳеч ким ишонмайди. Аммо, умид чиннисини синдира кўрманг. Тангрининг шафқати беқийёс. Иншооллоҳ, акангизни дўзах азобларидан барвақт халос этиб, сизнинг ҳам гуноҳларингиздан ўтса. Бунинг учун сиз бутун борлигингиз билан ибодат қилмоғингиз, бу дунёнинг роҳатларидан воз кечмоғингиз лозим. Мен бефарзанд худонинг бир бечора бандасиман. Сизни ўғлим қатори кўриб, меҳр қўйган эдим. Сизни норасида деб фаҳмлаб, ортиқча азобларга гирифтор бўлмасин деб ўша кунни ёлғон гапирдим. Елкангиздаги гуноҳларнинг ярми менинг бўйнимга тушади. Шу топгача гуноҳ ишга қўл урган банда эмасман. Гуноҳларимни ювиш учун тоат-ибодатларимнинг ўзи кифоя эмас. Иншооллоҳ, хатму кутуб қилганингиздан сўнг, агар тангри умримизни берса, Маккатиллога ҳаж қилиб, оллоҳдан гуноҳларимизни сўраймиз.

Эшон домла бир неча марта уйланганига қарамасдан, бефарзанд эди. Унинг меҳр билан айтган сўзларига Сабоҳиддин ишонди. Аммо Сабоҳиддин унинг қалбида яширинган ниятдан беҳабар эди. Султонмуродхўжа Андижон мадрасасида билим олган, дадасининг топиш-тутиши ҳам ёмон эмасди. Бошқаларга нисбатан зийракроқ бўлгани, яхшироқ билим олгани учун дурустроқ обрў-эътиборни хаёл қилганди. Қишлоғига оддий имом бўлиб қайтиш қаноатлантормас эди. Юртнинг энг обрўли эшонлари қаторидан ўрин олиш йўлларини излаб юрганди халқ бесаранжом бўлиб қолди. Пикчи эшоннинг ғалабасига ишониб таҳсилни ҳам ташлади-да, унинг этагидан тутди. Қирғизлар тоғдан тушиб эшонни ҳол жонига қўймай оқ кигизга ўтқазиб, «хон», деб эълон қилишганда, Султонмуродхўжанинг юраги ҳаприқиб кетди. Эшонга мадҳия айтаётганлар орасидаги Султонмуродхўжа кўзини бир юмди-ю, оқ кигиз устида Йикчи эшонни эмас ўзини кўрди. Бу манзара оқ кигиз устида виқор билан ўтирган «Султонмуродхон» онгига муҳрланиб қолди. Жанглр бошланганда ҳам, ғалабадан умидини узиб қочганда ҳам, катта обрў истаганда Бухоро мадрасасига йўл олганда ҳам, ҳатто тунлари ўғринча жуҳуд маҳалласигача бориб юрганларида ҳам шу манзара кўз олдидан нари кетмасди. Назарида, худо уни хон бўлиш учун яратган эди. Уша жуҳуд маҳаллага қатнаб юганда жуҳуд йигитларнинг қўлига тушдию умиди дарз кетди. Аммо, кейинчалик, эркаклиги йўқолса ҳам, худодан умидвор бўлиб юраверди. Бироқ ҳар қанча уринмасин, иши орқага кетаверди. Оқибатда Бухоро мадрасасидаги таҳсил ҳам чала қолиб, қишлоғига қайтди. Қайтдию бойлик тўплашга киришди. У энди хонликдан умидини узиб, вилоятдаги энг бой одамга айлинишни истаб қолди. Бу орада оёғи остидан Сабоҳиддин можароси чиқди-ю, бу ҳам қоримга ярар, деб дилига тугди. Сабоҳиддинни Бухорога юбориб, у бир ўқ билан икки қуённи урган эди. Аввало қорабайирга етишиб, уни тузуккина ақчага пуллади. Қолаверса, назарида, Сабоҳиддин ундан маънавий қарздор бўлди. Фарғонада беклар бош кўтаргач, у эски ҳамтовоғи Норхўжанинг этагидан тутди. Норхўжа унга рўйхуш беравермагач, Сабоҳиддинга муҳтожлик сезиб уни чақиртирди. Бахтига Холиқберди тўра уни бошқа қўрбошига эмас, айнан Норхўжага юборибди. Аммо Зайниддин ҳожининг ҳам келиши Султонмуродхўжага ёқмади. Ундан қутулиш йўлини излай бошлади...

Султонмуродхўжа пул ташлаб кетгач Сабоҳиддин Салимхўжанинг қуюниб айтган гапларини эслади. Бухорода эканида гўё ўз эркича турмуш кецира олишга қурби етадигандек эди. Аммо ўт-олов бағридан ўтиб келар чоғида кўрган-эшитганлари уни анчайин ўйлатиб қўйди. Истаганича яшай олмаслигига тобора ишонч ҳосил қила бошлади. Шу тобда Салимхўжани, унинг суҳбатларини кўмсади. Салимхўжа ҳозир ёнида бўлганида, «айтмовдимми», деб гина қиларди. Аввал қошларини чимириб ўйга толарди. Кейин айрим шахслар манфаатидан юрт, эл манфаати устунроқ экани ҳақида гапирарди. Сўнг ирода ҳақида, балки

ойдин мақсад ҳақида сўз очарди. Ҳар нечук, Сабоҳиддинни маслакдош деб билмаса-да, унга далда бўларди. Афсуски, Салимхўжа узоқда қолган. Бу ерда эса фикрлашадиган, дардлашадиган ҳеч ким йўқ. Бундан буён бўлмаса ҳам керак.

Энди Норхўжанинг ҳузурига Машкурани деб боради. Акасига буни тушунтириб қўйиш керак. Жамолиддин ҳарбийда бўлса, уни қаердан, ким орқали топади?



Девона хириллаган овоз чиқариб титрай бошлагач, Рҳақ ундан кўзиңи олди-да, ташқарига чиқиб кетди. Девона ўша кунни остона ҳатламади.

СИНОВ

Кесганбелга шом тушди ҳамки, Дилмурод қайтмади. Асқарали, гарчи чойхонада ҳеч ким қолмаган бўлса-да, Дилмурод келиб қолар, деб пойлаб ўтирди. Кундузги воқеа ҳалқасидан қутула олмаган Рҳақ-Мирзавой ҳам ноилож чойхонада қолди. Асқарали чой дамлаб келиб сўрига чиқди. Мирзавойни ҳам ёнига чорлаб, чой қуйиб узатди.

— Дилмуроджон ҳам худди тўнғичимга ўхшаган бесаранжом эканлар,— деди у кафтига нос ташлар экан.— Тўнғичим ўзига ўзи қилди. Раисликни туппа-тузук эплаб турувди. Халқ ҳам ундан рози эди. Испанияга боришнинг нима кераги бор эди унга, ҳайронман. Бегона юрт бўлса, у ерда амма-холаси бўлмаса. На аза очишни биласиз, на кутишни...

— Кетаётганларида ризолик бериб эдингизми?

— Ризолик...— Асқарали бир зум ўйланиб, бош ирғади-да, кафтидаги носни яна носқовоққа қайтариб тўкди.— Ризолик бермай иложим қанча?

— Бошқаларнинг дардига бефарқ қарамаса, яхши одам экан ўғлингиз.

— Нимасини айтасиз. Шу колхозни деб неча ўлиб, неча тирилган. Агар ўғлим елиб-югурмаганда, Мамарайимга ўхшаганлар қишлоқнинг ярмини қулоқ қилиб юборишарди. Келиб-келиб рўйхат тузишни Мамарайимга топширибди. Битта сигири борни ҳам тиркабди-да рўйхатга бу занғар. Йўқ, ўғлим йўл бермади. Катталаргача бориб келди. Бўлмаса унга нима эди? Рўйхатни Мамарайим тузган. Гуноҳи ҳам унинг бўйнида... Ғалати эди тўнғичим, эсиз, пешонамизга сиғмади.

— Унинг ёмонлигини била туриб нимага сайлагансизлар?

— Мамарайимни ёмон демайман. Аммо жоҳиллиги бор. Дўппи олиб кел, десангиз, бошга қўшиб олади... Тўнғичимдан ҳеч бўлмаганда зурриёт қолмади. Шунга ачинаман. Унинг Сабоҳонда кўнгли бор экан. Бошқага уйланмади. Сабоҳоннинг ҳам кўнгли бор эди ўғлимга. Аммо отаси иблислик қилди. «Тўртта одам йиғилса, қудам шу киши бўлади, деб чўтирни кўрсатаманми?» дебди. Гапини қаранг занғарни. Охир-оқибат қизи ҳам бахтсиз бўлди. Аслида, у менинг чўтирлигимдан ор қилмаган. Керак бўлса мохов билан ҳам оғиз-бурун ўпишади у одам. Мўмайроқ қалинга умид қилган, чамамда. Ўғлим раис бўлгани билан ўшанда эчкимиз ҳам йўқ эди. Э, ишқилиб омон бўлишсин. Дунё шунақа экан-да. Турмушнинг бунақа яхши бўлиб кетишини ким билибди. «Ана, қиёмат бошланди, мана қиёмат келяпти», деб ўтакамизни ёришарди. Билсак, босмачининг ўзи қиёмат экан. Ушанда турмуш яхши бўлиб кетади, деганда жуда кам одам ишонарди-да.

Асқарали бағрида ётган аламдан бир оз холи бўлиб, енгил тин олди.

— Энди Дилмуроджон қайтмасалар керак. Улов бўлмаган кўрина-

ди. Эзмаланиб, сизни ҳам уйқудан қўймай.— Асқарали шундай деди, ўрнидан турди.

Рҳақ — Мирзавой у билан хайрлашиб, шифохона томон ўтди. Аммо ичкари кирмай остонада туриб қолди. Орқасига ўгирилиб, қабристон томонга қаради. Қўз олдига титроқ босган Девона келди. Рҳақ Девонанинг бошига тушган савдоларни аниқ билмаса-да, ақлдан озини сабабини англади.

Ерликларнинг юраги тангликларникига нисбатан анча кичик. Асаб хужайралари ҳам кам. Аммо шу кичик юракка тушувчи руҳий куч бир неча барабар катта. Рҳақ бу фикрни, бу номутаносибликни аввалги сафар чоғида сезмаган экан. У ёшлик чоғида, тарихни титкилаш орзусида юрганда тасодифан тангликларнинг бармоғи бир вақтлар бешта бўлганини эшитган эди. Жисмоний ҳаракат камайган сайин бармоқлар кичрайиб-кичрайиб, охири йўқолган экан. Балки юрак бунинг аксидир? Ҳис-туйғу, руҳий юк камайгани сайин балки тангликларнинг юраги катталашиб кетгандир. Ахир у ҳозир фақат қон ҳайдашдан бўлак ишни билмайди-ку? Албатта, юракнинг кераксиз ҳислардан, демакки, ортиқча руҳий юкдан холи қилингани дуруст. Лекин у бефарқ, бемехр бўлиб қолмаслиги керак экан. Рҳақ бунинг азобини Тангда сезмаган эди. Ерга тушиб билди. Билди-ю, оғир юк кўтарувчи ана шу митти юрак эгаларига ҳаваси ошди.

Кесганбел уйқуга берилди. Ҳатто итлар ҳам ҳурмай қўйди. Уйлар қутилар каби терилган. Қабристонни дарахтлар қораси тўсган. Шундай бўлса ҳам Рҳақ ўша ёққа тикилди. Девонанинг титраб, букчайиб ўтириши сира кўз олдидан кетмади. Аслида, у бундай қилмаслиги керак эди: Девонанинг азоб чекишини яхши биларди. Шунинг учун ҳам дастлабки кунлари бу ишдан ўзини тийиб юрди. Аммо бўлажак таҳлиллар учун Девонанинг бошига тушган савдоларни билиши жуда зарур эди.

Уша тун Девонага нисбатан Рҳақнинг ўзи кўпроқ азоб чекди. Тонгни бедор қаршилаб, юрагидаги ҳисси янги қудрат касб этганини кашф қилди. У фақат қиёфаси билан эмас, ички дунёси билан ҳам ерлик одамларга яқинлашаётганига амин бўлди.

Рҳақ-Мирзавой саҳарда нонушта қилганича, кейин чойхонага чиқмади. Сабохонга ҳам рухсат бериб юборди. Тоғдаги кўкатлардан тайёрланган дорини элтиб, раисни тинчитди. Шундан сўнг то пешинга қадар хонасидан чиқмади. У бўлажак ишлар учун руҳиятини созлаб олиши керак эди. Шу сабабли шифтга тикилганча ҳеч нимани ўйламай ётди.

Унинг тинчини Дилмуроднинг овози бузди. Рҳақ эринибгина туриб, керишди-да, унга пешвоз чиқди. Сочу қошларигача чангга беланган Дилмурод қўлидаги қора сумкани остонага қўйиб, ўзи тол соясидаги сўрига бориб ўтирди. Кейин, қайтишда уловсиз қийналганини айтиб бўлгач: «Ҳаммаёқ жимжит, тинчликми?» деб сўради.

— Сабохонга рухсат бериб юбордим. Шопўлат акамиз бугун прогул қилдилар. Назаримда, Умидани олиб кетганингиздан хафа,— деди Рҳақ.

— Узим ҳам шундай бўлади, деб ўйлагандим. Яна олдига бориш керак. Энди ўзича келмайди.

Дилмурод ювиниб, чой-пой ичиб олгач, қабристонга йўл олишди. Хужрани қарашди: Девона йўқ. Уни эртасига ҳам, индинига ҳам топа олишмади. Орадан беш кун ўтса ҳам ундан дарак бўлмади. Нима қилишни билмай гаранг бўлиб турганларида, Сабохон келиб Девонани мазорбошида кўргангани айтди-ю, уларнинг зимистон юракларига чироқ ёқилди. Пайсалга солмай, ўша заҳоти Девонанинг хужрасига боришди. Маъжус ўтирган Девона уларга парво қилмади. Рҳақнинг ҳазил-ҳузули ҳам эътиборсиз қолди.

Менга қаранг, Шопўлат ака, сиз Умиданинг кетиб қолганига хафа бўлганга ўхшайсиз, а? Тўғрими?

Девона бошини эгди.

— Бе, шунга шунчами,— деди Рҳақ-Мирзавой Дилмуродга «масала равшан» дегандек кўз қисиб қўйиб,— Умида эрта-индин келади. Унгача Шопўлат амаким дўхтирхонада ишлаб турсинлар, депти. Ишга бормасангиз, қайтмас экан...

...Ҳозир Девонага гапириш ортиқча эканини билиб, бўшашган ҳолда изларига қайтдилар. Рҳақнинг гаплари таъсир қилдими, ҳар нечук Девона эртасига «ишга» келди. Бир неча кун шу зайлда ўтди. Дилмурод яхши гапириб унинг кўнглини овлар, бу тайёргарликнинг машаққатидан эмас, чўзилиб бораётганидан куюнарди. Девона ҳадеганда бўйин берадиган эмасди. Бунинг англаган Дилмурод яна Мирзавой ёрдамида иш туттишга ҳаракат қилди.

Мирзавой ҳовлига чиқиб Девонани тол соясидаги сўрига чиқарди-да, Дилмурод тайёрлаб берган саволлар бўйича уни аста сўроққа тутди.

— Чойхоначи Асқаралининг эшигига боргансиз-а? Эшигида нима бор эди?

— Эшигида... эшак!— Девона елкасини силкитиб-силкитиб астойдил, мароқ билан кулди.

— Яна нима бор?

— Эшак...

— Уйида палос-палос, хонтахта борми?

Девона Мирзавойнинг оғзига қараб индамай тураверди.

— Уйида нима бор?

— Ғинг-ғинг, така-тум, така-така-тум,— Девона шундай деб қўли билан ҳавода айлана чизди. «Пателефон шекилли», деб ўйлади Дилмурод унинг ҳаракатларига разм солиб.

— Шопўлат ака, манави хўжайин мендан пакана-а? Асқаралининг невараси ҳам шундай. Уларнинг орасида нима фарқ бор?

— Пак-пакана...

— Капалакни биласиз-а, мусичани ҳам биласизми? Уларнинг бири-биридан нима фарқи бор?

Девона атрофига олазарақ қаради: афтидан, мусича ёки капалак излади. Аммо кўзи эшиқдан кириб келаётган раисга тушиб, ўрнидан туриб кетди. Орқасига чекинди. Дилмурод Девонанинг раисдан озор чекканини сезд.

Раис қамчин ўйнатганча этик қўнжига уриб-уриб келарди. Врачлар билан совуққина сўрашиб, сўрига омонат ўтирди.

— Бу нимаси яна! Одамлар дўхтирхонага йўламайдиган бўлиб қолишибди-ку?

— Қани, ичкари кирайлик...

— Менга шу ер ҳам бўлаверади, ичкари дим.

— Шопўлат ака, сизга рухсат, бораверинг.

Девона осон қутулганидан хурсанд бўлиб тезгина чиқиб кетди. Рҳақ-Мирзавой воқеани аста тушунтирди. Мамарайим унинг гапларини бўлмайд тинглади. Кейин эса ҳеч нима эшитмагандай: «Жиннини йўлатманглар, тамом!» деб туриб олди.

— Одамлар қўрқяпти, бу бирламчи,— деди у қарорини изоҳлашга уриниб,— иккиламчи, ўзларинг ўйлаб топган сантехникага ҳам тўғри келмайди. Дўхтирхона озода бўлиши керак.

— Сантехника эмас, сангигиена...— деди Дилмурод унинг хатосини тўғрилаб.

— Ҳа, нима бўлса ўша-да,— деди раис беписанд оҳангда.

— Ахир Тошкентдан атай тажриба ўтказаман деб келган бу киши!

— Бу ер тажрибахона эмас, колхоз! Жинни керак бўлса, ана, олиб кетаверсин.

Раис «Гап тамом!» дегандек қамчи билан этик қўнжига бир уриб қўйди-да, турди.

— Тўхтаг, Мамарайим ака, гапимизни эшитинг. Рентген аппаратини биласиз, а? Дизелни ҳам эшитгансиз. Аслида Рентген ҳам Дизел ҳам олимларнинг номи. Дилмуроджон ҳам антиқа бир асбоб ясаган-

лар. Агар синов яхши ўтса, «Кесганбел!» деб ном берадилар. Шу баҳонада қишлоғингизнинг номи дунёга машҳур бўлса ёмонми?

Мамарайим, мени мазах қиляптими бу, деб бир қараб олди. Рҳақнинг жиддий турганини кўриб, ҳовуридан тушди.

— Менга қолса, йўқ демайман. Лекин одамлар...

— Одамларга тушунтирамиз.

— Яхши, агар бирор гап қўзғалса, хафа бўлмайсизлар... Асбобига «Кесганбел», деб ном берадими, бало дейдими, бари бир аяб ўтирмайман....— Раис шундай деб чиқиб кетди.

Эртасига Рҳақ раисга учрашди-да, тоққа чиқиб кетишаётганини, доривор гиёҳлар териб тушажакларини айтиб, рухсат олди. Саҳар чоғида, Асқарали иккита эшакка тўқим уриб бергач, йўлга тушишди.

Довон ошиб юқорилашишган сайин арчазор қалинлаша борди. Салқин ҳавода этлари жунжикди. Эшакда юриб ўрганмаганлари учун энди пиёда бўлиб олишган эди. Дилмурод атрофига боқиб тўймасди. Атрофлари арчага беланган тоғ. Нақ тепаларида қуёш. Улар худди улкан кўзанинг тагига тушиб қолгандек. Гўё чиқиб кетадиган йўл йўқдек. Яккатовон сўқмоқ қорли чўққи томон узайиб бораверади. Қорли чўққининг учи эса кўринмайди. Пахмайиб кетган кўнғир булут худди илашиб қолгандай қимирламасдан турибди...

«Одамнинг ҳаёти ҳам табиатдаги дарахту кўкатларга ўхшайди,— деб ўйларди Дилмурод.— Одамнинг ҳар хили бўлганидек, дарахтлар ҳам турлича. Бири истаганча эгилаверади. Бири эгилишидан кўра си-нишни раво кўради. Мана; арчалар қияликда ҳам тик ўсяпти. Уларни қор кўмиб ташлайди, сел юлмоқчи, шамол эгмоқчи бўлади. Лекин бари бир тик ўсаверади. Қорнинг ҳам, селнинг, шамолнинг ҳам ўткинчилигини билади...»

Эшагини етаклаётган Рҳақ Дилмуроддан беш қадамча орқада келарди. У ҳам бу ажиб манзарага суқланиб боқар, бундай гўзалликни ҳаёлан Тангдан изларди. «Танг ҳам балки қачонлар шундай сеҳрли бўлгандир,— деб ўйларди у.— Аждодларимиз худди шундай соф ҳавода нафас олгандирлар. Табиатнинг бундай чиройидан завқлангандирлар. Ҳозирги авлод эса ҳаммасидан маҳрум. Тангликлар Ерга келса, буларнинг қадрига етармикан?»

Улар бир-бирига елка тираган икки тоғ орасидан ўтиб, кўм-кўк ўт билан бурканган ялангликка чиқдилар.

— Буни қаранг, Мирзавой ака, қулинг ўргилсин оромгоҳ бўлади-ган жой эканми, а?— деди Дилмурод тўхтаб.

— Ҳа, бунақа жаннатсифат жойлар ҳамма ерда ҳам бўлавермайди,— деди Рҳақ-Мирзавой унинг гапини маъқуллаб.

— Аттанг, минг аттанг,— деди Дилмурод бош чайқаб.— Биз жаннатимизнинг қадрига етмаймиз. Бунақа жойда ҳордиқ чиқарган одамга касал деган нарса яқинлашмайди. Аввало ҳавонинг ўзи дори. Қолаверса, фақат сут ёкиқимиз ичиб шифоланиш мумкин. Мана шу кўкатларнинг ҳаммаси дори.

— Дилмуроджон, сизга разм солиб тураману, ҳайрон бўламан. Бир қарасам доно, кўп ўйлаб кам гапирадиган вазмин олимсиз. Бир қарасам, болаларча соддалик билан куйиниб кетадиган жиззакисиз...

— Бу ҳаммада ҳам бор қусур, Мирзавой ака. Сиз ўзингизни билмай гапираяпсиз шекилли, а?

— Мен ҳам шунақаманми?

— Ҳозир менга тақаган айбингиз тўлалигича ўзингизга тегишли. Ҳатто ҳаракатингизда ҳам мўътадиллик йўқ. Дам оғир қадам ташлайсиз, дам югуриб кетай дейсиз. Айниқса қияликларда сизга етиш қийин. Яна, ўпкамнинг мазаси йўқ, дейсиз. Очиғини айтсам, овқатни ҳам бир хилда емайсиз. Қайфиятингизга-ку мутлақо тушуна олмайман. Сизда аскияга мойиллик бор десам, камгап бўлиб қоласиз. Одамови десам, Асқарали ака билан теппа-тенг гаплашасиз. Тўғри сезибманми?

Рҳақ-Мирзавой жилмайиб тасдиқ ишорасини қилди. У Танг кемасидаги ген камерасини мукамал деб ҳисоблагани учун чинакам

ерлик одам қиёфасига кирганман, деб ўйларди. Ҳолбуки, ҳаракатлари-да шунча тафовут бор экан. Демак, Танг билан Ердаги вақт оқимининг тезлигидаги фарқ генетик код тузилаётган дамда аниқ ҳисобга олинмаган. Энди диққатни бир ерга жамлаб, ўйлаб иш юритиш керак.

Улар Новқатга кун оққанда кириб келишди. Тўғри чойхонага тушиб, шу қишлоққа келиб, кейин кетиб қолган жиннини суриштиришди. Рҳақ шу жойлик Машкура исмли аёлни топиш кераклигини билса ҳам, сир бой бермади.

Чойхонадагилар жиннини дарров эслашди.

— Ун йилнинг нари-берисида бир Телба пайдо бўлувди,— деди чалакўса бир қария тамшаниб.— Жалолсўфининг қизи «акам», деб бошлаб келувди. Жалол сўфининг муллавачча ўгли бўларди. Айтишларича, ўшанинг эси оғиб қоғонакан. Аммо мен унга ўхшатмадим. Ё жинни бўғонига ўзгариб кетганми, қайдам. Сўфининг қизи кичкина тўй берган кундан кейин жиннининг ҳам қораси ўчди. Ушандан бери, худога шукр, Новқатда жинни зоти бўлмади.

Машкуранинг уйига ўша қариянинг ўзи бошлаб келди. Ичкари кириб фотиҳа ўқиди-да, юмуши борлигини, узрли эканини айтиб чиқиб кетди.

Дилмурод Машкуранинг оппоқ сочлари, ажин босган юзи, хиёл эгик қаддига боқиб қари кампир бўлса керак, деб ўйлаганди. Кейин билса, у Девонанинг синглиси экан. Машкура ҳам, унинг муомаласи дағалроқ эри ҳам меҳмонларнинг врач эканига ишонмади. (Қайси врач қайси замонда битта жиннининг тарихини биламан, деб тоғ ошиб келибди?) Шунинг учун саволларга узук-юлуқ ноаниқ жавоб беришди. Ҳатто Машкура: «Невлай, акамга ўхшатиб эдим. Кейин кетиб қолди», деб гапни калта қилди. Рҳақ суҳбатни яна маромига соламан деганда, Дилмурод қовун тушириб қўйди:

— Акангиз Норхўжа деган қўрбоши билан бирга бўлган экан. Бухорода ўқиб келган экан, шу ростми?— деган саволни эшитиб Машкуранинг эри ёрилиб кетди.

— Ҳой, ука, менга қаранг: сиз унақа ишни чувалаштирманг. Пўк ердан айбни топиб келиб қўйишни биз ҳам биламиз. Опангизнинг умри болаларни ўқитиш билан ўтяпти. Мен ҳам колхозда кичкина эмасман. Бизни қақшатишни ўйламанг. Менинг уруғимда ҳам, опангизнинг уруғида ҳам босмачи, мулла дегани бўлмаган. Опангизнинг акаси қизил командир эди. Ҳужжатларимиз бор. Бизни гангитмай, изингизга қайтинг, ҳа. Чойни ичиб бўлгандирсизлар, а?

Бу гапдан кейин, ноилож туриб, чойхонага қайтишди. Машкура уларнинг кўзига қарай олмади. Эри бўлса, пок одам эканини то кўчага қадар таъкидлаб борди.

Чойхонадагилар бўлган воқеани эшитиб ачинишди.

— Шунақа бўлишини билиб дарров изимга қайта қолувдим,— деди ҳали йўл кўрсатган қария.— Бу сўлтаматга ақл битмади-битмади. Эшигингга отангнинг қотили келса ҳам бир кечага жой қилиб бермайсанми, ит эмган. Ахир уйингга нон сўраб келишмабди-ку? Тағин ҳам бахтига омонлиқ замон. Эски пайтлар бўлганда, меҳмоннинг юзига чопгани учун сазойи қилинарди...

— Жиннининг қадамини ҳам ўша номард қирқди. Тўйда одамларга кўринса изза чекаман, деб тоғасиникига олиб бориб қамаб қўйибди. Жиннида ҳам фаросат бўларкан-да, эшигига қайтиб келмади...

Чойхонадагилар Машкуранинг эрига шу зайлда лаънат тамғасини босишгач, меҳмонларни (бири олиб, бири қўйиб) уйларига чорлашди. Рҳақ билан Дилмурод, уларга минг марта қуллуқ қилиб, чойхонада қолишди.

— Ҳар ҳолда келганимиз чакки бўлмади. Воқеа анча ойдинлашди. Девона шу хотиннинг акаси. Довдирашидан билиниб турибди. Фақат айтишга қўрқяпти. Энди ўз отини айтиб чақирсак ҳам бўлади,— деди Дилмурод ичига пахта тиқилган қаттиқ ёстиққа ёнбошлаб.

— Ярасини янгилаб қўймаймизми?— деди Рҳақ ўрнини тузата туриб.

— Бу гапингизда жон бор. Агар унга қаттиқ таъсир қилган воқеани аниқласак, қойилмақом иш бўларди. Лекин бу воқеани буларнинг ўзлари ҳам билмаса керак. Ҳар ҳолда босмачиларга боғлиққа ўхшайди. Бошига уришганми, қўрқитишганми, қийнашганми, ишқилиб бир гап бўлган. Аскарларнинг қалпоғи эсингиздами? Демак, у Машкуранинг катта акасиники. Демак, жинни ақлини бутунлай йўқотмаган. Бу ишимизни анча енгиллаштирувчи далил!

Дилмурод «керакли нарсалар»ни билиб олганидан мамнун эди. Рҳақ эса Машкуранинг яширин ўйларини ўқиб, Сабоҳиддиннинг қисматига янада кучлироқ қайғурарди.

Новқатдан қайтишгандан сўнг Дилмурод синовга тайёргарликни тезлаштирди. Девона хонага кириб ётишга тўрт марта бўйин бермади. Охири, ҳеч қандай қўрқинчли ҳодиса содир бўлмаслигига ишонч ҳосил қилгач, устига чарм қопланган тахта сўри устига чиқиб, кўзларини чақчайтирганича жим ётди. ТЭТ ишга тушиб импульс юборилгач, ҳушидан кетди. Рҳақ савол назари билан Дилмуродга қаради.

— Меъёрни сал оширибмиз. Хавотир олманг, ҳозир ҳушига келди,— деди Дилмурод унинг мижжаларини қайириб кўрар экан.

Девона икки соат ҳаракатсиз ётди. Кейин баданига титроқ кирди-да, ўрнидан турди. Рҳақ билан Дилмуродга ҳайрат билан тикилиб орқасига тисарилганича чиқиб кетди.

Дилмурод ўзини хотиржам кўрсатишга уринса-да, аста титраётган бармоқлари ҳаяжонини фош қилиб турарди. Шунинг учун ҳам асбобни шоша-пиша филофга жойлагач, уйга бориб дам олажани баҳона килиб чиқиб кетди.

Рҳақ унинг асл мақсадини билгани учун кузатгани чиқмади. Чарм қопланган сўрига ўтириб ўйга толди...

«Ҳозир уйга боради-ю, паналаб қабристонга йўл олади. Девонани кузатади. Ҳаяжонини мандан яширмақчи. Биринчи синовининг яхши ўтганини ҳали ўзи ҳам билмайди. Қишлоққа келганига ой тўлмади, аммо бир зум тинч турмади. Доим бир нарсани фикрлайди, баҳслашади, исбот қилмоқчи бўлади. Хуллас, қараган киши унинг тирик эканини, юраги уриб турганини дарров ҳис қилади. Тангликлар эса... Уларнинг тириклигини фақат ҳаракатидан билиш мумкин...»

Рҳақнинг кўз олдига Фиднинг ҳорғин чеҳраси келди. Рҳақ иккинчи сафарга тайёргарлик кўраётганида Фид ўзининг қарашларини ошкор этган, ҳамиша Рҳақ билан яқдил эканини билдирган эди.

Ерга сафар қилгунча Танг донишмандлари масалаларни баҳсга берилмай туриб тезда ҳал этардилар. Лукн билан Рҳақнинг кундаликларидаги қарама-қарши фикр қутилмаганда уларни икки оқимга ажратиб қўйди. Рҳақ ер тараққиётига таъсир кўрсатмай, ерликларнинг ички дунёсини соф сақлаб қолиш керак, деган талабни илгари сурган эди. Фид Рҳақнинг, «тезроқ тараққиёт билан ички маънавий дунё бир-бирини рад этади. Тушунмовчилик, хатолар, урушлар барҳам топиб, Ерда оқибат, чинакам меҳр-муҳаббат қарор топади», деган фикрини қўллаб янглишмаган эди. Агар Ерга келганида бунга ўзи ҳам иқдор бўларди. Мутаносибликни бузиб, тараққиётни тезлатиш тарафдорлари кўпроқ эди. Ернинг бошқа нуқталарини кузатаётган тангликлар агар ўзгача хулосага келсалар, Лукн тарафдорлари мутлақ қарорга келиб қўйиши мумкин. Фид атрофидаги бир неча донишманд билан бу кучга дош бера олармикан?..

Бу ўлканинг асрий уйқудан уйғонганини кўр ҳам пайқаши мумкин. Аввалги сафар чоғида Шоазиз ўткир зеҳнли алломалардан сўз очганда, амир бўйнига айб сиртмоғини илган эди. Салимхўжа эса замон алломаларининг кўз очиши учун нималар қилиш кераклигини айтганди. Унинг башорати тўғри чиқди. Мана, Дилмурод Ер сатҳида ҳеч бир донишманд ўйламаган ишни қилди. Эрта-индин Девонанинг хотираси-

ни буткул тиклаб, ҳушини жойига келтиради. Уйғонишнинг исботи учун яна нима керак?

Рҳақ Девона ҳусиз ётганда тунов кунни уни гипноз қилганидан афсусланди. Шошилмаслиги керак экан. Чунки ўша гипноз таъсирида Девонанинг хотираси қисман тикланиб қолган, бугун эсдаликларнинг давоми юз очган эди. Рҳақ бу эсдаликларни ўқиб, энди Девонани ўз ҳолига қўйишга аҳд қилди.

Ҳозир, хонада ёлғиз қолгач, Девонанинг бошига тушган савдоларнинг давомини кўз олдига келтирди. Устарада қирдирилган бошига чолдўппи қўндирган, оқ ятак, оқ иштон кийган, қорувли гавдасини хиёл эгиб, тасбеҳ ўғирганича хомуш тортган Сабоҳиддин нигоҳидан кетмай қолди...

Мубҳам сўқмоқ

Отасининг ногаҳоний ўлимидан дили вайрон бўлган Сабоҳиддин синглисининг қисматини ўйлаб юрак-бағри эзилиб кетди. У синглиси учун Норхўжанинг қароргоҳи нима экан, нариги дунёга бориб келишдан ҳам қайтмасди. Сабоҳиддин икки томони найзаю тиглар билан беркитилган сўқмоққа кириб бораётганини биларди. Тиглардан дуою илтижолар ёрдамида қутулиб бўлмаслигига ҳам ақли етарди. Сабоҳиддин била туриб шу манзилга боряпти. Ўзга чора йўқ. Ишқилиб, синглиси омон қолса, бас.

Сабоҳиддин шу ўйлар гирдобига тушган бир маҳалда от дупури эшитилди. Чавандоз уларнинг эшиклари оғзида тўхтади. У Ой ёруғида акасини таниб, ирғиб ўрнидан турди-да, унга пешвоз чиқди. Жамолиддин отасининг қазосидан хабар топиб келган эди. Шу учун укасини кучоқлаб унсиз йиғлади. Бу орада ичкаридан Соҳиба ая чиқиб, паст овозда йиғи бошлаб, ўғлини бағрига босди.

Сабоҳиддин қуръон тиловат қилди. Жамолиддин укасига қўшилиб фотиҳа ўқиди.

Ака-ука Соҳиба аяга: «Кириб дамингизни олинг», дейишса ҳам ая унамади. Ўғилларининг дийдорига тўяй деб, тун ярмидан оққунча ўтирди.

Тонг билан барабар туришди. Сабоҳиддин бомдодни ўқиб олгунча Жамолиддин отига ем ташлаб, қашлаган бўлди. Кейин икковлон қабристонга йўл олдилар.

— Мен ҳозир кетишим керак,— деди Жамолиддин қайтар маҳалларида.— Имилламай Машкурани олиб кел.

— Эшон почча билан бормоқчимиз.

— Шундай бўлишини сезган эдим. Босмачиларга ўтишинг аниқ экан. Домланг усталик қилибди.

— Аста суриштирсам, қишлоқнинг кўп йигитлари ислом лашкарлари... сиз айтмоқчи, босмачилар сафида экан. Улардан бу қадар нафратланишингиз ўринсизмикин... Ахир... босмачи ҳам сиз билан менга ўхшаганлардан чиққан экан-ку?

— Бу гапинг тўғри. Биздақалар ҳам бор. Сургунда юриб мен кўп нарсани англадим. Энг муҳими — ҳақиқат ягона бўлса ҳам уни турли одам турлича тушунар экан. Замон нотинчлашиб, адашганлар ҳам кўпайди. Ким ҳақ эканини билмай гарангсиб юрганлар ундан ҳам кўп. Мана, ўзинг ҳам фарқига бормаيسان-ку?

— Мен ҳақиқат имонлиларда деб биламан.

Сабоҳиддин, акам яна қизишиб кетар, деб ўйлади. Йўқ, Жамолиддин унинг гапини эшитиб, бош чайқаб қўйди-ю, оёғи остига қараганча бир меъёрда юраверди. Қабристондан кўнгли чўкиб чиққани учунми, унинг шашти паст, укасига Марғилондаги каби қаттиқ муомала қилмас, аксинча, мулойим гапирарди. Бошқа бир томондан у Сабоҳиддиннинг сиртмоққа тушиб қолганини фаҳмлаган, энди уни қутқариш йўлини излаб, гаранг бўлаёзган эди.

— Босмачилар қуроқ дастурхонга ўхшайди. Уларнинг дастидан юрт ҳам қуроқ бўлиб кетди. Меҳнаткашнинг аксари биз томонда. Агар ҳориждан келаётган мадад қирқилса, босмачилар узоққа боролмайди. Улар четга сифинишяпти. Гўёки четдагилар диннинг паноҳи, таянчи эмиш. Падарига лаънат бундай таянчнинг. Агар фойда унишига кўзи етмаса, бизга қайрилиб ҳам қарашмасди. Улар хазиналарининг қап-пайишини ўйлаб юртимизга адоват уруғини сочишяпти... Мусулмончиликнинг пок-нопок бўлиши билан инглизнинг неча чақалик иши бор? Наҳотки шуни тушуниш қийин бўлса. Уларга диннинг покизалиги эмас, юртимизнинг бойлиги керак.

— Бойлик керак экан, ўзлари қўшин тортмайдиларми?

— Нодонсан, ука. Ҳали ҳам эсинг кирмабди. Дунёнинг ишлари сен ўйлаганчалик осон эмас. Боқувда турган отга тушов уриш машаққатли, аммо ҳолдан тойгани индамай бўйин эгиб туриб беради. Улар бизнинг ўлар ҳолга келишимизни кутишяпти. Бу — бирламчи. Иккиламчи, ҳокимиятни босмачилар қўли билан олишмоқчи. Бу улар учун энг қулай йўл. Одамларга бир нарсани уқтириш керак: босмачиларнинг қўли баланд келгудай бўлса, деҳқоннинг бири асти икки бўлмайди. Меҳнаткашга дунёнинг нариги четидан келган инглиз бойваччаси эмас, ўриснинг мужиги қайишади.

— Ғайридинларми?

Жамолиддин укасига ялт этиб қаради. Кўзида ғазаб кўринди.

— Бу ҳақда аввал гаплашиб эдик шекилли?

У Сабоҳиддиндан жавоб кутмай, қадамини тезлатди.

Кўчаларига бурилиб, эшиклари оғзида тўпланган одамларни кўриб ажабланишди. Оломон уларнинг йўлини тўсди.

— Ана, каллакесар падаркушнинг ўзи келяпти,— деб қичқирди кимдир. Жамолиддин бу гапни эшитиб қўлини ғилоф сари юборди.

— Тўппончангни тек қўятур,— деди қўлига сўйил ушлаган, кир яктакли, ялангоёқ, бошига пилтаси чиққан дўппи кийиб олган ўрта яшар киши.

— Ҳа, Мақсум тоға, бу нима ҳаракат ўзи?— деди Жамолиддин.

— Гўштни қаерга яширдинг?

— Қанақа гўшт?

— Пешонамда биттаю битта ғунажин бор эди. Буни билардинг. Болаларимнинг ризқига худонинг раҳми келиб босмачиларга ҳам олдирмаганди. Сен юлиб олдингми, ҳароми!— Мақсум тоға шундай деб сўйилни кўтарди. Оломон бақириб-чақириб уларнинг устига бостириб кела бошлади. Жамолиддин маузерини чиқариб осмонга кетма-кет иккита ўқ узди. Одамлар тинчишди.

— Мақсум тоға, ғунажинингизни бошимга ураманми мен? Кимдир тухмат қилибди.

— Тухмат? Ғунажиннинг терисини ҳам биров уйинга ташлаб кетибдими? Ана, оғилхонангга тиқиб қўйибсан.

— Шўролар камбағалга қайишади, дейишарди. Босмачидан баттар ўғри экан-ку!

— Отангни шўролар отган эди. Хун олишни ўйламай...

— Бу гапни қўятур. Гўштни беркитган жойини кўрсатсин.

— Гапимга ишонинг,— деди Жамолиддин бўғилиб,— кимдир сизга шўроларни ёмон кўрсатиш учун атайин...

— Тўппончангни йўқот. Кўзимга ҳеч нима кўринмай турибди, майиб қилиб қўяман, бола.

— Ўғирламаган бўлсанг, аслаҳангни ечиб гаплаш биз билан. Мана ҳеч биримизда қурол йўқ.

— Бизга ишонмасанг, укангга бериб қўй. Олдимизга тушиб эликбошига борасан.

Жамолиддин бу гаплардан кейин ноилож аслаҳаларини ечиб укасига берди-да, оломон олдига тушди. Гузарга етишганда, беш чоғли отлиқ уларнинг йўлини тўсди. Жамолиддин босмачилар тузоғига илин-

ганини англаб қочмоқчи бўлди. Бироқ, одамлар унинг қўлларини қайриб олдилар.

— Нима гап?— деди ўнг қўлида бешотар ушлаган, шойи чорсини пешонасига чапанича боғлаган киши.

Одамлар, бири олиб-бири қўйиб, воқеани баён қилишди.

— Шўроларнинг таъзирини бекбошининг ўзи беради. Мановни ушлаганларнинг учун бу сафарги солиқдан озодсизлар.

У гапини тугатиши билан тўрт йигит отдан ирғиб тушиб Жамолдиннинг қўл-оёғини боғлай бошлади. Ерданга ташланган Сабоҳиддиннинг бошига оғир нарса урилиб, ҳушидан кетди...

Кўзини очиб ўзини уйда кўрди. Тепасида Султонмуродхўжа, сал нарида Соҳиба ая тақдирни лаънатлаб ўтирибди. Сабоҳиддин нимадир демоқчи эди, тил айланмади. Унинг айтмоқчи бўлган гапини эшон англади.

— Барини эшитдим, ўғлим. Хотиржам бўлинг. Акангизни Норхўжанинг йигитлари олиб кетибди. Худо хоҳласа, биз ҳам бомдоддан кейин йўлга чиқамиз.

...Соҳиба ая ўн тўрт фарзанд кўриб, ўн бир гўдагини ерга қўйган. Ун бир марта оналик қувончини норасидаларига қўшиб қора ерга кўмган. Уша ўн бир ҳур гўдакнинг умри ҳам, бахти ҳам, ризқи ҳам қолган учтасида деб юрганида, умиди хира тортди. Каттасини уйлантирди. Аммо кутилмаганда ўғли талоқ хатини берди. Ёш йигит сўппайиб ўтиб кетармиди дунёдан. Қайта уйлантирамиз, деб туришганда, орага шайтон аралашди-ю, Жамолдиннинг сурғун қилишди. Хайриятки, у олти йилда қайтди. Аммо бари бир дийдорига тўймади. Орзу-ҳавас кўролмади. Ола-тасир бошланиб, ўғли шўроларга қўшилиб кетди. Баъзан ойлаб хабари бўлмайди. Ишқилиб ажал қувмаган бўлсин. Замон нотинч экан, эркакларнинг боши ташвишдан чиқмайди. Лекин қиз бола худога нима ёзибди? Худо қизини ҳам бағрига сиғдирмай, унга яна қандай аламини раво кўрдийкин? Балки уни паноҳига олиб савоб қилгандир? Ундай деса, мусофирликдан қайтган Сабоҳиддинни ҳам узоқ йўлга бошлаб кетяпти. Уй ҳувиллаб қоляпти. Гўё у сира фарзанд кўрмагандай, бир умр якка-ёлғиз яшагандай. Бир ўзи... ёлғиз... Унинг дардига ким дармон бўларкин?.. У ҳам барча оналар каби оҳини ичига ютади. Бошқа иложи йўқ.

Она дунёга бир келади, аммо неча бор ўлиб-тирилади. Фарзандига зирапча кирса, унинг бағрига ханжар санчилгандай бўлади. Фарзанд доғи, айрилиқ она қалбини оташда қовуради. Агар она тириклайин ўтда куйдирилса, бунчалик азоб чекмасди. Она тортган дард билан қувончни тарози палласига қўйилса, умр бўйи кўрган шодликлари бир кунлик дардига ҳам бас келолмаслиги аниқ.

Сабоҳиддин аясининг кўзларига қараб, юрак-бағри эзилиб кетди. Соҳиба аянинг ёш айланиб турган кўзлари мунгга тўлган. Шу ҳолида ҳам у худога шукр қилиб, дардини сиртига чиқармасди. Сабоҳиддин бомдоддан кейин онасининг илтижоларига беихтиёр қулоқ тутди. «Фарзандларимни бағримдан юлиб олгунча, бир бурда нонга зор қилсанг бўлмасмиди...» Шу нола Сабоҳиддиннинг бағрини тилиб, туз сепди. Хайрлашар чоғида ҳам онасининг йиғламсираб айтган гаплари қулоғи остида жаранглайверди: «Фарзандларимни бағримдан юлгунча бир бурда нонга зор қилсанг бўлмасмиди»...

Сабоҳиддин онасини остонада ёлғиз қолдириб, кўнгли чўккан, қалби эзилган аҳволда эшонга эргашди. Дастлаб қараганда онаси эшикка суяниб турарди. Яна бир қараса, чўнқайиб, муштдай бўлиб ўтирибди. Кейинроқ орқасига ўгирилганда, уларнинг ҳовлисини дарахтлар пана қилиб қўйган эди. Шабада туриб дарахт барглари шивирлай бошлади. Бу шивир орасида у яна онасининг оҳини эшитди: «...бир бурда нонга зор этсанг бўлмасмиди...»

Отларни ўз ҳолига қўйишди. Жониворлар аста йўрғалайди. Катта оқ салла ўраган, оқ чопон кийиб олган Султонмуродхўжани кўрган-

лар таъзимга шайланишади. Қишлоқдан чиқишгач, отларни илдам-латишди.

— Эшон почча, шунча кундан бери оғзингизни пойлайман, ўзингиз айта қолай, демайсиз.

— Нимани, ўғлим?

— Сиз қишлоқдаги ҳамма одамни яхши биласиз. Дадамни ким ўлдирган бўлиши мумкин?

— Узимнинг ҳам ақлим бовар қилмай қолди, ўғлим. Дадангиз бегуноҳ, мўмин-мусулмон эди. Биров билан ҳеч маҳал сен-менга борганмас.

— Ёки қотил бирор бошқа киши билан адаштирдимикин?

— Қайдам?

— Отган одам шўроларданми, ё?..

— Масжидга қараб ким ўқ узиши мумкин?

— Ахир, акам шўролар томонида-ку?

— Худодан қўрқмаган отани аямайди!

Сабоҳиддиннинг нафаси ичига тушди. У эшон сирни очишга кўмаклашар, деган эди. Акси бўлиб чиқди.

Ён-атрофда дарахт кўринмайди. Баҳайбат тошлар орасида, қуёшнинг нури тигида куйиб боришарди. Султонмуродхўжа отни ниқтаб тезлатади. Отлар майда тошларда сирғана-сирғана илдамлайди. Сабоҳиддин домланинг оғзини пойлайди. Йўл бошлаб кетаётган эшон жим. Дарани ошиб ўтишгач, Сабоҳиддин уни яна сўзга тутди.

— Эшон почча, одамларнинг бўлиниб-бўлиниб кетганига сира тушуна олмаяпман. Туппа-тузук, аҳил-иноқ яшар эдик-ку? Бир қисм одам энди шўроларга қўшилибди: бир қисми Норхўжа эшонда, бир қисми Холиқберди тўрада, яна бир қисми Шермат қўрбошида; Муҳитдин қўрбошида ҳам хийлагина йигит бор, деб эшитдим.

— Яна майда қўрбошиларни айтинг.

— Ҳа. Илгарилари очин-тўқинга ҳам чидаб бирга-бирга яшардик. Ё худо ургани шумикин?

— Одамлар ақлдан озди. Шайтоннинг қўли баланд келиб қолди. Агар имонсизлар йўлдан қайтмаса, охирзамон бўлади. Бу — аниқ!

— Эшон почча, мен шўроларнинг мақсади нима эканини билолмадим. Улар худонинг адашган бандалари, оллоҳга шак келтирувчи имонсизлар десам, ораларида имонлилари ҳам бор.

— Чин мусулмон бандалари кам уларнинг орасида. Тўртинчилар кофирларнинг қутқусига учиб, уларнинг динини қабул қилмоқчи. Аввал подшони йўқ қилишди. Кейин ҳеш-ақраболарни. Улар барча баравар ишласин, ҳосилни тенг бўлайлик, дейди.

— Бу гаплари ёмон эмас-ку?

Султонмуродхўжа ичида «қазисан, қартасан...» дея гижинганча унга олайиб қаради.

— Бандаларга ризқни шўролар эмас, оллоҳ беради. Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадисларини унутдингизми? Мен яқинда, Норхўжа эшон Новқатни олмасдан илгари, бир болшавой билан тортишдим.

— Сиз-а?

— Ҳа-да! Унинг айтишича, эркагу хотин ҳам баравар бўлар эмиш.

— Бу нима дегани экан?

— Эркак нима иш қилса, хотин ҳам шуни қилар экан. Эркак кирган жойга хотин ҳам кираверар экан.

— Масжидга ҳамми?

Эшон кулиб юборди.

— Э, лодон, улар масжиднинг кулини кўкка совурмоқчи-ю, хотинларни олиб келишадими? Унинг айтишича, дўкон расталарида хотинлар ҳам савдо қилиши мумкин, далада ҳам очиқ-ойдин ишлайверади. Эркакларга қўшилиб савод чиқаради. Номаҳрам деган гап бўлмайди. Аммо мен уни бошлаб мот қилдим.

— Болшавойними?

— Ҳа. Хотинлар заифа бир нарса, дўконда қош-кўзини сузиб тур-

са, эркакларнинг нияти бузилмайдими, аёллар хиёнат йўлига кириб кетмайдими, дедим.

— У нима дейди?

— Нима дерди, йўқ дейди-да. Шунда мен: «Майли, сен айтгандек бўлсин. Хотинингни бировнинг қўйнида ётганини кўрганингда, Эшон акам ҳақ эканлар, дейсан», дедим. Қизариб, аланга бўлиб кетди, бечора. Кейин мен ундан: «Мулла йигит, сени ким туққан? Онанг. Ким тарбия қилди? Онанг. Хотин энг аввало шунинг учун яратилган. Она жонивор эртадан кечгача эркак ёнида ишласа, болага ким қарайди? Болага ким тарбия беради?» деб сўрадим.

— Яна жим қолдимиз?

— Йўқ, ўттиз-қирқ болага бир тарбиячи бўлади, дейди. Бунинг топган гапини қаранг, ахир, одам какку эмаски, тухумини бошқа инга қўйиб кетаверса. Ҳар битта она боласига сут билан бирга тарбия ҳам бериши керак. Сен туғиб қўйсангу бошқа хотин тарбияласа, болада эна-отага меҳр бўлармиди? Асрандидан фарқи қоладими?

— Шу гапларни айтдингизми?

— Айтдим-да! Тайинли жавоб беролмаса ҳам, бўш келгиси йўқ баччагарнинг.

Улар сойни кечиб ўтишганда кун тиккага келган эди. Отдан тушиб таҳорат олдилар-да, намозни ялангликда ўқидилар. Сўнг тўрвадан нон, майиз, туршак чиқариб тамадди қилдилар. Кейин яна сой бўйлаб юқорилай бошладилар.

— Эшон почча, сиз мени Норхўжа эшон ҳузурига бошлаб боряпсиз. Мен у кишини сира кўрмаганман. У кишининг ниятларини ҳам билмайман.

— Бекбошининг ниятлари кўкрак сутидай пок, ўғлим. Норхўжа эшон оқпошшо маҳалида ҳам ғайридинларга бўйин бермасдилар. Ушдаги тегиримондан тушган даромад ўзларига етиб ортарди. Аммо у зот юртимизни ғайридинлардан тозалаш, имонсизларни ҳақ йўлга қайтариш истагида ҳаловатларидан воз кечиб, ислом лашкарларини тўплаётирлар. Сиз билан менинг вазифам бандаларни имонга қайтаришда эшонга кўмак бериш.

— Юрт-ку, ғайридинлардан озод бўлар. Лекин бекларнинг боши бирикармикин?

— Худо хоҳласа, бирикади.

— Унда оқ кигиз кимга насиб этади? Холиқберди тўрагами?

Султонмуродхўжа жавоб бермай юзини тескари ўгириб олди. Кейин: «Ҳали бу ҳақда башорат қилиш вақти етгани йўқ», деб ғудранди. Сабоҳиддин унинг Холиқберди тўрага қарши ғарази бор эканини аниқ сизди. Айни чоқда Холиқберди тўра зиммасига оғир юк қўйганини ҳам англаган эди. Эшон билан Норхўжанинг тили бир. Улар худодан аввал юрт тинчини эмас, Тўранинг ўлимини сўрашса керак. Шундай катта кучи бўла туриб Холиқберди тўра, ислом лашкарларининг қўли баланд келган тақдирда, юрт қандай сўралишини билмайдди. Қумурсқаларга ўхшаган бу бекбошиларнинг нияти нима экан? Хон бўлишми? Холиқберди тўра аҳли миллатга ишонч билдирмади. Балки Норхўжанинг нияти ислом жумҳурияти барпо этишдир?

Норхўжа эшоннинг қароргоҳига шомдан сўнг етиб бордилар. Эшон домла, Сабоҳиддиннинг истаги билан, уни Машкуранинг ўтовига бошлади, Ўзи, бекбошидан хабар олай, деб нари кетди.

Давоми бор.

Янги таржималар

Фолькер Браун,
ГДР

Томоша

Сир эмасдир бу гаплар энди:
Йўл қўймаймиз бизни алдашларига.
Ултирмаймиз ҳар нарсага анқайиб.
Шодланмаймиз кўриб қийноқ камераларин.
Дунё зўравонларин
Тан ва жонни ўлдирмоқ йўлидаги ўйинларига
Узимизни тикмаймиз.
Нурафшон бир саҳнага
Эълон этилмоқда оммавий чиқиш:
Репетициялар борар кўпдан, ҳеч қандай
суғуртасиз,
Кўчаларда, кафедралар ва концерт залларида
(Фақат банжо бундан мустасно).
Вақтида пайқаш-чун давр ҳодисаларин
Дурбин ўрнатилган ҳар қай-ҳар қайга.
Бу сафар бизсиз ҳам эплашади деб,
Суфлёрлар тилларин чайнашар четда.
Бунда ҳар қандай нутқ содда, самимий —
бу пьеса эмас,
Ўз ҳаётимиз. Мумкин эмас ўрин алмашмоқ.
(Банжо эса кутар ўз галин).
Даъватдай тушунарли,
Ҳаммабоп ҳаририй либос сингарин
Асар қўйилмоқда саҳнага бугун,
Номи — Озодлик.

Нима қолади

Эрта тонгдан цехларга кирамиз,
Туни бўйи
Совиб қолган моторларни юргизамиз,
Оқа бошлар конвейер пайдор дарё сингарин,
Замин узра дилалар
Бир текис отар одим.
Ҳамма маҳкамалар салобатимиздан эгар бош.
Ҳур жамият қуриш йўлида
Бермоқдамиз жонни жабборга.

Мана унинг қирғоғи: уфққа қўямиз қадам.
Манзаралар, япроқ янглиғ, ёпишадилар
Пойафзалларимиз тағчармига.
Шудгорга тушгунга қадар,

ҳовуч-ҳовуч уруғлик

Эриб кетар кўзларимизда.

Замин, ҳа, ҳамма учун тенг қилиб

яратилган замин

Ҳамманинг нидосидан огоҳ бўлмагунча,
Қўллар қотиб турадир, йироққа боққан нигоҳдай,
Деймиз: вақт етди! Деймиз: бу муқаддима холос.
Кўп ваъда бермаймиз биз ўзимизга.
Хўп ваъда берамиз биз ўзимизга.

Омонат трамплин узра,

ўз уйимиздай,

Хотиржам қўнамиз.

Йўлбошида завқларга чўмамиз,

Худди мақсад уйига етиб боргандай.

Деймиз: майли, шундай қолсин ҳаммаси.

Деймиз: шундай қолмас ҳеч нарса.

Фақат бир нарсадан бошқа. Тонг отади,

Шундай ярқираб. Чегаралар эриб кетар чошгоҳда,

Намхуш кенгликларни портлатиб.

Куч йиғамиз янаги сакрашларга биз.

Бизга қолар мангу курашмоқ эрта тонгдан

Цех ва далаларда: шундай туғилади халқ умри.

Галилей процесси

Тонг саҳар Рим шаҳрида

Биби Марям ибодатхонасининг

қайноқ полига

Увишган, яланг оёқларини босар Галилей,

Тавба қилмаганлиги учун

Яқинда ўтга ташланган банда.

Гўё замин коинотнинг маркази-ю,

Фақат ўзи Ерни туртиб,

Ўрнидан қўзғата оладигандай турар эди у,

Шунинг учун ҳам

Ўзини худолар қатори

Улкан ва даврга кераксиё ҳис этар эди.

Улус бармоғини бигиз қилишидан

чўчиган каби,

Ўз танасин кўтаролмагандай,

Букчайганча,

Кўчалар зиёсига сингиб кетди буюк бир шаккок.

Жордано Бруно

Йўл топмоқ қийин

Мустақил фикрли одам кўнглига,

Фойдаси йўқ намойиш қилмоқнинг ҳам

Қийноқ ускуналарин:

Кўз юмиб ҳам таърифлай олар

барчасини у.

Таъкидлар у замонага терс нуқтаи назарин:

Ҳа, айланар Ер шари.

Зиндонда ҳам тинч ўлтирмас,

Роҳибларни йўлдан урар,
Худди улар билмагандай арши аълони!

Қийноқлар бефойда: куйлар у, ё тавба!
Нима қилиш керак қайсарни?
Дўзах ҳазар қилар бу кабилардан,
Бир йўл бор — куйдириш, бироқ янгилик эмас бу йўл ҳам.

Зиналар

Ҳаммасини тушунаман. Ёруғ жаҳонда
Яшайман, ишлайман ва тишлайман.
Фақат бир нарсага етмайди ақлим
Ва унинг олдида лолман, чорасиз.
Кўкрагимни қисиб тиқилар нафас,
Қадамим оғир. Бехосдан қоқилиб,
Уятга қолмай деб,
Ваҳмага тушмай деб,
Ултирдим ўз ҳолимни ўйлаб,
Лекин ғазаб йўқдир кўнглимда.
Ултирибман атрофимни ўраган
Ғирром одамларнинг устидан кулиб.
Бу нима бало,
Истиқболнинг ярим йўлида
Оёғим остида ўралашган?
Неники билсам кеча,
Бугун унутмоғим керак. Мана зиналар.
Жарлар тўла урушнинг чиқиндилари ила,
Осмон эса эски байроқ каби
Йиғиб-ўраб қўйилган.
Бегона ва таниш бу тупроқдаги
Зиналар қаён элтар бизни:
Кўкка олиб чиқарми
Етакларми ё ертўлага?
Инсон меҳнат постида
Кабирми, митти? Парвоз этарми
Ё ўрмаларми? Иш куни қоғозга
Улуғ режаларни қайд этмоқдами
Ё мия қолиб, қоринни тўлдирмоқдами:
Қим қандай ишлар. Қўл ила бош
Ташаббус ё югур-югур,
Сўз ё ишдан ҳориб толган
Таннинг бир қисми холос.
Бирга яшар ҳоким ҳамда қул.
Зина шаклидаги гўнгтепалардан
Унса лаганбардор, қулоқ, тил —
Мени унча ҳайратга солмас.
Бошлиқлар мийиғида кулиб,
Ҳукм юргизишса ҳам хафа бўлмайман:
Мен бунга кўнишим мумкин бемалол.
Мен ишлаб-тишлайман,
Орзуларим ўйларимга омухта,
Минг йиллик меҳнатим боболаримнинг
Олис меҳнатига бориб туташар,
Мен ишлаб-тишлайман, дилимда қарғаб
Бизнинг руҳларимиз ожиз қунишган
Зиналар занжирини.
Ҳамма гапим шу.

Чархланган пичоқдай ҳақиқат

Тиг узра югуради менинг сўзим умрбод.
Сал тойиб кетилса, бас: жаҳаннам ютар.
Қилдай арқон устида гўё ўйин кўрсатар дорбоз,
Ҳаракатлар чекланмаган: мувозанат
Сақлаш санъати. Таъқиб этар мени
Машъум бир хато — қалтис
Қадам!

Шукур ҚУРБОНОВ таржималари.

Эрих Арендт,

ГДР

Кариб тунни

Япроқдай ям-яшил,
Япроқдай нозик
Ой
Сузиб юрар Кариб денгизи
узра

Ғарибгина,
Унсизгина.

Унинг заиф ёғдусида
Кактусларнинг шарпалари
Чўзар осмон сари
Соя каби беҳол қўлларини
Бир илинж, бир илтижо билан.

Тақир ерда эса
Ухлайдилар
Қоп-қора қизлар.
Кулбаларнинг деворлари
Нураб борар.
Қизлар қачонлардир,
Болаликда кўрган
тушларини кўрар
Ҳамда уйқусираб,
Уша дамларни тутиб олмоқ
бўлгандай,
Қўлларни чўзар зулмат қўйнига.

Заҳарли қум
Емиради кулбаларнинг
деворларини.

Унинг қайноқ эпкини
Юлдузларнинг заминига
Сингиб кетади.
Минг йил бурунгидай
Беҳаракат,
Қўрғошиндай зил беададлик
Ураб ётар оролни.
Энг тепаликда,

Орол
ҳамда
Барча авиатрассаларнинг
Эгаси бўлмиш
Дон Мадурога тегишли
Нефть тўла цистерналар
(Ой ёритиб турар уларни)
Енида
Беором кезиб юрар
Елғиз бир мулат,
Қорнидаги бир ҳовуч гуручдан
бўлак

Ҳеч вақоси йўқ.
Ернинг қайноқ бағридан
Сўриб олинган
Нефть тўла қориндор,
пўлат чўваларни

Қўриқлаб юрар.
Унинг ит кўзларидай
Соддадил кўзларидан
Мангуликнинг ўзи
Боқиб турар
Кариб денгизига.

Тун ва юлдузларнинг нафаси
қайтар

Нефтнинг ҳидидан.
Қизларнинг ҳам
Нозик ўпкалари
Мазут нафасини ютади.
Нефтнинг залворидан
Шишган сари шишиб борар
бандаргоҳ.

Кўзлари фариштаникидай беозор,
Лекин қуролини маҳкам ушлаган
Мулат эса —
Тепаликда собит туради.

Одамлар
 Барча денгизларда
 Дон Мадуро нефти учун
 Жон олиб, жон беришар,
 Гўё бу иш
 Шу қадар улуғки,
 Унга жонни қурбон қилишдан

Ўзга бир шараф йўқдек.

Осмонда эса,
 Ғарибгина сузиб юрар
 Япроқдай ям-яшил,
 Япроқдай нозик
 Ой.

Урим

Умри қисқа эрур
 Заъфарон ёзнинг.
 Қуёш оташида
 Куйиб битар у.

Денгиз уфуради
 Гармселени.
 Уроқчилар
 Бошига булутларни ўраган
 Тепаликнинг
 Тўриқ ёнбағирларига
 Уроқ солишади,
 Ғарам уйишади
 Ҳамда осмонни
 Юлдуз тўпонлари билан
 Тўлдиришади.
 Оғир, залворли уйқу
 Орол узра босади

Киприкларини.
 Туну кун соҳилда
 Янграб туради
 Тошга айланган қўшиқ.
 Заъфар ғалла пўртанасининг
 Ниҳояси йўқ.
 Омборларга тиқилади
 Ернинг инояти билан
 тўлиб-тошган,
 Елиндай тирсиллаб турган қоплар.

Нур бўлиб отилар
 Ернинг хўрсиниғи ҳам!
 Шарпасиз, беғубор осмонда
 Ҳафталаб туради кўзни ўйнатиб
 Олтин аждаҳо.
 Яъни,
 Табассум.

X Қасида

Қалқмоқ соати —
 Яқиндир!
 Сен
 Ўйларга ғарқ бўлганча,
 Вақт қатъий ўлчаб берган
 Юлдуз йўли бўйлаб
 Сузиб юрасан.
 Ерда,
 Қанотларинг соясида
 Нурдан,
 Юракдаги бўрондан
 титрар
 Мажруҳ ватан танаси.
 Сенинг ортингда эса...
 Зулмат қўйнидаги уфқ...
 Сиқилибгина турган
 Гулнинг ипак япроғи:
 Инсон насибаси шу экан.
 Қайдадир
 (Асрларнинг хотираси-да!)
 Бунёд бўлган улкан бир девор,
 Ўнг томонда эса
 Ўрмонда адашган юрак ҳаяжонидай
 Қоялар қад кerrar пайғамбарсифат.
 Сен агар оқшом
 Булут билан суза кетсанг,

Тонг пайтида,
 Нилнинг ирмоғи
 Қадимий жумбоқдан ялтираган
 дам,
 Ойдан туғилган
 Маъбуданинг
 Кўксига қўлингни қўйган
 бўлардинг.

Ёки
 Гўзаллик олдида
 Бир умр бошингни эгганинг учун,
 Тап-тақир саҳронгда
 Ифбатли нигоҳлардан
 Денгиз туғилсин деб,
 Ўша маъбуданинг
 Ҳозир мудраб ётган ёғдулари
 Устимга ёғилсин, деб
 Ният қилардинг.
 Ёки истардингки,
 Сена узра қўнган туман ичра
 Ярқираган бронза қўшиқ
 Сенинг тилиннга ҳам бир тегиб
 кетса,

Лабларинг
 Эркнинг
 Жонон атиргулидан

«ЗВЕЗДА ВОСТОКА» 50 ЁШДА

Республикамиз жамоатчилиги бу йил эллик ёшини нишонлаётган «Звезда Востока» журнаlining ҳаёт йўлига назар ташлар эканмиз, хаёл беихтиёр эллик поғона нарига, воқеаларга бойлиги жиҳатидан салмоқли, саналар нуқтаи назаридан унча олис бўлмаган 1932 йилга олиб кетади.

У давр фақат Ўзбекистон учунгина эмас, балки бутун мамлакатимиз учун ҳам мислсиз воқеалар, зафарлар даври бўлиб қолди. Совет халқи биринчи беш йиллик планларини муваффақият билан бажариб, социалистик қурилишнинг янги поғонаси — халқ хўжалигини социалистик асосда қайта қуришга ўтди. Ўзбекистонни 1937 йил охиригача ривожланган саноат марказига айлантиришга қаратилган иккинчи беш йилликнинг улкан планлари муваффақият билан амалга ошира бошланди. Айни вақтда Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Ватанимизнинг асосий пахта базаси бўлиб қолди.

Партиямиз кўрсатмалари бўйича иккинчи беш йилликнинг муҳим вазифаларидан бири — кишилар онгини капиталистик давр тушунчалари асоратидан халос этиш, барча меҳнаткашларни социалистик жамиятнинг актив қурувчиларига айлантириш эди. Янги беш йилликнинг сиёсий йўналиши шундай эди.

ВКП(б) Урта Осиё бюросининг шу муносабат билан 1932 йил май ойида қабул қилган «Урта Осиёда адабий-бадий ташкилотларни қайта қуриш» ҳақидаги қарори муҳим аҳамиятга эга эди. Худди ана шу қарор қабул қилингандан сўнг дастлаб «Советская литература народов Средней Азии» номида чиқа бошлаган «Звезда Востока» журнаlining эллик йиллик тарихи бошланади.

Янги журнаlining масъул муҳаррири қилиб Михаил Алексеев тайинланади. С. Айний, У. Исмоилов, А. Лохутий, С. Трегуб, А. Тўқимбоев, Р. Мажидийлар ҳайъат аъзолари эдилар. Журнаlining биринчи сони ўн босма табоқ ҳажмида, 10150 нусхада чоп этилади. Ушанда журнал ҳар икки ойда бир марта чиқарди.

Катта ҳажмдаги доимий адабий ва ижтимоий-сиёсий журнаlining бунёдга келиши маданий ҳаётимиздаги улкан воқеа бўлиб қолди. «Советская литература народов Средней Азии» журналли Шарқий регионда миллий адабиётларнинг шиддат-

ли ўсишини акс эттирувчи жанговар органга айланди. Журнал рус, ўзбек, туркман, тожик, қирғиз, қорақалпоқ, уйғур ва бошқа кўп халқлар ёзувчиларини бирлаштирган ва алоҳида интернационал аҳамиятга эга эди. Халқлар дўстлиги ҳақидаги ленинча ғоя унда мужассамланганди.

Журнал кенг ўқувчилар оммасини Урта Осиёнинг барча қардош республикалари яратган янги бадий асарлар билангина эмас, қадимий Шарқ классикасининг бой хазинаси ҳамда халқ оғзаки ижоди билан ҳам таништира борди.

Совет ёзувчиларининг биринчи бутуниттифоқ съезидан кейин журнал «Литературный Узбекистан» номини олди ва шу ном билан 1935 йилдан 1937 йилгача чиқиб турди. 1937 йилдан то Улуғ Ватан уруши бошлангунга қадар журнал «Литература и искусство Узбекистана» номи билан чоп этилди. Бу республика ёзувчилар союзи ва Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети қошидаги Санъат ишлари бошқармасининг матбуот органи эди. Ҳозирги кунда классикага айланиб қолган кўп асарлар ўша пайтларда шу журнал саҳифаларида чоп қилинганди. Ойбекнинг «Қутлуғ қон», Садриддин Айнийнинг «Қуллар», «Судхўрнинг ўлими», Фафур ғулумнинг «Шум бола», «Ёдгор», Комил Яшиннинг «Асал», Зиннат Фатхуллиннинг «Қудрат» сингари роман, қисса ва киносценарийлари, Ҳамза ва Ҳамид Олимжоннинг шеърлари дастлаб рус тилида мана шу журнал саҳифаларида чиққанлигини айтсак кифоядир. Журнал совет шарқи миллий ёзувчиларининг доимий минбарига айланиб қолди, уларни ўз атрофида бирлаштирди, тарбиялади, бадий сўз усталари бўлиб етишишларида алоҳида аҳамият касб этди.

Ўзбек ва рус, тожик ва поляк, қирғиз ва немис, грузин ва яҳудий, туркман ва украин ёзувчиларининг номлари ва асарлари бир муқова ичида, журнаlining бир сониде ёнма-ён жой олди. Бунинг аҳамияти ниҳоятда катта эди.

Улуғ Ватан уруши бошланганлиги сабабли «Литература и искусство Узбекистана» журналли нашр этиш вақтинча тўхтатиб қўйилганди. Аммо бу узлиш узоқ давом этмади. 1942 йил март ойидаёқ қисқа, жанговар «Залл» номи билан уруш йилларининг биринчи Тошкент альманахи чиқди. Журнал ҳарбий шинель кийган ва

социалистик Ватанмиз химоячилари сафидан ўрин олганди.

Ҳамид Олимжон, Фафур Фулом, Эмиль Мадорас, Уйғун, Николай Ушаков, Якуб Колас, Владимир Луговской, Борис Лавреневлар душманни нишонга олиб бадий сўз билан ўққа тутдилар. Улуғ Ватан уруши йилларида ижод этган адабиётчиларининг асосий мавзуси — душман устидан ғалаба қозониш туйғусини куйлаш эди. «Мы победили» номи билан чиқа бошлаган адабий-бадий альманахнинг «Залп»даги ватанпарварлик аъналарни давом эттириши шу сабабдан ҳам табиий ҳол бўлган.

Бу альманаҳда эълон қилинган асарларнинг асосий қисми Улуғ Ватан уруши жангларида жасорат билан жанг қилаётган совет кишиларига бағишланган.

Оғир уруш йилларида яна тўртта альманах чоп этилди. 1942 йили ноябрь ойида «Ташкентский альманах» чиққан бўлса, 1944 йил охирида, Ўзбекистон ССРнинг 20-йиллигига бағишлаб республика ёзувчилари «Дар» номида альманах тайёрлаб, чоп этишди. Ундан сўнг «Литературный Ташкент» ва «Поэты Узбекистана» юзага келди. Интернационал ёзувчиларнинг оташин сўзлари ўша оғир синов йиллари республикамиз меҳнаткашлари жасоратини ёрқин акс эттирди. Ўзбекистон ёзувчиларининг мағрур овози уруш йилларида баралла янграб турди.

1946 йил июль ойида журнал нашри қайта тикланди ва у шоирона «Звезда Востока» номини олди. Шундан буён у мунтазам чиқиб турибди.

Журнал саҳифаларида ярим аср давомида кейинчалик китоб қилинган ва кўп-миллатли совет адабиёти олтин фондидан муносиб ўрин олган кўплаб романлар, қиссалар, дostonлар, шеърй туркумлар, публицистик асарлар чоп этилди. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, «Звезда Востока» журнали ўзининг бутун тарихи давомида ўзбек насри ва шеърйати намуналари билан ўқувчиларни таништириб келди.

Журнал ҳозирги кунда 140000 нусхада чиқади ва республикамиздан ташқарида ҳам у ўқувчилар меҳрини қозонган. Уни Москва ва Архангельскда, Ленинград ва Кушкада, Курил ороллари ва Калининградда, барча қардош республикаларда ҳам севиб ўқийдилар.

«Звезда Востока»нинг бир неча юз китоби аввало ўзбек ёзувчилари эллик йил давомида битган асарларнинг ўзига хос тўпламидир. У йилдан-йилга улғайиб ўз халқининг маънавий-ахлоқий тарбиясида катта кучга айланиб бораётган миллий адабиётнинг жонли йилномасидир.

Дастлабки ўттинчи йилларда журнал китобчаларида эндигина ривожланиб келаётган миллий проза намуналари эълон қилинганди. Уша давр актив муаллифлари рўйхатининг бошида Садриддин Айний, Абдулла Қодирйй, Абдулла Қаҳҳор, Ойбеклар турарди. Бу номлар ҳозирги кунда ўзбек адабиётининг рамзидай жананглайди.

Бугун биз улкан ўзбек романлари кутубхонаси ҳақида дадиллик билан гапир аламиниз. Ўзбек романчилиги ҳозирги даврда Шароф Рашидов, Ҳамид Фулом, Иброҳим Раҳим, Одил Ёкубов, Мирмуҳсин, Саид Аҳмад, Пиримқул Қодиров, Назир Сафаров, Асқад Мухтор, Раҳмат Файзий номлари билан узвий боғлиқдир.

«Звезда Востока» саҳифаларида ўзбек поэзиясининг тараққиёт йўли ҳам ёрқин кўзга ташланади. Бу йўлда ўзбек совет адабиёти асосчилари, ажойиб сўз усталари — Ҳамза, Фафур Фулом, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода, Уйғун, Зулфиядан тортиб уларнинг давомчилари, ўз таланти билан халқ меҳрини қозонган шоирлар — Рамз Бобожон, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Гулчеҳра Нуруллаевалар ижоди га қадар танишиб борамиз.

Журнал саҳифаларида Ўзбекистон адабиёти ўзининг шакл жиҳатидан рангдорлиги билан ҳам кўзга ташланади. Унда Комил Яшин ва Сарвар Азимовнинг сиёсий жиҳатдан ўткир драматургиясини, республикамиз ҳаётига актив аралашадиган, ҳозиржавоб Йўлдош Муқимов публицистикасини, Воҳид Зоҳидов, Лазиз Қаюмов, Умарали Норматов, Пирмат Шермухамедовларнинг миллий адабий жараён ҳақидаги чуқур мулоҳазаларини, Шоислом Шомуҳамедовнинг илмий асосли, бадий аниқ шарқ поэзияси намуналаридан қилган таржималарини, Ўзбекистонда яшаб ижод қилаётган рус ёзувчилари Михаил Швердин, Андрей Иванов, Вильям Александров, Олег Сидельников, Альфред Арбеннов, шунингдек, орамиздан бевақт кетган марҳум Явдат Илёсовларнинг талантли асарларини кўриш мумкин.

Журнал республикамизнинг турли ташкилотлари ва бошқармалари билан доимий ижодий алоқада бўлиб туради. Жиззах областида бир неча йилдан бери журналнинг адабий пости ишлаб турибди.

Кўп йиллар давомида журналнинг географик йўналиши аниқланди ва шакл топди. Шарқ! Мана шу қамровчи сўз нашримизнинг асосий қизиқишларини белгилаб бера олади.

Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Ахир қуёшли республикамиз пойтахти Тошкент Осиё-Африка адабий бирдамлиги ҳаракатининг асосчиси, бешиги ҳам-да! Тошкент руҳи ўз мазмуни бўйича ажойиб гуманитар формуладир, ана шуну «Звезда Востока» имкони борича тўлароқ ёритишга ҳаракат қилади.

«Звезда Востока» эллик ёшда.

Ҳаёлан эллик поғона қуйига, фақат хаёл, инсоний хотирагина етиб бора оладиган ўша эллик йил наррга назар ташланар экан, беихтиёр қиёслагинг келади: қандай эди-ю, қандай бўлди.

Ҳа, кўп ишлар қилинди. Олдинда янги доvonлар, янги уринишлар, янги ғалабалар.


...Адабиётимиз осмонда Шарқимиз юлдузи — «Звезда Востока» янада ёрқинроқ порлайберсин!



АДЛДИР НАРОЧАН ҚАРАҒАЙЛАРИ

[Максим ТАНК туғилганига 70 йил тўлди]

Белоруссия халқ шоири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Максим Танкнинг номи кўп миллатли совет адабиётининг пешқадам намояндалари қаторида туради. Максим Танк (Евгений Иванович Скурко)нинг ижодий ёшлиги 1939 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида Польшада бўлган Ғарбий Беларуссия Коммунистик партиясининг фаолияти, яширин инқилобий ҳаракатлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кечади. Шоир 1935 йил 7 январидан то 1939 йил 28 ноябргача бўлган ҳаётининг кундалик қайдларидан иборат «Календаль варақлари» номли асарида ўша йилларнинг нотинч об-ҳавоси тўғрисида шундай ёзган: «Календаримнинг варақларини ҳар лаҳзада тўпалон билан эсган шамол юлиб-юлқилаб кетарди». Ижодкор маълум маънода ўз даврининг соломачиси. Максим Танк асарларининг замирига ҳам у билан ҳамқадам замоннинг садолари муҳрланиб борди. «Календарь варақлари»да ҳикоя қилинган йилларнинг бадий ифодаси сифатида юзага келган дастлабки шеърий тўплами «Босқич»да ҳамда «Клюква гули», «Лангар остида» китобларида туғилган юртининг озодлиги учун курашувчи ёш коммунистнинг яширин ҳаракатда кечган кечинмалари, ўйлари, ҳис-туйғулари ифода этилган. Унинг 1942 йилда ёзилган «Янук Сялиба» поэмаси белорус шеъриятида уруш мавзуида яратилган биринчи йirik эпик асардир. Шоирнинг Улуғ Ватан уруши йилларида ёзган асарлари «Қуролингизни ўткирланг», «Утли уфқлар оша» номли тўпламларидан жой олди. Урушдан кейинги қайта тиклаш ва тинч қурилиш йилларида Максим Танк баракали ижод қилди. Унинг 1948 йилда Давлат мукофотига сазовор бўлган «Билсангиз эди» тўпламида ҳам, ундан кейин яратилган «Тошда, темирда ва олтинда», «Чақмоқ изи», «Нон — ризқу рўзим», «Қултум сув», «Нур бўлсин» китобларига кирган шеърларида ҳам ижодига хос бош хусусият — романтик йўналиш яққол сезилади. Конкрет нарсалар ва воқеа-ҳодисалар мисолда туғилган туйғулар заминидан туриб



дунёга қараган меҳнат кишининг бой маънавий олами, миллий маданиятларнинг ҳамфикрлиги асосида вояга етган биродарлик ҳислари шоир ҳаяжонининг ишончга йўғрилган романтик пафосини баланд жаранглатади. Бу фазилат шоирнинг кейинги йилларда яратган асарларининг якуни сифатида майдонга келган ва 1978 йилда Ленин мукофоти билан тақдирланган «Нарочан қарағайлари» тўпламида янада ёрқинлашган. Мазкур китобга кирган шеърларда юрт тақдири, бугунги кун, ер юзида ҳақиқатни барқарор этиш йўлида тинмай кураш олиб бораётган замондошларимизнинг безовта қалб туғёнлари ҳақида сўз боради. Улар гоҳ халқ йўлида ёзилган шеърий оҳангларда, гоҳ драматик монологларда ифода этилган. Максим Танкнинг асарлари кўпгина қардош ва хорижий тилларга таржима қилинган. Жумладан унинг шеър ва поэмалари ўзбек китобхонларига ҳам яхши таниш.

Ҳамма ишнинг боиси игна...

Онам сотиб олган бир игна
 Бўлди ҳамма ишларга боис.
 У игнани олганди сотиб
 Менга кўйлак тикиб бергани.
 Кўйлак менга олис йўлларда
 Қифтларимни ёпмоққа керак.
 Йўллар эса бу юрт-элларда
 Бахтим излаб топмоққа керак.
 Бахтни топсам, ундан бегумон
 Шўх ва нурли қўшиқ туғилгай.
 Қўшиқ борки, онам ноғиҳон
 Қўлга игна санчиб олса ҳам,
 Тирқирамас кўзларидан ёш.

* * *

Энди саҳаримдан оқшомим яқин.
 Шунинг-чун сўрайман тез-тез
 Қўлимдан:
 — Кучинг етганича қилдингми хизмаг?
 Сўнг савол бераман оёқларимга:
 — Босиб ўтолдингми ҳамма йўлларни?
 Уйқусиз тунларда дейман кўзимга:
 — Жинчироқ шуъласин офтоб нуридан
 Фарқ этмоқ илмини ўрганолдингми?
 Замин ато қилган сўзларга дейман:
 — Гоҳ вазмин, гоҳ енгил қўшиқларимда
 Озор топмадими сизнинг руҳингиз?
 Ватандан сўрайман:
 — Сенинг номингни
 Пасткаш давраларда чайнадимми ё?
 Сўрайман...
 Тузатмоқ мумкиндай барин
 Беш минут қолганда ўн иккигача.

* * *

Агар сўрасалар:
 — Нега қўлларинг
 Тинмай болға томон, ё мола сари
 Ва ё белкуракка чўзилади,— деб,
 Шундай жавоб бергум:
 — Чунки ҳали ҳам
 Қўҳна иримларга ишонч бор менда.
 Умр адо бўлса,
 Ишонаманки,
 Қилган яхши-ёмон ишлар қатори
 Қўйилур адолат тарозусига
 Тириклик йўлида ҳамроҳинг бўлган
 Жамики асбобу ускуналар ҳам.
 Шўринг қурсин, дейман шунинг-чун,
 Кимки
 Нозик тарозуга қўйса, келтириб,
 Фақат чўнг қошиғу узун тилини.

* * *

Фасллар одимини
Сезмай қолса мабодо,
Ҳар фаслни кутмаса
Гурросу жунбиш билан,
Дарахт ўлади.

Шунча оққан йўлидан
Адашиб кетса ногоҳ,
Куйиб турган юракнинг
Ташналигин босмаса,
Сув ҳам ўлади.


Бирдан қуриб мадори,
Ризқ-рўз туғмасдан қўйса,
Янги-янги қўшиққа
Бўлолмаса беланчак,
Замин ўлади.

Ҳар тирик жонга боқиб,
Ботмаса ҳайратларга,
Нигоҳида оламга
Сўнса агар ташаккур,
Инсон ҳалок бўлади.

* * *

Бир косадан ичар эдик,
Бошқа коса йўқ эди;
Бир олмани бўлиб едик,
Бошқа олма йўқ эди;
Бир гулхандан исинардик,
Бошқа гулхан йўқ эди;
Кўрпамиз ҳам битта осмон,
Бошқа осмон йўқ эди;
Шунинг учун, эҳтимол,
Мен қандай туш кўрмоғимни
Сен сезардинг бехато.

Ҳусниддин ШАРИПОВ таржималари.



УМР КЎРКАМЛИГИ

[Суннатулла АНОРБОЕВ 60 ёшда]

Бадий ижоднинг ҳар бир жанрида ҳаётни акс эттиришнинг ўзига хос шавқ-завқи, ўзига хос мураккабликлари бор. Бунда кўп вақт бадий асар учун танланган ҳаётини материалнинг табиати, ижодкорнинг қайси жанрга кўпроқ мойиллиги масалани ҳал этади. Аммо катта проза деб аталадиган жанрнинг мураккаб ва хилма-хил воқеаларни, чигал ва нозик инсон характерларини тасвирлашдаги имкониятлари айниқса кўплиги, кўлами кенглиги бошқа жанрларда муваффақиятли асарлар яратиш, уларда маҳорат сирларини эгаллаб олган қанчадан-қанча қалам соҳибларини оҳанрабодек ўзига чорлаб, повесть ва роман сингари йирик жанрларда куч синаб кўришга, ундан сўнг эса ўзлари учун янги бўлган бу жанрга бутун ижодлари давомида содиқ қолишга ил-

ҳомлантирганлиги сир эмас. Масалан, Шароф Рашидов, Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, Ҳамид Ғулум, Шукрулло, Шухрат ва бошқа истеъдод соҳиблари шеърят соҳасида эҳтиросли асарлар яратиш, халқ меҳрини қозонганларидан сўнг катта прозада янги чўққиларни эгаллаган бўлсалар, Комил Яшин қарийб ярим аср давомида ўзбек драматургиясининг гултож бўлмиш асарларини яратгандан сўнг Ҳамза Ҳакимзода ҳақидаги йирик прозаик полотносини ўқувчилар ҳукмига ҳавола этди.

Эндиликда кўш романи, неча-неча қиссалари, очерклари, болалар прозасининг кўркем намуналарини яратиш кенг ўқувчилар оммасига манзур бўлган Суннатулла Анорбоев эса катта прозага танқид ва адабиётшунослик соҳасидан кириб келди ва ижодининг чорак асрдан кўпрогини

тўлалигича шу жанр ривожига сарфлаётган истеъодли қалам соҳибига айланди.

Суннатулла Анорбоев олтмиш ёшга тўлди. Одатда инсон умрини баҳорга нисбат берадилар, юбилей ва тантаналар чоғида фалончи баҳорни кўрди, дея ўша юбиляр яшаган умрнинг кўркамлигини таъкидламоқчи бўладилар. Бироқ инсон умри фақат баҳорлардангина иборат эмас. Инсон умрининг кўркамлиги унинг баҳорий чечакларга тўлалигидагина бўлмай, қаҳратон қиш аёлларига, жазирама ёз тияларига, тез-тез айниб турадиган куз инжиқликларига бардош бериб улар туфайли туғиладиган барча машаққатларни сабот билан енгиб, мураккаб ҳаёт сўқмоқларидан юксак мақсад манзиллари томон илгарилай билишдадир.

Суннатулла Анорбоевнинг ҳаёт йўлига назар ташлаганда бу ҳақиқатга яна бир бор ишонч ҳосил қилиш мумкин. У 1922 йилда Жанубий Қозоғистоннинг Туркистон районидagi Қарнок қишлоғида туғилди. Бўлажак ёзувчи саккиз ёшга кирганида унинг оиласи Наманган областидаги «Қизил раво» совхозига кўчиб ўтди. Суннатулла еттинчи синфни Жийдақадаги мактаб-интернатда тугатди. Наманган педагогика техникумини битиргач, 1940 йилдан дастлаб Фарғона педагогика институтида, кейинроқ эса Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтида таҳсилни давом эттирди.

Улуғ Ватан уруши бошлангач, у 1942 йилда Совет Армияси сафига чақирилди ва ёвуз душманга қарши жангларда қатнашиб, то Польшагача етиб боради. Польшани озод қилиш учун бўлган жангларда ярадор бўлади ва буюк ғалаба кунларини госпиталда кутиб олади. 1945 йил октябрда армия сафидан қайтади ва уруш туфайли чала қолган ўқишини давом эттиради. Олий маълумотли филолог — мутахассис 1949 йилдан бошлаб «Правда Востока», «Қизил Ўзбекистон» газеталарида, кейинроқ «Шарқ юлдузи» журналинда адабий ходим, бўлим мудири лавозимларида ишлайди.

Шу даврларда Суннатулла Анорбоев ўзбек совет адабиётининг актуал проблемалари, унинг йирик намоёндалари ижоди ҳақидаги қизиқарли мақола ва тэдқиқотлари билан кўрина бошлади. Унинг бу соҳадаги фаолиятига назар ташласак, Ҳамза Ҳакимзода, Ҳамид Олимжон, Фафур Фулом, Уйғун сингари машҳур ижодкорлар ҳақида қатор мақолалар эълон қилганини кўрамиз. Шунингдек, у қирқинчи-эллигинчи йилларда дастлабки йирик асарларини ўқувчилар ҳукмига ҳавола этган Асқад Мухтор, Рамз Бобожон, Мамарасул Бобоев, Пиримқул Қодиров сингари қалам соҳиблари ижоди билан қайта-қайта қизиққанлигини, совет адабиётининг улкан арбоблари Владимир Маяковский ва Николай Островский ижоди ҳақида бир неча мақола ёзганини, ўзбек поэмаларида социалистик қишлоқ кишилари ҳаётининг акс этиши, драматургияда давримиз қаҳрамонлари образларининг яратилиши каби ғоят муҳим проблемаларни жиддий тэдқиқ этганлигининг гувоҳи бўламиз.

Айни вақтда ёш танқидчи адабиётимизда учраб турадиган шошма-шошарликка, ўртамиёна ва бўш асарларни нашр этти-

ришга қарши кескин мақолалар билан чиқди. Унинг эллигинчи йиллар бошида эълон қилинган «Баъзи очеркларнинг бадий савияси», «Брак маҳсулот» сингари мақолалари шу жумлага кирди.

Уша йиллари истеъодли танқидчи фаолиятининг яна бир муҳим қирраси намоён бўлди: у ўнларча театр спектакллари ва кинофильмларга ёзилган дастлабки тақризларнинг муаллифи ҳисобланади.

Бу даврда ижоднинг ғоят муҳим принципи бўлган ҳаёт ҳақиқатига садоқат ёш танқидчининг бутун ўй-хаёлини банд этган, унинг ўзини ҳам оригинал бадий асарлар яратишга чорлаган эди. Аммо ўқувчилар эътиборини жалб этадиган йирик прозаик полотнолар яратиш ишига бирданига киришиб бўлмаслигини англаган Суннатулла Анорбоев дастлаб ҳикоя жанрида, айниқса, ҳаётни разведка қилиш воситаси бўлган очерк жанрида ўз кучини синаб кўришни лозим топди. Унинг эллигинчи йиллар боши ва ўрталарида эълон қилинган «Дўстлар», «Пушаймон», «Сафда», «Ташвиш», «Жасорат», «Колхоз кишилари», «Ҳаётга йўлланма» ва бошқа ҳикоя ҳамда очерклари ана шу интилишнинг маҳсули сифатида майдонга келди. Ёш ёзувчининг йирик прозага ўтишида олтин кўприк вазифасини бажарди.

1959 йилда Москвада бўлиб ўтган ўзбек адабиёти ва санъати декадасида ёш ёзувчи ўзбек ҳамда рус тилларида нашр қилинган «Оқсой шалолари» номли илк повести билан қатнашди. Декада кунлари ўзбек ёзувчиларининг янги асарлари қизғин муҳокама этилар экан, пойтахт адабиётшунослари ва ёзувчилари ёш ижодкорнинг повестига ҳам қизиқиш билан қарадилар, асардаги ютуқ ва камчиликларни холисона қайд этиб, унинг ижодий камолотига бебаҳо ёрдам кўрсатдилар.

«Агар ҳаракат жойи, яъни воқеа бўлиб ўтадиган майдонни тасвирлашдаги усталик тўғрисида гапиргудек бўлсак, мана бундан ҳам ишонарлироқ тасвир топилармикин: «Узоқ қирларда ғир-ғир эсган шабадада баланд майсалар бешикдай тебранди. Тўрғайларнинг шодон чуғурлашлари элас-элас қулоққа қалиниб турарди...



Воқеаларни уюштира билиш қобилияти ҳақида гапирганда ҳам яна шу С. Анорбоевнинг ўзини кўрсатиш мумкин. Ақалли повестдаги бўрон ва қўйларнинг қочиши тасвиридан бошланиб, ёш врач Нигоранинг келиши билан тугалланадиган саҳифаларни ўқиб чиққанда ҳам, бу қобилиятнинг етарли даражада намоиш эта олинганига ишонч ҳосил қилиш мумкин».

Машҳур совет адаби Ю. К. Олешанинг бу сўзлари унинг ёш ҳамкасбини ғоят руҳлантирган бўлса, яна бир атоқли адиб Н. А. Асанов повестнинг ютуқларини таъкидлаш билан бирга: «Бу китоб устида яна ишлаш керак» дея бу ишни қайси йўналишларда давом эттириш кераклигини ҳам конкрет кўрсатиб, Суннатулла Анорбоевнинг эҳтимоласига янги, катта масъулият юклаган эди.

Москвалик талабчан мутахассисларнинг, ўз ҳамкасб дўстларининг маслаҳатларига кўра Суннатулла Анорбоев декададан кейиноқ асарни қайта ишлашга қаттиқ бел боғлади. Повесть воқеалари ва қаҳрамонларига янгидан чуқур нигоҳ ташлаш, ҳаётни кенгроқ мушоҳада этиш натижасида унга янги боблар, янги воқеалар, янги персонажлар киритилди, психологик таҳлил чуқурлаштирилди, персонажлар ҳаёт-ҳаракатини, характериини мантиқий далиллаш кучайтирилди, натижада «Оқсой шалолалари»дан анча фарқ қилувчи, «Оқсой» романи майдонга келиб, олтмишинчи йиллар бошида ўзбек ва рус тилларида китобхонлар ҳукмига ҳавола этилди.

«Оқсой» романидан сўнг ўтган йигирма йил ичида ёзувчи йирик проза жанрида анча кўп ва самарали ижод қилди. Бунда ҳаёт ҳодисаларини кузатишдаги синчковлик органлиги, тажриба кўпайиб, маҳорат орگانлиги муҳим роль ўйнайди, албатта. Ана шу йигирма йилнинг маҳсули бўлиши «Меҳр» ва «Умр» қиссаларига ва «Сайли» романига назар ташласак, уларнинг деярли барчаси учун муштарак бўлган бир хусусият сезилади. Бу хусусият бутун ўзбек совет адабиётига ҳам алоқадордир. Маълумки, адабиётимиз шакллана бошлаганидан, то юксак камол топган ҳозирги босқичларига қадар озод шарқ аёлининг тақдирига зўр қизиқиш билан қараб, бу аёлнинг ўз инсоний ҳуқуқини танишини, эркин замоннинг эркин граждани сифатида характери таркиб топиши ва жамият тараққиётининг муҳим омилига айланишини хилма-хил образларда кўрсатиб бера олгани эътиборга лойиқдир. Гуласал ва Зайнаб, Дилбар ва Гулсара, Нурхон ва Хуррият, Ойқиз ва Саида сирасидаги ёрқин образлар фикримизнинг далилидир.

Шунинг учун ҳам ўзбек совет аёлининг ўзлигини таниб, камол касб этишини янгидан қаламга олган ижодкор олдида ғоят қийин вазифа туради. Аввало, бундай асар авторни ўз қаҳрамони таржимаи ҳолидаги олдинги қаҳрамонларга ўхшамайдиган жиҳатларини очиши, иккинчидан, унинг қаҳрамони бадий образ сифатида ўзидан олдин яратилган образларнинг соясида қолиб кетмаслиги, ўз характериининг янги жиҳатлари билан улардан ажралиб туриши керак. Бунинг учун ёзувчи янги қўриқлар очиб, янги кашфиётлар қилиш йўлидан бориши даркор.

«Оқсой» романидан сўнг яратилган

йирик проза намуналарида, айниқса, «Меҳр» қиссаси ва «Сайли» романида адабиётимизнинг ана шу шонли анъанаси муваффақиятли давом эттирилганининг шохиди бўламан. «Меҳр» қиссаси илк боблариданоқ янги аёл ҳақидаги янги қисса бўлажигига китобхонда умид пайдо қилади. Қисса ичига кириб борганингиз сари ёзувчининг мизик кузатувчанлиги, воқеалар ривожидан, характерлар мантиқидан энг зарур жиҳатларни танлаб ола билиши, персонажлар характеристикасидаги аниқлик ва равшанлик кўп ҳолларда улар тилини индивидуаллаштира билиши ва бошқа фазилатлар кўзга ташланади.

Асарда Мунаввар тақдирдаги бурилиш нуқталари танланиб, улар образ ривожини баралла кўрсатадиган мантиқий далиллар, ўқувчи хотирасида муҳрланиб қоладиган деталлар ёрдамида тасвирланади. Мунавварнинг руҳий кечинмалари, унинг характери ривожини очишга муносиб хизмат қиладиган драматизм асарга алоҳида таъсирчанлик бағишлайди.

Асарда Мунаввар характериининг очилишига ёрдам берувчи ҳаётий эпизодлар, воқеалар кўп.

«Сайли» романининг бош қаҳрамони Сайлихон самимият, ҳалоллик, ростгўйликда ибрат бўла оладиган аёл. Унинг жўшқин, актив шахс экани нопоклик ва қинғирликка қарши деярли ҳамisha муросасиз курашларида намоён бўла боради.

Сайли образида биз тоғдай саботли, энг қийин ҳолатларда ҳам иродаси букилмайди, айни вақтда чинакам инсоний туйғуларга бегона бўлмаган аёл намунасини кўраман. Масалан, Сайли бошига тушган фожиялар Зулфизарнинг фожиялари билан солиштириб кўрилса ва бу икки аёлнинг шу фожиялар қаршисида ўзини қандай тутиши назардан ўтказилса, Сайлининг бутун мураккабликлари билан кўрсатилган тўлақонли ижобий образ экани, катта ибрат кучи намоён бўлади.

Тўғри, «Сайли» романида асарга табиий эҳтиёж сифатида киритилган, аммо ёзувчининг етарли эътиборини қозонмай, ярим йўлда қолиб кетган ёки муҳим ғоявий-бадий вазифани бажара олмай қолган айрим образлар ҳам бор. Сайли ҳаётий зарурат туйғайли боқиб, катта қилиб, бутун уруш даврини биргаликда ўтказган Настя ва Яшанинг отаси офицер Ипполит Макаровнинг ўз фарзандлари изидан Марғилонга келиб кечирган ҳаёти анча эҳтироссиз, нурсиз тасвирланган. Шунингдек, Соттихоннинг санъат соҳасидаги чинакам истеъдоди ва асарнинг бир неча бобларида кўрсатилган самимийлиги билан унинг пул бандаси отарчига, ҳаётнинг барча қувончини мешчанларча ҳаёт кечиршида деб тушунадиган шахсга айланиш жараёни етарли далилланиши зарур эди. Афсуски, асарда ана шу жараён юзаки чиқиб қолган.

Лекин, яхлит баҳолаганда, «Сайли» романи Суннатулла Анорбоев ижодининг шубҳасиз ютуғи бўлиб, унда тасвирланган персонажлар ҳаётнинг ўзидан олинганлиги, кўп қиррали ва таъсирчанлиги билан ажралиб туради. Тўғри, романда рўй берадиган воқеаларга, персонажларнинг турли-туман хатти-ҳаракатларига ёзувчи ошқора аралашиб, уларни шартта-шартта баҳолаб ташлайвермайди. Аммо бу асло

адиб позициясининг мавҳумлигини англа-майди. Аксинча, у ўша воқеалар ва хатти-ҳаракатларни китобхон тўғри баҳолаши учун айрим имо-ишоралар қилиб, уни тўғри йўлга солиб юборадики, бу жиҳат ро-маннинг муҳим ижобий хусусиятларидан бири ҳисобланади.

Суннатулла Анорбоев етмишинчи йил-лардан бошлаб болалар прозаси соҳасида ҳам самарали ижод қилмоқда. Унинг ки-чик мактаб ёшидаги болалар учун мўл-жалланган «Тўрткўзнинг бошидан кечирган-лари» номли китоби уч қисса ва ҳикоя-лардан ташкил топган. Китоб мўлжаллан-ган ўқувчиларнинг ёши, билим доираси ҳисобга олиб ёзилган, «Тўрткўзнинг бо-шидан кечирганлари», «Сулаймон овчи ва унинг ити ҳақида», «Ҳамсўхбатлар» каби қиссаларида инсоннинг она табиатга, ҳай-вонот оламига муносабати алоҳида меҳр-ихлос билан, шоирона эҳтирос билан ёри-тилган. Ёзувчининг бу уч қиссаси 1977

йилда Москвада алоҳида китоб ҳолида нашр этилиб, рус танқидчилари эътибори-ни жалб этди. Китобга тақриз ёзган Влади-мир Александров ҳақли равишда таъкид-лаганидек, «Суннатулла Анорбоевнинг бо-лаларга аталган янги китобчасидан қопадиган энг асосий таассурот оптимистик бў-либ, ёзувчи болалар адабиётининг энг му-раккаб жанрида — ҳайвонлар ҳаётидан олинган сюжетли қисса жанрида ғоят қи-зиқарли асарлар яратди».

Ўзининг замонавий қиссалари, романла-ри ва долзарб проблематик очерклари билан адабиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган камтарин ижод-кор Суннатулла Анорбоев янги асарлар ус-тида самарали меҳнат қилиб келмоқда. Унинг катта қалб саховати билан битила-жак янги асарларига умри боқийлик, юк-сак парвозлар тилаб қоламиз.

Шариф ЮСУПОВ,
филология фанлари кандидати.



ЭЛ ЖАРЧИСИ

[Халқ шоири Фозил Йўлдош ўғлининг 110 йиллигига]

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев республикамизга учинчи Ленин орденини топширишга бағишланган тантанали йиғилишда маданий меросга ленинча муносабат ҳақида тўхталиб: «Сизлар Ибн Сино, Навоий, Улуғбек номлари билан боғлиқ ёки Самарқанд, Бухоро, Хиванинг меъморчилик ёдгорликларида мужассамлашган қадимий маданиятнинг ноёб анъаналарини ҳақли равишда эҳтиёт қилиб асраб, ардоқлаясизлар», деб таъкидлади. Дарҳақиқат, бутун совет халқи каби, ўзбек халқи ҳам ўз маданий меросини ардоқламоқда, айни пайтда ўз даҳосини тўла-тўқис намоён қилган ҳолда, янги маънавий хазиналар яратмоқда.

Ўзбек халқи ўз бадий оғзаки ижодининг бутун бир дунёсини ҳам Улуғ Октябр революцияси шарофати билан мангуликка бедахл асраб қола олди. «Алломиш» дostonини классик вариантда куйлаган, ўзининг оригинал индивидуал ижоди билан бутун бир бадий йўналиш яратган Фозил Йўлдош ўғли сингари халқ шоирлари истеъдодига янги замон мислсиз ижобий таъсир кўрсатди.

Фозил Йўлдош ўғли қаҳрамонлик дostonларининг беназир куйчиси эди. Унинг анъанавий қаҳрамонлик эпосини куйлашдаги маҳорати бутун бир дostonчилик мактаби — Булунғур дostonчилик мактаби асрий тараққиёти давомида эришган камолот даражасини ўзида мужассам этган эди.

Демократик йўналишдаги умумўзбек дostonчилиги каби, Булунғур дostonчилик мактаби ҳам халқ билан яқдил, «эл жарчиси» (Анбар отин) бўлган шоирларнинг бир неча авлодини вояга етказган эди. Худди ана шундай шоирлар сирасида, Фозил Йўлдош ўғли ҳам ҳақиқатталаб, эркталаб халқнинг шоири бўлиб майдонга чиқди. Унинг индивидуал ижоди асосини ташкил этувчи халқчиллик, инсонпарварлик, ватанпарварлик хусусиятларининг сарчашмаси Булунғур дostonчилик мактаби бош йўналишини тайин қилган мазкур муҳит руҳидадир.

Баъзи фольклоршунослар Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Пўлкан шоир, Ислом шоир каби атоқли халқ дostonчилари яшаб ижод қилган даврни жонли эпоснинг сўниш даври деб ҳисоблайдиларки, бу, албатта, хатодир. Номлари зикр этилган халқ шоирларидан ёзиб олинган анъанавий дostonлар ҳақли равишда классик вариантлар ҳисобланади

Жонли эпоснинг сўниш даврида умумўзбек дostonчилигининг энг етакчи намуналарининг классик вариантларда куйланиши мумкин эдими? Жонли эпоснинг сўниш даври шу қадар бетакрор ва кўп бадий истеъдодларни майдонга чиқариши мумкин эдими? «Сўниш даври» ҳақида сўзлайдиган мутахассислар умумўзбек дostonчилигининг ҳозир биз эслаётган титанларидан кейин жонли эпос тараққиётида рўй берган узилиш жараёни ҳақида сўзлаётган бўлсалар, бунинг объектив сабабларини ёддан соқит қилмасликлари керак.

Фозил Йўлдош ўғлининг индивидуал ижодини — «Маматқарим полвон», «Жиззах кўзғолони», «Очилдов» дostonларини, янги замон мавзудаги термаларини уйғунликда ўрганиш ҳам улуғ халқ шоирини камолга етказган муҳитнинг юксак ғоявий-бадий оламига хос хусусиятларини — «сўниш даври» деган фикрни рад этадиган хусусиятларни янада яққол кўриш учун имконият яратади.

«Маматқарим полвон», «Жиззах кўзғолони», «Очилдов» дostonлари узвийликда Фозил Йўлдош ўғлини эрк ва озодлик куйчиси сифатида намоён қилади. Фозил Йўлдош ўғли, худди Нурмон шоир Абдувой ўғли каби, халқ исёнкори образини бадий ҳаққоний ва жонли яратиб берди. Шундай қилиб, фольклор доирасидаги индивидуал ижодда новаторлик намунасини кўрсатди ва замонавий ижобий қаҳрамон образини — исёнкор халқ қаҳрамони образини яратди. Фозил Йўлдош ўғли ижодий ўсишда давом этиб, халқ ҳаётини бундан ҳам тўлароқ қамраб олишга интилди ва 1916 йилги миллий озодлик ҳаракатини, жумладан, Жиззах кўзғолонини, унинг эрксевар қаҳрамонларини бадий тараннум этди. Бундан ташқари, мамлакатимиз тарихидаги яна бир муҳим тарихий даврни — гражданлар уруши йиллари воқеаларини ўзига мавзу қилиб олди. Унинг «Жиззах кўзғолони» ва «Очилдов» дostonларида халқнинг умумлашма образи зўр талант билан жонлантириб берилган. Фозил Йўлдош ўғли индивидуал дostonларининг ҳар бири улуғ халқ дostonчиси ижодида, умумўзбек фольклори тарихида алоҳида юксалиш босқинини ташкил этадики, бу ҳақда бошқа ўринда махсус тўхталиш керак бўлади. Лекин, ўрни келганда таъкидлаш керакки, адабиёт ва фольклорни комплекс назардан кечирганда, Фозил Йўлдош ўғли ҳар уч дostonида мурожаат этган мавзулар, у бадий жонлантириб берган қаҳрамонлар фольклор доираси учунгина эмас, адабиёт учун ҳам муҳим аҳамиятга молик

лигини кўриш мумкин. Албатта, бу дostonларни баҳолар эканмиз, янги замоннинг ижтимоий-сиёсий муҳити Фозил Йўлдош ўғли дунёқарашини бойитганини ва теранлаштирганини, демак, унинг онгидаги айна сифат ўзгариши ҳам индивидуал ижодида, ҳам репертуаридаги анъанавий дostonлари талқинида тажассум топганлигини унутмаслигимиз керак.

Фозил Йўлдош ўғли жонажон Коммунистик партиямизни, дохиймиз Владимир Ильич Ленинни, совет замонасини ўз дostonлари ва термаларида улуғлади. Улуғ Ватан уруши йилларида дўмбирасини фа-

шизмга қарши кураш қуролига айлантирди. Бинобарин, айтиш мумкинки, асрлар давомида ривожланиб келаётган жонли эпик анъана ташувчилари — умумўзбек дostonчилигининг Фозил Йўлдош ўғли каби йирик вакиллари совет даврида фольклорда янги бир босқични — индивидуал ижод босқичини бошлаб бердилар. Совет воқелигига хос бу ҳаётини ҳақиқат Фозил Йўлдош ўғли каби новатор халқ шоирлари ижодлари гоёт улкан ижтимоий-бадий аҳамиятга моликлигини яна бир марта уқтиради.

Мухаммадали ҚУШМОҚОВ.

Комил Яшин

ЁДИМДА У ҲАМИША ШУНДАЙ

(Сергей Петрович БОРОДИН туғилганига 80 йил тўлди).

Муқим яшаш учун Тошкентга кўчиб келгунига қадар ҳам Сергей Петрович Ўзбекистоннинг ва Урта Осиёнинг дўсти эди. Олис 1925 йилдаёқ у Самарқанднинг қадимий ўрни бўлган Афросиёбда олиб борилган археологик экспедицияларда қатнашди. Биз кейинчалик амин бўлганимиздек, уни бу ерга келишига даъват этган нарса ўрта асрлар шарқига нисбатан оташин муҳаббат эди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Сергей Петрович Бородиннинг ҳаёти ва ижодини тадқиқ этган ёзувчи ва адабиётшунос Пётр Слётов ана шу образли ва аниқ ифодани ишлатганди. Мен эсам, Бородиннинг бу ерга келишига сабаб даврларнинг жонли алоқасига, тарихга бўлган меҳр ҳамдир деб қўшиб қўйишни истардим...

У кейин ҳам Урта Осиёга келиб турди, бу ерда яшади, завқ-шавқ билан ишлади. Унинг дастлабки китоблариёқ Совет Туркистонда қад ростлаган янги инсонга, Улуғ Октябрь нуридан баҳраманда бўлиб, социализм қуришга аҳд қилган Совет Бухороси кишиларига бағишланди. Шиддат билан ўтган йиллар призмаси орқали орт-

га боқар эканмиз, йирик ва ҳақиқий сўз устаси Бородиннинг бутун ҳаёти ўзлуксиз изланиш, тинимсиз меҳнат билан ўтганлигининг гувоҳи бўламиз.

Шимолий Россия ва Узоқ Шарқ, Закавказье ва Турксиб, Вахш воҳаси ва Помир оралиқлари, Қарши дашти — ана шу йўллар билан ҳаёти туташ бўлган сезгир ва изланувчан, ўзига ва ўзгаларга талабчан ҳақиқий коммунист, интернационал ижодкор, ноёб истеъдод қудратига эга санъаткор учун битмас-туганмас ва бебаҳо материал берди.

50-йилларнинг бошларида Тошкентга муқим кўчиб келган Сергей Бородин мураккаб ва бадий жиҳатдан кам ўзлаштирилган афсонавий Темур даврини ўрганиш ишига батамом шўнғиб кетади. Уруш йилларида яратилган «Дмитрий Донской» асари ҳам жанговар сафларга турди. Ёзувчи навбатдаги асар учун материал қидириб ҳузуримизга келди, биз дўстона меҳр ва эътибор билан уни қарши олдик.

Дўстимиз ва оғамизнинг муваффақиятлари бизни сидқидилдан қувонтирарди. Бу ерда, Тошкентда сезгирлик ва ижодий ўзига хослик билан, ҳавас қилса арзигулик меҳнатсеварлиги билан Сергей Бородин бадий таржима чўққиларини ҳам эгаллади. У Урта Осиёни ҳарорат билан севар, китоблар орқали эмас, балки тажрибали этнограф, археолог, ёзувчи, журналист, жамоат арбоби сифатида бу ўлкани яхши биларди.

У кўплаб йиллар давомида Садриддин Айний ва Мирзо Турсунзода, Берди Кербобоев ва Мухтор Аvezов, Ойбек ва Шароф Рашидов, Шайхзода ва Зулфия, Сарвар Азимов ва Уйғун, мазкур сатрлар муаллифи билан ижодий ва инсоний дўстлик иплари ила чамбарчас боғланган эди. Айнийнинг «Бухоро» ва «Қуллар», Ойбекнинг «Олтин водийдан шабадалар», Шароф Рашидовнинг «Кашмир қўшиғи» рус совет ёзувчиси Сергей Петрович Бородиннинг моҳирона таржимаси туфайли жаҳонга тарқалди. Унинг қаламига мансуб «Дмитрий Донской», «Самарқанд осмонида юлдузлар» асарлари ҳам ўнлаб халқлар тилларига таржима қилинди. Ишонч билан эътироф қиламанки, ёзувчи ўз асарларида



ҳам, таржималарида ҳам халқ руҳиятини, миллий колоритни сақлаб билган.

Ижодий методи социалистик реализм бўлган ҳақиқий марксча позицияда туриб, у ўзи яшаётган ва ижод қилаётган давр моҳиятини чуқур англади. Сергей Бородин ўзининг «Айний» очеркида бундай деб ёзиши тасодифий эмасдир: «...шундай қилиб, 1923 йили мен бу ёзувчининг асарини илк бор ўқидим ва ўшандан бери, ўнлаб йиллар давомида унинг чинакамига халқчиллигини ҳурмат қиламан, ана шу фазилат кўпчилики ёзувчиларимизга етишмайди, ҳолбуки, менинг англашимча, бусиз бирор-та ҳам арзирли асар яратиб бўлмайди».

«Советский писатель» нашриётидаги оғир ва масъулиятли вазифа, яъни бош редактор бўлиб ишлаши, ҳеч шубҳасиз, унга жуда кўп нарса берди. Улуғ Ватан уруши йиллари эди ўшанда.

Сергей Бородин республика ва бутун мамлакатдаги машҳур ёзувчилар, маданият ва санъат арбоблари билангина яқин ижодий ва дўстлик алоқалари ўрнатибгина қолмади. У муқаддас қоидага ҳам изчил амал қилди — бошловчи адибларни қўллаб-қувватлади, энг оғир дамларда кўмак сўраганларга ёрдам қўлини чўзди. Кундалик ишларда у дуч келадиган ана шундай юмушларни ҳам ҳал этишни коммунистик, ёзувчилик, граждонлик ва инсоний бурчи деб билди. Яна қайтариб айтманки, ўз қиёфаси билан юмшоқ табиатли ва илтифотли, саховатли ва меҳрибон бўлган Сергей Бородин ҳақиқий граждонона ва илғор адабиёт учун курашлар жараёнида принципиал ва жонкуяр муҳаррир, адабий маслаҳатчи эди. Бундай муносабат холисоналик ва тўғрилиқдан, энг аввало ёзувчининг виждоний бурчидан, ўзига ва ўзгаларга талабчанлигидан келиб чиққанлигини, беғаразлигини ҳамма яхши тушунарди. Ҳамиша ва ҳамма жойда турли даража ва унвондаги ҳар қандай ёзувчидан ўз ижодига жиддий муносабатни талаб қилар эди у.

Кичик жанрдами ёки катта жанрдами, ҳар бир яратилаётган асарнинг ҳам ғоявий, ҳам бадий савиясини ошириш устида муттасил ишлаш лозимлигини у қайта-қайта уқтиришдан толмасди. У шундай талаб қўйишга тўла ҳақли эди. Оғир ижодий меҳнат билан машғул дамларида ҳам у ўзига қадрдон ёзувчилар ташилотининг ҳаёти ва ташвишларидан асло четда турмасди. Ана шу маънода уйга биқиниб олишда заррача айблаш мумкин эмасди уни. Ўзининг ниҳоятда банд бўлишига қарамасдан, союзда, шаҳарда, республикада амалга оширилаётган барча ижтимоий-сиёсий тадбирларда жуда фаол иштирок этар, бунёдкорлик руҳи билан яшар ва нафас оларди.

СССР Ёзувчилар союзи, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениеларининг доимий ва кўп йиллик аъзоси сифатида, «Дружба народов» ва «Звезда востока» журналлари редколлегияларининг доимий аъзоси сифатида у ўзининг аниқ таклифлари ва мулоҳазалари билан муттасил ёрдам бериб келди. У камтарин инсон эди, ҳолбуки, адолат билан айтганда, Урта Осиёда ижод қилаётган рус совет ёзувчилари ичида энг йирик ижодкорлардан эди. Биз шундай деб ҳисоблар ва шундай экан-

лигини доимо ҳис этиб турардик. Шунга яраша муносабатда бўлардик. Йирик совет адабиётшунослари билан бўлган суҳбатлар чоғида, агар рус тили билимдонлари иккита бўлса, уларнинг бири Сергей Бородиндир, деган гапларни кўп эшитардик.

Мамлакатимиздаги қардош республикаларда бўлиб ўтган адабиёт декадаларида у билан кўп марта бирга бўлганлигим ёдимга тушади. Ана шу сафарлар мобайнида тиниб-тинчимас ленинчи интернационалист Сергей Бородин бутун ёрқинлиги ва саховати билан тўла намён бўларди. Ижтимоий оптимизм, марксча-ленинча эътиқод, ижодкорлик назарининг кенглиги, қалб саховати ҳамда барқарорлик унинг дунёқарашини белгиллаган омиллар эди.

Уни четдан кузатиш менга ҳаммиша ҳузур бағишларди: союздаги пленумгами, Олий Совет сессиясигами — қаерга таширф буюрмасин, у ниҳоятда тартибли ва интизомли, дид билан оддий кийинган ва албатта фарғонача дўппи билан пайдо бўларди. Дўппи билан у ҳеч қачон ажралмасдай туюларди. У билан бирга ишлашганимиз Осиё — Африка комитети президиумидами, партия мажлислари ва ёки Қарши чўлқуварлари билан учрашувардами — Сергей Пётрович билан нималар ҳақида суҳбат қўрмайлик, ўша аснода мени ҳам, унинг атрофидаги ёки залдаги кишиларни ҳам бородинчасига зиёлилик ва очиққўнғиллилик яхши маънода доим таъқиб этиб турарди. Нафақат дўстлик, баландпарвоз сўзлардан ҳайиқмаи айтишим мумкинки, адабиётимиз шўҳрати учун мавжуд ҳаётни ҳис этиб турардик биз.

Мана энди мен, англашимча, энг асосий масалага келиб ёндашдим. Танқидчилик томонидан бир неча бор ва адолат билан таъкидланганидек, Сергей Бородин тарихий романлар муаллифи сифатида бадий маҳоратини муттасил ошириб борди, Иттифоқ миқёсида ва чет элларда ҳам унинг машҳур тарихий романлари реализм билан чуқур йўғрилганлиги ва замонга ҳамнафаслиги, совет тарихий романчилигининг жонли аъналарини ривожлантириб бойитганлиги эътироф қилинди. Бу тан олинган фактдир. Лекин, менинг фикримча, энг асосийси шундаки, ўзининг ижодий фаолияти мобайнида Сергей Петрович Бородин тарихий бадий прозадек мураккаб жанрда ўзининг ажойиб маҳорат мактабини яратди. Кўплаб ёш адабларимиз, айниқса носирларимиз ижодиди унинг таъсири аниқ сезилиб турибди. Бугунги кунда Ўзбекистонда йирик бадий тарихий проза чинакамига гуллаб-яшнаётган экан, Одил Ёкубовнинг «Улуғбек хазинаси», Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар», Мирмуҳсиннинг «Меймор» романлари майдонга келган экан, бунда Сергей Бородиннинг хизмати бордек туюлади менга. У ўзининг «Самарқанд осмонида юлдузлар» асари билан тарихий материалга, тарихий шахсларга эҳтиёткорлик ва талабчанлик билан муносабатда бўлиш намунасини кўрсатди. Тарихий романларимиз ғоявий сифатининг, тарбиявий таъсир кучининг, бадийлик ва граждонлик оҳангининг кескин суратда ўсишида унинг ёзувчилик намунаси ижобий ва самарали роль ўйнади. Мен унинг ёш ўзбек носир-

ларига кўрсатган таъсирини Айний, Кербобоев, Аvezовларнинг Урта Осиё республикаларидаги замонавий тарихий бадий прозаинг бутун равнақиға таъсири билан таққослайман.

Биз, ўзбек адиблари, Сергей Петровични ўз ёзувчимиз деб билар ва ёшларга доим ўрнак қилиб кўрсатардик. У ҳамсухбатини тинглай билар, олдинга сурилган муҳим проблеманинг туб моҳияти ичига кира олар эди. Унинг публицистикаси, барча мақолалари, суҳбатлари ва китобхонлар аудиторияси олдида чиқишлари инсонийлик сабоқлари, ер юзида порлоқ коммунистик идеалларни қарор топтириш учун чақириқлар эди.

Ватан унинг кишиларга, халққа, ўз даврига фидойи хизматларини муносиб тақдирлади — у орденлар, медаллар билан мукофотланди, унга СССР Давлат мукофоти, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти берилди, у Ўзбекистон халқ ёзувчиси деган юксак унвонга мушарраф бўлди.

...Тошкентнинг сокин Оржоникидзе кўчасидаги хонадон турли соҳа кишилари — олимни ҳам, артистни ҳам, ёзувчини ҳам, рассомни ҳам оҳанрабодек доим ўзига тортиб турарди. Ташриф буюрган ҳар бир киши бу ердан маънан бойиб чиқарди. Бу хонадон соҳиби ҳузурда ҳар ким ўзини бемалол ҳис этар, ёзувчининг ўзи эса, меҳмонларга ҳам, уйдагиларга ҳам республика ёки мамлакат бўйлаб сафардан ҳориб қайтганини ёхуд тонгга қадар навбатдаги янги асар саҳифалари устида мижда қоқмай ўтирганини билдирмасди.

Ҳозир, айни кезде унинг «Йўллар» деб аталган автобиографик қиссасидаги сўзлар ёдимга тушади, ёзувчи гўё босиб ўтилган

йўлларига яқин ясаб, ижодкор виждонини доимо бедорликка чорлашга қодир уч муҳим нарса хусусида мулоҳаза юритади. У шундай деб ёзади:

«Ғоявий аниқлик, юксак бадий савия, бенуқсон тарихий манба — тарихий роман илғор адабиётдан ўрин олиши, унинг муваффақиятларининг ажралмас қисмини ташкил этиши учун ана шу уч асосни пухта эгаллаб олиш лозим».

Камтарона изҳор қилинган сўзлар. Гўё Сергей Бородин ҳали — ҳозирча ҳеч нарсага эришганича йўқдай, ҳақиқий адабиётнинг ана шу буюк уч асосини ўзлаштириш ва унга эришишда оғир ва машаққатли йўл ҳали босиб ўтилиши лозимдай. Ҳолбуки, айнан унинг ижодида рус ва ўзбек маданиятларини яқинлаштириш ва ўзаро бойитиш жараёнлари ўзининг ҳаётбахш ифодасини топди.

Қаламкаш дўстимнинг яна бир эътирофи қалбимга яқин, зеро унда Ватанга, партияга, халққа хизмат қилишнинг моҳияти очиб берилгандай туюлади менга.

«Тарихийми, фантастикми, маишийми, — қандай мавзуда бўлишдан қатъи назар, биз ҳар қандай материалга қўл ураб эканмиз, давримиз ғоялари билан, энг илғор, энг инсоний замонавий ғоялар — коммунистик идеология билан йўғрилган ягона адабиёт яратамиз. Ана шу ғоявийлик ва айнан ана шу ғоявийликкина у ёки бу асарнинг замонавийлигини белгилайди».

Адолат билан айтилган сўзлар. Биринчи галда талабчан ва шафқатсиз санъаткорнинг ўзига нисбатан айтган сўзлари. Катта ҳарф билан ёзилажак ҳақиқий Инсоннинг сўзлари. Ёдимда у ҳамиша шундай, Сергей Бородин.

Сергей Баруздин

«МЕНИНГ АДАШИМ...»

Вақт шиддат билан ўтиб бормоқда ва шу нарсани ўкинч билан айтаманки, йиллар бизни тирик Сергей Петровичдан узоқлаштира боргани сайин унинг ҳақида — ҳаёт билан видолашган киши ҳақида гапиргандай гапириш ниҳоятда оғир...

Сергей Петрович Бородин...

Бу инсон кишини ҳайратда қолдирадиган, ҳатто, айтишим мумкинки, доводиратиб кўядиган даражада жозоба кучига эга эди.

Биз йигирма йиллар муқаддам танишган эдик, ўшандаёқ Сергей Петрович иттифоқ ва жаҳон миқёсида тан олинган классик эди. У ўшанда «Сўнги Бухоро» ва «Мисрлик» романларининг, «Қушлар устаси» тўпламининг ҳамда Улуғ Ватан урушининг иккинчи йилида — жуда пайтида яратилган «Дмитрий Донской» асарининг муаллифи эди...

Сергей Петровичнинг ўзи эса ниҳоятда камтар, камгаб ва оддий киши эди. Манманликдан асар ҳам йўқ эди унинг қиёфасида. Чехрасида доноларга хос табассум. Бўғриққан юз, ҳамма нарсани кузатиб

англашга қодир кўзлар. Овозлари осойишта. У «Самарқанд осмонида юлдузлар»нинг биринчи китоби «Оқсоқ Темур»ни ёзиш билан банд, бутун фикри-зикрини мазкур эпопея тортиб олган ва шунинг учун ҳам Москвада кам бўларди. Мажлислар, пленумлар, съездларда мунтазам қатнашса-да ёзувчилар уйдаги гала-фурлар уни гўё четдан қизиқтирарди, холос...

Сўнгра «Самарқанд осмонида юлдузлар»нинг давоми бўлган «Йилдирим Боязит» пайдо бўлди. Роман кучли, мураккаб, кўпгина жиҳатлари билан новаторларча яратилган бўлиб, Шарқ халқлари тарихига оид ўрнашиб қолган тасаввурларни тубдан ўзгартириб юборди. «Дружба народов» журналида эълон қилина бошланган (1972 йилнинг учинчи ва 1973 йилнинг иккинчи сониде босилган) бу китоб баҳс ва мунозараларга, айрим ҳолларда кескин фикр-мулоҳазаларга сабабчи бўлди, лекин ушбу асар тарихига санъаткорларча чуқур ёндошилгани, шаклининг ёрқинлиги

ва равонлиги, характерларининг жозибаси билан ўқувчини ром этарди. Муҳаррир ҳамиша ҳам муаллиф билан ўзаро яқдил бўлиши қийин, ўшанда эса, эътироф этаманки, бизнинг нуқтаи-назарларимиз бир хил бўлиб чиқди. Сергей Петрович билан мулоқотда бўлиш чинакамига бахт эди. Ажойиб роман тексти устида ҳамкорликда иш олиб бориш катта ҳузур бағишларди. Рухий икир-чикирларга қадар биз бир-биримизни тўла тушунар ва қўллаб-қувватлар эдик.

Бир қарашда бир-бирдан йироқ бўлган тушунчалар,— қадимий Русь тарихи ва қадимий Шарқ тарихига оид чуқур билим ва маълумот кўламининг Сергей Петрович сиймосида уйғунлашиб кетганлиги кишини ҳайратга соларди. Лекин бу ҳолат унда табиийлик касб этган ва ҳатто бир-бирини тўлдирар эди ҳам. Шунинг учун ҳам унинг тарихга ҳолисона қарashi бу қадар кенг қамровли бўлган бўлса керак!..

Ана шулар ҳақида ёзувчининг ўзи «Дружба народов» журналида биз эълон қилган таржимани ҳолида қисман ҳикоя қилди, ҳа, қисман ҳикоя қилди, ҳолбуки мазкур таржимани ҳолнинг ўзи, назаримда, халқ ва тарих мавзудаги ажойиб эссе бўлиб туюлади менга.

Ҳар тугул, таржимани ҳол саҳифалари ортида турган муаллифнинг ўзи чинакам камтарин, юсак маданиятли, ноёб маҳоратга эга санъаткор ва мутафаккир олим бўлиб гавдаланади...

«Йилдирим Боязит» ниҳоясига етай деб қолган, Сергей Петрович эса аллақачон «Самарқанд осмонида юлдузлар» эпопеясининг якуний қисми бўлган «Оқ тулпор» романи ҳақида ўй-фикрлар билан яшар эди. У Яқин ва Урта Шарқ мамлакатлари бўйлаб ўз қаҳрамонлари изидан кезарди. Қаерда юрмасин, унинг содиқ дўсти ва ёрдамчиси Ровза хоним у билан доим бирга бўларди. Кўз хасталиги Сергей Петровични ташвишга солар, ишлашга ҳалал берар, лекин у ниҳоятда жасоратли ва меҳнаткаш эди. «Оқ тулпор»нинг боблари қувонч билан ёзилар ва бетиним сайқалланиб борарди: Сергей Петрович шошқалоқликни, тахминий ва чала-чулпа муносабатни асло ёқтирмасди.

У шундай дер эди: «...иш давомида мен ҳар доим романининг ҳар бир бобини тугал асар сифатида ёзишга интиламан, ўқувчи ана шу бобни яхлит асардан узиб олган тақдирда ҳам бундан деярли юзлаб йиллар муқаддам рўй берган конкрет воқеаларнинг маълум бир қисмини, маълум сюжетнинг интиҳоси ва ибтидосини тасаввур эта билсин».

Мен юқорида Сергей Петровични сўнги пайтларда кўз хасталиги ташвишга соларди, деб айтдим. Ҳа, кўз хиралиги ташвишга соларди, лекин юрак хасталиги уни ҳаётдан юлқиб кетди...

«Оқ тулпор» тугалланмай қолди. Русь тарихига қайтиш ҳақидаги азалий ўй-фикрлари амалга ошмай қолди. Урушдан кейинги дастлабки йиллардаёқ Андрей Рублев ва Иван Калита ҳақида ёзилажак романларнинг илк жумлалари қоғозга тушганди...

«Дружба народов» журналининг 1977 йил 9-сонига «Оқ тулпор» романидан боблар эълон қилган эдик. Бородинчасига, сайқал берилган чуқур ва ёрқин мазкур боблар «Самарқанд осмонида юлдузлар» эпопеясининг муносиб якуни ҳамда унинг муаллифи — йирик рус интернационал санъаткори, ноёб талант, мусаффо қалб ва камтарин бўлган бу инсоннинг босиб ўтган йўли ҳамдир...

Сергей Петрович адабиётда ва бизнинг қалбларимизда қолди.


Шу аснода унинг Тошкентдаги меҳмондўст хонадони — Оржоникидзе кўчасидаги 18-уй ёдимга тушади. Бу хонадон дунёнинг турли бурчакларидан келган дўстлар учун ҳамisha очик эди. Бу уй хонадон соҳибининг, Ровза хонимнинг, уларнинг фарзандларининг илиқ табассуми билан ҳамisha мунаввар эди...

Ушбу хонадонда бўлган кўплаб учрашувларни хаёлан ёдимга келтирар эканман, улардан бирини алоҳида эсга оламан. Тун. Тошкентнинг мўътадил салқинлиги. Борлиқ сукунат оғушида. Боғ устида алвон само. Хонадонга эса Тамарахоним, Сергей Герасимов, Тамара Макарова, Комил Ерматов ва яна кўплаб ёзувчилар, рассомлар, актёрлар, олимлар, студентлар йиғилишган. Улар орасида чет эллик меҳмонлар ҳам бор. Тамарахоним рақсга тушади, кейин эса санъатнинг ҳаётдаги ўрни ҳақида, ижодкорнинг миллий қиёфаси ҳусусида тонгга қадар давом этадиган мунозара, мусохабалар бошланади. Сергей Петрович бир чеккада мамнулик билан кулиб ўтирибди. Бундай учрашувлар, дўстлар давраси унга хуш ёқади...

— Хўп, хайр, адаш, менинг адашим! — дейди у тонг палласида бизни кузата туриб.

Осойишталик билан айтилган «менинг адашим» деган сўзлар ҳамон қулоғим остида. Сергей Петровичнинг менга ёзган ва мен авайлаб асраётган осойишта ва ташвишли оҳангда, айрим ҳолларда ижодкорга хос ғуссаларга тўла мактубларида ҳам ана шу сўзлар тез-тез такрорланади: «менинг адашим»...

Тўққончи



КОНВЕРТЛАРНИ ҚАЙЧИЛАГАНДА

Ҳақиқатни зўрлаб бўлмайдди сира.

Босиб ўтолмасдан ғуж-ғуж сояни,
Ёғдулар бир ҳатлаб устидан ошган.

Ғорларда бекиниб ётар кўлкалар,
Ётади соқолу сочлари ўсиқ.

Соясиз нурлардай оқади ҳислар.

Хонангдан чиқдим таъналар сафи,
Соф шаънинг устига қўяди қадам.

Тановул туфайли биз ўпган сари
Қошиқлар ва жомлар эскириб борар.

Кўкракларда туғилиб, кўкда ўлар
тутунлар.

Дарахтлар ва боғлар олдиришар соч.

Келгинди бу ҳолдан кетаман қўрқиб.

Очилди қоронғи тортиб орамиз.

Сенга очдим қалбимдан қабр,
Ичида йўқ аммо жасадинг.

Тўхтовсиз чарчоқлар тўлови тердир.

Уни ром этолмас сокин узоқлар,
Ерида берса-да зилзилалар рўй.

ЕЛИМ

ҲАЖВИЯ

— Мумкинми?

Бир фельетоним сарлавҳаси устида бош қотириб ўтиргандим, фикр-хаёлим бўлинди. Эшикка қарасам, у ёнимга етиб келган экан: таниш башара. Утган ҳафтанинг ўзида уч марта ташриф буюрганди. Биринчи бор чой узатиб самимий кутиб олгандим. Ушанда ҳам савол беришимни кутмасдан ўзи гапира бошлаганди:

— Сиз мени танимадингиз-а! Мен эсам сизни яхши биламан. Отангизни ҳам танийман. У ажойиб одам. Биров муҳтож бўлса, қўлидан келганича ёрдам беришга ҳаракат қиларди. Шунинг учун ҳам таниш-билишлари орасида катта обрў-эътибор орттирганди. Отангизга жуда-жуда ўхшаб кетаркансиз. Яхши отанинг фарзанди ҳам яхши бўлади...

— Бу тарбияга боғлиқ,— дедим унинг «лекция»сини бўлиб.

— Албатта-да. Тарбияга ҳам боғлиқ. Лекин, бари бир, қуш уясида кўрганини қиларкан. Мана, эшитинг, менинг бир ўғлим бор. Ун ёшда. Худди ўзим. Мактабдан ҳар кун фақат «тўрт» ва «беш» олиб келади. Аммо ҳеч қачон мақтанмайди, гердаймайди. Фақат битта «беш» учун мендан бир сўм талаб қилади. Шунга одатланган. Баъзан бирданига тўртта «беш» олиб келади. Ҳеч қандай гап-сўзсиз тўрт сўмини чўзаман. Жуда раҳмдил бола. Ҳеч кимни хафа қилмайди. Лекин борди-ю, уни биров чертса, мушт билан жавоб қайтаради. Тўғри-да! Буям ота тарбияси. Сиз-даям бола-чақа бордир-а, ука?

— Бор.

— Яхши-яхши. Катта бўлишин. Мен мақсаддан сал узоқлашиб кетдим, шекилли. Бир илтимос билан келгандим.

— Эшитаман.

— Аввало тузукроқ танишиб олайлик. Исмим — Вали, фамилиям — Пулдоров. Бу асли фамилияммас, лақабдан келиб чиққан бир гап. Отам жуда бадавлат, пулдор одам бўлган. Савдо-сотик билан шуғулланган. Мен ҳам унинг изидан боряпман. От изини той босар, дейишади. Хуллас, отамни Пулдор дейишаркан. Кейинчалик шу лақаб менинг фамилиямга айланиб кетди. Ота изидан боряпман, деганимнинг сабаби бор, албатта. Йигирма йилдан бери савдода ишлаб келяпман. Йигирма йил-а, айтишга осон. Бу орада иш жойимни ўн икки марта алмаштирдим, «торг» раҳбарлари қарёққа бор дейишса, ўша ерга бордим. Кеёкли харидорларни хурсанд қилишга интилдим. Ойлик планин ошиғи билан бажарсам, кечалари уйқум келмайди.

Узим яхши ишлаш билан бирга, ёшларга касбим сирларини ўргатаман, яъни мураббийлик қиламан. Узимнинг икки укам, амакимнинг икки ўғли, холамининг қизи менинг беғараз ёрдамларим туфайли сотувчи бўлишди. Яхши ишлаган одамнинг даромади ҳам яхши бўлади. Ҳаммасининг дангиллама уй-жойи, шахсий автомобиллари бор....

— Узингизда ҳам бордир?

— Албатта-да! «Москвич» эди, «Волга» қилдик. Шарафли касбимизнинг сирларини энди яна бир шогирдимиз — ўғлимга ўргатяпмиз. Яна бир ўғлим бор...

— У киши ҳам келажакда ота изидан борар экан-да?!

— Албатта. Савдо ходимлари сулоласи давом этади. Дараоқе, яна мақсаддан сал четга чиқибман, сиз бизнинг камтарона бу хизматларимизга нима дейсиз?

— Нима дердим, ҳаммаси тушунарли.

— Йўқ, мен бошқа гап айтмоқчиман, бу тўғрида газетага ёзилса яхши бўларди, бундай ибратли оила ҳақида ҳамма билса, дейман-да, ука! Нега индамайсиз? Фактлар, рақамлар керак бўлса, айтиб беришим мумкин. Сиз ёзиб олинг...

Телефон жиринглади. Трубкани олдим: редактор экан. Бир ташкилотда ярим соатдан кейин йиғилиш бўлишини айтиб, у ерга боришимни тайинлади.

— Мен йиғилишга кетяпман,— дея хайрлашиш учун қўл чўздим Пулдоровга.— Кўришгунча саломат бўлинг!

— Йўқ, йўқ... Сизни кута тураман, ишимиз битмади-ку, ука...

— Йўқ, яхшиси, ҳамма фактларингизни ёзиб қолдириб кетарсиз,— ундан қутулиш ниятида ўрнимдан турдим.

— Ёзолмайман, ука. Узимиз тўғримизда қандай ёзамиз? Бу мақтанчоқлик бўлади-ку! Яхшиси, эртага эрта билан кела қоларман, каллангиз свежий пайтда, ўзингиз а!..

— Ҳа, майли,— деб юбордим, қандай қилиб бўлса ҳам ундан қутулиш ниятида.

У хонадан чиқди. Эркин нафас олдим...

Эртаси ишга келсам, кутиб турган экан. Бошқа илож йўқ; қўл бериб кўришдим. Ортимдан кириб келди-да, гапни яна узоқдан бошлади.

— Суратирингиз бўлса, очеркка суратим ҳам қўшиб берилса!

Қарасам бугунги кун ҳам «ийглаб кетдиган».

— Ҳўп бўлади,— дедим. Торс ёрилгудек бир аҳволда ва фотографдан илтимос қилиб, суратини олдирдим.

— Хўш, очеркни қачон ўқиймиз?— деди у ниҳоят эшикдан чиқаётганда тиржайиб.

— Билмадим!— икки қўлим лўқиллаб оғриётган бошимда эди.

— Майли, илҳомингиз жўшсин, редакторга ҳам кириб ўтарман!

— Билганингизни қилинг,— дедим тоқатим тугаб.

Эртаси эндигина кабинетга кирганимда, у яна келди.

— Кеча муҳим бир детални айтмабман. Эсимдан чиқибди,— деди.— Хотиним қишлоқ хўжалик институтининг агрономлик факультетини тамомлаган эди. Бу аёллар иши эмас, деб унга ҳам ўз касбимни ўргатдим. Мана, ёнимда бинойидек ишлаяпти. Атайлаб шуни айтишга келувдим. Очеркнинг бирор жойига қўшарсиз...

Бу «муҳим детал»ни ҳам ёзиб қўйдим.

Мана, яна у киши ташриф буюрдилар! Кўзим учаётган эди! Бунинг устига, кабинетнинг ўртасига келгач, «мумкинми?» дейди тиржайиб.

— Кириб бўлдингиз-ку!— дедим бўғилиб.

— Очеркни ёзиб тугатдингизми?

— Ёздим! Сарлавҳа тополмаяпман, холос, яхши сарлавҳа керак!

— Албатта-да, ўзим ўйлаб қўювдим, «Ота изидан», десак қандай бўларкин?!

Унинг ақл ўргатиши етмай турувди!

— «Елим» десак-чи?!

— Нимаси «елим»?

— Сизнингча очерк, менимча фельетоннинг сарлавҳаси-да!

— Нима?!



Кинотеатрда:

— Бунақа кулгили ери йўқ шекилли?

— Э, сўрама, хотин. Кулгили туш кўрдим.



А. ХОЛИҚОВ расмлари

Турсунбой Адашбоев

ПАРОДИЯЛАР

Темур НОРБЕККА

«Эсиб қолди ҳамал шамоли
Дала кезар ялангтўш деҳқон».

«Ялангтўш деҳқон» шеърдан.

«Баҳор келди, уйғон, эй Замин,
Ҳамал ойи яшариш тонги».

«Момақалдироқ» шеърдан.

«Қавс, чиллада оламни кезгум
Ва қайтарман боз ҳамал фасли».

«Булут» шеърдан.

«Дилда ҳамал, келин — баҳор,
Иссиқ кўли кўлимда».

«Келаётир келин баҳор» шеърдан.

* * *

Ҳамал кирса — амал кириб,
Ҳатто чоллар яшаргай.
Лол қолишиб кампиршолар,
Кўзларига ёш олгай.
Қавс, жавзо олам кезиб,
Қайтгум кўклам фаслида.
Чунки ҳамал ойида мен
Туғилганман аслида.
Шунинг учун эгизакдир,
Мучал йилим баҳорга.
Ҳар кун битта шеър ёзурман,
Нонуштага — наҳорга.
Ҳамал бўлиб кўринади.
Емғирли куз, қишим ҳам.
Ҳамал ойи тўғрисида
Ҳатто илмий ишим ҳам...

* * *

Олимжон ХОЛДОРГА.

«Унг кўл кўксимда, ўнг кўл хизматда,
Унг кўл билан жами ишлар битадир.
Нега чап кўл бўлур доим иззатда,
Қаламни ҳам ҳатто ўнг кўл тутадир.
Чап кўлнинг хизмати, рости, жуда кам».

«Кўллар» шеърдан.

* * *

Чап кўлнинг хизмати, рости, жуда кам,
Унинг ялқовлиги мени қийнайди.
Лекин узук таққан ўша кўлимни,
Кесиб ташлай десам, кўзим қиймайди.
Унг кўл кўксимда-ю, чап кўлнинг иши,
Менга тинчлик бермас азруйи-азал!

Уш.

Қовоқ

Қалбим пишиб етилган қовун
Тезроқ келиб босгин ҳовурин».

Азиз АБДУРАЗЗОҚ «КЕЛ».

Қалбим — пишиб етилган қовоқ,
Тезроқ келиб узиб ол, жоним!
Манги қилгин ундан бир товоқ
Е кўлбола бир қасқон хоним!

Қалбим пишиб етилган қовоқ,
Этма мени висол ҳалаги:
Агар узиб олмасанг тезроқ,
Улиб қолар унинг палаги...

Манноп АБДУҚАҲҲОРОВ.
Тошкент.



Диёримиз адабиёт аҳли таниқли шоир Андрей Ивановнинг 80 йиллик юбилейини кенг нишонлади. «Баҳор» концерт залида шоирнинг ижодий кечаси ўтказилди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Комил Яшин мўътабар ёшли шоирнинг ижоди, жўшқин лирик шеърляти ҳақида сўзлади. Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Сарвар Азимов СССР Олий Совети Президиумининг Андрей Митрафанович Ивановни Халқлар Дўстлиги ордени билан тақдирланганлиги ҳақидаги фармониини ўқиб, мукофотни топширди. Адабиётшунос олим Адҳам Акбаровнинг шоир ижоди ҳақидаги докладыдан сўнг жамоат ташкилотлари, республикамизининг таниқли адиблари, олимлари шоирни мўътабар 80 ёши билан қутлашди.

26 майда Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг навбатдаги секретариат мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисга республика Ёзувчилар союзи правлениеси биринчи секретари Сарвар Азимов раислик қилди. Унда Қорақалпоғистон АССР Ёзувчилар союзи фаолияти, союзнинг ижодий ва ташкилий ишига оид масалалар муҳокама этилди. Қорақалпоғистон АССР Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси Тўлепберген Қаипбергенов ўз нутқида қорақалпоқ адибларининг ижодий ишлари ҳақида батафсил сўзлади, мажлис аҳлини автоном республика Ёзувчилар союзининг қилажак ишлари, режалари билан таништирди.

Секретариат мажлисида ёш ижодкорлар — Тилак Жўра, Лидолия Никитина, Улибиди Отаева, Анвар Обиджон, Анвар Исроиловлар СССР Ёзувчилар союзи аъзоллигига қабул қилиндилар.

7 июндан бошлаб қарийб бир ҳафта давомида диёримизда СССР Ёзувчилар союзи органи «Новый мир» журналы кунлари бўлиб ўтди. Журналнинг бош редактори, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, таниқли адиб Владимир Карпов бошчилигидаги бир гуруҳ ижодкорлар пойтахтимиз Тошкентда, Самарқандда, Бухорода китобхонлар билан учрашдилар, республикамизнинг фан, маданият обидалари, ютуқлари, буюк бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишдилар.

СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган бу адабий байрам, айниқса, Иттифоқимизнинг машҳур адиблари — Владимир Карпов ва Андрей Вознесенскийлар билан бўлган учрашувлар республикамиз адабиёт аҳлида унутилмас таассурот қолдирди.

Яқинда Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи қошидаги проза Советининг навбатдаги

ийгилиши бўлиб ўтди. Унда ёзувчи Саъдулла Кароматовнинг «Сўнгги бархан» романи муҳокама қилинди. Муҳокамада Ўзбекистон халқ ёзувчиси Раҳмат Файзий, филология фанлари докторлари — Ҳафиз Абдусаматов, Матёқуб Қўшжонов, ёзувчилар — Одил Ёқубов, Сўнатулла Анорбоев, Уткир Ҳошимов, Эмин Усмонов ва танқидчилар — Иброҳим Ғафуров, Абдуғафур Расулов роман ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар, асарнинг ютуқларини ва баъзи камчиликларини ҳолисанилло қайд этдилар. Муҳокама сўнгида Саъдулла Кароматов сўзга чиқди, роман ҳақида фикр билдирган ўртоқларга миннатдорчилигини баён қилди.

2—9 июнь кунлари республикамизда анъанавий Пушкинхонлик бўлиб ўтди. Тошкентнинг Пушкин майдонидаги митингда, А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида шоирнинг ҳаёти ва ижодига бағишлаб ўтказилган, илмий конференцияда, шунингдек, пойтахтимизнинг қатор олий ўқув юртларида, Горький, Тельман, Пушкин номидаги маданият ва истироҳат боғларида ташкил қилинган адабий кечаларда, шеърхонликларда Александр Пушкин даҳоси яна бир бор хотирланди ва улуғланди. Айниқса, пушкинхонлиқнинг «Баҳор» концерт залидаги якуний адабий кечаси жуда мароқли бўлди. Атоқли шоирамиз Зулфия раислигида ўтган бу кечада Владимир Карпов раҳбарлигидаги бир қатор москвалик ёзувчи, шоирлар ҳам иштирок этди.

12—13 июнь кунлари Жиззахда СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган «Совет Ўзбекистони ёзувчилари асарларида меҳнаткаш ёшлар образи» мавзuida республика қаҳрамонона — ватанпарварлик ўқуви бўлиб ўтди. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи ташкил қилган бу ўқувда республикамиз ва Қорақалпоғистон АССР вакиллари бўлган шоирлар, ёзувчилар ва олимлар қатнашдилар.

Ўқув область партия комитетининг мажлислар залида бошланди. Ўзбекистон ЛКСМ МК секретари Олим Исмоилов ва Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи секретари Уктам Усмонов «Совет Ўзбекистони ёзувчилари асарларида ёшлар образи» мавзuida доклад қилди. Сўнгра Иброҳим Ғафуров, Нормурод Нарзуллаев, Уткир Ҳошимов каби ижодкорлар, жинзахлик ишчи ва деҳқонларнинг илғор вакиллари сўзга чиқиб, бу мавзунинг ўзига хос томонлари хусусида батафсил фикр юритдилар.

Областнинг турли районларида, корхоналар ва дала шийпонларида ўтган учрашувларда шоирлар ўзларининг янги шеърларидан ўқиб бердилар, ёзувчилар меҳнаткашлар билан дилдан суҳбатлашдилар. Бу адабий ўқув кунлари меҳнаткашларда ёрқин таассурот қолдириши баробарида ижодкорларга ҳам янги-янги, сермазун асарлар яратиш учун муҳим ҳаётний манба, илҳом бахш этди.

17 июнда Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг навбатдаги секретариат маж-

лиси ўтказилди. Мажлисга республика Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Сарвар Азимов раислик қилди. Маълумки, 1984 йили ўзбек демократ шоири Аваз Утар ўғли туғилганига 100 йил тўлади. Шу муносабат билан секретариат йиғилишида шоир таваллудини муносиб нишонлаш учун Ўзбекистон ФАнинг мухбир аъзоси Матёқуб Қўшжонов раислигида юбилейга комиссияси тузилди. Юбилейгача Аваз Утарнинг икки жилдик «Танланган асарлар», рус тилидаги шеърлар китоби, унинг ҳаёти ва ижодига оид бир қанча илмий-оммавий асарлар нашр этилади.

Мажлисда Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйи директори Анвар Ҳожининг ижодий-ташкилий ишлар борасидаги ҳисоботи, Адабиётчилар уйи ижодий кенгаши раиси Пиримқул Қодиров доклади тингланди. Адабиётчилар уйи ишини янада яхшилаш тўғрисида аниқ режалар, тадбирлар белгиланди.

Сўнгра «Шарқ юлдузи» журнаlining бош редактори Ҳафиз Абдусаматов журнаlining 50 йиллик юбилейини ўтказиш тадбирлари, қилинган ишлар ҳақида сўзлаб, бу қутлуғ санани муносиб нишонлаш учун редакция коллективи қизғин иш олиб бораётганлигини қайд қилди.

Секретариат йиғилишида ёш ижодкорлар — Чўлпон Эргаш, Тоҳир Қаҳҳор, Атхат Синеғулов, Мақсуда Эгамбердиева, Қўтби Носирова, Уктам Ҳакималиев, Владимир Новопрудский СССР Ёзувчилар союзининг аъзолигига қабул қилинди.

* * *

21 июнь кун Сирдарё ва Жиззах областларида СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган адабиёт байрами бошланди. Бир неча кун давом этган бу маърифат байрамида Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Сарвар Азимов, атоқли ўзбек адиблари — Зулфия, Назир Сафаров, Мирмуҳсин, Туроб Тўла, Иброҳим Раҳим, Одил Ёқубов, профессор Лазиз Қаюмов ва яна бир қанча ижод аҳли сирдарёлик ва жаззахлик меҳнаткашлар билан учрашди, ўз асарларидан ўқиб бердилар, ижодий режалари билан ўртоқлашдилар. Шунингдек, ҳар икки областда ҳам Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг кўчма секретариат мажлиси бўлиб ўтди. Унда сирдарёлик ва жаззахлик ижодкорлардан бир гуруҳи СССР Ёзувчилар союзи аъзолигига қабул қилинди.

* * *

30 июнь кун Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида Ўзбекистон Ёзувчилар союзи ёш ёзувчилар билан ишлаш советининг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди. Шоир Абдулла Шер раислигида ўтган бу машғулотда тошкентлик ёш қурувчи — шоир Фахриддин Хонкелдиевнинг илк шеърий тўплами муҳокама қилинди. Муҳокамада Мирозиз Аъзам, Мирпўлат Мирзаев, Шукур Қурбонов каби шоирлар сўзга чиқиб, ёш ижодкорнинг илк тўплами хусусидаги ўз фикр-мулоҳазаларини айтдилар. Машғулот сўнггида ёш шоирлар мушоираси бўлди.

ЗВЕЗДА ВОСТОКА

СЕНТЯБРЬ СОНИДА

Журналнинг илк саҳифаларида таниқли адиб Ўлмас Умарбеков қаламига мансуб «Дамир Усмоновнинг икки баҳори» қиссасининг охири берилган. Наср ихлосмандлари бу сонда яна Марк Елениннинг «Ленинград балладаси» новелласи, Соҳиб Жамолнинг «Синай қизи» романининг бош қисми билан танишишлари мумкин.

Шеър мухлислари Муҳаммад Али, Сайёр, Александр Файнберг ва бир гуруҳ уйғур шоирларининг шеърларини ўқийдилар.

Журналхонлар Расул Раҳмоновнинг «Саҳийқалб одам» Евгений Березиковнинг «Қашқадарё афсоналари» очерклари орқали она днёримизнинг ўзига хос манзаралари билан танишадилар.

Сентябрда таниқли адиб Сергей Бородин туғилган куннинг 80 йиллиги нишонланади. Шу муносабат билан журналда ёзувчи ҳақида мақолалар, эсдаликлар босилган.

Бош редактор Ҳ. АБДУСАМАТОВ.

Редколлегия: С. АЗИМОВ, Н. ВЛАДИМИРОВА, Ж. ЖАБ-
БОРОВ, ЗУЛФИЯ, Т. МАЛИК (масъул секретарь), МИР-
МУҲСИН, Н. НАРЗУЛЛАЕВ, Ҳ. НИЁЗОВ (бош редактор
ўринбосари), У. НОРМАТОВ, А. ОРИПОВ, И. РАҲИМ,
Т. ТУҲА, УЙҒУН, У. УМАРБЕКОВ, У. УСМОНОВ, Р. ФАЙ-
ЗИЙ, Ҳ. ХУДОЙБЕРДИЕВА, Ҳ. ШАРИПОВ, Ш. ШОМУ-
ХАМЕДОВ, И. ЮСУПОВ, Н. ҚОБУЛ. Ҳ. ҒУЛОМ.

На узбекском языке
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»
(Звезда Востока)
Орган Союза писателей Узбекской ССР
№ 9

Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства ЦК КП Узбекистана,
Ташкент—1982.

Рассом Э. Рўзибоев. Тех. редактор М. Аҳмедов. Корректор А. Билолов.

Редакцияга келган бир босма тобоқчада бўлган материаллар авторларига қай-
тарилмайди.

Журналдан олинган материалга, «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши
шарт.

Теришга берилди 29.06.1982 й. Босишга рухсат этилди 2.09.82 4. Р-03140. Қоғоз
формати 70×108¹/₁₆. Қабарик босма. Физ. листи 13. Шартли босма листи 18,55.
Нашриёт ҳисоб листи 20,2. Тиражи 186.134. Заказ 3734.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ
орденли босмаҳонаси. Тошкент—700029, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

© «Шарқ юлдузи» 1982.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ:
700000. ТОШКЕНТ ГСП, ПУШКИН КУЧАСИ, № 1.
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» РЕДАКЦИЯСИ.

ТЕЛЕФОНЛАР:

БОШ РЕДАКТОР—332437, БОШ РЕДАКТОР УРИНБОСАРИ—332181.
МАСЪУЛ СЕКРЕТАРЬ—330918, ПРОЗА—332181, ПОЭЗИЯ, ТАНҚИД ВА
АДАБИЁТШУНОСЛИК—332479.